

Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадний, ижтимоий-публицистик журнал



МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ҮЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 3/214

2015 йил, март

Бош муҳаррир:
Шухрат РИЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Омонулла РИЗАЕВ
Отабек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Фозил ЖАББОРОВ
Алишер ОТАБОЕВ
Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Фарҳод ва Ширин” достонидан. 3

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ч.ДИККЕНС. Катта умидлар. *Романдан парча. (Инглиз ва рус тилларидан Ш.Миноваров тарж.)*.19

НАСР

Ф.ИСКАНДАР. Юрак. *Ҳикоя. (Рус тилидан Отаули тарж.)*.8
ГУЛБАДАНБЕГИМ. Хумоюннома. *(Форс тилидан А.Қуронбеков тарж.)*.64

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Қалбим шеъримда яшар. *Туркум. (Рус тилидан Э.Самандар тарж.)*.59

ДРАМАТУРГИЯ

Б.НУШИЧ. Унвон керакдир йигитга. *Пьеса. (Рус тилидан М.Қодиров тарж.)*.106
А.БАРИККО. 1900. *Монолог. (Рус тилидан Э.Вали тарж.)*.136

ГЛОБУС

БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Уммонга ёндош уммон.158
Бангладеш шеърляти.171
Бангладеш насри.179
Унутилмас сиймолар.198

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Холида АҲРОРОВА.125

ҲИКОЯ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

О.ОТАХОН. Сарҳадлар.97
Х.Л.БОРХЕС. Соҳилдаги учрашув.100

ТАРЖИМА ТАДҚИҚИ

М.МУРТАЗОХЎҲАЕВА. Қалб кабариклари. .154

ЭССЕ

М.ЙЎЛЧИЕВА. Кечагидай ҳамон эсимда...83
С.МИРҚОСИМОВ. Икки халқ куйчиси.86
Ҳ.ИКРОМОВ. Уни Фарҳод дер эдилар.89

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ, САНЪАТИ

К.ШЧЕРБАКОВ. Мухими инсон бўлиш, ҳамма гап шунда. *(Рус тилидан О.Ризаев тарж.)*.151

Муқовамизда.203
Таквим.204
Тарихда бу кун.200



“ФАРХОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДАН¹

IV²

Ул қуёш рухсори васфидаким, тун киби гису қуёшига соя солди ва “Ваш-шамс” била “Вал-лайл” сурасини анинг юз қуёши била зулфи тунига ўхшатишгонидин ҳар бири бийик поя олди, агарчи ул қуёшқа соя йўқ ер эрди ва ул кечага манзил қуёш устида-ўқ эрди. “Ва саллаллоҳу ало шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи”.

Восхваление красоты того солнца, чьи кудри как ночь заслоняет солнца его и из-за того что суры «Ваш-шамс» («И огонь») и «Вал лайл» («И ночь») уподоблены на солнце его лица и на ночь его кудри, каждый из них возвысился и достиг высокой ступени, хотя то солнце не имело тени и та ночь была на поверхности солнца. «Да возвеличивает Аллах солнце его красоты и тень его совершенства».

*Мухаммад “кофу” “нун”га қурратул -айн,
Туфайли кавн ўлиб, йўқ-йўқки, кавнайн.*

*Мухаммад – зеница ока «кофа» и «нуна»³
Ради него существует мир, нет-нет – два мира.*

*Нубувват кишварининг тахтгири,
Рисолат тахтининг соҳиб сарири.*

*Он завоеватель трона в стране пророчества,
Обладатель восседалица на престоле посланничества.*

*Саририга тўқуз афлок ўлуб фари,
Тўқуз афлокни қўйғил, дегил ари.*

*Девять небес являются ковром на престоле его величия,
Не скажи девять небес, а скажи Ари⁴.*

¹ Давоми. Боши ўтган сонларда.

² Журналхонларимиз, хусусан, таржимашуносларга қулай бўлиши учун дostonнинг аслиятдаги матни билан русча насрий таржимаси кетма-кетликда берилмоқда.

³ «Коф» и «нун» – Кун, то есть, «будь» – слово, произнесенное богом при сотворении мира.

⁴ Арш – самая высшая сфера небес, чертог бога.



*Солиб ҳам Аришу ҳам Курсийга соя,
Бўлуб Курсий анинг тахтига поя.*

*На Ари и на Курси¹ он бросает тень,
Курси служит опорой для его трона.*

*Дема соя, дегилким зилли рафъат,
Не зиллу қайси рафъат, нурри раҳмат.*

*Не говори тень, а скажи тень величия,
Не тень, не величие, а свет милости.*

*Чу ул Ҳақ зилли бўлмоқ поя топти,
Қачон соя, ўзига соя топти.*

*Так он достиг такой степени, что стал тенью бога,
Разве тень может иметь тень?²*

*Юзи гисуни чун пироя айлаб,
Ул оқшом кун юзига поя айлаб.*

*Лицо его украшали кудри,
Та ночь бросила тень на лик солнца.*

*Аёгин ўпгали гар тушти гису,
Бўлур доим чароғ ости қаронгу.*

*Если волосы упали, чтобы поцеловать ногу,
Не удивительно, ибо под лампой всегда темно.*

*Муанбар зулфидек кам соя бўлгай,
Ки ул хуриедга ҳамсоя бўлгай.*

*Такая завеса как его ароматные кудри – редкость,
Ибо она является соседом солнца.*

*Гул узра сунбули очмоқ ажабдур,
Қуёшқа соя чирмошмоқ ажабдир.*

*Диво, когда сунбул открывается на цветке,
Диво, когда вокруг солнца извивается тень.*

*Чу айлаб ҳалқалар ул зулф пайдо,
Бўлуб меҳр узра кавкаблар ҳувайдо.*

*Когда на кудрях появляются петли (завитки),
То как будто на солнце появляются звёзды.*

*Ваё ул Мусҳаф узра килки тақдир,
Қилиб ариш ўрнига анжумни таҳрир.*

¹ Курси – восседалище, трон на Арше.

² Здесь намёк на предание, согласно которому пророк Мухаммед не обладал тенью. Это считается одним из его чудес.

*Может, на том Мухафе¹ перо предопределения
Начертал вместо Арша звёзд.*

*Эмас меҳр узра кавкаб – қил тааммул,
Юзи гулзори очмиш ҳар тараф гул.*

*Это не звёзды на солнце – подумай немножко,
В цветнике его лица открылись цветы.*

*Бўлуб рухсориға ҳар сори гуллар,
Желилик барча гарданбаста қуллар.*

*Цветы повсюду стали,
Рабами его лица со связанными шеями.*

*Демон гул бандасидур бўйни боғлиқ,
Гадоедур тўни ҳар ён ямоглиғ.*

*Не скажу, что цветок его раб со связанной шей,
Он нищий, надевший чапан с заплатами.*

*Қучоқ бирла тикан басдур камоҳи,
Гадолиқ таврида онинг гувоҳи.*

*Охапка шипов является достаточной,
Чтобы свидетельствовать о его нищете.*

*Қади ҳам бўлди гўё бу миҳандин,
Тўни йиртуғлари ҳам бу тикандин.*

*От этой ноши как будто согнулся он,
Халат его рваный от этих шипов.*

*Тикан бўлмоқта аъдосига хунрез,
Қилиб Батҳода нўгин хомадек тез.*

*Чтобы шип пролил кровь его врагов,
В Батхо он сделал острым как перо.*

*Гар илги хома сори қилмайин майл,
Қўюб хаттиға бошин юз туман хайл.*

*Хотя его рука не протягивалась к перу,
Его письму (предписаниям) подчинились миллионы людей.*

*Неча чоки гирибон қилди хома,
Тўкуб ашқини гирибон қилди хома.*

*Сколько раз порвало свой воротник перо,
Проливая слёзы, плакала перо.*

*Очиб оғзин қилай деб дастбўси,
Муяссар бўлмайин бу орзуси.*

¹ Мухаф – книга, Коран. Здесь лик пророка.

*Открыв рот, чтобы поцеловать его руку,
Но не сбылась эта его мечта.*

*Чу бу давлатқа бўлмаи комрон ул,
Қаро оғриққа бўлди нотавон ул.*

*Из-за того, что он не достиг такого счастья,
Заболел чёрной болезнью и стал бессильным.*

*Дема нолеки сиҳҳат топмайин ҳеч,
Тушубтур риштаи жонига юз печ.*

*Не говори, что это стержень, ведь не выздоравливая никак,
В ните его души появились сто завязок.*

*Эмас тирноги узра хома гар шаққ,
Бўлуб бармоги нўгидин қамар шаққ.*

*Хотя его ногти не открыли карандаш
Острие его пальца разделило луну на две части.¹*

*Илик тизинки тортиб фил-ишора,
Қамар қолқонин айлаб икки пора.*

*Сразил он мечом своей руки, давая знак,
И распорол щит луны пополам.*

*Бўлиб курси маҳи тобонни икки,
Киши андоққи бўлгаи нонни икки.*

*Сияющая луна была разделена на две,
Как будто человек разделил лепешку на две.*

*Қилиб чун рўза кўнглин нонга мойил,
Ики бўлгач топиб ком икки сойил.*

*Как будто пост притягивал их сердце к лепешке,
И когда она была разделена, двое нищих
достигли своей цели.*

*Емак комини кўнглидин йўқ айлаб,
Малакдек зикр ила кўнглин тўқ айлаб.*

*Удалив из сердца мечту о еде,
Как ангел насытил душу повторением имени бога.*

*Кавокиб ойига девона онинг,
Малойик шамъига парвона онинг.*

¹ В этом и последующих бейтах речь идёт о чуде, совершенным пророком. Он состояло в том, что по знаку его пальца луна разделилась на две части.

*Звёзды стали безумцами из-за его луны
Ангелы стали мотыльками вокруг его свечи,*

*Мунга девоналиғ солиб тақу тоз,
Анга парвоналиғ ҳар сори парвоз.*

*Те из-за безумия бегут на все стороны,
Эти вращаются вокруг его свечи.*

*Чун шарғи шориш хаттин қилиб фош,
Аёқ ондин чиқоргон топмайин бош.*

*И открыл он широкий путь религии,
Чья нога вышла из него, тот не нашёл своей головы.*

*Бу хатдин тош ангаким пўя этмак,
Югурмак бирла йўқ манзилга етмак.*

*Кто отступает от этой линии и шагает,
Сколько бы он ни бегал, не может прийти до места.*

*Қўяр ассор ўйи чун эгри гомин,
Йўл этмас қатъ тез айлаб хиромин.*

*Бык маслбойицика ступает по кривой и поэтому,
Сколько бы не ускорил ход, не может преодолеть путь.*

*Йўлида эгрилар ассор ўйидек,
Яраб ўлтурғали парвор ўйидек.*

*Кто ступает криво как бык маслбойицика,
Тот годится только к забою как откормленный бык.*

*Бу шориғ бирла топқон йўл яроқи,
Етиб манзилга андоққим Буроқи.*

*Кто собрался в путь и пошёл этой дорогой,
Как его Бурак достиг место, куда он шёл.*

*Қодиржон ЭРҒАШЕВ
тайёрлади*





ҲАМ ФОЗИЛ, ҲАМ ИСКАНДАР

Инсоннинг, айниқса, ёзувчининг исми жисмига ҳамиша ҳам мос келавермайди. Жаҳон шеърятининг беназир шери, мард паҳлавони Алишер Навоий билан жаҳон насрининг беқиёс шери, мард паҳлавони Лев Толстойнинг исми шер билан боғлиқлиги бежиз эмас, албатта. Буларнинг ҳар иккиси ғоят фавқуллодда ҳодиса, истисно ҳол, Худонинг қудрати...

Рус тилида ижод қилувчи абхаз шоири ва адиби Фозил Искандар ҳам жаҳон адабиётидаги ўзига хос ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Фозил Искандар 1929 йил 6 мартда Абхазиянинг Сухуми шаҳрида туғилган. Унинг асли эронлик (турк) отаси Сухуми шаҳридаги ғишт заводининг эгаси бўлган. У 1938 йилда собиқ иттифоқдан Эронга бадарга қилинган. Бўлажак адиб онасининг қариндошлари қўлида тарбияланган. Урта мактабни битиргач, Москвадаги Кутубхона институтига ўқишга кирган. 1951 йилда Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга ўтиб, уни 1954 йилда битирган. Адибнинг “Горные тропы” (“Тоғдаги сўқмоқлар”) номли илк шеърый тўплами 1957 йилда Сухумида нашр этилган. Илк насрий асари – “Хўроз” ҳикояси 1962 йилда “Юность” (“Усмирлик”) журналида эълон қилинган. 1966 йилда машҳур “Новый мир” (“Янги дунё”) журналида эълон қилинган “Дурагай серканинг доврўғи” ҳажвий қиссаси билан жаҳонга танила бошлаган. Шундан кейин ёруғлик кўрган “Қуёнлар ва бўғма илонлар” фалсафий эртаги (1987), “Чегемлик Сандро” эпопеяси (1989), “Инсон ва унинг теварағи”, “Шоир”, “Мактаб рақиси ёхуд номус кучи”, “Инсон кўрғони”, “О, Марат!” каби бир қатор роман, қисса ва ҳикоялари жаҳон китобхонларида улкан қизиқиш уйғотган. Фозил Искандар сазовор бўлган мукофотлар рўйхатиёқ унинг беқиёс доврўғидан яққол далолат бера олади. У собиқ иттифоқ давлат мукофоти (1989), Пушкин мукофоти (1993), Россия Федерациясининг давлат мукофоти (1994), “Триумф” (“Зўр ғалаба”) мукофоти (1999), Абхазиянинг адабиёт соҳасига бериладиган Д. Гулиа номидаги давлат мукофоти (2002), Россия Фанлар Академиясининг рус маданияти тараққиётига қўшилган беқиёс ҳисса учун бериладиган “XX аср рус адабиётининг шоҳ асарлари” хотира нишони (2003), Россия Федерацияси ҳукуматининг махсус мукофоти (2011) билан тақдирланган.

Фозил Искандарнинг, айниқса, Чик туркумидаги ва бошқа жами икки юзга яқин ҳикоялари, адиб сценарийси асосида суратга олинган “Время счастливых находок” (“Ажойиб топилдиқлар палласи”, 1969–1970), “Чегемский детектив” (“Чегем детективи”, 1986) ва бошқа бадиий фильмлар жаҳонда машҳур. 2004 йилда Фозил Искандар асарларининг ўн жилдлиги рус тилида нашр этилган.

“Мен рус ёзувчисиман, аммо Абхазия куйчисиман”, дея таъкидлаган эди Фозил Искандар. Рус тилида ижод қилган Чингиз Айтматов асарларида у мансуб қирғиз халқининг ҳаёти ва миллий ўзига хослиги ёрқин акс этганидек (“Оқ кема”, “Алвидо, Гулсар”, “Момо-Ер”, “Асрага татигулик кун” ва б.), Фозил Искандар асарларида

ҳам абхаз халқининг ҳаёти ва миллий руҳияти кенг эпик миқёсларда ва гўзал шаклларда тараннум этилади. Бу адибнинг ҳаттоки энг ўтқир ҳажвий асарларида ҳам ўзи мансуб абхаз халқининг баайни Хўжа Насриддин афандимиздек кула олиш ва ҳар қандай рақибни ўйнаб-кулиб енгиш қобилияти аён кўриниб туради.

Камина 2008 йилда таржима қилган “Қуёнлар ва бўғма илонлар” фалсафий эртаги 2009 йилда “Жаҳон адабиёти” журналида ёруғлик кўрди, 2012 йилда “Шарқ” НМАКда “Ёзувчининг сирини” жамоа тўпламида Муҳаммад Али Жамолзода, Дино Буццати, Мухтор Мағавин ва Оллоназар Абдиев асарлари қаторида нашр этилди.

Бугунги кунда саксон беш ёшдан саксон олти ёшга ўтаётган, азим Кавказ тоғларининг улуғ фарзандлари каби кавказча умриузқликни амалда намойиш этиб турган донишманд адибнинг “Юрак” ҳикоясини сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Таржимондан

Фозил ИСКАНДАР

ЮРАК

Ҳикоя

“Амра” ресторанининг устки қаватида ҳозирги пайтда нафақат қахва ичиб, шароб сипқориб, газак қилинади, айни чоғда, роса шахмат ўйналади. Нона Гаприндашвили, унинг ортидан эргашган бир қатор гуржи шахматчи аёлларининг ажойиб ғалабалари Гуржистон ва Абхазиядаги эркакларда бу қадимий ўйинга қизиқишни кучайтириб юборди.

Ҳарқалай, улар илгарилари зиёфат билан нарда ўйинига сарфлаган вақтларининг каттагина қисмини эндиликда шахматга бахшида этмоқдалар. Эҳтимол, бу муайян даражада аёлларга етиш ва уларга муносиб ўринларини кўрсатиб қўйиш йўлидаги, сирасини айтганда, беҳуда уринишдир. Муносиб ўринларига бўлмаса-да, жиллакурса, аввалги ўринларига қўйиш. Бундай уринишлардан қатъи назар бу ишда эркакларга аёлларга етиш муяссар бўлмапти ва афтидан, муяссар бўлиши ҳам даргумондек. Мен ўтган асрда ҳаддан ташқари кўп ичилган демоқчи эмасман, шунчаки умид уйғотувчи далилларнинг йўқлигини эслатмоқчиман холос. Аммо эркаклар ҳаракат қилишяпти. Улар ҳозирги пайтда, жумладан, “Амра” ресторанининг устки қаватида кўп ва қизгин ўйнамоқдалар.

Бу ерда Виктор Максимович икковимиз ҳам гоҳида бўшаган шахмат тахтаси олдида жойлашиб ўтириб оламиз. Биз деярли бир хил савияда ўйнаймиз. Виктор Максимович айрим ишқибозлар ва ҳатто, афсуски, улуғ гроссмейстерлардан одоблироқ (Мана, инсонга хос аклий қобилиятнинг чексизлиги ва ахлоқий хусусиятларининг чекланганлиги ўртасидаги ҳам кулгили, ҳам қайғули каттакон жарлик!). Демоқчиманки, у ўйин чоғида ниҳоятда хушмуомала бўлади. Бу фазилатни шунинг учун ҳам қадрлаш керакки, Виктор Максимович мағбулиятга учрашни худди ўйинқарок болакайга ўхшаб жуда ёмон кўради.

Бир куни ўйин чоғида унинг шоҳини мот бўлиш тўри қоплади. Мен бундай вазиятда шошқалоқлик қилмаслик, аҳмоқона йўл юриб қўймаслик ва бу тўрдан қутулиб чиқиб кетмаслиги учун бахузур ўйга чўмдим. Аммо Виктор Максимович шу қадар енгилишни хоҳламас эдики, менинг узок

ўйга толишимга унинг асаблари дош беролмай қолди. У менинг тошимни чангаллаб, ўзаро бир неча юришлар қилиб, эълон қилди:

– Мот!

Шундай қилиб, ўзига ўзи мот кўяр экан, у бу ишни ўз қўли билан қилиб, бир ҳисобда ўзини эмас, мени мот қилди гўё. Мана, у мағлубиятни қанчалик ёмон кўради!

Аммо бу гал ўйинимиз унинг ғалабаси томон кетмоқда эди. Иссик куёшли кун эди. Биз чодир остидаги стол атрофида ўтирган эдик. Денгиздан энгил эпкин эсиб турибди. Кутилаётган мағлубият мен учун катта фожа бўлиб туюлмапти.

Ёнимиздаги стол атрофида ашаддий шахмат ишқибозлари уймалашиб туришибди. Енгилган ўйиндан чиқиб кетади. Ўрин алмашишга ўйнашар, ўзининг навбати келишини кутиб турганлар ўйнаётганларнинг юришларини таҳлил қилиб, уларга маслаҳатлар беришар, ҳазил-мутўйба қилишарди. Улар орасида Турк деган оддийгина лақабли энг ашаддий ишқибоз алоҳида ажралиб турарди, чунки у аслида ҳам турк эди.

Виктор Максимович ўйинни ғолибона яқунга етказди. Мен ўйинни янгидан бошлашга кистамадим. У ўриндикқа ястаниброқ ўтириб, менга шундай бир хикоя тухфа қилди:

– Менинг ҳаётимда ўлим даҳшати бутун борлигимни ишғол қилиб олган ҳолатлар кўп бўлган. Бу даҳшатни ҳамиша энгиб ўтишга муваффақ бўлганман. Чунки мен уни энгиб ўтишга тайёргарлик кўрганман. Ўсмирлигимдан бошлаб ўзимни бунга чиниқтирганман. Мен муайян шароитларда ўлимни муносиб тарзда кутиб олиш, ўлимни ҳақ деб билиш кераклигига ўзимни ўргатдим. Кўп нарса мана шунга боғлиқ. Ҳеч кимнинг ўзимни таҳқирлашига ва мен турган жойда ҳеч кимнинг таҳқирланишига йўл қўймаслик ўсмирлигимнинг энг буюк шиори эди.

Ҳарқалай, бутун вужудимни қамраб олган ҳақиқий ўлим даҳшатини мен жангда эмас, қамоқхонада эмас, шу ерда, тинч-осуда ҳаётимда бошимдан кечирганман. Ўн йилча аввал мен кўпчилик қатори сув ости овига қизиқиб қолдим. Ўзимга шунақанги бақувват қурол ясаб олдимки, бунақаси нафақат ватанимизда ишлаб чиқарилмаган, хорижда ишлаб чиқарилган қуроллар орасида ҳам йўқ. Менинг нафасим чуқур эди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: денгиз соҳилида ўсганман, болалигимдан сувга чуқур шўнғиганман. Кейинроқ бокс билан, энгил атлетика билан шуғулланганман. Сув ичида уч-тўрт дақиқани бемалол кечира олар эдим. Овдан камдан-кам ҳолларда балиқсиз қайтиб келар эдим.

Кунлардан бир куни сув ости қоясининг ёнида шўнғиб, кенгпешана лобан балиғини кўриб қолдим. У сув ости қоясидан бир неча сантиметр узокликда сузгичларини қимирлатиб турар эди. Мен оҳиста сузиб яқинлашдим-да, кўзлаб туриб, тепкини босдим.

Одатда ўқ отилганидан кейин ғаввос сув юзасига сузиб чиқади. Агар ўқ балиқни тешиб ўтган бўлса, уни осилиб турган ипидан тортиб олади. Чиқариб, белига боғлайди-да, қуролини қайта ўқлаб яна шўнғийди. Агар ғаввоснинг ўқи балиққа тегмаса ёки балиқ бир амаллаб ўқдан қутулиб чиқса, ғаввос қайта ўқлаб шўнғийди. Ўққа боғланган пишиқ капрон ип ғаввоснинг белига боғланади.

Бу гал отган ўқим лобанга тегмади-да, мен сув юзасига чиқа бошладим. Сув юзасига тахминан ярим метрча қолганида дафъатан сезиб қолдимки, ўқ боғланган ип таранг тортилиб, мени сув юзасига чиқишга

кўймай турибди. Ўқ қоянинг бирон тирқишига қисилиб қолган-да, у ерда чикмай турганини тушундим. Белимдаги пичоғимни пайпаслаб уни уйда унутиб қолдирганимни эсладим. Борлиғимни кўрқув чулғаб олди. Мен ипни белимдан узиб ташлашга уриндим, бироқ уддалаёлмадим. Ип жуда маҳкам эди. Мустаҳкам таянчсиз сувда туриб уни узиш мумкин эмас эди.

Мана шунда мен ўлим даҳшатини ҳис қилдим. Бир неча лаҳзалардан кейин ҳушимни йўқотаман, яна бир неча дақиқалардан кейин эса, жасадим сув юзасидан ярим метрча пастда чайқалади. Табиийки, қаёққа йўқолиб қолганимни ҳеч ким билмайди. Мен тепага қарадим-да, нисбатан юпкагина сув орқали кўзларни қамаштиргувчи тилларанг куёшни кўрдим. Ғайришуурий тарзда кўлимни сувдан чиқардим, гўё у билан ҳавони тутиб, ўзимни сувдан қутқариб олишга урингандек. Аммо бу мумкин эмас эди.

Шунда, қарийб ҳушимни йўқотар эканман, сўнгги имкониятдан фойдаланиб қолишга уриндим. Қояга қадар шўнғиб, оёқларим билан унга таянган ҳолда бор куч билан ипни тортишим керак. Агар ип узилса – тиррик қоламан, агар узилмаса – тамом. Бу ҳам айтишгагина осон! Нафасим қайтиб кетяпти. Шунда ҳам: “Ишқилиб, оёқларим билан қояга таянгунига қадар ҳушимни йўқотиб кўймасам эди”, деган ўйда шўнғияпман. Фақат шу фикрга, фақатгина шу бир фикрга маҳкам ёпишган ҳолда ипни кўлимда йиғиштирган кўйи қояга қадар шўнғиб бориб, унга оёқларимни тирадим-да, бор кучим билан ипни тортдим-у ҳушимни йўқотдим.

Неча лаҳзалар ёхуд дақиқалардан кейин сув юзасида ҳушимга келганимни билмайман. Аҳволим эрталаб қаттиқ безгак тутиб уйғонганда қандай бўлса, худди шундай: жисмим пачоқлаб ташлангандек. Соҳилга қадар беш юз метрлар бор. Бир амаллаб сузиб бордим. Соҳил томонга сузиб бораётиб ҳаётимда биринчи маротаба сузишга ҳолим келмай чўкиб кетишдан кўрқдим. Ўзимга болаликдан севимли бўлган денгиз биринчи маротаба мени ижирғантирди, гўё илимилиқ ва қўланса бўтана ичида сузиб бораётгандекман.

Қирғоқда ўпкамадаги сувни йўталиб чиқардим, ошқозонимдаги сувни қайт қилиб ташладим. Дам олиб ётдим. Сўнг уйга кетдим.

Ўн кунча ўзимни ҳолсиз сезиб юрдим-да, сўнг аслимга қайтдим. Кунлардан бир куни денгизда сузиб кетяпман. Соҳилдан ўн беш-йигирма метрча сузиб бораётиб кутилмаганда юрагимнинг қандайдир қўшалок тарзда уриши-ю бир лаҳза тўхтаб қолишини сездим. Эҳтимол, икки-уч лаҳза тўхтаб ҳам қолаётгандир – билмадим. Аммо шунақанги ёқимсиз бир туйғуки, асти қўяверасиз. Шунда бир кун аввал ичганимни эсладим-да, сабаби мана шунда бўлса керак деб ўйладим. Бундан аввал бирон марта юрагим панд бермаган эди, биринчи маротаба шундай бўлиши эди. Яна сузиб кетдим. Кутилмаганда тагин юрагим қўшалок тарзда уриб, сўнг худди уришдан тўхтаб, сувда нафасим қайтиб кетаётгандекман. Юрагимнинг яна безовта бўлишидан кўрқиб, оҳистагина соҳил томонга суза кетдим.

Эртасига эрталаб сувга шўнғидим-да, юрагимнинг уришига кулок солдим. Афтидан, ҳаммаси жойида. Мана шунақа, дейман ўзимча, ёш ўз кучини кўрсатиб бошлади, юрак ҳам ичганимдан кейин безовта бўлишга тушди. Шундай деб ўйлашим билан кечаги ҳол тагин такрорланди. Юрагимдан қаттиқ жаҳлим чиқиб, унинг безовталанишига парво қилмаган ҳолда сузавердим, сузавердим. У безовталанаверди. Мен сузавердим.

У безовталанаверди. Ахийри чидаёлмай қолдим. Муҳими шунақанги ҳолатдаки, юрагим фақат шу икки-уч лаҳзагагина уришдан тўхтапти. Узоқроқ фурсатга ҳам тўхтаб қолиши мумкин-ку. Ана ўшанда тамом.

Мен барибир тезда таслим бўлмадим. Шуни сездимки, соҳилдан йигирма-ўттиз метр ичкарига сузиб кирганимдан кейингина юрагим безовталана бошлади. Балки бу қандайдир чуқурликдан ғайришуурий бир кўркүвдир. Атайин денгизга қайикда сузиб чиқаман, ундан ўзимни сувга отиб сузаман-да, агар бу айнан чуқурликдан кўркиш ҳисси бўлса, уни енгиб ўтмоқчи бўламан. Аммо у ерда ҳам айни ўша антиқа руҳий ҳолат чулғаб олди. Охирги маротаба минг машаққатлар билан қайикқа қайтиб чиқиб олдим. Юрагимнинг безовталиги ва бир муддатга бўлса-да тўхтаб қолиши шу қадар мени кўрkitиб юборди.

Ахийри шифокорга кўринмоқчи бўлдим. Терапевт юрагимнинг уришига кулоқ солиб, электрокардиограммага жўнатди ва ахийри менга:

– Юрагингиз йигирма яшар йигитчанинг юрагидек. Мен ҳеч нимага тушунмаяпман. Сиз руҳшуноса кўринишингиз керак, – деди.

Мени Мухусдаги энг машҳур руҳшунос билан таништириб қўйишди. Сухбат асносида у бошини жаҳлдор хўроз каби қуйи солиб, қовоғини уйиб ўтирди-да, ҳар бир гапимни энсаси қотиб эшитди.

Гапларимни бўлиб, аллақандай тушунарсиз атамаларни қалаштириб ташлади, бироқ менга нима бўлаётганини тушунтириб беролмади. Менинг сув ости ови ва бошқа сузишларим ҳақидаги жамики ҳикояларимни тинглаб бўлгач, у гўёки энг асосийсини сир сақлашимни фош этаётгандек, учар қанотим ҳақида гап кўзгади.

Афтидан, кимдир унга менинг қўл кучи билан ҳаракатланадиган учар ускуна яратишга уринаётганимни айтганга ўхшайди. Қачондан буён бу иш билан шуғулланаётганимни сўради. Учар қанот яратиш фикри сизда фронтда контузияга учраганингиздан кейин пайдо бўлмадими мабодо, яхшироқ эслаб кўринг, деб маслаҳат берди. Бундан қандай мақсадларни кўзлаганим, учар қанотдан йиқилиб тушган чоғларимда қандай жароҳатлар олганим, шунга ўхшаш тафсилотларни сўраб-суриштирди.

Мен янгича учоқ билан кўпдан буён шуғулланиб келаётганим, денгизда бошимдан кечирганларим билан унинг ҳеч бир алоқаси йўқлигини босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилдим.

– Ниманинг нимага алоқаси борлигини мен сиздан яхшироқ биламан, – дея гапимни бўлди у.

Шундай дея тағин бошини хўроз каби қуйи солинтирган қуйи мендан жудаям хафалигини изҳор қилиб, агар мен учар қанот билан шуғулланишни бас қилмасам, ўзимни аввалига денгизда (бу бошланиши!), кейин қуруқликда тобора ёмонроқ ҳис қила боришим, ана ундан кейин, ҳойнаҳой, буткул ақлдан озгач, ҳавони ўзимнинг ягона яшаш жойим деб эълон қилишимни айтиб огоҳлантирди.

Эҳтимол, мен андак муболаға қилаётгандирман, аммо, ростини айтсам, менинг олдимда қип-қизил жинни ўтирар эди. Мен унинг савол аралаш огоҳлантиришларига жавоб қайтарар эканман, қариндошларимдан ҳеч кимда туғма аклий ноқислик аломатлари бўлмаганини айтганимда у асабий тарзда ўшқириб берди:

– Бу қанақаси, сиз менинг олдимга даволангани келдингизми, ё ҳаммасини рад қилгани?!

Хуллас, бу ё илм, ё беморлар сабаб томи сал қийшайиб қолган одам-

дан базўр қочиб кутулдим. Энди нима қилиш керак? Яна бир-икки марта сузишга ҳаракат қилиб кўрдим, аммо ҳаммаси яна такрорланди. Ана шунда денгизда сузишдан ҳам, сув ости овидан ҳам воз кечишга тўғри келади, деган хулосага келдим. Бу ҳам қариллик аломати, дея ўзимни ўзим овутидим мен, қариллик деганлари ҳар бир одамга ҳар хил тарзда келади.

Мени денгиз билан, ҳарқалай, қайиқ боғлаб турар эди. Бўш пайтларимда қайиқда туриб ов қилишим мумкин эди. Шу бир имкониятдан фойдалана бошладим. Орадан бир йил ўтди. Денгизда бошқа чўмилмадим. Сув остидаги ов қуролини бир ишқибозга совға қилиб юбордим. Кунлардан бир куни апрелда, соҳилдан тахминан бир километр ичкарида бир кўшни болакай билан ов қилиб ўтирибман. Бу айёрона чакнаб турган қора кўзли ўн яшар ажойиб болакай отам билан дўст бўлган ўз бобосига жуда-жуда ўхшаб кетар эди. У бобоси ва онаси билан бирга, отасиз яшар эди. Отаси оиласини ташлаб кетганди. Эҳтимол, бир жиҳати шунинг учун ҳам болакай менинг олдимга келиб, учар қанот атрофида гиргиттон бўлаётганимни соатлаб томоша қилиб ўтирар эди. Гоҳида мен уни балиқ овига олиб кетар эдим.

Биз йирикрок чурвақаларни овлаймиз. Овимиз бароридан келиб турибди, бироқ оқим ҳам ўз ишини қияпти. Нагижада биз чурвақалар галасидан узоклашиб кетамиз. Вақти-вақти билан эшкак эшиб келиб, мўлжалнинг устида тўхтаймиз. Кутилмаганда моторли қайиқнинг шовқини тобора яқинрокдан эшитилади. Мана, у бизга сув сачратди ва қайиғимизни катта тўлқинда чайқалтириб шундоққина ёнимиздан ўтиб кетди. Мен хоҳолаб кулганча ортидан қараб рулни бошқариб кетаётган балиқчини кўрдим. Унинг ёнида яна биттаси ўтирибди. Ичиб олганлари аниқ. Қайиқ кескин бурилди. Мен у тўнтарилиб кетади деб ўйладим. Бироқ қайиқнинг мотори кучли экан.

Қармоққа балиқ кетма-кет илиниб турибди. Биз тағин овга шўнғиб кетдик. Мен бу маст-аласт балиқчиларни буткул унутдим. Тахминан ярим соатлардан кейин тағин мотор товуши эшитилди. Аммо бу гал моторли қайиқ, афтидан, масофани чамалаб кўрмай, бизга шу қадар яқин келдики, қайиғимиз у ҳосил қилган катта тўлқинда тўнтарилиб кетди.

Ҳаммаси бир лаҳзада рўй берди. Қайиғимизни ағдариб кетган ярамаслар нима бўлганини сезмаслиги мумкин эмас эди. Афтидан, қайиғимиз тўнтарилиб тушганини кўриб-билиб, содир бўлган воқеага тегишли жавобгарликдан кўркиб, улар шаҳар томонга ошиғич сузиб кетдилар. Тез орада мотор овози ўчди. Ўзимни сувда кўриб, қайиқ тўнтарилганда болакай лат емадими экан, дея кўркиб кетдим.

– Ҳеч нарса қилмадими? – деб сўрадим ундан.

– Йўқ, – деб жавоб қилди болакай ўзига хос хотиржамлик билан. Унинг балиқдек чакқон суза олишини билар эдим, бироқ апрель ойи – сув хали муздек. Биз ўзимизга келиб, мен болакайнинг қошига сузиб келгунимга қадар қайиғимизни тўлқин ўн беш метрча нарига суриб кетди. Нима қилиш мумкин? Мен, албатта, уни қувиб ета оламан. Аммо, биринчидан, болакайни ёлғиз қолдиришдан кўрдим, иккинчидан, энди ундан нима фойда? Барибир уни тағин ағдариб, ўнглаб қўйишга икковимизнинг кучимиз етмайди. Унинг устига чиқиб, бизни топиб олгунларича кутиш – хавфли. Қирғоққа қараб сузишга қарор қилдим. Анови аблаҳлар қайиқни ағдариб юборганларини ақалли кимгадир айтишар, шунинг учун кимдир бизни қидириб келар деган умидда эдим. Табиийки, ўз қилмишларини сотмайдиган ишончли дўстларига айтар, деган умиддаман.

Ана шунда мен ўз юрагимни эслаб қолдим. Аммо зумда унутдим. Менинг ёнимда болакайнинг борлиги, уни қандай қилиб бўлмасин сохилга соғ-омон етказишим кераклиги ҳақидаги фикр бутун борлигимни банд қилиб олганди. Юрагимни эслар эканман, қарийб шу заҳоти ўша кўксимдаги қўшалок уриш ва бир лаҳзалик тўхташни ҳис этдим. Ҳаммаси худди аввалгидек, лекин улардан бир неча барабар кучсизроқ. Гўёки юрагимни безовта қилган куч: “Мен ҳалиям йўқолганим йўқ, аммо шу топда сен менга нисбатан бақувватроқсан”, деб тургандек.

Мен буни яққол ҳис қилдим. Болакай ҳақида қайғуриш бошқа дардларимни миямдан сиқиб чиқарди. Мен унинг қошига яқинроқ сузиб келиб, кўйлагининг тугмаларини ечдим. Бир қўлим билан уни кўтариб туриб, “Ечин!” деб буюрдим.

У кўйлагини майкасига кўшиб ечиб ташлади. Мен сувда унинг оёғини пайпаслаб топиб, пойабзалини ечдим. Сўнг унинг шимидаги қайишини пайпаслаб топиб, бўшатдим. Болакайни елкамга олган кўйи шимини ҳам ечиб ташладим. Ўзимнинг кийимларимни ҳам ечдим. Кийимларимиз оқим бағрида биздан тобора узоклашди. Биз фақат калта иштонда қолдик.

– Сен ҳечам кўркма, – дедим болакайга ўзимни имкон қадар хотиржам кўрсатиб, – биз албатта сохилга қадар сузиб борамиз.

– Кўрқаётганим йўқ, – деб жавоб қилди у, – фақат мен тушунмаяпман: нега улар қайиғимизни ағдариб кетишди?

Унинг қора кўзлари рўй берган воқеанинг мазмун-моҳиятини англаб етишга уриниб, менга диққат билан тикилиб қаради.

– Ичиб олган тентаклар-да, – дедим мен, – аммо сен ҳечам кўркма. Биз қирғоққача сузиб бора оламиз.

Айни лаҳзаларда болакайнинг кўриниши яхши, аммо мен биламанки, совуқ тагин ўн беш дақиқалардан кейин ўз кучини кўрсата бошлайди. Қишлоғимиз жойлашган ям-яшил сохил бу ердан сув бағрида чайқалиб тургандек кўринади. Мен денгиз сатҳига тикилиб қарадим. Аммо яқин атрофда биронта қайиқ кўзга ташланмайди. Йилнинг бу пайтида бу ерларда камдан-кам ов қиладилар.

– Витя амаки, – деб сўради болакай орадан бир муддат ўтиб, – қайиғингиз энди тамом қўлдан кетдимми?

– Йўқ, – дедим мен, – оқим уни Гулрипшоҳ тарафлардаги қирғоққа чиқариб ташлайди.

Ўн беш дақиқалар ўтиб, кутганимдек, болакайнинг думалоқ юзи оқариб-кўкара бошлади. Аммо у ҳозирча яхшигина сузиб турибди. Мен фақат унинг оёқ томирлари тортишиб қолишидан кўрқяпман. Оғрик забтидан у ўзини идора қилолмай қолиши мумкин. Бундай тақдирда уни сохилгача оборишим даргумон. Яна ўн дақиқалар ўтиб, унинг юзи кўкимтир тусга кирганини кўрдим.

– Совқотдингми?

– Йўқ.

Ўзимнинг тишларим такиллаш бошлади. Болакай ҳалиям ўзини бардам тутяпти.

– Тўхта, баданингни ишқалайман, – дедим.

Мен унга яқинроқ сузиб келиб, бир қўлим билан сувда мувозанатимни сақлаган ҳолда иккинчи қўлим билан кучим борича унинг елкалари, қорни, оёқларини ишқаладим.

– Оғрияпти, – деди у кутилмаганда.

– Чида, – дедим мен, унинг баданини бор кучим билан ишқалар эканман.
– Керак бўлса, чидайман, – деди у ва лабини тишлади.

Мен унинг қовурғалари саналиб турган озгингина баданини ишқалашга шу қадар кўп куч сарфладимки, кўлларим қотиб қолди. Аммо унинг юзидан тупроқ ранги кетиб, рангига қон югурди. Биз тагин сузишда давом этдик.

– Чарчамадингми? – сўрадим бир оздан сўнг.

– Йўқ, – деди у ва бир муддат ўйланиб туриб, кўшиб кўйди: – Барибир сузишимиз керак-да.

Биз сузишда давом этдик. Мен унга аввалбошда қулочкашлаб эмас, ўзим ўргатганимдек, брасс усулида сузишни тайинлаган эдим. Қулочкашлаб сузганда кўллар нисбатан тезроқ толиқиб қолади.

– Витя амаки, – деб сўради у менга ғамгинлашган қора кўзларини тикиб, – одам маст бўлганида жиннига ўхшаб қоладими?

Афтидан, у ҳали-ҳануз қайиғимизни ағдариб кетганлар ҳақида ўйлар эди.

– Улар аблах одамлар, – дедим мен, – одам ичиб олганида, агар аблах бўлса, унинг аблахлиги юзага чиқади.

Болакай бир бош чайқаб, сузишда давом этди. Унинг юз ифодасидан нима ҳақдадир берилиб ўйлаётгани сезилиб турар эди.

– Улар ҳам қизғанчиқларга ўхшар экан-да, – деди у бир оздан кейин, менга бир кўз ташлаб, – Жорикнинг велосипеди йўқ пайтида мен унинг қизғанчиқлигини билмас эдим, энди бўлса, биламан.

– Тўппа-тўғри, – унинг гапини маъқулладим мен.

Бир оздан кейин ўзим совқотиб кетаётганимни сездим. Болага қарадим. Унинг юзи тагин кўкариб келмоқда эди.

– Тўхтаб тур, – дедим мен ва унинг ёнига сузиб келдим.

Тагин уни бир қўлим билан сув юзасида тутиб, иккинчи қўлим билан баданини ишқаладим. Мен бор кучим билан ишқадим, аммо у чидаб, ингранмади. Бир қўлим қотиб қолганида кўлларимни алмаштириб, иккинчи қўлим билан ишқаладим.

Яна унинг рангига қон югурди. Биз сузишда давом этдик. У чарчаб қолганини кўриб турган бўлсам-да, тагин совқотиб қолишидан кўрқиб тўхтамадим. Гоҳида бир муддат ўз юрагимга қулоқ солиб кўрдим, аммо мутлақо безовта бўлмапти. Ўзим ҳам нимагадир унинг безовта бўлмаслигини ва безовта бўлмаслиги кераклигини билиб турар эдим.

Соҳилга қадар тўрт юз метрча қолди. Соҳилдаги ям-яшил дарахтлар аниқ-равшан кўзга ташланмоқда эди. Кутилмаганда ўнг оёғимнинг томири тортишиб қолаётганини сездим. Оёғимнинг оғриғи билан баравар болакайнинг тақдирига қайғуриш ҳиссини ҳам теран туйдим. Оғрикни сездирмасликка уриниб тагин болакайнинг қошига сузиб келдим-да, унинг баданини ишқалай бошладим. Энди бир оёғим ўзимга мутлақо бўйсунмас, шу боис сувда мувозанатни сақлаш анча мушкуллашган эди.

Агар чап оёғимнинг ҳам томири тортиша бошлагудек бўлса, унинг баданини ишқалаб қиздириш имкониятини ҳам қўлдан бой беришим мумкинлиги мени қаттиқ безовта қилмоқда эди. Шунинг учун улгуриб қолишга ҳаракат қилдим. Мен унинг тўпиғигача қўл югуртириб, нимжонгина қовурғалари-ю куракларини пайдар-пай ишқаб, қорнини уқаладим. Афтидан, ахволнинг накадар жиддийлигини ҳис қилиб ҳаммасига чидади, фақат гоҳида беихтиёр ихраб юборар эди.

Ахийри тагин унинг рангига қон югурди, мен енгил нафас олдим. Ўзимнинг чап оёғимнинг ҳам томири тортишиб қолмаслиги учун уқалаб кўйсам ёмон бўлмасди деб ўйлаган ҳам эдимки, беихтиёр чинқириб юборишдан ўзимни базўр сақлаб қолдим: чап оёғимнинг ҳам томири тортиша бошлади.

Иккала оёғим ўзимга бўйсунмаса-да, чўкиб кетмас эдим, чунки уста сузувчи эдим, аммо энди бу ёғи нима бўлишини билмасдим. Томир тортишишу тиришиш агар қорин пайларига қадар етиб келса, одам на ҳаракатланолмай, на қад ростлаёлмай қолади, деб эшитган эдим. Жон-жаҳдим билан ўз қорнимни ишқалаш, чимчилаш, тимдалаш билан машғул бўлдим.

Қирғоққа қадар икки юз метрча қолган эди. Энди мен бир қўллаб сузганимча болакайнинг ортидан базўр улгурмоқда эдим. Сохил ҳам, денгиз ҳам кимсасиз эди, бинобарин, кўмак кутиб бўлмас эди. Бир қўлда зўриқиб сузганим учун бўлса керак, юрагим бўғзимга келиб тикилгандек бўлмоқда эди. Э, Худо, дея илтижо қиламан ўзимча, яна юз метрга чидагулик куч ато эт ўзинг, нарёғига менга бир нима бўлган тақдирда ҳам болакайнинг ўзи соҳилгача сузиб бора олади. Шундан кейин мен, афтидан, бир муддат ҳушдан кетганга ўхшадим. Хушимга келиб қарасам, гарчи менинг сузиш тезлигим камайса камайгандир, лекин зиғирча ҳам оширишим мумкин бўлмаса-да, болакай ортимда қолиб кетибди. Тўхтаб уни кутиб турдим. У ёнимга етиб келди. Ранги бўздек оқариб кетган.

– Онамга ачиняпман, – у кутилмаганда шундай деди-да, гапини давом эттиришдан уялгандек жим қолди.

– Нималар деяпсан! – қичқириб юбордим мен. – Қарасанг-чи, соҳилга қанчалик яқинлашиб қолдик.

У менга ҳеч нима деб жавоб қилмади. У ажойиб болакай эди. То сўнгги лахзаларга қадар ўзини мардона тутди. Сўнгги метрларни мен ярим бехуш ҳолатда сузиб ўтдим. Соҳилга чиқараверишда оёққа турмоқчи бўлдим, аммо нега оёқларим гавдамни тутиб туролмаганига дарров туншунмаган ҳолда йиқилиб тушдим. Болакай сувдан чиққан заҳоти ўзини иссиқ қумга ташлади. Мен судралиб соҳилга чиқдим. Энди ҳар икки оёғимнинг томири тортишиб акашак бўлиб қолганини яширишимга ҳожат йўқ эди.

Оқим бизни ўз қишлоғимиздан беш юз метр олисга суриб кетибди. Болалик нақадар яшовчан! Ярим соат ўтар-ўтмас болакай қумда бемалол ўйнаб-қувнамда эди. Мен бўлсам, икки соатлардан кейингина оёққа тура олдим. Кун жуда иссиқ эди ва мулойимгина денгизга қараб туриб биз ҳалигина у ерда музлаб қолгудек бўлганимизга ишониш мушкул эди.

Биз қирғоқ бўйлаб ўз қишлоғимиз томон йўл олдик. Ўйлашимча, болакай уида бор ҳақиқатни гапирмагани маъқул. Онасини ранжитишнинг нима кераги бор? Буларнинг ҳаммаси соҳилга яқин жойда бўлиб ўтди дейиш мумкин. Аммо кейин бу фикримдан қайтдим. Яхшиси, нима бўлганини рўйирост айтгани маъқул! Болакайнинг биринчи ҳақиқий ғалабаси, бу – ўзига хос байрам, нега энди сир тутиши керак?

Ўша куни чегарачилар менинг қайиғимни судраб келишди. Аммо мен бу ишни шундоқ қолдирмоқчи эмасман. Бахтимизга, на болакай, на мен шамоллаб қолмадик. Икки-уч кун ўтиб, шаҳарга йўл олдим. Ўша моторли қайиқ рулини бошқарган, бизга қараб масхаралаб кулган одамни эртадир-кечдир топишимни билар эдим. Уларнинг ҳаммаси баайни тухум босиб

ётган товуклардек ҳаттоки денгизга чикмаган пайтларида ҳам қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойга йиғилишади.

Мен у ерга кирганимда унинг домино ўйнаб ўтирганини кўрдим. Балиқчилардан айримлари мени феъл-атвори ғалатиноқ зиёли деб билишар, аммо улардан ҳеч бири билмас эдики, мен қамоқхона кўрган қирриқман.

Стул қошига келдим. У мени танигани учун эмас, ўзининг жиноятига боғлиқлигимни тахмин қилгандек бошини кўтариб менга маъноли тикилиб қолди.

– Милицияга борамизми, ё шундоқ гаплашамизми? – сўрадим ундан.

Мен унинг булардан қай бирини афзал кўришини билар эдим. Мен ҳам шунисини афзал кўрмоқда эдим.

– Шундоқ гаплашсак гаплашаверамиз, – дея пўнғиллади у, бу суҳбат ўзига неча шишага тушишини яхшигина фаҳмлаб.

– У ҳолда анави ёққа бор, – дедим унга балиқчилар ўз моторлари ва бошқа анжомларини сақлайдиган хўжрачалардан бирига ишора қилиб. У жимгина ўрнидан туриб, ўша томонга кетди.

Мен балиқчиларга унинг қилмишини қисқача гапириб бердим. Улар эса бунга жавобан қаттиқ таажжубланиб “оҳ-воҳ” қилишди. Уларнинг таажжублари бир пулга қимматлигини мен билар эдим. Таажжублана туриб улардан бири ҳазил аралаш гап қилди:

– Бу ерда, Максимич, ярим литрсиэ масалани ҳал қилиб бўлмас экан...

Бошқаси мени муроса-мадорага қақириб деди:

– Ҳа энди, йигитчалар рулни эркиноқ бошқариб, сал ҳазиллашган экан-да...

Барзанги турган хўжрачанинг қошига келдим-да, уни ичкарига бошлаб кирдим. Ҳаттоки болалик чоғларимда ҳам ҳеч қачон биринчи бўлиб қўл кўтармаганман. Қамоқда кўпинча бошқани ҳимоя қилиб шундай йўл тутишга тўғри келган. Юриб кетаётиб унга бир мушт туширдим. Унинг боши чайқалиб кетди, лекин йиқилиб тушмади. Наҳотки қўлим кучсизланиб қолган, деб ўйладим мен ва унга иккинчи муштни туширдим. Шунда у шохи қайрилган буқадек чўккалаб қолди.

– Нима, мен ёлғиз эдимми?... – дея минғирлади у бошини чайқаб, оғзидан оқаётган қонни артар экан.

Мен болакайнинг ҳоли не кечиши мумкинлигини дафъатан тасаввур қилдим-да, қаҳр-ғазабдан ўтдек ёниб кетдим: менинг бу ёғи билан ишим йўқ, аблаҳ, сен ўз ҳаётингнинг қадрига ҳам етмас экансан-ку!

– Рул сенинг қўлингда эди, – дедим мен унга, анчагина оғирлашиб қолган гавдасини икки қўлимда тутган қўйи дона-дона қилиб, сўнгра тумшуғига яна бир мушт туширдим. У энди узил-кесил сулайиб қолди.

Тахминан бирор ойдан кейин тасодифан ўша қайиқлар қўноғига йўлим тушиб қолди. Домино ўйнаб ўтирганлар қошидан ўтар эканман, ҳаммалари ўринларидан сапчиб туриб, мен билан хурсанд ҳолда саломлашдилар. Бундай қизгин саломлашишнинг тагида қандай маъно борлигини яхши тушунмадим: менга қуйиб берилиши керак бўлган ичкиликдан хотамтойлик билан воз кечганимми ёки бу аҳмоқ билан қанчалик жадал ҳисоб-китоб қилганимми? Афтидан, улар масаланинг ҳар икки жиҳатига қойил қолишган.

Мана шундай, денгизда чўмилишдан бир йилгача маҳрум бўлиб, сўнгра болакайнинг ҳаётини сақлаб қолиб, юрагимнинг сирли безов-

таликларидан бутунлай халос бўлдим. Ўшандан кейин юрагим бирон марта безовта бўлмади. Қизиқ, буни эшитса, томи қийшайиб қолган рухшуносим нима деган бўлар эди? Толстой буни, адашмасам, “ўзликдан кечиш” деб атаган. Халқ бундан ҳам аниқроқ айтади: пона пона билан олиб ташланади...

Айтгандай, агар мен қомусий билим эгаси бўлганимда эди, ўз ҳаётимни халқ мақоллари ва маталларида бир тутамгина қилиб ифодалаган, қатъий аминманки, оламшумул фикрларни очиб кўрсатишга бутун ҳаётимни бағишлаган бўлар эдим! Қанақанги марокли иш бўлар эди бу! Рус тилида, менимча, бунақанги китоб йўқ. Аммо у бошқа халқларда борми экан? Шахсан мен эшитмаганман.

...Шу билан Виктор Максимович ўз ҳикоясини тугатди. Биз яна бир муддат ўриндикда ёнма-ён ўтирган кўйи қаҳва ичиб ҳам шахмат ўйнаб маза қилишаётган ишқибозларга паришонхотирлик билан тикилиб қолдик.

У ерда энди Турк ўз рақибига қарши дона сурмоқда эди. Атрофида эса, ўйинчилар устидан кулиб ҳам бой берилган имкониятларни қизғин муҳокама қилиб, жонқуяр томошабинлар туришибди.

Музқаймоқ сотувчи аёл аввал ҳам бир неча мартаба келиб, музқаймоқ харид қилишларини сўраб, беҳуда овора бўлган эди. Ҳозир, афтидан, янги, нисбатан унавчанроқ харидорлардан умидвор бўлиб тагин келди. Лекин шунда Туркнинг тоқати тоқ бўлди.

– Шу қутининг ичидаги ҳамма музқаймоқ неча пул туради? – деб сўради у сотувчидан.

– Йигирма сўм, – дея бажонидил жавоб берди аёл.

– Қутининг ўзи-чи? Неча пул туради? – қизиқишда давом этди у.

– Беш сўм, – ўша-ўша алфозда бажонудил жавоб қилди аёл.

Турк чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, ундан учта ўн сўмликни олдида, аёлга узатди.


– Нега? – сўради музқаймоқ сотувчи аёл, аммо нимагадир узатилган пулларни олди.

– Ҳозир кўрасан негалигини, – деди Турк ва унинг кўлидаги ям-яшил музқаймоқ қутисини олиб, денгизга улоқтирди.

Бундай зукколик ва қизиққонлик билан топилган йўлни ҳеч ким қутмаган эди. Шахмат ишқибозларининг баралла қулгилари ва музқаймоқ сотувчисининг “оҳ-воҳ”лари остида биз меҳмондўст “Амра” палубасини тарк этдик. Бундай вазиятларда шахмат оламидаги қутилмаган ноёб ечимнинг туғилиши амримаҳол, албатта. Аммо токи мардлик-тантилик билан қилинган саъй-ҳаракатлар ҳали сақланиб қолган экан, эҳтимолки худди ана шундай саъй-ҳаракатларнинг шарофати билан дунёда тинчлик-тотувлик қарор топиб, олам гулистон бўлади. Сизга сабр-тоқат ва мардлик-тантилик тилайман, дўстлар.

*Рус тилидан
 ОТАУЛИ таржимаси*





Роман¹

XVIII боб

– Фамилиям Жеггерс, – деди у. – Иш бошқарувчиман ва Лондонда яшайман. Етарли даражада таниқли одамман. Олдингизга келишга сабаб бўлган иш анчагина мураккаб ва аввал-бошданок сизларни огоҳлантириб қўймоқчиманки, уни мен ўйлаб топганим йўқ. Агар мендан маслаҳат сўраганларида эди, hozir бу ерда бўлмасдим. Мендан маслаҳат сўрашмади ва кўриб турганингиздек, хузурингиздаман. Мен бошқа бир одамнинг ишончли вакили сифатида ўзимга топширилган ишни бажаряпман. Бундан кўп ҳам, кам ҳам эмас.

Ўтирган жойидан бизни яхши кўролмаслигига ишонч ҳосил қилиб, у ўрnidан турди, оёғини курсининг суянчиғи устидан ошириб, унга қўйди ва сал олдинга эгилди; у биз билан ана шу ҳолатда, бир оёғи курсида, иккинчи оёғи ерда, суҳбатлашди.

– Шундай қилиб, Жозеф Гержери, менга сизни мана бу ёш йигитчадан, шогирдингиздан халос қилиш топширилган. Унинг илтимосига кўра ва унинг келажағи учун шартномангизни бекор қилишга қарши бўлмайсизми? Бунинг учун ҳеч нарса талаб қилмаган бўлардингизми?

– Пишнинг йўлини тўсмаслик учун бирор нарса талаб қилишдан Худо асрасин, – деди Жо кўзларини катта-катта очиб.

– “Худо асрасин” – яхши гап, лекин моҳиятни англамайди, – эътироз билдирди мистер Жеггерс. – Ҳеч нарса талаб қилмайсизми? Сиздан, ҳеч нарса талаб қилмаган бўлардингизми, деб сўраяпман.

– Мен бўлсам, йўқ, деб жавоб беряпман, – деди Жо унинг гапини бўлиб.

¹ Давоми. Боши ўтган сонларда.

Назаримда, мистер Жеггерс Жодаги самимиятни ўта аҳмоқликнинг белгиси, деб қабул қилганини яширмасдан унга назар ташлади. Лекин мени хайратланиш ва қизиқиш шунчалар қамраб олган эдики, айнан шундай бўлувди, деб аниқ айтолмайман.

– Жуда яхши, – деди Жеггерс. – Сўзларингизни эсан чикарманг ва улардан қайтишга уринманг.

– Ким сўздан қайтмоқчи экан? – ловиллаб кетди Жо.

– Мен кимдир сўздан қайтмоқчи, деганим йўқ. Ит боқасизми?

– Хўп, боқаман.

– Унда, эсингизда бўлсин. Ит кўркам бўлса, яхши, олғир бўлса, ундан ҳам яхши. Илтимос, эсингиздан чикарманг, – такрорлади мистер Жеггерс ва Жога, унинг бирон-бир айбини кечираётгандек бош ирғаб, кўзларини юмди. – Хўш, йигитчага қайтсак. Унга етказишим керак бўлган хабар шуки, уни ажойиб келажак кутмоқда.

Жо иккимиз бир-биримизга қараб, “вой”, деб юбордик.

– Унга шуни етказиб қўйиш топширилганки, – деди мистер Жеггерс мени бармоғи билан кўрсатиб, – у каттагина бойликка меросхўр бўлади. Кейин, ушбу мулкнинг ҳозирги кундаги соҳиби йигитча зудлик билан аввалги машғулоти тарк этишини, бу ерлардан жўнаб кетишини ва жентльмен тарбиясини, яъни катта умидлари бор йигит тарбиясини олишини хоҳлаяпти.

Орзуим амалга оша бошлабди; ҳаққоният энг ҳадсиз ниятларимдан ҳам ошиб тушганди; мисс Хевисшем мени бадавлат қилишга қарор берибди!

– Энди, мистер Пип, – гапида давом этди иш бошқарувчи, – менга берилган топшириқнинг қолган қисми бўйича сизга мурожаат қиламан. Биринчидан, шуни билиб олишингиз керакки, мен кўрсатмасига асосан ҳаракат қилаётган инсон бир умр Пип исмини сақлаб қолишингизни истайди. Ўйлашимча, бажарилиши осон бўлган бу шарт катта умидларингизга азият етказмайди. Аммо эътирозларингиз бўлса, ҳозир уларни айтишнинг айна вақти.

Юрагим тез ураб, қулоқларим ғувиллар ва мен зўрға эътирозларим йўқлигини айтган бўлдим.

– Ўзим ҳам шундоқ, деб ўйловдим! Хўш, иккинчидан эса, билиб қўйишингиз керакки, сахийқалб ҳомийингизнинг исми, унинг ўзи ошкор қилишни ихтиёр этмагунча, сир бўлиб қолиши керак. У сиз билан шахсан кўришганида ўзини ошкор қилмоқчи эканини сизга айтиб қўйишга вакил қилинганман. Бу ният қачон ва қаерда амалга ошади – билмайман, буни ҳеч ким билмайди. Унгача кўп йиллар ўтиши мумкин. Лекин хотирангизга яхшилаб жам қилиб олингки, мен билан суҳбатларингизда бу ҳақда мени сўроққа тутиш ёки пардага ўраб бўлса ҳам ўша шахсга, унга оид маълумотларга ишора қилиш қатъиян ман этилади. Агар қалбингизда тахмин пайдо бўлса, у қалбингизда қолаверсин. Бундай тақиқнинг сабаблари сизни қизиқтирмаслиги керак; эхтимол, фавқулудда салмоқли ва жиддий сабаблар бордир; балки оддий инжикликдир. Бу ҳақда сўраб-суриштиришингизнинг кераги йўқ. Шундай қилиб, шартлардан хабардор бўлдингиз. Мен кўрсатмаларини бажараётган шахс қўйган охирги шарт барча шартларни қабул қилишингиз ва уларга қатъиян риоя этишингиздан иборат, лекин бундан бу ёғига уларни бажаришингиз ёки бажармаслигингизга мен ҳеч қанақасига жавобгар эмасман. Умидларингиз боғланган кимса тўғрисида фақат шуларни айта оламан ва унинг сири фақат ўзига ҳамда менга маълум. Бу шарт ҳам унчалик қийин эмас ва у шунчалар чиройли бошланаётган янги ҳаётингизга раҳна сололмаса керак, аммо эътирозларингиз бўлса, уларни айнан ҳозир айтишингиз керак.

Мен дудуклана-дудуклана эйтирозларим йўқлигини айтдим.

– Ўзим ҳам шундоқ деб ўйловдим! Бўлди, мистер Пип, шартларни тугатдик.

У менга “мистер Пип” деб мурожаат қилаётган бўлса-да, гап оҳангида ҳамон қатъият ва ишончсизлик сезилиб турарди; гапиришдан тўхтамагани холда, у вақти-вақти билан кўзларини юмиб олар ва мени энг ёмон томондан билишини, лекин сукут сақлашни афзал кўришига ишора қилаётгандек, мени бармоғи билан кўрсатарди.

– Энди ишнинг икир-чикирларини аниқлаб олиш қолди. Айтишим керакки, ҳозиргача “умидлар” сўзини қўллаб келаётган бўлсам-да, сиз ҳозирнинг ўзида умидлардан ташқари маълум мулкка эгасиз. Харажатларингиз ва таълим олишингизга бемалол етадиган маблағ тасарруфимда турибди. Мени ўзингизга васий, деб билишни таклиф қиламан. Э, йўқ, – деди у миннатдорчилик билдиришга ҳозирланаётганимни кўриб. – Эсингизда бўлсин, хизматларим учун ҳақ оламан, бўлмасам уларни кўрсатмаган бўлардим. Менга ишонаётган шахснинг фикрича, сиз, ҳаётингиздаги ўзгариш муносабати билан, ўқимишли одам бўлиб етишишингиз керак. Ушбу имкониятдан зудлик билан фойдаланиш сиз учун нақадар муҳим эканини тушунаётгандирсиз, албатта?

Мен, бунга ҳар доим интилганман, дедим.

– Ҳар доим нимага интилганингизнинг аҳамияти йўқ, мистер Пип, – деди у. – Мавзудан четга чиқманг. Ҳозир шунга интилаётган бўлсангиз, шунинг ўзи кифоя. Муносиб раҳбарлик остида илм олишга киришишга тайёрсиз, деб ҳисобласам бўладими? Сизни тўғри тушундимми?

Мен, ҳа, мени тўғри тушундингиз, деган бўлдим.

– Жуда яхши. Энди бўлажак хатти-ҳаракатларингизни аниқлаб олишим керак. Шахсан мен, билиб қўйингки, буни ақлдан деб ҳисобламайман, лекин шундай қилишни менга буюрганлар. Сизга маъқул бўлган у ёки бу устоз тўғрисида эшитганмисиз?

Бутун умрим давомида Бидди ва мистер Уопслдан бошқа устозни билмаганимдан, йўқ, деб жавоб бердим.

– Мен бир устоз тўғрисида озми-кўпми биламан. Ўйлашимча, у сизга тўғри келиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиб қўйингки, уни тавсия қилаётганим йўқ, негаки, ҳеч қачон, ҳеч кимни тавсия қилмайман. Мен айтаётган жентльмен – Мэтью Покет бўлади.

Ана холос! Мен бу исмни дарҳол эсладим. Мисс Хевишемнинг қариндоши! Мистер ва миссис Камилла гапирган ўша Мэтью. Вафот этиб, никоҳ кийимида тўй дастурхони устида ётганида мисс Хевишемнинг бош томонида туриши керак бўлган ўша Мэтью.

– Бу исм сизга танишми? – сўради мистер Жеггерс менга синовчан назар ташлаб ва жавоб кутар экан, кўзларини юмиб олди.

Мен бу исмни эшитганимни айтдим.

– Ана холос! – деди у. – Бу исмни эшитгансиз! Лекин масала шундаки, у тўғрисида қандай фикрдасиз?

Унга тавсиянгиз учун миннатдорман, дедим, тўғрироғи, дейишга уриниб кўрдим...

– Йўқ, навқирон дўстим, – гапимни бўлди мистер Жеггерс каттакон бошини чайқаб. – Қани, бир эслаб кўринг-чи!

Ҳеч нарсани эслай олмай, мен яна, тавсиянгиз учун раҳмат, дея гап бошладим...

– Йўқ, ёш дўстим, – деди яна мени тўхтатиб ва бош чайқай туриб,

кулимсираб, қошларини чимирди. – Йўқ ва яна йўқ! Чиройли айтдингиз, лекин тўғри келмайди, мени чув туширишга ҳали жуда ёшлик қиласиз. Тавсия – тўғри келадиган сўз эмас, мистер Пип. Бошқасини қидириб кўринг.

Хатоимни тўғрилаб, “мистер Мэтью Покетни эслатганингиз учун жуда миннатдорман”, дедим.

– Ана бу – яхши! – хитоб қилди мистер Жеггерс.

– ...ва бажонидил ўша жентльменнинг қўлида ўқийман.

– Жуда соз. Энг муҳими – унинг уйида таълим олиш. Уни огоҳлантириб қўяман, лекин бошланишига унинг Лондонда яшайдиган ўғли билан учрашасиз. Қачон Лондонга борасиз?

Мен (қимирламай бизга тикилиб ўтирган Жога қараб олиб) хозирок жўнаб кетишга тайёрлигимни айтдим.

– Айтайлик, бир ҳафтадан кейин, – эътироз билдирди мистер Жеггерс.

– Сиз аввал янги кийим, кийим бўлганда ҳам иш кийими эмас, сотиб олишингиз керак. Бунга пул керак бўлади. Сизга йигирма гиней қолдирсам етар?

У пинак бузмай чўнтагидан узун ҳамён чиқарди ва йигирма гинейни санаб, столга қўйди-да, мен томон сурди. Шундан кейингина у оёғини курсидан олди.

XXII боб

Рангпар ёш жаноб иккимиз Барнард мусофирхонасида узоқ вақт бир-биримизга қараб қолдик, кейин баробарига кулиб юбордик.

– Ўша одам сиз эканингизга ишониш қийин! – деди у.

– Сиз эканингизга ҳам ишониш қийин! – дедим мен.

Кейин биз яна бир-биримизга тикилиб, кулиб юбордик.

– Майли, – деди рангпар ёш жаноб менга шахд билан қўл узата туриб, – булар ўтиб кетди. Ўшанда сизни бошлаб дўппослаганим учун мени лутфан афв этасиз, деган умиддаман.

– Демак, мистер Жеггерс сизга васий, шундайми? – сўради у.

– Ҳа.

– Биласизми, у мисс Хевишемнинг иш бошқарувчиси ва унинг ишларидан бошқалардан кўра кўпроқ хабардор.

Кўнгли очиқлигини кўриб, бор гапни унга айтиб беришга қарор қилдим, бунинг устига иккаламиз ҳали жуда ёш эдик. Шундай қилиб, тарихимни унга сўзлаб бердим, менга ҳомийлик қилаётган кимсани суриштириш ман этилганини таъкидлаб ўтишни ҳам унутмадим. Қишлоқ темирчисининг хонадонида ўсганим, жамиятда ўзни тутиш қоидаларидан сабоқ олганим сабабли, нима қилишни билмай қолган ёки нотўғри хатти-ҳаракат қилган кезларимда унинг маслаҳатлари мен учун фавқулудда қимматли бўлиши мумкинлигини қайд этдим.

– Бажонидил, – деди у, – лекин маслаҳату кўрсатмаларга жуда кам эҳтиёж сезасиз, мени айтди дейсиз. Сиз билан кўп вақт бирга бўлсак керак, шунинг учун ортиқча мулозаматга хозирнинг ўзида чек қўйишни хоҳлардим. Масалан, бошланишига мени оддийгина қилиб Герберт, деб чақиришингизни ўтиниб сўрайман.

Мен мамнуният билан рози бўлдим ва ўз навбатида исмимнинг Филипп эканини айтдим.

– Йўқ, Филипп менга ёқмайди, – деди у табассум билан. – Насихатлар китобчасидаги, ўта ялқов бўлганидан ҳовузга йиқилиб тушган ёки очкўзлигидан кўзларигача ёғ босиб кетган ёки қизғанчиқлигидан емай

олиб қўйган кулчасини сичқонлар еб қўйган ёки шафқатсизлик билан кушларнинг уяларини вайрон қилгани учун уларнинг бахтига ўша атрофда яшаган айиқларга ем бўлган анави болакайни жуда ҳам эслатади. Миямга бир фикр келди. Бир-биримизга жуда ўхшаймиз, бунинг устига сиз темирчи бўлгансиз... таклифимни қабул қилишга тайёрмисиз?

– Нимани таклиф қилсангиз, ҳаммасига розиман, – жавоб бердим мен, – аммо тушунмайроқ турибман.

– Сизни Гендел, деб чақирсам майлими? Генделнинг “Баркамол темирчи”, деб аталадиган ажойиб мусикий пьесаси бор.

– Жуда хурсанд бўламан.

Биринчи таомни еб бўлганимиздан кейин Гербертга мисс Хевишем тўғрисида гапириб бераман, деган ваъдасини эслатдим.

– Тўғри, – деди у. – Ҳозир айтиб бераман. Аввал ўрнида шуни эслатиб ўтмоқчи эдимки, Гендел, Лондонда овқатни пичоқдан емайдилар – кесиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас; оғизга санчқини солган маъқул, ўшанда ҳам керагидан чуқурроқ эмас. Булар майда гаплар, ўтмишнинг бемаъни сарқити, лекин начора! Қошиқни ҳам чангаллаб эмас, тагидан бармоқ билан ушлаган яхшироқ: биринчидан, уни оғизга йўналтириш осон бўлади (ахир мақсадимиз шу-ку), иккинчидан, чиғаноқнинг қопқоғини очаётгандаги каби, ўнг тирсак олдинга кетиб қолмайди.

Ушбу дўстона маслаҳатлар шунчалар самимият ва хурсандчилик билан айтилдики, иккаламиз кулиб юбордик, ҳатто кизариб ўтиришга ҳожат қолмади.

– Энди эса, мисс Хевишемга қайтсак, – давом этди Герберт. – Сенга айтишим керакки, мисс Хевишем болалигидан жуда эрка ўсган. У ҳали гўдаклигида онадан етим қолган, ота эса қизидан ҳеч нарсани аямаган. Сиз томонларда унинг ерлари ва пивохонаси бўлган. Шахсан мен пиво пиширишни аслзодалиқнинг алоҳида белгиси, деб атамаган бўлардим, аммо ҳар қандай одамга маълумки, нон ёпиш – аслзодаларнинг иши эмас, пиво пишириш эса – бошқа гап, хоҳлаганингча пиширавер.

– Аммо жентльмен қовоқхона очолмайди, тўғрими? – сўрадим мен.

– Асло, – жавоб берди Герберт. – Лекин қовоқхона жентльменни бемалол боқиши мумкин. Ҳа, айтмоқчи, мистер Хевишем жуда бой ва мағрур одам бўлган. Қизи ҳам ундан қолишмайди.

– Мисс Хевишем ёлғиз фарзанд бўлганми? – гапини бўлдим мен.

– Шошма, айнан шу мавзуга қараб кетяпман. Йўқ, у ягона фарзанд бўлмаган. Ўғай укаси ҳам бўлган. Ота иккинчи марта хуфёна уйланган, менимча, ошпаз аёлга.

– Уни мағрур бўлган дегандинг-ку, – эътироз билдирдим мен.

– Тўппа-тўғри, азизим Гендел. Шунинг учун ҳам у хуфёна уйланган ўша аёлга. Вақт ўтиб, ошпаз аёл ҳам оламдан ўтган. Билишимча, аёлнинг ўлиmidан кейингина, у қизига иккинчи никоҳи тўғрисида айтган, кейин ўғлини уйга олиб келган, ўша сен яхши биладиган уйга. Ўғил серсарф, ялқов, дайди, хуллас, ҳеч нимага арзимайдиган одам бўлиб вояга етган. Ниҳоят ота уни меросдан маҳрум қилган. Аммо қазоси етганида кўнгли юмшаб, қизига қараганда камроқ бўлса ҳам, нималарнидир васият қилиб қолдирган... Винодан ич, яна, айтмоқчи, рухсатинг билан таъкидламоқчиманки, ўта тўғри одам экансан: жамиятда, қадаҳингни бурнингга яқин қилиб, тўнқариб кўрсатмасанг ҳам, уни бўшатганингга одатда ишонадилар.

Бу ишни мен, унинг ҳикоясига берилиб кетиб, беихтиёр қилгандим. Миннатдорчилик билдириб, афв этишини сўрадим.

– Ҳечқиси йўқ, узрингни қабул қилдим.

Кейин гапида давом этди:

– Мисс Хевишем бадавлат қайлиқ бўлган, турган гапки, кўпчилик унинг кўлини сўраган. Укасининг ишлари ҳам юришиб кетган, аммо қарзи кўп эди. Кейин у яна бемаънигарчиликларга йўл қўйганидан, маблағи кўпга етмаган. У опаси билан, отаси билан уришганга қараганда, кўпроқ жанжаллашган. Айтишларича, у опасини, ота ва ўғил орасига совуқчилик туширишда гумон қилиб, аламзада бўлган. Мен ҳикоямнинг энг қайғули қисмига яқинлашдим, аммо, ундан олдин, азизим Гендел, айтиб ўтиб кетмоқчиманки, оддий дастурхон сочиқчаси стаканга сиғмайди.

Нима сабабдан сочиқчамни стаканга жойламоқчи бўлганимни, тўғриси, билмайман. Мен яна унга ташаккур айтиб, узр сўрадим ва Герберт яна хайрихоҳ овозда:

– Ҳечқиси йўқ, қабул! – дея ҳикоясини давом эттирди: – Бу орада сахнада бир одам пайдо бўлади – улар пойгадами, қандайдир рақс кечасидами, билмайман, танишиб қоладилар – у мисс Хевишемга хушомад қила бошлайди. У одамни ҳеч қачон кўрмаганман (буларнинг ҳаммаси йигирма беш йил аввал содир бўлган, иккаламиз ҳали дунёга келмагандик), лекин отамнинг айтишича у кўзга яқин, чиройли, хуллас, хушсавлат эркак бўлган. Аммо уни ҳеч ким жентльмен, деб атамаган бўларди, агар соддаликдан ёки уни ёқтириб қолганликдан шундай демаса, буни отам ҳар доим таъкидлаб келган, негаки унинг фикрича, агар инсоннинг қалби аслзодаларга хос бўлмаса, ташқи кўриниши, юриш-туришида унинг кимлиги билиниб қолади. Отам, силлиқланган ёғочга қанчалар оро бермагин, унинг кўзларини асло яшира олмайсан, қанча безак берсанг, кўз шунча равшан кўринаверади, дейди. Шундай қилиб, ўша одам мисс Хевишемнинг изидан қолмай, умрининг охиригача унга содиқ қолажани айтишдан тўхтамаган. Бу ҳолат мисс Хевишемнинг жим ётган туйғулари уйғонгунича давом этган ва ниҳоят у ўша одамни эҳтирос билан севиб қолган. Ҳа, ҳа, мисс Хевишем унга сиғинишга ҳам тайёр бўлган. Йигит бўлса, қизнинг муҳаббатидан фойдаланиб, ундан катта миқдорда пул олиб юрган, бундан ташқари уни укасининг пиво заводидаги улушини катта пулга сотиб олишга кўндирган ва бунда турмуш қурганларидан кейин ҳамма ишларни ўзи юргизиши зарур бўлишини баҳона қилган. Васийнинг у пайтларда мисс Хевишемнинг иш бошқарувчиси эмасди, қолаверса, хоним шунчалар серкибр ва ошиқ бўлганки, ҳеч кимнинг маслаҳатига қирмаган. Унинг отамдан бошқа барча қариндошлари қашшоқ ва фитначи эдилар. Отам ҳам камбағал бўлган, лекин ҳеч қачон унга ҳасад қилмаган ва ялиниб бормаган. Фақат отамгина мисс Хевишемга эҳтиёткор бўлишни, ўша одамга ҳаддан ташқари ишониб юбораётганини, ўзини бутунлай унинг ихтиёрига топшириб қўяётганини айтишга жазм қила олган. Шунда ғабланган хоним қайлиғининг ҳузурида отамга унинг уйига бошқа келмаслигини айтган ва ўшандан бери отам уни бирор марта ҳам кўргани йўқ.

Хонимнинг: “Мэтью анави столда мурдам ётганида уйимга келади”, деган гапи эсимга тушди ва Гербертдан наҳотки отанг хонимдан шунчалар хафа бўлса, деб сўрадим.

– У хафа эмас, – деди Герберт, – лекин мисс Хевишем ўзи унаштириб қўйилган одамнинг ҳузурида, сен ўзинг нимадандир умидворсан ва режаларинг бузилиб кетаётганидан норозисан, деб уни айблаган. Шунинг учун агар у мисс Хевишемнинг олдида энди боргудек бўлса, хонимга ҳам, отамнинг ўзига ҳам бу гаплар ҳақиқатга ўхшаб қолган бўларди. Энди,

мавзуни яқунлаб қўйиш учун, ўша одамга қайтсак. Тўй куни тайинланган, никоҳ қўйлаги тикилган, меҳмонлар таклиф қилиб бўлинган. Орзиқиб кутилган кун келган, лекин куёв келмаган. У қаллиғига мактуб йўллаган...

– Хоним хатни никоҳ қўйлагини кияётганида олган, шундайми? – гапини бўлдим мен. – Йигирма дақиқаси кам тўққиздами?

Герберт бош ирғади:

– Ўша вақтнинг ўзида, дақиқасигача сақлаб қолган ҳолда, у уйдаги барча соатларни тўхтаттирган. Хатнинг мазмуни бўйича менга бир нарсагина маълум – унда ҳеч қанақа тўй бўлмаслиги тўғрисида машъум хабар ёзилганди. Мисс Хевишем оғир дардга чалинади, тузалгач эса, уйни ўша ўзинг билган аҳволга олиб келади ҳамда кундузги ёруғликдан тамоман яширинади.

– Бори шуми? – сўрадим мен бир оз сукут сақлагач.

– Менга маълуми шу; уни ҳам эшитганларимни улаб, ўзим туздим. Отам бу тўғрида эслашни ёқтирмайди, ҳатто мисс Хевишем мени уйига таклиф қилган кезде ҳам, у менга энг зарур жойларинигина айтиб берганди. Аммо бир нарсани айтишни унутибман: хоним шунчалар кўр-кўрона ишонган ўша одам аввал бошданок унинг укаси билан тил бириктирган, улар келишиб иш кўришган ва қўлга кирган ақчани бўлиб олишган, деган тахминлар бор.

– Ўша одамнинг хонимга уйланмагани қизиқ, – дедим мен. – Ўшанда у мисс Хевишемнинг бутун бойлигига эга бўларди.

– Ким билсин, балки у аввалроқ бошқага уйлангандир, ука эса хонимга ана шундай оғир ҳақоратни ўйлаб топгандир, – деди Герберт. – Аммо булар – менинг тахминларим холос.

– Иккаласининг аҳволи кейин нима кечди? – сўрадим мен, яна бир оз сукут сақлаб ва ўйлаб бўлиб.

– Улар янада аччиқроқ ҳақоратлар, оғир жиноятлар содир этдилар, кейин дарбадарликка юз тутдилар.

– Улар тирикми ҳар ҳолда?

– Билмайман.

– Эстелланинг мисс Хевишемга қариндош эмас, асранди эканини айтувдинг. Қачон хоним уни асраб олган?

Герберт елка қисди.

– Эсимни танибманки, Эстелла ҳар доим мисс Хевишемнинг ёнида бўлиб келган, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Мана энди, Гендел, ўртамизда яширадиган ҳеч вақо қолмади, – деди у гапига нуқта қўяётгандек. – Мисс Хевишем тўғрисида мен билган ҳамма нарсаларни билиб олдинг.

XXIII боб

Мистер Покет мени кўришдан мамнунлигини айтди ва танишганимиздан мен ҳам афсусланмаётганимга умид билдирди.

– Ахир мен мутлақо беозор одамман, – деди у Гербертаникига жуда ўхшаб кетадиган табассум билан.

Серташвиш киёфа ҳамда оқарган сочларига қарамай, у ёш кўринар, юриш-туришида эса, сохталик аломатлари сезилмасди. Унинг бесаранжом киёфаси бир оз кулгили кўринар ва агар буни ўзи билмаганида, ундан ҳам ғаройиброқ аҳволга тушиб қолган бўларди. Мен билан бир оз сўзлашгач, у ўзининг чиройли қора қошларини ташвиш билан кериб, миссис Покетга мурожаат қилди:

– Белинда, мистер Пип билан танишдинг, деб умид қиламан?

Хоним кўзларини китобдан узиб:

– Ҳа, – деди. Кейин менга бефарқ табассум ҳады қилиб, апельсин суви ёқдим, деб сўради. Ушбу савол аввалги ва кейинги суҳбатга на бевосита, на билвосита тааллуқли бўлмаганидан, хоним уни, ўзининг аввалги иборалари мисол, қиборларча суҳбатга қўшилиш учунгина беришни ихтиёр қилди, деган қарорга келдим.

Мистер Покет мени уйга олиб кириб, қаерда истиқомат қилишимни кўрсатди. Хона қулай ва ёруғ бўлиб, ҳам ётоқ, ҳам меҳмонхона сифатида фойдаланиладиган қилиб жиҳозланганди. Кейин у меникига ўхшаш яна иккита хонанинг эшигини тақиллатди ва уларнинг эгалари билан таништирди. Бирининг исми Драмл, иккинчисиники Стартоп экан. Биз ичкарига кирганимизда биринчи хонадаги қаримсиқ, бақувват, аммо бесўнақай ёш йигит у ёқдан-бу ёққа юриб, хуштак чалмоқдайди. Кўриниши ҳам, ўзи ҳам ундан анча ёш бўлган иккинчи ижарачи, мияси илмдан тўлиб-тошиб ёрилиб кетишидан кўрққандай, бошини қўллари билан маҳкам сиқиб, мутолаа қилмоқдайди.

Бор эътиборимни пичоқ, санчки, қошиқ, стаканлар ва бошқа ғанимларимга қаратар эканман, қулоғим Драмл ва миссис Покет ўртасидаги суҳбатда эди. Маълум бўлишича, Бентли Драмл баронет даражасига меросхўр бўлишдан умидвор эди, бу мавқе эса унга энг яқин меросхўр оламдан ўтган тақдирда насиб қилиши мумкин эди. Кейин яна шуни кашф қилдимки, миссис Покет боғда ўқиб ўтирган китоб тўлалигича даражалар тўғрисида эди ва хоним бобосининг бу китобга қачон киритилиши мумкинлигини, агар китобга киритилиш унинг пешонасига ёзилган бўлганда, аниқ биларди. Драмл кам гапирмоқдайди (кўринишдан у одамовироқ эди), лекин яккам-дуккам сўзлари билан тушунтиришича, у ўзини аслзодалар даврасидан, деб билар, миссис Покетни эса, ўз даврасига муносиб, деб ҳисобларди.

XXIX боб

Мисс Хевишем эшигининг қўнғироғини титроқ қўлим билан чалиб, нафасимни ростлаб олиш ва юрак уришимни босиш учун эшикка орқамни ўгирдим. Уйнинг эшиги очилганини, ҳовлидаги қадам товушларини эшитдим, лекин кўча эшикнинг занглаб кетган ошиқ-мошиғи ғижирлаётганида ҳам ўзимни ҳеч нарсани эшитмаганга олдим.

Нихоят елкамга қўл теккизганларидан кейин сесканиб ўгирилдим. Қаршимда ораста кулранг либосда турган, мисс Хевишемникида қоровуллик қилиши тасаввуримга сиғмайдиган инсонни кўриб, рostaкамига сесканиб тушдим.

– Орлик?

– Ҳа, ҳа, ёш хўжайин, ўзгаришлар фақат сизнинг ҳаётингизда бўлгани йўқ. Сиз қиринг, қиринг ичкарига. Кўча эшик очиқ қолмасин дейишган.

Мен ичкарига кирдим, Орлик эшикни қулфлади ва олдимга тушди.

– Ҳа, – деди у елкаси оша орқасига қараб. – Бу менман, шу ерданман.

– Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?

– Юриб келдим, – деди у қўполлик билан. – Сандиғимни эса, аравада олиб келишди.

– Бу ерга яхшилаб ўрнашиб олганга ўхшаяпсан?

– Нима қилибди. Бунинг ёмон ери йўқ, ёш хўжайин.

Бунисига асло ишонмасдим. Айтганларини яхшилаб ўйлаб кўрарканман, у оғир назарини ердан узиб, менга бошдан-оёқ яхшилаб тикилди.

– Устахонадан кетибсан-да, демак? – сўрадим мен.

– Шу ҳам устахона бўлибдими? – деди Орлик атрофга алам билан қараб. – Устахонага ўхшайдими, а?

Ундан Гержериларникидан кетганингга кўп бўлди, деб сўрадим.

– Бу ерда кунлар бир хил ўтади, – деди у, – санаш осон эмас.

– Буни ўзим ҳам биламан, Орлик.

– Бўлмасам-чи, – деди у қуруқкина қилиб. – Ахир олимсизлар.

Бу вақт ичида уйга кириб келдик. Маълум бўлишича, Орлик эшик олдидаги кичкина деразали хонани эгаллаган экан. Хона Парижда эшик оғалари истикомат қиладиган тор хужраларни эслатарди. Деворда бир нечта калит осиб қўйилган, уларнинг ёнига Орлик кўча эшикнинг калитини ҳам илиб қўйди. Хона тартибсиз, тор, уйқуга тортадиган эди, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, одам қиёфасидаги юмронқозик яшайдиган қафас; дераза олдида, сояда қиёфаси тебранаётган Орлик эса ана шу қафасдаги юмронқозик эди.

– Бу хонани ҳечам кўрмаганман, – дедим мен. – Бу ерда илгари қоровул ҳам бўлмаган.

– Бўлмаган, – тасдиқлади у, – кейин уй қоровулсиз, бу эса хавфли, деган гаплар тарқалди, бу жойларда эса қочқинлар ва бошқа дарбадарлар кезиб юришади. Шунда мени бу ёққа тавсия қилишди, негаки ҳар қандай одамга кучим етади; мен рози бўлдим. Иш бу ерда оғир эмас, босқонларга дам бериб, темирни тоблашдан осонроқ... У ўқланган.

Назарим деворга осиб қўйилган, қўндоғи мис билан қопланган милтиқда тўхтаганини Орлик сезиб қолди.

– Хўш, – дедим мен бу суҳбатдан зерикиб, – юқорига, мисс Хевишемнинг олдида чиқаверайми?

– Агар билсам, тил тортмай ўлай, – жавоб берди Орлик, кейин бутун гавдаси билан керишиб, беўхшов силкиниб олди. – Менга буюрилган нарсаларнигина биламан. Манави болғача билан қўнғироқчани ураман, сиз эса, бирортасини учратмагунингизча йўлакдан бораверинг.

– Мени қутишаётгандир?

– Тил тортмай қўя қолай, агар билсам! – деди у.

Шунда мен бир пайтлар кўпол бошмоқларимда юрган узун йўлакка бурилдим, Орлик қўнғироқчага зарба берди. Қўнғироқ овози тинмай туриб, йўлакнинг охирида мисс Сара Покет пайдо бўлди.

– Бу сизмисиз, мистер Пип? – деди у.

– Менман, мисс Покет. Мистер Покет ва оиласи саломат эканликларини сизга маълум қилишдан хурсандман.

– Ҳаммаларининг ақли ҳамон кирмаган холос! – хўрсинди у ғамгин бош чайқаб. – Саломатликдан кўра уларга кўпроқ фаросат керак. Эҳ, Метью, Метью! Йўлни биласиз-а, сэр?

Нега билмайин – бу қоронғи зинадан жуда кўп марта тушиб чиққанман. Энди эса енгилгина шаҳар пойабзалида ундан юқорига чиқдим ва аввалгидек мисс Хевишемнинг эшигини қоқдим. Ўша захоти унинг овозини эшитдим:

– Бу Пип. Кирақол, Пип!

Хоним аввалгидек пардоз столининг ёнида, ўша қўйлагида, ҳассасининг дастасига даҳанини тираб ва ўчоқдаги оловга тикилиб ўтирарди. Унинг ёнида эса, кийилмаган оқ бошмоқчани диққат билан томоша қилиб, мен аввал ҳечам кўрмаган башанг либосли хоним ўтирарди.

– Кир ичкарига, Пип, – деди мисс Хевишем менга қарамай. – Кир, кир. Аҳволларинг яхшими, Пип? Гўё мен қироличадек қўлимни ўпясанми, а? Хўш?

Кутилмаганда у бошини кўтармай туриб менга ўгирилди ва ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангда такрорлади:

– Хўш?

– Менга айтишдики, мисс Хевишем, – гап бошладим мен тортинчоқлик билан, – сиз лутфан мен билан кўришмоқни ихтиёр этибсиз ва мен ўша заҳоти етиб келдим.

– Хўш?

Мен аввал сира учратмаган башанг кийинган хоним бошини кўтариб, каминага айёрона назар солди ва мен Эстелланинг кўзларини таниб қолдим. Лекин у шунчалар ўзгарган, гўзаллашган ва жозибадор эдики, баркамоллик йўлида шунчалар илгарилаб кетгандики, жойимда қотиб қолгандек бўлдим. Унга қараб турар эканман, яна тўпори қишлоқ боласига айланаётганимни даҳшат билан ҳис қилаётгандим. Оҳ, ўша лаҳзаларда унга қўлим асло етмаслигини, бизни ажратиб турган жарликни қанчалар чуқур ҳис этгандим!

Эстелла менга қўлини узатди. Мен дудуқланиб, уни яна кўриб турганимдан нақадар хурсандлигимни ва ушбу кунни узоқ кутганимни айтган бўлдим.

– Айт-чи, Пип, у жудаям ўзгарибдими? – сўради мисс Хевишем, менга йиртқичона қараш қилиб ва ўртамизда турган стулга, ўтир, деган маънода, ҳассаси билан уриб қўйди.

– Кириб келганимда, мисс Хевишем, на юзида ва на бутун киёфасида ҳеч бир таниш ерини кўрмагандим, энди эса, қанчалар ҳайратланарли, борган сари кўпроқ ўша...

– Қанақасига? Олдинги Эстелланими? – гапимни бўлди мисс Хевишем. – Лекин у мағрур, золим бўлган, сен эса, ундан қутулмоқчи эдинг. Эсингда йўқми?

Мен буларнинг ҳаммаси узоқ ўтмишда қолгани, ўшанда аҳмоқ бўлганим, яна шунга ўхшаш нарсаларни ботинмайгина айтдим. Эстелла хотиржам табассум қилди ва ҳақлигимни айтди, ўша пайтларда у дарҳақиқат истаган одамнинг тоқатини тоқ қила оларди.

– Пип-чи, у ўзгарибдими? – сўради мисс Хевишем.

– Жуда ҳам ўзгарибди, – деди Эстелла менга қараб.

– Аввалгидек тўпори ва қўпол эмасми? – деди мисс Хевишем Эстелланинг сочларини силай туриб.

Эстелла кулиб юборди, қўлидаги бошмоққа қаради, яна кулди, менга қаради ва бошмоқни қўйди. У ҳозир ҳам мен билан кичкина болага бўлгандек муносабатда эди, лекин мени ўзига тортмоқдайди.

Бир вақтлар менда ғайриоддий таассуротлар уйғотган, орзулар билан йўғрилган нимқоронғи хонада ўтирардик; Эстелланинг ҳозиргина Франциядан қайтгани, энди Лондонда яшаши менга маълум бўлганди. У аввалгидек мағрур, ўзбилармон эди, лекин энди бу сифатлар унинг латофати билан шунчалар уйғунлашиб кетгандики, уларни Эстелланинг жозибасидан ажратишнинг имкони йўқ эди, балки мен ноҳақдирман, лекин шундай қилинса, назаримда гуноҳ бўладигандек эди.

У ерда кечгача ўтиришим, меҳмонхонада тунаб қолишим, эртасига Лондонга жўнаб кетишимга қарор қилинди. Узоқ давом этмаган суҳбатдан сўнг мисс Хевишем бизларни боғда сайр қилиб келишга жўнатди, қайтганимиздан кейин, унинг айтишича, аввалги вақтлардагидек, ўриндикда уни олиб юришим керак эди.

Мана ниҳоят Эстелла иккимиз ўзим бир вақтлар киришга журъат этган ўша дарчадан ташландиқ боғга кириб бордик; ўшанда мени ёш, рангпар

жаноб, эндиликда Герберт билан олишув кутаётганини билмагандим; мени хаяжон қамраб олган, қиздаги кўйлакнинг ёқасига ҳам ошиқ эдим; у эса хотиржам ва ўз-ўзидан маълумки, камзулимнинг этагига ошиқ эмасди. Олишув бўлган жойга яқин келганимиздан кейин, Эстелла тўхтаб, деди:

– Аҳмоқ эканман, ўшанда яшириниб, олишувингизни кузатгандим; лекин жуда мамнун бўлгандим.

– Мени жуда муносиб тақдирлагандингиз.

– Ростданми? – деди Эстелла, гўё ҳаммасини унутгандек, бефарқлик билан. – Шуни биламанки, мен билан вақт ўтказаман, деб келгани учун рақибингизни жуда ҳам ёмон кўрардим.

– Ҳозир у билан қалин дўстмиз, – дедим мен.

– Шунақаи? Айтмоқчи, эсимга тушди, унинг отасидан сабоқ оляпсиз, чоғи?

– Ҳа. – Иқрорим ўзимга ёқмаётганди, гўё мен мактаб ўқувчисиману, Эстелла мен билан ёш болалардек муносабатда бўлмоқдайди.

– Ўшандан бери мавкеингиз ҳам, келажакка умидларингиз ҳам ўзгарди, танишларингизнинг даврасини ҳам ўзгартирдингиз.

– Бу табиий, – дедим мен.

– Бу зарур ҳам, – деди Эстелла кибр билан. – Энди аввалги танишларингиз билан борди-келдини узсангиз тўғри иш бўларди.

Тўғриси айтсам, Жони бориб кўриш режаси менда ҳамон бор эди, деб аниқ айтолмайман, лекин шундай бўлганида ҳам Эстелланинг сўзларидан кейин у тутундек тарқаб кетганди гўё.

– Ўша вақтларда, – деди Эстелла олишувимиз бўлиб ўтган замонни назарда тутаётганини билдириш учун кўлини бир оз силкитиб, – сизни олдинда қандай омад кутаётганини ҳали билмасмидингиз?

– Тушимга ҳам кирмаган.

Боғнинг йўлкаси бўйлаб ёнма-ён юриб борар эканмиз, у ўзига қанчалар ишонса, қанчалар мағрур бўлса, мен шунчалар итоаткор эканимни, иккалаимизнинг орамиздаги фарқни ич-ичимдан ҳис қилмоқдайдим! Агар тақдир айнан мени, бошқа бировни эмас, унинг учун яратган, деб ишонмаганимда, бу ҳолатдан кўпроқ эзилган бўлардим.

Боғ яна ҳам ёввойилашиб, қуюқлашиб кетган, шунинг учун унда сайр қилиш мушкул эди, уч марта у ёқдан-бу ёққа бориб қайтганимиздан кейин яна пивохоначанинг ҳовлиси олдидан чиқдик. Мен Эстеллага эски бочкалар устида юраёганида уни кўрган жойимни кўрсатдим, у ўша томонга бир лаҳзага, совуқ назар ташлади-да:

– Ростданми? – деди.

Унга уйдан чиқиб, менга гўшт ва пиво берганини эслатдим.

– Эсимда йўқ, – деди Эстелла.

– Қандай қилиб мени йиғлаганингиз эсингизда йўқми? – сўрадим мен.

– Йўқ, – деди у бош чайқаб ва тескари ўгирилди.

Унинг эсида йўқ эди, унга фарқи йўқ, бундан мен яна йиғлаб юбордим, унсиз, юрагимдан йиғладим, товуш чиқармай, аччиқдан-аччиқ кўз ёш тўқдим.

– Сизга шуни айтишим керакки, – деди Эстелла, аслзода соҳибжамол менга лутф қилаётгандек, – менда юрак йўқ; эҳтимол, бунинг хотирага ҳам алоқаси бордир.

Мен бунга шубҳам бор, деган маънода нималарнидир айтган бўлдим. Сиз янглишяпсиз. Бундай соҳибжамолда юрак бўлмаслиги мумкин эмас.

– О, албатта, – деди Эстелла, – албатта менда юрак бор, яъни пичоқ урса

ёки ўқ отса бўладиган юрак. Турган гапки, агар у тўхтаб қолса, мен ўламан. Лекин нима демокчилигимни тушуниб турибсиз. Менда ҳеч бир кўнгли бўшлиқ... ҳеч бир ҳиссиёт... туйғулар... завқ-шавқ йўқ. Ҳазиллашмаяпман, – давом этди Эстелла чехраси алланечук қорайиб. Агар тез-тез учрашиб туришимизга тўғри келса, ҳозирданок эслаб қолганингиз яхши. Йўқ! – У оғиз очишга чоғланганимни сезиб, мени шахд билан тўхтатди. – Ҳеч кимга лутф кўрсатмаганман. Ҳеч кимни ҳеч қачон ёқтирмаганман.

– Биз неча замонлардан бери ташлаб қўйилган пивохонога назар солдик. Шунда Эстелла, уни дастлаб келган куним кўрган, томнинг тагидаги айвончага ишора қилиб, ўша ерга чиқиб олиб, менинг дахшат қоплаган афт-ангоримни кузатгани эсида эканини айтди. Кўзларим билан оппоқ билакнинг ҳаракатини кузатар эканман, яна ўша хира, ноаниқ шарпани кўраётгандек бўлдим ва сесканиб тушдим. Буни сезиб, Эстелла қўлимни ушлади, хаёлот тарқаб кетиб, кўздан йўқолди.

Бу нимади ўзи?

– Сизга нима бўлди? – сўради Эстелла. – Яна кўркдингизми?

– Агар сиз ҳозиргина айтган нарсаларга ишонганимда, кўркқан бўлардим, – дедим мен гапни бошқа мавзуга кўчириш учун.

– Демак, менга ишонмабсиз? Майли, айтдим-қўйдим. Тез орада мисс Хевишемнинг ёнига қайтишингиз керак, у сизни кутаётгандир ҳам, лекин менимча, ғилдиракли курсини итариб юришни ҳам, бошқа эски одатлар билан бирга тўхтатиш лозим. Яна бир марта боғни айланамиз-да, кейин – уйга. Ҳа, ҳа. Бугун шафқатсизлик қилиб, кўз ёшларингизни оқизишга сизни мажбур қилмайман. Бугун кузатувчим бўлиб, менга ҳамроҳлик қиласиз.

Мени ундан ажратиб турган нарса ёшимиздаги фарқ эмасди – ёшимиз, Эстелла бир оз катта кўринса-да, деярли тенг эди – ундаги бор жозобага ва менга қилинаётган муомалага сингиб кетган тегманозиклик ҳомий бекам бизни бир-биримизга мўлжаллаб қўйганига ишонишимга қарамай, ҳиссиётларим жўшиб кетган кезларда мени азобга соларди. Ўзимга раҳмим келарди!

Ниҳоят биз уйга қайтдик ва бу ерда васийим мисс Хевишемнинг олдига иш билан келганини, тушликни шу ерда қилишини эшитиб, ҳайрон бўлдим. Келгунимизча ярим чириб кетган дастурхон ёзилган хонадаги дарахт шохларига ўхшаган шамдонларда шамлар ёқиб қўйилган, мисс Хевишем ўриндикда ўтириб, мени кутмоқдайди.

Тўй дастурхони қолдиқларининг ёнида секин йўлга тушишимиз биланок, назаримда, ғилдиракли ўриндик ўтмишга қараб юриб кетаётгандек бўлди. Лекин ушбу мотамсаро хонада, тирик мархуманинг мотамсаро қарашлари остида Эстелла янада жозибадор, янада латофатли кўринмоқда, мени ўзига кўпроқ мафтун этмоқдайди.

Вақт ўтиб борар, тушлик вақти яқинлашмоқда ва Эстелла кийиниб олиш учун бизни тарк этиши керак эди. Ўриндикни узун столнинг ўртасига яқин жойда тўхтатдим; мисс Хевишем буришиб ётган қўлини мушт қилиб тугди ва сарғайиб ётган дастурхон устига қўйди. Эшикнинг ёнига боргач, Эстелла ўгирилиб қаради ва мисс Хевишем унга узокдан ўпич йўллади; у бу ишни шунчалар эҳтирос билан адо этдики, сесканиб кетдим.

Эстелла чиқиб кетиб, иккаламиз қолгач, хоним менга ўгирилиб, шивирлади:

– Кўрдингми уни – гўзал, латофатли, сарвқомат. Завқланяпсанми ундан?

– Ундан завқланмасликнинг иложи йўқ, мисс Хевишем.

Мисс Хевишем бўйнимдан ушлаб ўзига тортди ва бошимни пастга энгаштириб, деди:

– Уни яхши кўр, сев уни, сев! Сенга қандай муомала қияпти?

Жавоб беришга улгурмасимдан (агар ушбу саволга умуман жавоб беришга қодир бўлсам), у такрорлади:

– Яхши кўр, сев уни, сев! Сенга ён босса – сев. Сени азобласа – барибир сев. Агар юрагингни тилка-пора қилса, ёш ўтган сари оғриқнинг кучи орта боради – барибир сев, сев уни, сев!

Фавқуллодда шахд билан айтилган ушбу сўзлардан ларзага тушдим. Хоним шунчалар ҳаяжонда эдики, бўйнимни кучоклаб турган қўл мускуллари куч билан тортилганини ҳис этаётгандим.

– Кулоқ сол менга, Пип! Эстеллани уйимга, уни яхши кўришлари учун олганман. Уни яхши кўришлари учун ўстирдим ва тарбия қилдим. Унга кўнгил боғлашлари учун, ҳозир у қандай бўлса, шундай катта қилдим. Яхши кўр, уни! Сенга чин муҳаббат нима эканини айтаман, – деди у тез ва ғайритабиий тарзда шивирлаб. – Бу кўр-кўрона садоқат, жавобсиз итоат, ўзингни камситиш, бу – савол бермасдан, на ўзингга, на бутун дунёга кулоқ осмасдан ишониш, сени азоблаётган инсонга бутун қалбингни бериб қўйиш... менга ўхшаб!

Сўзлар даҳшатли ув тортиш билан яқунланди. Мисс Хевишемни зўрға ушлаб қолдим: у кутилмаганда ўзининг кафанкўйлагига ўриндикдан туриб кетиб, бошини куч билан деворга уриб, ҳаёт билан видолашмоқчи бўлгандек, қўли билан ҳавога зарба берди.

Буларнинг ҳаммаси бир неча лаҳзада содир бўлди. Уни ўриндикқа ўтқазар эканман, хушбўй совуннинг ҳидини туйдим.

Соат тўққизларда Эстелла Лондонга келганида менга хабар берилиши ва уни почта майдонида кутиб туришим тўғрисида шартлашиб олдик; кейин мен унинг қўлидан ушлаб хайрлашдим ва чиқиб кетдим.

XXXVII боб

Мистер Уэммикнинг уолвортча қарашларидан хабардор бўлиш учун энг қулай фурсат якшанба деган ҳаёлда, кейинги якшанба қасрга ташриф буюрдим. Қалъа деворлари ёнига келганимда байроқ ўз устунда мағрур хилпирар, кўприк бўлса, кўтариб қўйилганди; лекин бундай ваҳимали манзарадан ҳеч бир чўчимай, эшик олдида туриб, кўнғироқни чалдим ва Қария мени хотиржам қарши олди.

– Ўғлим сизни келиб қолса керак, деганди, сэр, – деди чол кўприкни маҳкамлаб қўяётиб, – якшанбалик сайридан тезда қайтишини айтиб қўйишни буюрганди. Ўғлим сайр қилишда тартибни ёқтиради. Ўғлим ҳамма нарсада тартиб бўлишини ёқтиради.

Уэммик унга қандай бош силкитса, мен ҳам шундай қилдим ва ичкарига кириб, камин олдига жойлашдим.

– Сэр, – деди чол қўлларини оловда исита туриб баланд овозда, – ўғлим билан идорасида танишган бўлсангиз керак? – Бош ирғадим. – Хўш! Эшитишимча, ўғлим ўз ишининг устаси экан, сэр? – Кучлироқ бош ирғадим. – Ҳа, ҳа, менга ҳам шундай дейишганди. У адвокатларнинг ишини қиладими? – Янада кучлироқ бош ирғадим. – Ана шуниси унинг энг қизиқ хунари, – деди чол, – негаки у адвокатликка эмас, дурадгор–бочкасосликка ўқиган.

Қария мистер Жеггерснинг шўхратидан хабардор ёки хабардор эмаслигини билгим келди ва чолнинг қулоғига баланд овозда унинг исмини айтдим. У кулиб, яхши кайфият билан:

– Йўқ, албатта, сиз ҳақсиз, – деб ҳафсаламни пир қилди.

Ҳозирги кунгача, унинг сўзлари нима мақсадда айтилгани ва унинг фикрича нималар деб ҳазил қилган бўлишим мумкинлигини билмайман.

Агар уни суҳбатга ундамасам, тўхтовсиз бош ирғашимга тўғри келарди, шунинг учун ундан ҳаётингизда нима иш билан шуғуллангансиз, сиз ҳам бочка ясаганмисиз, деб сўрадим. Охирги иккита сўзни баланд овозда бир неча марта такрорлаганимдан кейин, бармоғим билан гап у тўғрида эканига ишора қилдим, чол тушунди.

– Йўқ, – деди у, – мен омборчи бўлганман, омборчи. Аввалига анави ерда, – у қўли билан мўрини кўрсатди, тахминимча, Ливерпулни назарда тутаётганди, – кейин бу ерда, Лондонда. Лекин касаллик менга ёпишиб олди, ахир, сэр, менинг кулоғим оғир.

Ўзимни чуқур хайратга тушгандек кўрсатдим.

– ...Ҳа, ҳа, кулоғим яхши эшитмайди; шундай қилиб ушбу дард менга ёпишиб олганидан кейин ўғлим адвокатлик билан шуғулланишга қарор қилди ва менга қарай бошлади, секин-аста ана шу мулкни сотиб олиб, обод қилди. Айтган сўзларингизга келсак, сэр, – давом этди қария хандон отиб куларкан, – йўқ, албатта, сиз ҳақсиз.

Ўйлаб топишим мумкин бўлган энг ўтқир гапим ҳам чолнинг тасавуридаги ҳазилчалик кулдира олмаган бўларди, деб ўйлаб тургандим, камин ёнидаги девордан қандайдир овоз келиб, “Жон” деган ёзувли тахтача ўз-ўзидан кўчиб тушгандек бўлди. Нигоҳимни илғаган қария тантана билан:

– Ўғлим келди! – деди. Кейин иккаламиз кўтарма кўприк томон шошилдик.

Уэммикнинг чоҳнинг нариги томонидан қўл силкиб, мен билан саломлашаётганини кўриш ғалати томоша эди, негаки у қўл узатса, осонгина етадиган масофада эдим. Қария кўприкни шунчалар иштиёқ билан туширишга киришгандики, унга ёрдам ҳам таклиф қилмай, Уэммик биз томонга ўтиб, мисс Скиффинс билан таништирмагунча кутиб турдим, у уйга аёл киши ҳамроҳлигида қайтиб келганди.

Мисс Скиффинс кўринишидан қишлоқ аёлларига ўхшар ва ҳамроҳи сингари почта соҳасига алоқадор эди. У Уэммикдан уч ёшлар чамаси ёшроқ ва юриш-туришидан маълум миқдорда кўчар мулк соҳибаси эди. Кўйлаги шундай бичилгандики, белидан юқори қисми олд ва орқа томонлардан варракни эслатарди; кўйлагининг ранги менга жуда ҳам тўқ сариқ, қўлқоплариники жуда ҳам тўқ яшил кўринди. Лекин айни пайтда у кўринишидан тарбия кўрган аёл бўлиб, Қарияга ҳурмати баландлиги билиниб турарди. Тез орада мен мисс Скиффинснинг қасрга тез-тез келиб туришига амин бўлдим. Биз уйга кирдик ва мен Уэммикни келганидан отасини хабардор қилиб турувчи ихтироси билан табриқладим. Уэммик каминнинг бошқа томонидаги деворга эътибор беришимни сўраб, ғойиб бўлди. Тез орада яна нимадир овоз чиқарди ва бу сафар девордан “Мисс Скиффинс” ёзувли тахтача ажралиб чиқди. Кейин “Мисс Скиффинс” ёпилиб, “Жон” ажралди; кейин “Мисс Скиффинс” ва “Жон” бир вақтнинг ўзида кўчиб ва яна бир вақтнинг ўзида ёпилди. Уэммик қайтиб келгач, унинг доно механикасини кўкларга кўтариб мактай кетдим, у бўлса:

– Биласизми, буларнинг ҳаммаси Қария учун – ҳам ёқимли, ҳам фойдали. Шунга ҳам билиб кўйингки, сэр, бу ерга келадиганларнинг орасида қурилманинг сиридан фақат қария, мисс Скиффинс ва мен хабардормиз, – деди.

– Мистер Уэммик уни ўзи ўйлаб топиб, ўзи ясаган, – дея изоҳ берди мисс Скиффинс.

Хоним шляпасини ечишга ҳозирлик кўраётганида (яшил қўлқопларини у уйда меҳмонлар борлигининг исботи учун оқшом давомида ечгани йўқ), Уэммик менга боғга чиқиб, сайр қилишни ва қиш фаслида оролнинг кўринишига назар солишни таклиф қилди. У оловортча қарашларини менга маълум қилиш ниятидалигини тушуниб, ушбу имкониятдан дарҳол фойдаландим.

Яхшилаб ўйлаб олиб, мен масалани гўё биринчи мартадек баён қилишга киришдим. Уэммикка Герберт Покетнинг тақдиридан хавотирда эканим, у билан илк танишувимиз ва олишувимиз тўғрисида айтиб бердим. Гербертнинг оиласи, феъл-атвори, тирикчилик учун маблағни фақат отасидан олишини, қачон ва қанча олишини олдиндан сира билмаслигини гапириб бердим. Лондонга янги келганимда у билан мулоқотда бўлганим катта фойда берганини, назаримда, агар мен ва умидларим бўлмаганида у яхшироқ яшаган бўларди, деб ўйлашимни тан олдим. Мисс Хевишем тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмаганим ҳолда, эҳтимол, Гербертнинг йўлида тўғанок бўлганимни, лекин унинг олийжаноб экани ва ҳеч қачон шубҳалар, майда фитналар ва қасос олишлар билан ўзини ерга урмаслигини тушунтирдим. Ана шу барча сабабларга кўра, шунингдек, Герберт дўстим бўлгани ва уни яхши кўрганим учун, қандай қилиб менинг имкониятларим билан ҳозирнинг ўзида Гербертни, уни руҳан қўллаб-қувватлаш мақсадида, ҳеч бўлмаса йилига юз фунт даромад билан таъминлаш, кейинчалик бирон-бир кичикроқ корхонанинг улушини олиб бериш юзасидан шунчалар кенг тажриба ва алоқаларга эга Уэммикдан маслаҳат олишга умид боғлаётганимни айтдим. Гапимнинг ниҳоясида Герберт ёрдамим тўғрисида нафақат билмаслиги, тахмин ҳам қилмаслиги зарурлигини, бошқа ҳеч ким билан маслаҳатлаша олмаслигимни тушунтирдим. Кейин Уэммикнинг елкасига қўлимни қўйиб, дедим:

– Сизга мурожаат қилишга мажбур бўлдим, лекин бу анча серташвиш иш эканини биламан. Аммо айб ўзингизда – мени меҳмонга чақиришингиз керак эмасди.

Уэммик бир дақиқа жим қолди, кейин уйқудан уйғонгандек, шартта гапирди:

– Хўш, мистер Пип, сизга фақат бир нарсани айта оламан: жуда олийжаноб ишга қўл уряпсиз, жин урсин.

– Ана шу олийжаноб ишни амалга оширишга менга ёрдам беринг.

– Оҳ, – деди Уэммик бош чайқаб, – бу мен қиладиган иш эмас.

– Ахир ҳозир сиз ишхонада эмассиз-ку, – қайд қилдим мен.

– Буниси тўғри, – фикримга қўшилди Уэммик. – Мўлжалга аниқ урдингиз. Қулоқ солинг, мистер Пип. Қулоқ солинг, Пип, мен бир ўйлаб кўраман, назаримда, ҳаммасини сиз хоҳлагандек ташкил қилса бўлади. Мисс Скиффинснинг акаси – ҳисобчи ва савдо вакили. У билан гаплашиб кўраман ва сиз учун бирор нима ўйлаб топамиз.

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман.

– Аксинча, – деди Уэммик бош чайқаб, – мен сизга раҳмат айтишим керак, сиз билан ўта хусусий шахслар сифатида гаплашаётган бўлсак ҳам, бир нарсани ботиниб тан олмоқчиман, Ньюэйт чанги одамга ёпишиб қолади, бундай ишлар эса ундан фориг бўлишга ёрдам беради.

Яна бир оз шу мавзуда суҳбатлашиб, қасрга қайтдик, у ерда мисс Скиффинс чойга тайёргарлик кўриш билан овора эди. Энг масъулиятли иш – қокнон қовуриш – Қария зиммасига юкланганди. Саховатли мўйсафид бу ишга шунчалар иштиёқ билан киришиб кетгандики, беихтиёр ёкка

кўшиб, ўзини ҳам эритиб юбормасайди, деган хавотир уйғотарди. Бизни рамзий эмас, ҳақиқий меҳмондорчилик кутмоқдайди. Қоқнон бўлаклари камин оловида қовурилиб, иштаҳани китиклаб чирсиллар, Қария шунчалар кўп нон қовургандики, тахлам ортида ўзи кўринмай кетганди; мисс Скиффинс бўлса, шунчалар кўп чой тайёрлаган эдики, унинг орқасидаги жониворлар ҳам қаттиқ шовкин солиб, зиёфатда иштирок этиш ниятини билдиришмоқдайди.

Байроқ туширилган, замбарак керакли вақтда отиб бўлган, мен ушбу шинаям хонада ўзимни кенглиги ҳам, чуқурлиги ҳам тўққиз қулоқдан кам бўлмаган чоҳ билан ташқи дунёдан ажратилгандек ҳис қилаётгандим. Деворда вақти-вақти билан енгил овоз чиқариб дам мисс Скиффинс, дам Жоннинг тахтачаси кўчиб чиқишини ҳисобга олмаганда, қасрдаги хотиржамликка ҳеч нарса раҳна солмаётганди; тахтачаларда аллақандай камчилик бўлиб, аввалига уларнинг ҳаракати мени бир оз чўчитди, кейин кўникиб қолдим. Мисс Скиффинс ўзига ишонч билан бекалик қилаётганини кўриб, у ҳар якшанбада бу ерда чой қўйса керак, деб ўйладим; янги ой тагида ифодаланган ёқимсизгина, киррабурун аёл кишининг ён томондан тасвирланган шакли туширилган қадимги тўғноғични кўриб, кўчар мулкнинг ушбу намунасини унга Уэммик совға қилган, дея тахмин қилдим.

Биз барча нон бўлақларини еб, шунга мос равишда чой ичдик. Айниқса, Қария бурнига ёғ суриб олган ёввойи ҳиндулар қабиласи бошлиғининг ўзи бўлди-қўйди. Оқсоч қиз якшанба кунлари ўз оиласи бағрида қолса керак, негаки, мисс Скиффинс чойнак-пиёлаларни ювиб қўйди; у бу ишни шунчалар моҳирлик билан бажардики, ҳеч биримизга эриш туюлмади. Кейин у яна қўлқопларини кийиб олди ва ҳаммамиз оловга яқинроқ ўтирдик, Уэммик бўлса:

– Қани, Қария, газеталарда нималарни ёзишибди? – деди.

Қария кўзойнагини тақишга ҳозирлик кўрар экан, Уэммик бу нарса одат тусига киргани, газетани овоз чиқариб ўқиш чолга том маънода лаззат беришини менга тушунтирди.

– Изоҳнинг, менимча, ҳожати йўқ, – деди Уэммик, – ахир унинг эрмаги у қадар кўп ҳам эмас, тўғрими, Қария?

– Ажойиб, Жон, ажойиб, – жавоб қилди чол ўзига мурожаат қилаётганларини кўриб.

– Ўқишдан тўхтаган вақтида унга бош ирғаб туринг, – деди Уэммик, – унга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Хўш, мўйсафид отагинам, биз кутяпмиз.

– Ажойиб, Жон, ажойиб! – жавоб қилди қувноқ чол кишига ёқадиган ишчанлик ва мамнуният билан.

Қариянинг мутолааси менга мистер Уопслнинг бувиси очган мактабни эслатди, фарқи шунда эдики, овози калит тешигидан чиқаётганга ўхшарди. Чол ҳамма шамлар иложи борица ўзига яқин туришини талаб қилганидан ва дам бошини, дам газетани оловга тиқиб олишига бир баҳя қолаётганидан унга порох сақланаётган омбордек, кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур эди. Лекин Уэммик сабот ва меҳр билан ҳушёрлигини йўқотмас, Қария эса, неча марта ўлимга яқин келганидан хабар ҳам топмай, ўқишдан тўхтамасди. У бизга карагудек бўлса, ўзимизни ўта қизикаётгандек ва хайратланаётгандек кўрсатар ва яна мутолаага қайтмагунча бошимизни силкитиб турардик.

Нихоят, Қария ўз овози билан ўзини аллалаб, ухлаб қолди. Шунда Уэммик эътиборимизга кичкина қозонча, стаканлар ва икки юзи қип-қизил руҳонийни акс эттирувчи чинни қопқоқли қора шишани тақдим

этди. Биз қайноқ грог¹ билан кайфиятимизни кўтариш имкониятига эга бўлдик, уйқусидан уйғонишга уринган Қария ҳам ундан бош тортмади. Грогни мисс Скиффинс аралаштириб турди, шунда у мистер Уэммик билан бир стакандан ичаётганини сездим. Турган гапки, мисс Скиффинсга уйига кузатиб қўйишни таклиф қилиб ўтирмадим ва Қария билан дилдан хайрлашиб ва ёқимли ўтган оқшом учун миннатдорлик билдириб, биринчи бўлиб у ердан чиқиб кетишни афзал кўрдим.

Бир ҳафта ҳам ўтмай Уэммик менга хат ёзиб, биз хусусий шахслар сифатида муҳокама қилган иш бўйича айрим нарсаларни аниқлашга муваффақ бўлгани ва мен билан яна бир марта суҳбатлашишни истаётганини маълум қилди. Мен яна Уолвортга – унинг уйига бордим, кейин у ерда яна бўлдим, бир неча марта биз Ситида ҳам учрашдик, лекин Литл-Бритенда бу ҳақда оғиз ҳам очмасдик. Иш шу билан якунландики, биз яқиндагина оёққа турган, маблағ ва фаросатли ёрдамчига эҳтиёжи бор, вақти келиб, маълум миқдорда даромад олгач, ўша ёрдамчини шерик қилишга рози бўлган ҳалол ёш савдогар – кемаларда юк ташиш шартномалари бўйича воситачини топдик. Биз у билан мавзуси Герберт бўлган махфий шартнома туздик ва мен унга беш юз фунтимнинг ярмини нақд тўладим, шунингдек, яна маълум миқдор маблағни, қисман – бўлиб-бўлиб, даромадларим ҳисобидан, қисман – мулкимни бошқаришга киришганимдан кейин тўлаш мажбуриятини олдим. Музокараларни мисс Скиффинснинг акаси олиб борди. Уэммик бошидан-охиригача йўл кўрсатиб турди, лекин шахсан ўзи уларда иштирок этмади.

Ҳаммаси шу қадар усталик билан амалга оширилдики, бу ишда менинг иштироким борлиги Гербертнинг хаёлига ҳам келмади. Оқшомларнинг бирида у қанчалар бахтиёр чехра билан уйга қайтгани ва мени буюк янгиликдан хабардор қилганини сира унутмайман: у тасодифан аллақандай Кларрикер (ёш савдогарнинг исми шундай эди) билан танишибди ва ана шу Кларрикер нимагадир уни ёқтирибди ва... эҳтимол... орзиқиб қутилган бахтли тасодиф, мана у. Кунлар ўтиб, унинг ишончи ортиб, чехраси ёришиб боргани сайин, садоқатимга ишончи комил бўлиб бораверди, деб ўйлайман, негаки унинг бахтиёр эканини кўрган кезларимда кўзларимга қувонч ёшлари қуйилиб келаверарди.

Ҳамма нарса изига тушиб, Герберт биринчи марта Кларрикернинг идорасига ишга борган, кечки пайт эса омади келганидан тўлиб-тошиб мен билан тўхтамай суҳбатлашган куни эса, ёлғиз қолишим билан, умидларимдан кимгадир наф етганини ўйлаб, чиндан ҳам йиғлаб юбордим.

XXXVIII боб

Ҳаётимнинг ушбу саҳифасини Бентли Драмлнинг исмини тилга олмасдан ёпа олмайман, бильякс, у тўғрида жон деб оғиз очмаган бўлардим!

Кунларнинг бирида Герберт иккимиз аъзо бўлган “Қайинзордаги читтаклар” клубининг Читтаклари тўла таркибда йиғилдилар ва ҳар доимгидек мустаҳкам дўстлик ҳамда омад йўлида уришиб олишга улгурдилар. Раислик қилувчи Читтак Қайинзорни тартибга чақириб, Драмл бирон-бир хонимнинг саломатлиги учун қадаҳ сўзи айтмаганини эслатди – клубнинг қоидаларига кўра ўша куни бу шарафли вазифани у адо этиши керак эди. Қадахлар давра айланиб бўлгач, бу аблахнинг менга беписанд ва сермаъно қараётганини сезиб қолдим, лекин ҳайрон бўлиб ўтирмадим –

¹ Грог – мусаллас қайнатиб тайёрланадиган спиртли ичимлик.

бир-биримизга тоқат қилолмасдик. У Эстелла исмли қизнинг саломатлиги учун ичишни таклиф қилганида ғазабим кўзгади!

– Фамилиyasi-чи? – сўрадим мен.

– Ишингиз бўлмасин, – деди жаҳл билан Драмл.

– У қаерда яшайди? – сўрадим мен. – Бунисини айтишга мажбурсиз.

Бу чиндан ҳам Читтаклар қоидасида бор эди.

– Ричмондлик Эстелла, жентльменлар, – деди Драмл, саволни мен бермагандек. – Гўзалликда бекиёс.

(– Бекиёс гўзаллик нима эканини тушунадигандек гапиради-я, бефаҳм тентак! – шивирладим Гербертга.)

– Мен бу хонимни танийман, – деди Герберт ҳамма ичиб бўлгач.

– Ростдан-а? – деди Драмл.

– Мен ҳам танийман, – дедим мен алвондек қизариб.

– Ростдан-а? – деди Драмл. – Э, Худойим!

Бу бефаросат устингизга ликоп ёки стакан улоқтиришдан бошқа жавоб тополмасди, лекин ҳозирги сўзлари энг ўткир қочириқдан ҳам қаттиқроқ таъсир қилганди, мен ўша заҳоти ўрнимдан туриб, ўзини ҳурмат қиладиган Читтак ушбу Қайинзорда (биз бундай ибораларни ишлатишни ёқтирардик) туриб, ўзи ҳатто узокдан бўлса-да, танимайдиган хонимнинг саломатлиги учун қадах кўтаришни таклиф қилганини орийатсизлик деб баҳолайман, дедим. Мистер Драмл ўрнидан туриб кетиб, буни қандай тушуниш керак, деди. Агар ҳузуримга секундантларингизни юборишни истаб қолсангиз, мени қаердан топишни биласиз, деб жавоб қайтардим.

Насронийлар юртида бундай гап-сўзлардан кейин қон тўкилишининг олдини олса бўладими, деган савол Читтаклар сафига парокандалик солди ва баҳс шунчалар қизғин тус олдики, мендан кейин яна олти ҳурматли Читтак уларни қаердан топишни ҳамма билишига умид билдирдилар. Ниҳоят Қайинзор (ор-номус маҳкамаси вазифаси унга юкланган бўлганидан) қарор қилди: агар мистер Драмл ўша хоним билан таниш бўлиш бахтига сазовор эканига кичкина бўлса ҳам далил топиб кўрсатса, мистер Пип жентльмен ва Читтак сифатида ундан “қизишиб кетгани ва гаплари учун” кечирим сўрайди. Катта кетишимиз совиб қолмаслиги учун, ажрим эртаси кунига белгиланганди ва Драмл эртаси кунини Эстелладан ёзма тасдиқ кўтариб келди, унда Эстелла хушмуомалик билан ҳақиқатан ҳам Драмл билан бир неча марта рақс тушишдан мамнун бўлганини тасдиқлаганди. “Қизишиб кетганим ва ...лар учун” кечирим сўрашдан ва мени исталган ердан топиш тўғрисида айтганларимнинг мутлақо асоссиз эканидан келиб чиқиб, уларни қайтариб олишдан бошқа иложим қолмаганди. Драмл иккимиз яна бир соатча жанжаллашдик, Қайинзор бўлса бетартиб баҳслар ва гап талашилар билан овора бўлди, пировардида Читтаклар орасидаги дўстлик ва хайрихоҳлик ҳеч қачон бунчалар мустаҳкам бўлмаган, деб эълон қилинди.

Орадан кўп ўтмай, Драмл унинг орқасидан юраётганига, қиз эса, бунга чидаётганига ишонч ҳосил қилдим, бу унчалар қийин бўлмади. Яна бир мунча муддат ўтгач, у умуман Эстелланинг изидан қолмайдиган бўлди ва биз энди деярли ҳар кунни тўқнаш келадиган бўлиб қолдик. У қайсарлик билан кизни таъкиб этар, Эстелла эса, усталлик билан ошиқни янада қизиқтирарди: дам у билан хушмуомала, дам совуқ муносабатда бўлар, баъзан мақташни бошлар, кейин очикчасига мазах қилар, айрим ҳолларда эски танишини кўргандек қаршилар, баъзан эса, ўзини танимаганга оларди.

Лекин, мистер Жеггерс айтмоқчи, Ўргимчак, тарки одат – амри маҳол, ўлжасини шошмасдан пойлаб ётишга ўрганганди. Ундан ташқари у

бойлиги ва аслзодалиги кучига кўр-кўрона ишонар, бу эса унга мустаҳкам ирода ва мақсадни аниқ белгилашнинг ўрнини босарди. Шундай қилиб, Эстеллага қайсарлик билан қоровуллик қилишни давом эттириб, Ўргимчак катъият билан жуда ҳам кўп ёрқин қанотли парвоналарни четга суриб қўяр ва кўпинча тўр ёйиб, шифтдан айна зарур пайтда тушиб келарди.

Ричмондда уюштирилган шаҳар балларидан бирида (у пайтларда бал уюштириш ҳамма ерда одат тусига кирганди) Эстелла барча бошқа сохибжамолларни ортда қолдирди, тўпори Драмл бўлса, ундан бир қадам ҳам нари кетмади ва Эстелла унга шунчалар хайрихоҳлик кўрсатдики, киз билан гаплашиб олишга қарор қилдим. Вақтини топиб, Эстелла гулдонлар олдида бирга уйга қайтиш учун миссис Брэндлини кутаётганида, унинг ёнига келдим.

– Чарчадингизми, Эстелла?

– Бир оз, Пип.

– Тушунарли.

– Лекин бевақт чарчадим: бугун ҳали Сатис Хаузга хат ёзишим керак.

– Сўнги ғалаба тўғрисида ахборот бериш учунми? Эҳ, Эстелла, арзимайдиган ғалаба бу!

– Бу билан нима демоқчисиз? Мен ғайриоддий ҳеч нарсани сезганим йўқ.

– Эстелла, – дедим унга, – хув анави бурчакда сиздан кўз узмаётган одамга бир қаранг.

– Нега энди унга қарашим керак? – эътироз билдирди Эстелла, мен томонга ўгирилар экан. – Сиз айтгандек, хув анави бурчакдаги одамнинг кизиқ жойи борми?

– Сиздан худди ана шуни сўрамоқчийдим, – дедим мен. – Ахир бутун кеча мобайнида у атрофингиздан кетмади.

– Ёнаётган шам атрофида капалаклар ҳам, турли қўнғизлар ҳам айланаверади, – деди Эстелла ўша томонга боқиб. – Шам уларни тўхтата оладими?

– Йўқ, – жавоб бердим мен, – лекин Эстелла тўхтата олади-ку?

У бир дақиқа жим туриб, кейин кулиб юборди.

– Тўғриси айтсам, билмадим. Эҳтимол, шундайдир. Нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг.

– Лекин, Эстелла, менга қулоқ солинг. Драмлдек нафратга лойиқ одамга хайрихоҳлик қилаётганингиздан чуқур изтиробдаман. Ахир биласиз-ку, уни ҳамма ёмон кўради.

– Нима бўлибди?

– Бойлиги ва яна қандайдир миясини еган аждодларидан бошқа мақтанадиган нарсаси йўқлигини биласизми; биласиз-ку ахир, тўғрими?

– Нима бўлибди? – деди у яна бир марта ва унинг ажойиб кўзлари янада каттароқ очилаётганди.

Ушбу иборадан нарироқ бўлиш учун уни ўзим ҳам такрорладим:

– Нима бўлибди? Бундан мен қийналяпман, ахир.

У мени – мени! – қийноққа солиш учун Драмлга кўнғилчанлик қиляпти, деб ўзимни ишонтира олганимдайди, анча енгил тортган бўлардим; лекин Эстелла ҳар доимгидек шунчаки менинг бор эканимни унутиб қўйган, бинобарин бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

– Пип, – деди Эстелла хонага кўз югуртириб олиб, – сизга бунинг қандай таъсир қилаётгани тўғрисида аҳмоқона гапларни бас қилинг. Эҳтимол, бу бошқаларга таъсир қилаётгандир, эҳтимол, менга шу нарса керакдир.

Буни муҳокама қилишнинг кераги йўқ.

– Йўқ, керак, – эътироз билдирдим мен, – чунки мен одамларнинг: “У жозибаси ва латофатини ана шу манфур кимса ва аҳмоққа сарф қиляпти”, – дейишларига чидай олмайман.

– Мен эса, чидайман, – деди Эстелла.

– Ох, Эстелла, бунчалар такаббур, бунчалар қайсар бўлманг!

– Энди мени такаббур ва қайсар деяпсиз, хозиргина бефаросат одамга кўнгилчанлик қиляпсиз, деб танқид қилувдингиз, – деди Эстелла қўлларини ёйиб.

– Буни сира инкор эта олмайсиз, – дедим мен сабрсизлик билан, – бугун, менинг кўз ўнгимда, ҳеч қачон менга... насиб қилмаган қарашлар ва табассумларни унга ҳадя қилдингиз.

– Наҳотки сизни ўзимга ром қилиб, алдашимни истасангиз, – деди Эстелла кутилмаганда менга жиддийлик ва диққат, ҳатто жаҳл билан назар солиб.

– Демак, сиз уни ўзингизга ром қилиб, алдаяпсиз, шундайми, Эстелла?

– Ҳа, уни ва кўп сонли бошқаларни, сиздан бошқа ҳаммани. Ана миссис Брэндли келяпти. Бошқа ҳеч нарса демайман.

Энди, ушбу бобни узоқ вақтдан бери қалбим ардоғида бўлиб келган ва уни борган сари янги оғриққа дучор қилаётган инсонга бағишлаганимдан кейин, узоқ замонлардан бери пишиб келаётган, ҳали мен Эстелланинг мавжуд эканини билмаган, унинг гўдакларча онгини мисс Хевишем заҳарлай бошламаган вақтдаёқ содир бўлиши муқаррар бўлган ҳодиса мавзусига ўтишимга ҳеч нарса тўскинлик қила олмайди.

Шарқ эртақларининг бирида ҳикоя қилинишича, подшоҳнинг тўшагига узилиб тушиши керак бўлган тўрт бурчак тош бўлагини узоқ вақт тош қонида йўниб, яна шунча вақт у осилиб туриши лозим бўлган арқон учун қоя оралаб йўлак очиб, аста-секинлик билан тошни юқорига кўтариб, шифтга маҳкамлаб, арқоннинг иккинчи учини узоқ вақт йўлакдан ўтказиб, катта темир ҳалқага боғлаб қўйган эканлар. Оғир машаққатлар ортда қолиб, белгиланган соат етиб келгач, султонни ярим кечада уйғотибдилар ва арқонни чопиб ташлаш учун кўлига ўткир болта тутқазибдилар; подшоҳ арқонни узиб ташлабди ва шифт ўпирилиб тушибди. Мен билан ҳам шундай бўлди: мендан узоқда ва яқинда содир бўлиши муқаррар ҳамма нарса амалга ошди; ниҳоят, мана, болта бир лаҳзага кўтарилиб, тушди-ю бошимдаги том ўпирилиб, мени вайроналари билан кўмиб ташлади.

XXXIX боб

Йигирма учга кирдим, туғилган кунимдан кейин бир ҳафта ўтган бўлса ҳам, умидларим борасида бирон-бир аниқлик киритадиган бошқа бир оғиз сўз ҳам эшитмадим. Барнард мусофирхонасидан кўчиб чиққанимизга бир йилдан кўп бўлган ва биз энди Тэмплда – Гарден-Кортда, шундоққина дарё бўйида яшардик.

Бир кун олдин Герберт Марселга иш билан жўнаб кетганди. Бир ўзим қолиб, ёлғизликдан юрагим сиқилаётганди. Эртага ёки бир ҳафтадан кейин нимадир ойдинлашади, деб кутаверишдан, умидларим пучга чиқаверишидан чарчаб, безовталиқдан ўзимни кўярга жой тополмай, дўстимнинг қувнок чехраси ва самимий ҳозиржавоблигини қўмсаётгандим.

Соат ўн биргача китоб ўқиш учун соатни қаршимга, стол устига қўйиб олгандим. Китобни ёпишга улгурмасимдан авлиё Пётр эҳроми ва

Ситидаги кўплаб черковларнинг соатлари, бири олиб, бири кўйиб, вақт неча бўлганидан дарак бера бошладилар. Шамол шовқини занг товушини ғайриоддий қилиб ўзгартирар, шамол бу товушларни илиб, парчалаб ташлаётганига кулоқ солиб турганимда, зинадан қадам товуши келди.

Нимагадир чўчиб тушдим ва даҳшатдан баданим музлар экан, негадир мархума опам эсимга тушди. Нохуш қўрқув сонияси ўтиб кетди, мен яна кулоқ солиб, кўтарилаётган одам пиллапояларни эҳтиёткорлик билан пайпаслаб босаётганини эшитдим. Зинадаги фонусларнинг ўчиб қолгани эсимга тушиб, стол устидаги чирокни кўлимга олдим ва зинага чиқдим. Пастдан чирокнинг ёруғи кўринди, шекилли, қадам товушлари тиниб қолди.

– Пастда ким бор? – кичкирдим мен зина тўсиғи оша энгашиб.

– Мен, – деди кимдир қудуқ ичидан гапираётгандек.

– Сизга қайси қават керак?

– Юқори қават. Мистер Пип.

– Бу менман. Бирор нарса бўлдимми?

– Ҳеч нарса бўлмади, – деди овоз. Қадамлар яна юқорига кўтарила бошлади.

Чирокни зина устида тутиб турмоқдайдим, ниҳоят унинг ёғдуси инсон қиёфасини ёритди. Чирок китоб ўқишга мўлжалланган бўлиб, қалпоқ кийгизилгани учун ўша одамни бир лаҳзагагина ёритди.

Ана шу бир лаҳза ичида ўзимга мутлақо нотаниш бўлган, юқорига тикилиб турган кўзларида мен билан учрашувдан тушунарсиз қувонч ва ҳаяжон сезилиб турган қиёфани кўриб улгургандим.

Ўша одамнинг кўтарилишига мос равишда чирокни ҳаракатлантирар эканман, устидаги либоси сифатли матодан, лекин денгиз саёхатчиларига мўлжаллаб, кўпол бичимда тикилганини қайд қилдим. Унинг сочлари оппоқ ва узун эди. У чайир, ҳали жуда бақувват, юзи офтоб ва шамолларда қорайган эркак киши эди. Мана у сўнгги икки пиллапояни босиб ўтди, чирок ёғдуси иккала мизни ёритарди, унинг қўл узатаётганини кўриб, ҳайратдан қотиб қолдим.

– Кечирасиз, нима ишингиз бор эди? – сўрадим ундан.

– Нима иш? – қайтарди у қадамни тўхтатар экан. – Э, ҳа. Тўғри, ижозатингиз билан, ишимни баён қилсам.

– Ичкарига киришни хоҳлайсизми?

– Ҳа, – деди у. – Ичкарига киришни хоҳлайман, мистер.

Унинг юзида барқ уриб турган мен билан учрашувдан хурсандлик ва ўзига бўлган ишонч асабимга тегаётганидан саволим у қадар хушмуомалик билан берилмаганди. Ушбу хурсандчиликка шерик бўлишимни кутаётганидан ҳам жаҳлим чиқа бошлаганди. Нима бўлганда ҳам, уни хонага олиб кирдим ва чирокни стол устига кўйгач, кўлимдан келганича хушмуомалик билан, унга нима керак эканини сўрадим.

У атрофга, ўзи ҳамма нарсага алоқадордек, завқланиб эмас, кўпроқ маъқуллаб назар солди, кейин қалин йўл камзулини ва шляпасини ечди. Шундагина мен унинг боши ажин босган ва туксиз эканини, фақат икки чаккасидагина узун, оппоқ сочлар ўсишини кўрдим, лекин нима сабабдан у бу ерда пайдо бўлганини изоҳлай оладиган ҳеч бир нарсани пайқамадим. Аксинча, кейинги дақиқада у менга иккала кўлини узатди.

– Бу нима дегани? – сўрадим мен ақлдан озган одам билан мулоқот қиляпман, деган хаёлда.

У мендан кўзини олиб қочди ва ўнг кўли билан бошини секин силади.

– Инсоннинг бу нарсага чидаши қийин, – деди у паст, бўғиқ товушда, –

шунча вақт кутсанг, шунча чақирим йўл босиб келсанг; лекин сенинг айбинг йўқ бу ерда – бу ерда сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз. Беш дақиқадан кейин ҳаммасини айтиб бераман. Беш дақиқа сабр қилиб тур, илтимос.

У ўчоқ олдидаги ўриндиққа чўкди ва катта, қорайган, томирлари ўйнаб ётган қўллари билан юзини тўсиб олди. Унга диққат билан қарадим ва бир оз орқага чекиндим, лекин таний олмадим.

– Ён атрофда ҳеч ким йўқ, шундайми? – сўради у елкаси оша менга қараб.

– Кеч бўлганда уйимга бостириб кирган сиздек бегона бир одамни бу нега қизиқтириб қолди?

– Ҳозиржавобга ўхшаяпсан! – деди у ва бошини шунчалар меҳр билан чайқатдики, умуман ўзимни йўқотиб қўйдим ва ғазабланиб кетдим. – Ҳозиржавоб бўлиб ўсганинг яхши бўлибди! Лекин менга тегма, акс ҳолда афеус еб қоласан.

У сезиб қолишга улгурган ниятимдан воз кечдим, негаки, энди унинг ким эканини билгандим! Юз белгиларини алоҳида оладиган бўлсам, бирортасини ҳам эслай олмадим, лекин унинг ким эканини фаҳмлагандим! Агар шамол ва ёмғир мени ўтмишдан ажратиб турган йилларни тарқатиб юбориб, ўтмишни тўсиб турган барча нарсаларни учуриб кетиб, бугунгига буткул ўхшамаган шароитда биз биринчи марта учрашган қабристонга иккимизни олиб бориб ташлаганларида ҳам, бугун хонамда, камин олдида ўтирган таниш маҳбусни ҳозиргидек ишонч билан таниб олмаган бўлардим. У чўнтагидан эговни чиқариши, бўйнидан рўмолини ечиб, бошини боғлаб олиши, қўллари билан ўзини қучоқлаб олиши, совуқ қотгандек ғужанак бўлиб, мендан кўз узмай, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юриши шарт эмасди. Бир дақиқа олдин унинг кимлигини мен тахмин ҳам қила олмайдигандек туюлган бўлса-да, у ҳали далил-исботларни ишга солмаёқ, уни таниб бўлгандим.

У яна стол олдида келди ва яна иккала қўлини менга узатди. Нима қилишни билмасдан – ҳайрон бўлганимдан бошим айлана бошлаганди – истамайгина қўлларимни узатдим. У уларни қаттиқ сиқди, лабларига олиб борди ва дарров қўйиб юбормади.

– Сен олийжаноблик қилдинг, ўғлим, – деди у. – Баракалла, Пип! Мен буни унутганим йўқ!

Ўзгариб кетган қиёфасидан мени бағрига босмоқчи бўлаётганини тушуниб, қўлимни кўкрагига тираб, уни нари итардим.

– Йўқ, – дедим мен. – Кераги йўқ! Агар болалигимда қилган ишим учун миннатдор бўлсангиз, умид қиламанки, уни исбот қилиш учун тузалиш йўлига ўтгансиз. Агар бу ерга менга миннатдорчилик билдириш учун келган бўлсангиз, ўзингизни қийнаб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Мени қандай қилиб топганингизни билмайман, лекин бу ишни яхши ниятда қилганингиз кўришиб турибди ва сизни ўзимдан итармоқчи эмасман; лекин, турган гапки, шунини тушунишингиз керакки...

Унинг синчков назари шу қадар изоҳ талаб эдики, у ёғига гапиролмай қолдим.

Бирмунча муддат бир-биримизга жим қараб турганимиздан кейин у:

– Турган гапки, тушунишингиз керак, дединг. Айнан нимани, турган гапки, тушунишим керак экан? – деб сўради.

– Энди ҳамма нарса ўзгарганини ва мен эски, тасодифий таниш-билишликни асло тикламоқчи эмаслигимни. Тавба қилиб, бошқа одамга айлангансиз, деб ўйлаш менга ёқади. Сизга буни айтиш ҳам ёқади. Миннатдорчилик изҳор этиш учун келганингиз, миннатдорчиликка, сизнинг

фикрингизча, муносиб эканим ҳам ёқади. Лекин йўлларимиз бошқа-бошқа. Ивиб кетибсиз, ҳолдан тойган кўринасиз. Кетишдан олдин бирор нарса ичиб олишни истайсизми?

У бўйнига яна рўмолини ташлаб олган ва синчков назарини мендан узмай, унинг учини тишлаб-тишлаб қўймоқдайди.

– Майли, – деди у ҳамон мендан кўз узмай ва рўмолининг учини оғзидан чиқармай. – Майли, ҳа, раҳмат, кетишдан олдин бирор нима ичаман.

Девор ёнидаги кичик хонтахтада шишалар ва стаканлар қўйилган патнис бор эди. Уни камин ёнига олиб келиб, меҳмонимдан нима ичишини сўрадим. У сўз демай, деярли карамай шишалардан бирига ишора қилди ва мен грог тайёрлашга киришдим. Қўлимни титратмай ушбу вазифани адо этишга қанчалар ҳаракат қилмай, у бўйнидаги рўмолнинг узун учини оғзидан олишни унутиб, ўриндикка суяниб олиб, мендан кўз узмай ўтирганидан, бунинг уддасидан чиқиш қийин бўлди. Ниҳоят стаканни унга узатдим ва кўзлари жикка ёшлигини кўриб, ҳайрон қолдим.

Ҳозиргача унинг тезроқ кетишини истаётганимни кўрсатиш учун ҳатто ўтирмаётгандим. Лекин унинг кўнгли бўшашганини кўриб, мен ҳам бўшашдим ҳамда виждоним қийнала бошлади.

– Сўзларимни кўнглингизга олмасиз, деб умид қиламан, – дедим мен иккинчи стаканга грог қуйиб ва ўзим учун курси ҳозирлаб. – Сизни хафа қилмоқчи эмасдим ва агар беихтиёр шундай қилган бўлсам, мени кечиришингизни сўрайман. Саломатлигингиз учун ва сизга бахт тилайман!

Стаканни лабларимга олиб борганимда, у оғзини очиши билан кўкрагига тушиб қолган рўмолнинг учига ҳайрон бўлиб қаради ва менга қўл узатди. Мен уни сиқдим, кейин у грогни ичиб, енги билан пешона ва кўзларини артди.

– Нима билан шуғулланасиз? – сўрадим ундан.

– Қўй, қорамол бокдим, яна кўп нарсаларга уриниб кўрдим, – деди у, – анави ёқда, Янги Дунёда¹, нотинч денгиз билан бир неча минг чақирим нарида.

– Ҳаётда омадингиз келгандир, деб умид қиламан?

– Жуда ҳам омадим келди. Мен билан бошқалар ҳам боришганди, улар ҳам бойиб кетишди, лекин менга етишга уларга йўл бўлсин. У томонларда обрўйим жуда баланд.

– Буларни эшитишдан жуда хурсандман.

– Бундай дейишинг жуда ҳам яхши, азиз ўғлим.

Бу сўзлар ва улар қандай оҳангда айтилганига эътибор бериб ўтирмасдан, ҳозиргина эсимга тушиб қолган мавзуга мурожаат қилдим.

– Бир вақтлар олдимга бир одамни юборгандингиз, – дедим мен. – Топширигингизни бажарганидан кейин уни ҳеч кўрдингизми?

– Бир марта ҳам кўрмадим. Кўра олмасдим ҳам.

– У ўшанда мени топди ва иккита бир фунт стерлингли қоғоз пулларни топширди. Ўзингиз биласиз, у вақтларда камбағал бола эдим, камбағал бола учун икки фунт катта бойлик эди. Ўшандан бери, сиз каби, менинг ҳам ишларим юришиб кетди ва энди ўша пулларни қайтариб олишингизни сўрайман. Уларни бошқа бир камбағал болага беришингиз мумкин.

У ҳамёнимни стол устига қўйиб, уни очишим ва бирин-кетин иккита бир фунт стерлингли пулни ичидан олишимга қараб турди. Улар янги, тоза эди, пулларни текислаб меҳмонимга узатдим. Мендан кўз узмай туриб, у пулларни узунасига буклади, кейин айлана қилиб ўраб, лампанинг устида

¹ Янги Дунё – Американинг кашф этилиши давридаги номи.

ёқиб юборди ва қўлини патнис устига ташлади.

– Энди мен сўрашга ботинмоқчиман, – деди у қовоқ солаётгандек табассум қилиб ва табассум қилаётгандек қовоқ солиб, – иккаламиз изғирин турган ботқоқликда суҳбатлашганимиздан бери, қандай қилиб бадавлат бўлиб кетдинг?

– Қандай қилиб?

– Ҳа, қандай қилиб?

У грогни охиригача ичиб, ўрнидан турди ва оловга яқин бориб, оғир, қорайган қўлини ўчоқнинг тоқчасига қўйди. Кейин қуритиб олиш ва иситиш учун бир оёғини панжарага қўйди, ивиб кетган бошмоқдан буғ чиқа бошлади; лекин унинг бошмоқ билан ҳам, олов билан ҳам иши бўлмай, менга диққат билан тикилишда давом этмоқдайди. Мана энди мени титроқ босаётганди.

Оғзимни очдим, лабларимни қимирлатсам-да, овоз чиқмаётганди, ниҳоят бир амаллаб (аниқ чиққан бўлмаса ҳам) мулкий меросни кутаётганимни айтдим.

– Нафратга сазовор банди қандай мулк тўғрисида гап бораётганини билиши мумкинми?

– Билмадим, – дедим мен ғўлдираб.

– Нафратга лойиқ банди гап кимнинг мулки тўғрисида бораётганини билиши мумкинми?

– Билмадим, – дедим яна ғўлдираб.

– Қани, мен бир топишга уриниб кўрай-чи, – деди собиқ маҳбус, – вояга етганингдан бери йилига неча пул оляпсан! Биринчи рақам, масалан, бешми?

Қалбим безори телбанинг қўлидаги оғир болға мисол тепаётганини ҳис қилиб, ўрнимдан турдим ва курсига суяниб, суҳбатдошимга мерайиб термилиб қолдим.

– Энди, васий масаласида, – давом эттирди у. – Тўғрироғи, йигирма бир ёшга киргунингча васийингми, шунга ўхшаш одамми бўлган. Аллақандай иш юритувчи ҳам бўлиши мумкин. Фамилиясининг биринчи ҳарфи, масалан, нима эди? “Ж” эмасмиди мабодо?

Дунёимни яшин ёғдуси бирданига ёритгандек бўлди ва устимга умидсизлик, ҳақорат, хавф-хатар, эҳтимолий кўнгилсизликлар оқими ёпирилиб, нафасимни бўғиб қўя ёзди.

– Тасаввур қилгин-а, – деб у яна гап бошлади, – ўша фамилияси “Ж” дан бошланадиган, тўлиғини айтадиган бўлсак, Жеггерс деган иш юритувчининг ишончли вакили Портсмутга денгиз орқали келса, кемадан тушса ва сен билан учрашса. Ҳозиргина ўзинг: “Мени қандай қилиб топганингизни билмайман”, дединг. Хўш, сени қандай қилиб топибман, а? Жуда ҳам осонда: Портсмутдан Лондондаги бир одамга мактуб ёздим ва манзилингни билиб олдим. У одамнинг исми нима, дейсанми? Ҳа, Уэммик!

Биров ўлдираман, деб таҳдид қилса ҳам ўша лаҳзада оғзимни очолмаган бўлардим. Бир қўлим билан курсига суяниб турар, иккинчисини назаримда ҳозир ёрилиб кетадиган кўкрагимга қўйиб, меҳмонимга талмовсираб қараганимча, қотиб қолгандим. Кейин кўз олдим қоронғилашиб, хона чир айлана бошлади ва мен ваҳима ичида курсини маҳкам ушлаб олдим. У мени суяб қолди, диванга ўтқазиб, атрофимга ёстиклар қўйиб, суянтирди ва қаршимда бир оёғини букиб, тиз чўқди. Энди хотирамда аниқ жонланган ва мени дахшатга солган юзи юзимга жуда яқин турарди.

– Ҳа, Пип, азиз болагинам, мен сени жентльмен қилдим! Мен, бошқа ҳеч ким эмас! Ўшандаёқ бир гинейя топсам ҳам, уни сенга бераман, деб қасам

ичгандим. Кейинроқ, омадим келиб, бойиб кетсам, сен ҳам бой бўласан, деб қасам ичдим. Туз татимаган кунларим бўлди, лекин зорланмадим, сен яхши яшасанг бўлди, дедим. Қўлим қўлимга тегмай меҳнат қилдим, сен ишламасанг бўлди, дедим. Хўш, нима бўлибди, ўғлим? Бу гапларни мендан миннатдор бўлишинг учун айтяпти, деб ўйлаяпсанми? Асло ундай эмас. Буларни шуни билиб қўйишинг учун айтяпманки: ҳамма таъкиб қилган, лекин сен ҳаётини сақлаб қолган кўтир ит шу даражага етдики, қишлоқ боласини жентльменга айлантирди ва бу жентльмен – сенсан Пип!

Агар қаршимда энг қўрқинчли махлуқ турган бўлганида ҳам ундан бу қадар ижирғанмаган, бу қадар даҳшатга тушмаган, бу қадар нафратланмаган бўлардим.

– Ўзинг бир қара, ахир, – давом этди у чўнтагимдан соатни олиб ва узугимни бураб, тош томонини ўзига қаратиб; менга қўл теккизганида илонни кўргандек эгим жимирлашиб кетди, – олтин соат, чиройлилигини айтмайсанми: жентльменга арзимабдими! Буниси эса олмос, атрофи ёқут билан ўралган: жентльменга ярашмайдими! Кийимларингга қара – нафис ва чиройли. Булардан зўрини топиб бўлмаса керак! Китобларни айтмайсанми! – У хонага кўз югуртирди. – Жавонлар тўла, юзлаб китоблар! Ахир сен уларни ўқигансан? Биладан, биладан, келган пайтимда ҳам ўқиётгандинг. Ха-ха-ха! Менга ҳам китоб ўқиб берасан-а, ўғлим? Агар улар бошқа тилда бўлса, бир сўзини ҳам тушунмайман, лекин барибир, сен билан кўпроқ фахрланаман.

У яна қўлларимни лабига олиб борди, яна баданимга муз югурди.

– Сен ўзингни қийнама, Пип, гапирма, – деди у яна енги билан пешонаси ва кўзларини артиб олгач, томоғида нимадир “қулт” этди – бу товуш хотирамда яхши сақланиб қолганди! Қанчалар жиддий гапирса, ундан шунчалар кўп нафратланаётгандим. – Сен учун ҳозир энг яхшиси, жим ётиш, ўғлим. Ахир сен бугунги кунни мен каби йиллаб кутмагансан; менга ўхшаб узоқ вақт тайёргарлик кўрмагансан. Лекин наҳотки бирор марта бўлса ҳам буларнинг ҳаммасини мен қилаётганимни ўйлаб кўрмаган бўлсанг?

– Йўк, йўк, йўк, – дея жавоб қайтардим. – Тасаввур ҳам қилмаганман!

– Ана кўряпсанми, булар менинг ишим, бошқа ҳеч кимники эмас. Ва бу тўғрида ўзим ва мистер Жеггерсдан бошқа ҳеч кимса билмайди.

– Наҳотки бошқа ҳеч ким бўлмаган бўлса? – сўрадим мен.

– Бўлмаган, – деди у хайратдан кўзларини катта очиб, – яна ким бўлиши керак? Оҳ, болагинам, чиройингга бир қара! Хўш, айт-чи, шахло кўзлар ҳам борми? Бирор жойда сенга тинчлик бермаётган шахло кўзлар борми?

Оҳ, Эстелла, Эстелла!

– Улар сеники бўлади, ўғлим, қанчага тушса ҳам. Сендек бир маълумоти бор жентльменнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди, демаяпман; лекин пул билан енгилроқ кўчади-да! Бошлаган гапимнинг давомини сенга айтиб берай, болагинам. Кўйларга қараб юрган пайтимдаги ўша қоровулхонада менда акча пайдо бўлди (уларни менга фермер-хўжайиним дунёдан ўтаётиб қолдирди, у бизга ўхшаганлардан эди), кейин муддатим тамом бўлди, мен секин-аста мустақил иш юритиб кўра бошладим. Нимаики қилмай, сен тўғрингда ўйлардим. Бирор янги ишга қўл ураман-да, ўзимга-ўзим: “Булар боланики, бўлмаса лаънатлар бўлсин менга!” дейман. Ва ҳамма нарсада хайратланарли даражада омадим чопа бошлади. У ерларда обрўйим баланд, деб айтгандим сенга. Хўжайинимдан қолган ва ўзим дастлабки йилларда ишлаб топган пулларни Англияга, мистер Жеггерсга жўнатдим – ҳаммаси

сенга эди, ўшанда у менинг мактубимга кўра сени олиб кетгани келганди.

Қанийди, у ўшанда келмаган бўлса! Қанийди, тақдиримдан унчалар рози бўлмасам-да, устахонада қолган ва ўшанчалар бахтли бўлган бўлсам!

– Жентльменни катта қилаётганимни билиш ўзим учун катта мукофот эди. Мен пиёда, колониячилар эса, устимга чанг отиб, зотдор отларда юрган бўлсалар нима бўлибди? Биласанми нималарни ўйлардим? Мана эшит: “Ҳаммангиз бир бўлсангиз ҳам, тенг кела олмайдиган жентльменни катта қиялпман!” Улар бир-бирларига: “Тўғри, омади келяпти, лекин яқинда у маҳбус эди, ҳозир ҳам саводсиз, кўпол одам”, деганларида, биласанми, нималарни ўйлардим? Мана нимани: “Майли, мен жентльмен эмасман, саводим ҳам йўқ, лекин менинг жентльменим бор. Сизларда ерларингиз ва подаларингиз бор, лекин бирортангизда Лондонда ҳақиқий жентльмен борми?” Ана шу хаёл билан ўзимда куч топиб юрдим. Қачонлардир бу ерга албатта келиб, болагинамни кўриб, энг яқин одамимдек унга ҳамма нарсани очиқ айтишни ҳам кўнглимга тугиб юрдим.

У қўлини елкамга қўйди. Бу қўлга қон сачраган бўлиши мумкин, деган хаёлда сесканиб тушдим.

– У ерлардан кетиш менга осон бўлмади, Пип, қолаверса бу иш хатарли ҳам эди. Лекин мақсадларимга доимо эришиб келганман, мақсад қанчалик қийин бўлса, шунчалик матонатли ҳам бўлганман, ҳаммасини ўйлаб, мустаҳкам режа тузиб қўйгандим. Мана ниҳоят, шу ердан. Азиз болагинам, мен шу ердан!

Мен хаёлларимни жамлашга ҳаракат қилаётгандим, лекин миям ишламасди. Бу одамнинг гапларини эмас, ёмғир ва шамол шовқинини эшитаётгандек эдим; ҳатто у жимиб қолганида ҳам унинг овозини бошқа товушлардан ажратишга қодир эмасдим.

– Мени қаерга жойлаштирасан? – сўради у бир оз вақт ўтгач. – Мени қаергадир жойлаштиришинг керак, ўғлим.

– Ухлашгами? – сўрадим мен.

– Ҳа. Бугун мазза қилиб уйкуга тўймоқчиман, неча ойлардан бери денгизларда адашиб, улоқиб юрганимни бир тасаввур қилгин-а!

– Мен билан яшайдиган дўстим ҳозир шаҳарда эмас, – дедим мен дивандан тураётиб, – унинг хонасида ёта қолинг.

– У эртага ҳам келмайдими?

– Йўқ, – қанчалар ҳаракат қилмай, алаҳлаётганга ўхшардим, – эртага ҳам келмайди.

– Негаки, биласанми, ўғлим, – деди у овозини пасайтириб ва узун бармоғини кўкрагимга таҳдид билан қадаб, – эҳтиёт чораларини кўришимиз керак.

– Тушунмаяпман. Эҳтиёт чоралари?

– Ҳа-да. Бўлмаса, қасам ичиб айтаманки, ўлдиришади!

– Нега ўлдиришади?

– Ахир мен бир умрга сургун қилинганман. Қайтиб келиш мен учун ўлим дегани. Кейинги пайтларда жуда кўп одам қайтиб келди, агар ушлаб олсалар, мени ҳам дор кутиши аниқ.

Шуниси етмай турувди! Бу шўрпешона йиллар давомида ўзининг лаънати олтин ва кумушларидан менга кишан ясабгина қолмай, ҳаётини гаровга қўйиб, олдимга келган, энди унинг тақдири менинг қўлларимда эди! Агар ундан нафратланмай, яхши кўрганимда; агар у менда ижирғаниш эмас, чуқур нафосат ва завқ уйғотгандайди, аҳвол мен учун ҳозиргичалик ёмон бўлмасди. Аксинча, у ҳолда мен юракдан ва табиий равишда уни

хавф-хатардан ҳимоя қилишга уриниб кўрардим.

Қиладиган биринчи ишим – кўчадан чирок нуруни кўриб қолмасликлари учун, дарпардаларни ёпиш бўлди, кейин эшикларни ҳам ёпиб, қулфладим. Ана шулар билан овора бўлиб турганимда, у стол олдида ром хўплаб, печенье еётганди. Унга қараб туриб ботқоқликда овқат еётган таниш маҳбус кўзимга кўриниб кетди. Унинг эгилиб, оёқларидаги кишанни эговлай бошлашини кутаётгандек эдим.

Гербертнинг хонасига кириб, кириш эшиги қулффлоғлик эканига, у ерга биз гаплашиб ўтирган хона орқалигина кириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим-да, меҳмонимдан ҳозир ётасизми, деб сўрадим. У ҳа, деб жавоб қилди, лекин эрталаб уйғонганида менинг “жентльменча” ички кийимларимдан киймоқчи эканини айтди. Ички кийимни олиб, тўшак ёнига қўйдим, хайрлашаётиб қўлларимни силкита бошлаганди, яна баданимга муз югурди.

Ниҳоят, ундан бир амаллаб қутулдим, кейин ўчоққа кўмир ташладим ва ухлашга ботинолмай, олов ёнида ўтирдим. Яна бир соатча тўла қарахтлик ўйлашимга йўл қўймади; ва ниҳоят ўйлай бошлагач, аста-секин тамом бўлганимни, мен сузаётган кема парчаланиб кетганини тушуниб етдим.

Мисс Хевишемнинг менга тегишли режалари хомхаёл бўлиб чиқди; Эстелла ҳеч қачон меники бўлмайди; Сатис Хаусда мендан ҳасис қариндошларга зарба бериш учун, қурбон қилгани бошқа ҳеч кимни топа олмаганларидан, қалб ўрнида мурват ўрнатилган кўғирчоқ ўрнида фойдаланганлар – дастлабки оғриқли хулосаларим ана шулар бўлди. Лекин мени энг чуқур, энг оғир изтиробга солган фикр шундан иборат эдики, қандайдир жинойтлари учун қамалган, ҳозир ўзим хаёл суриб ўтирган мана шу хонадан олиб чиқиб кетиб, Олд-Бейли дарвозалари ёнида дорга осишлари мумкин бўлган собиқ маҳбусни – ана шу одамни деб Жони ташлаб келаверибман.

Пип умидларининг иккинчи фасли шу ерда тугайди.

XL боб

Кўрқинчли меҳмонимни хавф-хатардан ҳимоя қилиш фикри дарров миямга келгани яхши бўлганди; ушбу фикр уйғонишим билан хаёлимдан ўтди ва шууримни банд қилаётган бошқа пала-партиш ўйларни вақтинча нари сурди.

Уни хонамга беркитиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бунинг уддасидан барибир чиқолмасдим ва ҳар қандай уриниш фақат шубҳа уйғотган бўларди. Тўғри, Қасоскорни ишдан бўшатганимга кўп бўлганди, лекин энди менга қип-қизил башарали кампир хизмат қилар ва ёрдам бериши учун увалдаларга бурканган жиянини ўзи билан олиб келарди; уларни хоналардан бирига киритмаслик қизиқишларини уйғотган ва ниҳояси йўқ гап-сўзларга асос яратиш билан баробар эди. Иккалалари ҳам шабкўр, назаримда, калит тешигидан йиллар мобайнида кўп мўралаганлари учун, иккалалари ҳам, албатта, чақирилмаган вақтда пайдо бўлишарди, иккаласининг ҳам қўли эгри эканини ҳисобга олмаганда, бу улардаги ягона муқим ҳислат эди. Ушбу икки хонимча бу ерда қандайдир сир бор, деб ўйламасликлари учун, эрталаб уларга қутилмаганда қишлоқдан амаким меҳмонга келиб қолди, деб айтишга қарор қилдим.

Бу қарорни қоронғида шам ёкиш учун гугурт излаб юрганимдаёқ қабул қилгандим. Ҳеч нарса тополмай, қоровулни фонуси билан бошлаб келиш

учун энг якин дарвозага йўл олишга мажбур бўлдим. Пайпаслаб, қоронғи зинадан пастга тушаётганимда бурчакда ғужанак бўлиб ўтирган одамга қоқилиб кетдим.

Бу ерда нима қиляпсан, деган саволга ўша одам умуман эътибор қилмади ва ўзини четга олди холос. Буни кўриб мен қоровулхонага чопиб бордим ва қоровулни тез чақириб, бирга қайтаётганимизда гап нимадалигини унга тушунтирдим. Шамол шунчалар кучли эсардики, охирги ёниб турган шам ҳам ўчиб қолмасин дея, зинадаги фонусларни ёқиб ўтирмадик, лекин бутун зинани, тепадан пастгача, қараб чиқдик ва ҳеч кимни тополмадик. Шунда ўша одам хонамизга кириб олмаганмикан, деган фикр хаёлимга келди; мен қоровулнинг фонусидан шамимни ёқиб олдим ва уни даҳлизда қолдириб, ҳамма хоналарни, меҳмон ухлаётган хонани ҳам, диққат билан қараб чиқдим. Ҳаммаёқ тинч, йўқлигимда ҳеч ким ичкарига кириб олмаганди.

Айнан шу кеча зинада айғоқчи яширинган бўлиши мумкинлигидан безовта эдим ва қоровулдан бирор нарсани билиб олиш мақсадида, унга ичкилик узатиб, кеча битта-яримта ичиб олган кимса дарвозадан кирмовдими, деб сўрадим. Бўлмасам-чи, деди у, бунақалардан учтаси кирди, ҳар хил вақтда. Биттаси Фаунтен-Кортда яшайди, қолган иккитаси Тэмпл-Лейнда, қоровул уларнинг уйларига қайтганларини кўрибди. Мана шу уйда биз билан бир қаторда ижарага турадиган ягона одам икки ҳафтача олдин шаҳардан чиқиб кетганди, тун пайтида у қайтиб келмагани аниқ эди – зинадан кўтарилаётиб, эшиги муҳрланганини кўргандик.

– Дарвозадан кам одам киради, сэр, – деди қоровул стаканни узатар экан, – ҳаво жуда айниб кетди. Соат ўн бирда, сизни сўраб келганларидан кейин, анави уч жентльмендан бошқа ҳеч ким кирмади.

– Ҳа, ҳа, – шошилиб тасдиқладим мен, – амаким келганди.

– Уни, албатта, кўргансиз-а, сэр?

– Ҳа. Албатта, кўрдим.

– У билан келган одамни ҳам кўрдингизми?

– У билан келган? – қайта сўрадим мен.

– Менга шундай кўринди, – жавоб берди қоровул. – У уйингиз қаердалигини сўраш учун тўхтаганида, анави одам ҳам тўхтади, кейин у бу ёққа қараб келганида, униси ҳам эргашди.

– Кўриниши қанақайди?

Қоровул уни яхшилаб кўра олмабди, кўринишидан оддий одамга ўхшатибди; кийими чангга ўхшабди, устида қора плаш бор экан. Қоровул буларнинг барига аҳамият бермаётгани табиий эди, негаки бу нарсаларга жиддий ёндашиш учун менда бор сабаблар унда йўқ эди.

– Сизни қандай чақиршни ҳам билмайман, – дедим шивирлаб, эрталаб меҳмоним дастурхон атрофидан жой олганидан кейин. – Ҳаммага амаким, деяпман.

– Тўғри, ўғлим! Амаки, деб чақиравер.

– Келаётиб, ўзингизга бирон-бир исми-шариф ўйлаб топгандирсиз?

– Ҳа, ўғлим. Ўзимга Провис, деган фамилияни танладим.

– Уни сақлаб қолмоқчимисиз?

– Албатта-да, бошқаларидан унинг нимаси ёмон, балки сенга бошқачароғи ёқар?

– Ҳақиқий фамилиянгиз нима ўзи? – шивирлаб сўрадим мен.

– Мэгвич, – деб жавоб берди у ҳам шивирлаб, – исмим Абель.

– Ҳаётда ким бўлишни орзу қилгандингиз?

– Маҳбус бўлишни, ўғлим.

У буни қандайдир касбни эълон қилгандек айтди.

– Кеча оқшом Тэмплга кираётганингизда... – гап бошладим мен вокеаларнинг кечагина бўлиб ўтганига хайрон бўлиб, чунки орадан кўп вақт ўтгандек эди.

– Хўш, нима экан, ўғлим?

– Кеча дарвозадан кириб, қоровулдан мени сўраганингизда ёнингизда бирорга одам бормиди?

– Ёнимда? Йўқ, ҳеч ким йўқ эди, ўғлим.

– Сизга яқинроқ жойда-чи?

– Тўғриси айтсам, сезмадим, – деди у ўй суриб, – негаки, бу ерда ҳамма нарса мен учун янги. Лекин кимдир бордек ва ортимдан кириб келгандек туюлганди.

– Лондонда сизни танишадими?

– Танишмайди, деб умид қиламан, – жавоб қилди у ва яна мени даҳшатга солиб, бармоғи билан бўйинини кўрсатди.

– Лондонда илгарилари бўлганмисиз?

– Камдан-кам. Кўпроқ пойтахтдан нарида юрганман, ўғлим.

– Сизни... Лондонда суд қилишганми?

– Нечанчи мартасида? – сўради у менга хушёрлик билан қараб.

– Охиргисида. – У бош силкиб тасдиқлади. – Ўшанда Жеггерс билан танишгандим. У мени ҳимоя қилганди.

Эндигина нимага маҳкамага тортилгансиз, деб сўрамоқчи бўлганимда у столда турган пичоқни кўлига олиб, ҳавода юргизди ва:

– Нима айб иш қилган бўлсам, ишлаб, товонини тўлаб бўлдим! – деди ва нонушта қила бошлади.

Овқатни у очофатлик билан ер, ҳаракатлари кўпол, ёқимсиз эди. Ботқоқликка унга овқат олиб бориб берганимдан бери тишлари камайганди, кўй гўшти парчасини ямлаётганда, жағ тишлари билан уни яхшироқ тишлаш учун бошини бир томонга эгганида, очикқан қари кўппакка жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Бундан ҳар қандай одамнинг иштаҳаси қайтиб кетган бўларди, мен бўлсам шундоқ ҳам нонуштага қўл урмагандим ва қовоғимни солиб, столдан кўз узмай, нафратимни яшира олмай бўғилмоқдайдим.

– Ҳа, ўғлим, гуноҳқорман, яхши овқатланишни хуш кўраман, – дея ўзини оқлаш учун изоҳ беришга ҳаракат қилди у ниҳоят ликопдан бош кўтараркан, – бу менинг доимий камчилигим. Агар шу айбим бўлмаганида, балки бошимга камроқ кулфат орттирармидим. Тамакисиз ҳам тура олмайман. Мени дунёнинг нариги чеккасида кўй боқишга юборганларида, тамаки бўлмаганида, юрагим сиқилганидан ўзим ҳам кўйга айланиб қолган бўлардим.

Шу сўзларни айтиб, у столдан турди, қалин куртқасининг чўнтагидан кичкина қора трубка ва бир чимдим “ҳабаш барги” деб аталадиган ўткир, қора тамаки олди. Трубкасини тўлдиргач, тамакининг қолганини қутига солгандек, яна чўнтагига ташлади, кейин қисқич билан каминдан чўғ олиб, трубкасини ёқди, оловга орқа ўгириб, яна ўзининг ёқтирган ҳаракати билан иккала кўлини менга узатди.

– Мана, – деди у кўлларимдан ушлаб ва трубкасини бурқситиб, – мана мен етиштирган жентльмен! Ҳақиқий жентльмен, олий нав. Сенга қараш қанчалар ёқимли менга, Пип! Шу ерда туриб, сенга қарашдан чарчамаган бўлардим, ўғлим! Менинг жентльменим кўлмак сувлар оралаб юрмайди; жентльменимнинг этикларига лой ёпишмасин. Отлар сотиб олишинг

керак, Пип! Минадиганлари, аравага қўшиладиганлари, хизматкорлар учун алоҳида. Бу қанақаси, колониячилар от минишармиш-да (тагин зотдорларини, жин урсин уларни), менинг Лондондаги жентльменим пиёда юрарканми? Йўк, йўк, биз уларга тушларида ҳам кўрмаганларини кўрсатамиз, тўғрими, Пип?

У чўнтагидан катта, яхшилаб тўлатилган ҳамён олди ва уни стол устига ташлади.

– Бу ерда ҳамма харажатларга етадиган маблағ бор, болагинам. Булар сеники. Менинг ҳамма нарсам сеники. Бор мулким меники эмас, сеники. Қўркма, бу ҳали ҳаммаси эмас. Яна бор! Мен Ватанга менинг жентльменим жентльменларча пул сарфлашини кўриш учун қайтиб келганман. Менга шу керак холос. Менга унга қараб қувониш керак холос. Ҳаммангизни жин урсин, ясама сочли ҳакамлар, бурнимга чанг пуркаган колониячилар, менинг жентльменим ҳақиқий жентльмен бўлади, сизлар унга тенг келолмайсиз, – деди у хонага назар солиб ва бармоқларини қаттиқ шиқиллатиб.

– Жим бўлсангиз-чи! – хитоб қилдим мен кўркув ва нафратдан ўзимни тутолмай. – Сиз билан гаплашиб олишим керак. Нима қилиш кераклигини ўйлаб олишим керак. Сизни хавфдан ҳимоя қилиш учун нима қилишим кераклигини билиб олишим керак, бу ерда қанча бўласиз, режаларингиз қандай?

– Тўхта, Пип, – деди у қўлини елкамга қўйиб ва негадир хотиржам тортиб. – Бир оз тўхта. Ҳозиргина мен ошириб юбордим. Ярашмайдиган, ноўрин гапларни айтдим. Сен бир оз тўхта. Эшитяпсанми, Пип, мени кечир. Бошқа кайтарилмайди.

– Аввало, – яна гап бошладим мен йиғлаб юборай деб, – сизни таниб қолмасликлари ва яна қамаб қўймасликлари учун қандай эҳтиёт чоралари кўрилиши мумкин?

– Йўк, ўғлим, – деди у ҳамон итоаткорлик билан. – Аввало бу эмас. Аввало ярашмаган қилиқлар хусусида. Мен бекорга шунча йил жентльмен ўстирмадим, у билан қандай муомала қилиш кераклигини биламан. Эшитяпсанми, Пип, мен ярашмаган гапларни айтиб юбордим, ярашмаган. Мени кечир, ўғлим.

Унинг гаплари ҳам аччиқ, ҳам кулгили эди. Захархандалик билан унга дедим:

– Кечирдим, кечирдим. Худо ҳақи, бир нарсани кайтараверишни тўхтатинг!

– Йўк, Пип, сен бир оз шошилма, – деди у ўжарлик билан, – шундан шу ёққа ўзимни уялтирадиган қилиқларни кўрсатиш учун келмаганман. Энди, ўғлим, давом эт. Нима деётгандинг?..

– Сизни ўзингиз йўл қўйган хатардан қандай ҳимоя қилсак экан?

– Хатар унчалар катта эмас. Агар мени сотмасалар, ҳеч қандай хатарнинг ўзи йўк, десак ҳам бўлаверади. Мени ким сотиши мумкин? Агар Жеггерс ёки Уэммик сотмаса.

– Кўчада сизни тасодифан таниб қолишса-чи?

– Таниб қоладиган одамнинг ўзи йўк, менимча, – деди у. – Газеталарга, мана А.М. Ботани-Бэйдан қайтиб келди, деб эълон бермоқчи эмасман; кўп йиллар ўтиб кетди, Худога шукур, ҳеч ким бундан манфаатдор ҳам бўлмайди. Лекин сенга бир нарсани айтаман, Пип: агар хавф юз марта каттарок бўлганида ҳам, сени кўргани барибир келган бўлардим.

– Бу ерда қанча бўлмоқчисиз?

– Қанча бўлмоқчиман? – кайтарди у менга хайрон бўлиб қараб ва ҳатто трубкасини оғзидан чиқариб. – У ёққа қайтиб бормайман. Бу ердан энди

кетмайман.

– Қаерда яшайсиз? – сўрадим мен. – Сизни нима қилишим керак? Қаерда хавфдан узоқда бўласиз?

– Безовта бўлма, ўғлим, – деди у. – Пулга сунъий соч ҳам, упа ҳам, истаган либосингни, масалан, калта шим ва пайпоқларни ҳам, хуллас, хоҳлаган нарсангни олса бўлади. Шу йўл билан менгача ҳам кўп одамлар беркиниб юришган, мен ҳам бошқалардан кам эмасман. Қаерда яшашга келсак, ўзинг менга маслаҳат бер.

– Бу ҳақда ҳозир осонгина гапиряпсиз, – дедим мен, – лекин кеча, ўлим хавфи бор, деб қасам ичаётганингизда, ҳазиллашмаган эдингиз, шекилли?

– Бугун ҳам, ушлаб олсалар ўлдирадилар, деб қасам ичишим мумкин, – деди у яна трубкасини оғзига соларкан. У яна иккала қўлимдан ушлади ва трубкасини буркситиб, мулкига қарагандек, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

Бу орада мен, икки-уч кундан кейин, Герберт қайтиб келгач, Провисга яқин орадан тинч бир хона топиш лозим, деган хаёлга келиб бўлгандим. Гербертни сирдан воқиф қилишимиз кераклиги мен учун кундай равшан эди ва бундан анча енгил тортажамимни ҳам билардим. Лекин мистер Провис (уни шундай деб чақиришга қарор қилдим) буни дарров тушунишни хоҳламади. У Гербертни кўриб, у тўғрида яхши хулосага келганидан кейингина бунга рози бўлишини маълум қилди.

– Ҳатто ўшандаям, ўғлим, – деди у чўнтагидан ғилофли, ёғ босиб кетган Инжилни оларкан, – биз унга қасам ичирамиз.

Уйимнинг ёнгинасида – Эссекс-стритда, деразалари Тэмплга қараган анча обрўли пансион бор эди; энг аввал ўша ёққа йўл олдим ва омадим чопиб, Провис амаким учун учинчи қаватдан хона олдим. Кейин бир неча дўконларни айланиб чиқиб, унга фермер қиёфасини бериш учун зарур нарсаларга буюртма бердим. Бу ишлардан қутулгач, фақат шахсий ишларим бўйича Литл-Бритенга йўл олдим. Мистер Жеггерс стол олдида ўтирган экан, лекин мени кўриши билан, туриб, камин олдига келди.

– Эсингизда бўлсин, Пип, – деди у, – эҳтиёт бўлинг.

– Албатта, сэр, – дедим мен, негаки келаётиб ҳамма айтадиган гапларимни ўйлаб, пишириб келгандим.

– Ўзингизни ҳам, бошқа ҳеч кимни ҳам қийин аҳволга солиб қўйманг, – давом этди мистер Жеггерс. – Тушундингизми – ҳеч кимни. Менга ҳеч нарса айтиб берманг. Ҳеч нарсани билишни хоҳламайман: қизиқувчан эмасман.

Турган гапки, унинг ҳамма нарсадан хабардор эканини тушуниб етгандим.

– Менга айтилган гапларнинг тўғри эканига ишонч ҳосил қилмоқчи эдим холос, мистер Жеггерс. Бу гапларнинг ҳақиқат эмаслигига умид қилмайман, лекин барибир текшириб кўрмоқчи бўлдим.

Мистер Жеггерс бош ирғади.

– Лекин сиз: “айтишди” дедингизми ёки “хабар қилишди” дедингизми? – сўради у бошини бир томонга қийшайтириб ва менга эмас, ерга қараб тинглаётгандек. – “Айтишди” – шахсий мулоқотни билдиради, менимча. Янги Жанубий Уэльсдаги одам билан мулоқот қилишингиз мумкин эмас ахир.

– “Хабар қилишди” бўла қолсин, мистер Жеггерс.

– Жуда яхши.

– Абель Мэгвич, деган одам номаълум саховатпешам ўзи эканини хабар қилди.

– Тўғри, – деди мистер Жеггерс. – Анави... Янги Жанубий Уэльсдаги одам.

– Фақат унинг ўзими? – сўрадим мен.

– Фақат унинг ўзи, – жавоб берди мистер Жеггерс.

– Сизни ўзим чиқарган ногўғри хулосалар ва қилган хатоларим учун қайсидир маънода масъул қилиш даражасида бефаҳм эмасман; лекин ҳар доим гап мисс Хевисшем устида боряпти, деб ўйлаб келгандим.

– Ўзингиз тўғри қайд қилганингиздек, Пип, – деди мистер Жеггерс менга хотиржам қараб ва кўрсаткич бармоғини тишлай туриб, – бунинг учун мен асло жавобгар бўла олмайман.

– Менга эса бу шу қадар ҳақиқат бўлиб туюлгандики, сэр, – давом этдим мен надомат билан.

– Лекин ҳеч бир далил-исботлар бўлмаган, Пип, – деди мистер Жеггерс бошини тебратиб ва камзулининг этаklarини йиғиштириб. – Туюлган нарсага ҳеч қачон ишонманг; фақат далилларга ишонинг. Ҳаётда бундан яхшироқ коида йўқ.

– Бошқа айтадиган гапим йўқ, – хўрсиндим мен бир оз ўйлаб туриб. – Олган хабаримни текшириб кўрдим, ҳаммаси тамом бўлди.

– Мана энди, – деди мистер Жеггерс, – ҳамонки Янги Жанубий Уэльсдаги... Мэгвич, ниҳоят ўзини билдирган экан, ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкинки, сиз билан суҳбатларимизда бошидан-охиригача мен катъиян далилларга суяниб келганман. Бирор марта ҳам далилларни баён қилишда улардан четга чиқмаганман. Сизга булар равшанми?

– Албатта, сэр.

– Мен... Янги Жанубий Уэльсдаги Мэгвични у менга... Янги Жанубий Уэльсдан хат ёзганида, фақат далиллар билан иш кўраман, менадан бошқа ҳеч нарсани кутманг, деб огоҳлантирганман. У ўз хатида, қачонлардир сизни бу ерда, Англияда учратиш тўғрисида ўйлаётганига ишора қилганди. Уни бу тўғрида бошқа эшитмай; афв этишларига ҳеч бир умид йўқ; бир умрга сургун қилингансиз; агар қайтиб келсангиз, олий жазо тайинланиши муқаррар бўлган жиноятни амалга оширган бўласиз, деб огоҳлантирганман. Бу тўғрида Мэгвични огоҳлантирганман, – деди мистер Жеггерс кўзларимга тик қараб, – бу ҳақда унга Янги Жанубий Уэльсга ёзиб юборганман. Огоҳлантиришимни эътиборга олганига шубҳа қилмайман.

– Шубҳасиз, сэр, – дедим мен.

– Уэммикнинг менга айтишича, – давом этди мистер Жеггерс ҳамон кўзимдан кўзини узмай, – Портсмутдан, аллақандай колониячидан хат олганмиш, исми Нарвисми ёки...

– Ёки Провис, – дедим мен.

– Ёки Провис. Раҳмат сизга, Пип. Эҳтимол, чиндан ҳам Провисдир? Эҳтимол, сиз унинг фамилияси Провис эканини биларсиз?

– Ҳа.

– Демак, сиз унинг фамилияси Провис эканини биласиз. Шундай қилиб, Провис фамилияли колониячи Мэгвичнинг номидан манзилингизни сўраб Портсмутдан хат юборибди. Менга маълум бўлишича, жавобан Уэммик унга сизнинг манзилингизни хабар қилган. Янги Жанубий Уэльсдаги Мэгвич тўғрисидаги маълумотларни, эҳтимол, сиз Провисдан олгандирсиз.

– Ҳа, Провисдан, – жавоб бердим мен.

– Хайр, Пип, – деди мистер Жеггерс, менга қўлини узатар экан. – Сизни кўриб хурсанд бўлдим. Янги Жанубий Уэльсга, Мэгвичга хат ёзсангиз ёки Провис орқали хабар юборсангиз, кўп йиллик ишимиз бўйича батафсил хисоботни, шунингдек, тасдиқловчи ҳужжатларни, қолган пул билан, бир оз миқдор пул қолган, сизга топширишимизни айтиб қўйинг. Хайр, Пип!

Ниҳоят, оқшомларнинг бирида овқатланиб бўлиб, чарчаб-ҳориб ухлаб

колганимда – кечаси босинқираб, дам олишдан маҳрум эдим – узоқ кутилган кадам товушларидан уйғониб кетдим. Мен сурган стулнинг товушидан ухлаб ётган Провис ҳам тез уйғонди ва ўша заҳоти унинг қўлида ханжар яркиради.

– Секин! Бу Герберт! – дедим унга ва ўша онда Франциядаги барча йўлларнинг хушбўй хидини анкитиб, хонага Герберт кириб келди.

– Гендел, азизим, салом, салом ва яна салом! Уйда бир йил бўлмагандайман. Шошма-чи, балки чиндан ҳам бир йил бўлгандир, нега бунчалар озиб, рангпар бўлиб қолдинг! Гендел, азизим... Ох, афв этишингизни сўрайман.

Отилиб чиқаётган сўзлар оқими ва қизғин қўл сиқишлар тўхтади, у Провисни кўриб қолганди. Унга диққат билан қарашни тўхтатмасдан, Провис шошмай пичоғини олди, айна пайтда чўнтагидан бошқа нарса чиқарди.

– Герберт, дўстим – дедим мен эшикни маҳкам қулфлар эканман. Герберт хайратдан қотиб қолганди. – Жуда ғалати воқеа содир бўлди. Бу одам... менинг меҳмоним...

– Ҳаммаси яхши, ўғлим! – деди Провис қора китобчаси билан олдинга ўтаркан. Кейин у Гербертга мурожаат қилди: – Ўнг қўлингизга олинг! Агар кимдир сиздан бир оғиз сўз эшитса, Худонинг қаҳрига учранг. Инжилни ўпинг!

– Айтганини қил, – шивирладим Гербертга.

Ва Герберт, менга меҳр ва хайрат билан қараб тургани холда, бўйсунди. Шундан кейин Провис, унинг қўлини сиқиб, деди:

– Ўзингиз тушуниб тургандек, сиз энди қасам билан боғлангансиз. Агар Пип сизни жентльмен қилмаса, бориб турган ёлғончи бўла қолай.

XLI боб

Учовлон камин олдиға ўтиргач, мен ўз сиримни баён қилиб берганимдан кейин Гербертнинг қанчалар хавотирлангани ва хайратланганини тасвирлаб ўтирмайман. Гербертнинг чехрасида мен ўз ҳиссиётларимни, биринчи ўринда – мен учун шунча заҳмат чеккан инсонга бўлган нафратимнинг акс этганини кўрдим.

Бу одамнинг ютуқларимдан қанчалар хурсандлигининг ўзиёқ орамизда ўтиб бўлмас тўсиқ пайдо қилганди. Бир мартагина “нотўғри хатти-ҳаракат қилгани” истисно қилинадиган бўлса (ҳасикоямни тугатишим билан, у Гербертга ҳам бу тўғрида такрорлайвериб, безор қилиб юборди), у менинг бахтиёр ҳаётимга ҳеч нарса раҳна солмаяпти, деган фикрдайди. Мени жентльмен қилиб ўстиргани ва пулларини мен жентльменларча сарфлаётганимни кўриш учун келганини айтиб, мақтанаётганда, у ўзи учун ҳам, мен учун ҳам гапирётгандек эди. Мени буларнинг ҳаммасидан хурсанд, ўзи каби ғурур ва қувончга тўлиб-тошиб юрибди, деган ишончда эди.

Тун ярмидан ўтганидагина уни Эссекс-стритдаги янги хонадонининг эшигигача эсон-омон кузатиб қўйдим ва орқасидан эшикни ёпиб, у келганидан бери эндигина бир оз енгиллик ҳис қилдим.

Герберт мени кучоқ очиб кутиб олди, мен эса, дўстга эга бўлишнинг қанчалар катта бахт эканини ҳар доимгидан кўпроқ ҳис қилдим. У менга қисқагина ҳамдарадлик билдириб, кўнглимни кўтарганидан кейин, биз ўтириб, нима қилишимиз кераклигини муҳокама қила бошладик.

Провис бутун оқшом мобайнида ўтирган кресло ўз жойида, олов олдида турганидан (саховатпешамда хонада бир жойининг ўзида ўтириш, трубкаси ва “хабаш барги”, пичоғи ва қаргалари билан бир хил ишларни, қора тахтага

ёзиб қўйилган вазифани бажараётгандек, тутиш каби қамокхона одатлари бор эди) Герберт беихтиёр унга ўтириб олди ва ўша заҳоти сапчиб туриб кетиб, уни нари сурди ва бошқа ўриндикни эгаллади. Шундан кейин у менинг саховатпешамни жуда ёмон кўриб қолди, дейишга, ўзимнинг ҳам муносабатим шундай деб айтишга эҳтиёж қолмаганди. Сўз ҳам айтмай, иккаламиз ҳам буни тан олиб бўлгандик.

– Хўш, – дедим мен Герберт бошқа креслога жойлашиб бўлгач. – Энди нима қиламиз?

– Менинг бечора, азиз Генделим, – жавоб қилди у бошининг икки четини ушлаб, – шунчалар хайратдаманки, ўйлашга ҳам қодир эмасман.

– Мен ҳам хабар топишим билан шундай аҳволга тушгандим, Герберт, лекин нимадир қилиш керак. У янги режалар тузиб юрибди – отлар, фойтунлар, қимматбаҳо либослар. Уни қандай қилиб бўлса ҳам тўхтатиш керак.

– Демак, ундан пул ололмайман, деган фикрдасан...

– Албатта-да! – гапини бўлдим Гербертнинг. – Ахир унинг ким эканини бир ўйлаб кўр! Қиёфасининг ўзидан ит ҳуркади!

Иккаламизнинг баданимизда титроқ турди.

– Лекин, Герберт, бу қанчалар даҳшатли бўлмасин, у, кўринишидан, менга боғланган, қаттиқ боғланган. Шунчалар ҳам бахтсизлик бўладими!

– Бечора, азиз Генделим, – такрорлади Герберт.

– Кейин, агар ҳозир у билан алоқани узсам ва бир пеннисини ҳам олмасам, ўтмиш учун ундан қанчалар қарздор эканимни бир ўйлаб кўр! Умуман ҳаммаёғим қарз, энди ҳеч нарсадан умидим йўқ, касб эгалламаган ва ҳаётда ҳеч нарсага ярамайдиган бир пайтимда, уларни қандай тўлайман?

– “Ҳеч нарсага ярамайман”, эмиш. Илтимос, ундай дема, – эътироз билдирди Герберт.

– Нимага ярайман? Аскар бўлишим мумкин, бошқа ҳеч нарсага ярамайман. Агар дўстона маслаҳатинг ва кўмагингни қутаётганимни билмаганимда, эҳтимол, шундай қилардим ҳам.

Шу ерга келганда, кўз ёшларимни тия олмадим, Герберт, турган гапки, ўзини кўрмаганга олди, фақат қўлимни қаттиқ сиқиб қўйди.

– Нима бўлганда ҳам, азизим Гендел, – деди у бир оз сукут сақлаб бўлиб, – аскарлик хизмати тўғри келмайди. Модомики, унинг ҳомийлигидан ва пулларидан воз кечмоқчи экансан, вақти келиб ундан олган пулларингни ҳам қайтариб беришни ўйлаётгандирсан. Аскарлик хизматида қарзни узиб бўларканми! Қолаверса, бу ғирт тентаклик. Камтарона бўлса ҳам, яхшиси, Кларрикернинг идорасига ишга кирсанг маъқулроқ бўлади. Биласанми, унга шерик бўлиб қолсам керак.

Шўрпешона! Кимнинг пуллари унга бундай имкониятни берганини билсайди!

– Лекин бу ерда бошқа масала ҳам бор, – давом этди Герберт. – Бу саводсиз, қайсар одам, йиллар давомида ягона орзу билан яшаган. Унинг устига (балки адашаётгандирман), у ҳеч нарсадан қайтмайдиган, айтганини қиладиган одамга ўхшаяпти.

– Буни мен яхши биламан, – дедим маъқуллаб. – Исботи учун кўрганларимни айтиб беришим мумкин.

Кейин унга аввал эсга олинмаган воқеани – иккинчи маҳбус билан олишувини ҳикоя қилиб бердим.

– Кўрдингми, – деди Герберт. – Ўзинг ўйлаб кўр: у ҳаётини хавф остига қўйиб, эзгу орзусини амалга ошириш учун бу ерга келган. Мана энди, шунча

машаққатлардан кейин, шунча йиллик кутишдан кейин, уни ҳаётининг мазмунидан жудо қилмоқчисан, орзусини бузиб ташляяпсан, назарида бутун тўплаган бойлигини ерга уряпсан. Бу нарса уни қандай хатти-ҳаракатлар қилишга ундаши мумкинлигини ўйлаб кўрдингми?

– Бу тўғрида, у кириб келган ўша машъум оқшомдан бери кеча-ю кундуз ўйлайман, Герберт. Ишқилиб, у ўзини адлия қўлига топширмасин-да, деган ўй менга тинчлик бермайди.

– Шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, – деди Герберт, – шундай қилади ҳам.

Айтиш керакки, бундай хавотир менда аввалбошдан бор эди, агар у рўёбга чиққудек бўлса, ўзимни қотил ўрнида кўра бошлаган бўлардим. Мана энди Гербертнинг сўзларидан шунчалар даҳшатга тушдимки, жойимда ўтиролмай, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Гербертга, агар Провис ўзини топширмай, тасодифан биров таниб қолган тақдирда ҳам, унинг қамокқа олинишига ўзимни билвосита айбдор ҳисоблаш менга жуда оғир бўларди, дедим. Унинг озодликда, ёнимда юришидан анча мушкул аҳволда қолгандим ва шу кунларни кўрганимдан кўра, бир умрга темирчилик устахонасида тер тўкишни афзал билсам-да, гапларим айни ҳақиқат эди.

Аммо масалани – энди нима қилиш зарурлигини ҳал қилиш керак эди.

– Энг муҳими, – деди Герберт, – уни тезроқ Англиядан олиб кетиш керак. У билан кетишингга тўғри келади, акс ҳолда у кетишга ҳеч қачон рози бўлмайди.

– Уни қаерга олиб бормай, қайтиб келишига монелик қила олармиканман?

– Эҳ, Гендел, Ньюгэйтдан икки қадам нарида унга бор гапни айтиб бериш ва умидсизликка тушириш мамлакатдан ташқарида шу ишни қилишдан қанчалар хавфли эканини наҳотки тушунмаётган бўлсанг? Йўқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам, уни жўнаб кетишга кўндириш керак. Тузукроқ баҳона, масалан, анави иккинчи маҳбусдан ёки ўтмишидаги бирор ҳолатдан фойдаланилса бўлмайдимми?

– Ҳамма бало шунда-да, – дедим мен Гербертдан икки қадам нарида тўхтаб ва мушкул аҳволимдан хабар топгин демоқчидек, қўлларимни икки томонга ёйиб. – Унинг ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Бу ерда оқшомлари у билан ақлдан озишимга сал қолди, унга қараб ўтириб, ўйлайман: мана ҳаётимни остин-устун қилиб юборган инсон ўтирибди, болалигимда икки кун мени даҳшатга солиб қўйганини истисно қилсак, у тўғрида ҳеч нарса билмайман.

Герберт ўрнидан турди, тирсагимдан ушлади ва икковлон хонада у ёқдан бу ёққа юриб, гиламнинг гулларини ўргана бошладик.

– Гендел, – деди ниҳоят Герберт ва юришдан тўхтади, – ундан бошқа ҳеч қачон ёрдам олмасликка узил-кесил қарор қилдингми?

– Ҳа, албатта. Ўрнимда бўлсанг ўйлаб ўтирган бўлармидинг?

– У билан ҳар қандай муносабатни узиб ташлашга узил-кесил қарор қилдингми?

– Бу саволни бермасанг ҳам бўларди, Герберт.

– Ва сени деб хатарга қўйган ҳаёти учун хавотир олмасдан қололмайсан, бинобарин, ўзини ҳалок қилмаслиги учун ҳамма чорани кўрмоқчисан, шундайми? Демак, уни Англиядан олиб кетгунингча бир ўзинг бу аҳволдан чиқишни ҳаёлингга ҳам келтирма. Мамлакатдан кетганингиздан кейин, тезроқ масалани ҳал қилгин-да, у ёғини нима қилишни биргаликда ўйлаб кўрамыз.

Ноаниқ бўлса ҳам, ушбу қарорни қўл сиқиш билан тасдиқлаш ва хонада у ёқдан-бу ёққа юришни давом эттириш ёқимли эди!

– Унинг тарихига келсак, – дедим мен, – биргина имконият бор: унинг ўзидан сўраш керак бўлади.

– Тўғри, – деди Герберт, – эрталаб, нонуштага ўтиришимиз билан сўрайвер. (Герберт билан хайрлашаётиб, меҳмонимиз, бирга нонушта қилиш учун барвақт келишини айтганди).

Ушбу қарорга келиб бўлиб, ухлагани ётдик. Кечаси билан ғалати тушлар кўриб, уйқудан тиникиб турмадим; бунинг устига эрталаб яна бир кўрқинчли фикр хаёлимга келиб қолди: сургундан рухсатсиз қайтиб келганини биров билиб қолса-чи? Ухламаётган кезларимда ушбу фикр мени бир лаҳза ҳам тарк этмади.

Меҳмонимиз белгиланган вақтда пайдо бўлди, пичоғини олиб, стол олдига ўтирди. “Унинг жентльмени ўзини асл жентльмендек кўрсатиши учун” режалари бисёр эди ва у келган кундан бери ихтиёримда бўлган ҳамённи тезроқ сарфлашни бошлашга мени ундамоқдайди. Хонамни ва ўзи яшаётган уйни вақтинчалик макон ҳисоблар ва бугуноқ Гайд–паркка яқинроқ жойдан “серҳашамроқ кошона” танлашни маслаҳат бермоқда, у ерда ўзига ҳам “бир бурчак” топилишига умид қилмоқда эди. Нонуштани тугатиб, пичоғини иштонига арта бошлаганида, мен тўғри мақсадга кўчдим:

– Кеча чиқиб кетганингиздан кейин аскарлар сизни топиб олишганида ботқоқликдаги олишувингиз тўғрисида дўстимга айтиб бердим. Эсингиздами?

– Бунақа нарсани эсан чиқариб бўлмайди!

– Ўша одам... кейин, сиз тўғрингизда бирор нима билмоқчийдик. Жудаям кам билишим, айниқса, сиз тўғрингизда, жуда ғалати ахир. Ҳозирнинг ўзида, орқага сурмасдан, ўзингиз тўғрингизда гапириб бера оласизми?

– Начора, – деди у бир оз ўйланиб тургач. – Сиз, Пипнинг дўсти, қасам ичганингизни унутмагансиз, шундайми?

– Жуда яхши эсимда.

– Ниманики айтиб бермай, – деди у қатъият билан, – қасам ҳаммасига ўтади.

– Буни жуда яхши тушунаман.

– Эсингиздан чиқарманг! Нимаики айб иш қилган бўлсам, жазоимни тўла ўтаб бўлганман, – деди у ҳамон қатъият билан.

– Шундай бўла қолсин.

У чўнтагидан қора трубкасини олди ва унга “ҳабаш барги”дан солмоқчи бўлди, лекин бармоқларида сиқиб турган тамакига назар солиб, чекиш ҳикоя қилишдан чалғитади, деган хаёлга борди чоғи, тамакини чўнтагига қайтариб тўқди, трубкасини тугмача тешигига тикди, қўллари билан тиззасига таянди ва қовоқ солиб, жим бўлиб қолди, кейин биз томонга ўтирилди.

XLII боб

– Азиз ўғлим ва сиз, Пипнинг дўсти, сизларга китобларда ёзилгандек ёки кўшиқларда куйланадигандек, бутун ҳаётимни айтиб бериб ўтирмайман, мени дарров тушуниб олишингиз учун қисқа ва аниқ баён қилиб бераман. Қамоқдан озодликка, озодликдан қамоққа, кейин яна озодликка ва яна қамоққа – бор гап шу. Пип менга яхшилик қилгандан кейин, дунёнинг нариги бурчагига сургун қилгунларига қадар, ҳаётим шундай ўтди.

Мени нималар қилиб кўришмади дейсиз – фақат осишга уриниб кўрмадилар. Кумуш чойнақдек, устимдан қулфлаб юрдилар. Жойдан-жойга кўчирдилар, дам у шаҳардан, дам бу шаҳардан хайдадилар, кишанладилар,

камчиладилар, куёндек таъкиб қилдилар. Қаерда туғилганимни сиздан ортик билмайман. Эс-эс биламан, очликдан ўлиб қолмаслик учун Эссексда шолғом ўғирлаганман. Кимдир қочиб кетаётиб, мени ташлаб кетган, қандайдир чегачи кетаётиб, темир ўчокни ҳам олиб кетганди, жуда совук қотганман ўшанда.

Фамилиям Мэгвич, исмим Абеллигини билардим. Қаердан дейсизми? Мана бу кушчанинг зағизғон, буниси чумчук, буниси майна эканини қаердан билганман? Исми-шарифимни уйдирма, бўлмаган гап, деб қабул қилишим мумкин эди, лекин кушларнинг отлари тўғри чиқди-ку, демак меники ҳам тўғридир, деб ўйлаганман.

Ва кимки ўша жулдур кийимли, оч болакай – Абель Мэгвични учратмасин, ўша захоти кўрқиб кетар, ё ҳайдаб соларди, ё ушлаб олиб қамокқа олиб борарди. Мени шунчалар кўп қамашардики, кичкиналигимдан деярли озодликда юрмаганман.

Одам кўрса ачинадиган, турқимга четдан қараганимда ўзим ҳам йиғлаб юборган бўлардим (тўғри, кўзгуга қарамаганман, кўзгули уйларда умуман бўлмаганман), кичкинтой жулдурвакилигимданок мени тузалмасга чиқариб кўйишганди. Қамокхонага кимлардир ташриф буюриб қолишса, уларга энг аввал мени кўрсатишарди: “Манавини тузалмайди, дейишяпти. Қамокдан қамокқа кўчиб юргани-юрган”. Улар менга ҳайрон бўлиб қарашарди, мен уларга, баъзилари бошимни ўлчаб кўришарди – қорнимни ўлчаб кўрсалар яхшироқ бўлармиди – бошқалари мен ўқий олмайдиган насихат китобчаларини беришарди ва мен тушуна олмайдиган гапларни айтишарди. Кейин ҳаммалари шайтон ҳақида миямга сингдиришга уринишарди. Қанақа шайтон? Жиғилдонимни тўлдиришим керакмиди, йўқми, ахир?.. Яна ноўрин сўзларни тилимга олдим, жентльменлар билан қандай гаплашиш кераклигини биламан, ахир. Азиз ўғлим ва сиз, Пипнинг дўсти, кўрқманг, бошқа қайтарилмайди.

Дайдилиқ қилдим, тиланчи бўлдим, ўғрилиқ қилдим, топилганида – ишладим, лекин иш ҳар доим ҳам бўлавермасди, ким менга ўхшаган нотавонга иш берарди, ҳатто сизлар ҳам буни истамаган бўлардингиз, эҳтимол; оз-оздан браконьер ҳам, қоранда ҳам, аравакаш ҳам, ўроқчи ҳам, эски-туски сотувчи ҳам бўлиб кўрдим, хуллас, даромади оз, ғалваси кўп ишлар билан шуғулландим ва вояга етиб, улғайдим. Йўл бўйидаги қовоқхонада, картошканинг ичида яшириниб юрган қочоқ аскар менга ўқишни ўргатди, ёзишни бўлса, дайди паҳлавондан ўргандим, у бозорларда имзосини бир пенсдан сотиб юарди. Энди мени аввалгидек қамокхонага тез-тез олиб боришмасди, лекин назоратчиларга барибир иш ортириб турардим.

Тахминан йигирма йилча аввал Эксадаги пойгада бир одам билан танишдим – агар у ҳозир шу ерда бўлганида манави қосов билан бош суягини ёнғоқдек қақиб ташлаган бўлардим. Исми Компесон эди; зовурнинг ичида, кўз ўнгингда ўша одамни дўппослаган эдим, ўғлим, – кеча чиқиб кетганимдан кейин ўртоғинга тўғри ҳикоя қилиб берибсан.

Ўша Компесон ўзини жентльмендек тутар, умуман, ҳақ эди, негаки, бой пансионда ўқир, саводи бор эди. У қондаси билан гапира олар, қилиқлари ҳам бойваччаларники эди. Бунинг устига ёқимтой ҳам эди. Уни биринчи марта пойга арафасида, отчопар ёнидаги майхонада учратганман, у ерга мен авваллари ҳам бориб турардим. У стол атрофида улфатлари билан ўтирганди ва майхона хўжайини (у мени танир, ўзи яхши одам эди) мени қақириб: “Манави одам сизга тўғри келади, деб ўйлайман”, деб қолди.

Компесон менга диққат билан қаради, мен унга тикилдим. Занжирли соат, узук, бўйинбоғида тўғноғич, яхши кийинган.

– Кўринишингиздан тақдир сизни аямаганга ўхшайди – деди менга Компесон.

– Ҳа, хўжайин, тақдир менга ҳеч қачон кулиб боқмаган ҳам. (Сал аввалроқ Кингстон камокхонасидан чиққандим – у ерга мени дайдилиқда айблаб, қамашганди. Мени бошқа нарсада ҳам айблаб шу ишни қилишлари мумкин эди, лекин бошқа баҳона топилмаганди).

– Тақдир ўзгариб туради, – деди Компесон, – сизники ҳам яқин орада ўзгариб қолиши мумкин.

– Яхши бўларди. Умидим бор, – дедим.

– Қўлингиздан нима иш келади? – сўради Компесон.

– Агар пулини тўласангиз, ейиш ва ичиш, – деб жавоб бердим.

Компесон кулиб юборди, менга яна диққат билан қаради ва беш шиллинг бериб, эртасига ўша ерга келишни буюрди.

Эртасига ўша ерга бордим ва у мени югурдак ҳамда шерик қилиб олди. Унга шерик нимага керак экан дейсизми? У фирибгарлик, сохта имзолар қўйиш, ўғирланган пулларни ишлатиш ва шунга ўхшаш нарсалар билан шуғулланарди. У ўзи сира тушмайдиган, пул ишлайдиган, бошқаларнинг шўрини куритадиган қилиб тузоқ қўярди – мана нима билан шуғулланарди. У темир эгов каби шафқат билмас, қалби ажалдек совуқ, лекин мияси шайтонники каби ишларди.

Компесон билан яна бир одам ишлар, уни Артур, деб чақиришарди. У касалманд бўлиб, турки мурданикидан ҳам қўрқинчли эди. Бир неча йил давомида у Компесон билан бир бадавлат аёлни аҳмоқ қилиб юришди ва катта пул ишлаб олишди; лекин Компесон юзлаб фунтни пойга ва қартада бой берарди – қўйиб берилса, у қирол хазинасини ҳам созуриб юборган бўларди. Артур восвослик дардига чалиниб, қашшоқ ҳолида оламдан ўтди, ўз вақтида Компесоннинг хотини унга ачиниб юрарди (Компесон хотинини бекорга урарди), Компесоннинг ўзи бўлса ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмасди.

Компесон ўйлаб топган ва мен бажарган ҳамма ишларни санаб ўтирмайман, бунга бир ҳафта ҳам камлик қилади, лекин, азиз ўғлим ва Пипнинг дўсти, сизларга шуни айтишим мумкинки, бу одам мени тўрлари билан шунчалар ўраб олдики, унинг ҳабашдан ҳам баттар қулига айландим. Ҳар доим ундан қарздор эдим, ҳар доим унинг ҳукмида эдим, ҳар доим ишлардим, ҳар доим тақдиримдан қўрқардим. У мендан ёш эди, лекин саводли ва минг марта айёроқ ҳамда шафқатсизроқ эди. Ўша пайтларда аёлим билан қийин даврни бошимиздан ўтказаетгандик... Йўқ, уни бекорга бу ёққа аралаштирдим.

У иккиланиб, хотиралар китобида керакли ерини йўқотиб қўйгандек, олов томон юзини бурди, тиззаларига яхшилаб таянди, кейин қўлларини кўтариб, туширди ва яна қўйиб юборди.

– Бу тўғрида гапириб ўтириш шарт эмас, – деди у яна бизга ўгирилиб. – Компесон билан ўтказган йилларим энг машаққатли йиллар бўлди. Шунинг ўзидан ҳамма нарсани тушуниб олса бўлади. У билан ишлаб юрганымда, бир ўзимни фирибгарлик учун маҳкамага тортганларини айтувдимми?

– Йўқ, – дедим мен.

– Шунақа бўлган, – деди у, – маҳкамага тортишган ва мен жазони ўтаб бўлганман. Тўрт–беш йил бирга ишлаган бўлсак, бу вақт ичида икки ёки уч марта шубҳа билан қамадилар, лекин ҳар сафар далиллар етарли бўлмади. Ниҳоят ўғирланган пулларни муомалага киритганимиз учун иккаламизни

маҳкамага тортишди, кейин бошқа ишларимиз ҳам очилиб кетди. Компесон ўшанда менга: “Бир–биримизни танитаймиз, ҳар ким ўзини ҳимоя қилади”, деди, вассалом! Шунчалар қашшоқ эдимки, бор кийимимни сотибгина Жеггерсни ёллай олдим, устимдаги либосларим қолди холос.

Суд залига олиб кирганларида даставвал Компесоннинг жентльмен кифасига кўзим тушди – жингалак сочлар, қора костюм, чўнтагида оқ рўмолча – унинг олдида жулдурвақи эдим холос. Мажлис бошланиб, далиллар эълон қилинган, айбнинг катта қисми менга, кичкина, арзимас қисми унинг зиммасига юкланаётганини билиб қолдим. Гувоҳларни сўроқ қилишга ўтганларида, уларнинг ҳар бири асосий жиноятчи мен эканим, фирибни мен уюштирганим, фойдани мен олганим хусусида қасам ичишга тайёр эди. Компесоннинг ҳимоячиси сўз олгач эса, уларнинг ҳамма найрангини тушуниб етдим. Нималар деганини билишни истайсизми? “Муҳтарам раис ва жентльменлар, қаршингизда иккита одам турибди, кўриб турганингиздек, бир–бирларига сира ҳам ўхшамайди. Бири – ёшроқ, тарбия кўрган, хушмуома; иккинчиси – каттароқ, тарбия кўрмаган, у билан суҳбат бошқача бўлади; бири, ёшроғи, айтиш мумкинки, жиний ишлар қилгани аниқланмаган, фақат шубҳа остида бўлган; иккинчиси, каттароғи, кўп марта жавобгарликка тортилган ва ҳар сафар айби исботланган. Агар улардан биттаси айбдор бўлса, унинг ким экани, агар иккаласи айбдор бўлса, қайси бири кўпроқ айбдор экани наҳотки равшан бўлмаса?” Бошқалар ҳам шу мазмунда чиқишлар қилишди. Ўтмишимизни кўтарганларида, ундан ҳам баттар бўлди: Компесон мактабда ҳам ўқиган, болаликдаги дўстлари ҳам юқори лавозимларда ишлайди, гувоҳлар уни у ёки бу клубларда, ҳалол одамлар давраларида кўрганлар, у тўғрида ёмон гап эшитмаганлар ҳам. Менга келсак, аввал ҳам маҳкамага тортилганман, Англиянинг у бурчагидан–бу бурчагига қадар барча қамокхоналарда бўлганман. Сўнгги сўз берганларида эса, Компесон гапга тушиб кетди, гапира туриб, рўмолчаси билан юз–кўзларини артиб кўяр, нутқига шеър ҳам қўшарди, менга навбат келганида эса, бор-йўғи: “Жентльменлар, менинг ёнимда турган одам – учига чиққан муттахам”, дея олдим. Қарор чиқараётганларида, биринчи бор судланаётгани, менга қарши бошлаб кўрсатмалар бергани учун, Компесонга юмшоқ жазо беришни сўрадилар, менинг тўғримда, биргина “Айбдор” деган сўз билан кифояландилар. Компесонга: “Қараб тур, бу ердан чиққанимиздан кейин башарангни уриб ёраман!” деганимда Компесон судьядан ўзини ҳимоя қилишларини сўради ва уни мендан ҳимоя қилиш учун ёнига иккита қоровул қўйдилар. Хукми эълон қилганларида, Компесон етти йил, мен ўн тўрт йил олдим, судья унга ачиниб, ҳаётида ҳамма нарсага эришган бўларди, деди, мен ҳақимда эса, учига чиққан жиноятчи, хавфли одам эканимни, эҳтимол, охирим вой бўлишини айтди.

Провис ҳаяжондан титрай бошлади, лекин ўзини тутиб олди, икки-уч марта қисқа нафас олиб, тупугини ютди ва қўлимга қўлини қўйиб, эркалаган оҳангда деди:

– Азиз ўғлим, ярашмаган сўзларни мендан эшитмайсан.

Лекин у шунчалар қизишиб кетгандики, рўмолчаси билан юзи, боши ва қўлларини артиб олмагунича, давом эттира олмади.

– Компесонга башарангни ёраман, дегандим, кейин, агар алдаётган бўлсам, Парвардигор менинг башарамни ёрсин, деб қасам ичдим. Биз битта сузувчи қамокхонада сақланар эдик, лекин қанчалар ҳаракат қилмай, узок вақт унга яқинлашишнинг уйдасидан чиқолмадим. Ниҳоят кунларнинг бирида орқасидан келиб бўйнига туширдим, у ўгирилиб, башарасини

кўйиб берди, лекин мени кўриб қолиб, жазо камерасига ташладилар. Ўша баржадаги жазо камераси тажрибали, бунинг устига шўнғиш ва сузишни биладиган одам учун ҳеч нима эмасди. Қочиб кетиб, қабрлар орасида, уларда ётганлар ва барча ташвишлардан қутулганларга ҳавас қилиб, яшириниб юрганимда биринчи марта болагинамни кўриб қолдим!

У менга меҳр билан қараган эди, ҳозиргина унга чинакамига ачиниб ўтирган бўлсам ҳам, яна хунук кўриниб кетди.

– Болагинамнинг сўзларидан Компесоннинг ҳам ўша ботқоқликда беркиниб юрганини билиб олдим. У мендан жудаям кўрққанидан қочиб қолганди, фақат менинг ҳам қирғоқда эканимдан беҳабар эди. Уни қидириб топдим. Башарасини уриб ёрдим. “Энди, мендан кўрадиганингни кўрасан. Ўзимни ҳам аяб ўтирмайман, лекин сени қайтариб олиб бораман”. Агар керак бўлганда, аскарларсиз, сочидан тортиб, сузиб бўлса ҳам уни баржага бир ўзим олиб борган бўлардим.

Турган гапки, бу ерда ҳам унга марҳамат кўрсатилди – жентльменларча ўтмиши ҳисобга олинди! Уни ўлдириб қўйишимдан кўркиб, ваҳимадан нима қилаётганини билмай, қочиб кетган, деб ҳисоблашди ва енгил жазо тайинлашди. Мени кишанлаб, яна маҳкамага тортишди ва бир умрга сургун қилишди. Лекин мен, ўғлим ва сиз, Пипнинг дўсти, кўриб турганингиздек, у ерларда умрбод қолиб кетмадим, шунинг учун мана, хузурингиздаман.

У яна рўмолчаси билан артинди, шошмасдан чўнтагидан тамаки чиқарди, трубкасини олиб, уни тамаки билан тўлдирди, ўрнидан турди ва чека бошлади.

– У ўлганми? – дедим мен сукунатни бузиб.

– Кимни айтяпсан, ўғлим?

– Компесонни.

– Бир нарсани айта оламан: агар тирик бўлса, мени ўлиб кетган, деган умид билан яшамоқда. Ўшандан бери у тўғрида эшитмадим.

Герберт қалам билан очиқ турган китобнинг ичига нималарнидир ёзмакдайди. Провис трубкасини чекиб, оловга тикилиб қолганидан фойдаланиб, у китобни секин мен томонга сурди, унда: “Артур – мисс Хевишемнинг укаси. Компесон – унга уйланмоқчи бўлган ўша одам”, деб ёзилганди.

Китобни ёпиб, Гербертга сезилар-сезилмас бош ирғадим, кейин китобни бир чеккага суриб қўйдим; биз оловнинг олдида туриб, трубкасини чекаётган Провисга унсиз тикилардик.

*Инглиз ва рус тилларидан
Шоазим МИНОВАРОВ
таржимаси*

(Охири келгуси сонда)





“ҚАЛБИМ ШЕЪРИМДА ЯШАР”

1935 йил 22 март куни Хоразмда таваллуд топган таниқли шоир, адиб, драматург, педагог, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Эркин Самандар бу йил муборак 80 ёшни қаршиляпти.

Гарчи Хоразм давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган бўлса-да, у узоқ йиллар журналистика соҳасида фаолият юритди, шунингдек, радио-телевидениеда, “Хоразм ҳақиқати” газетасида ва бошқа масъул вазифаларда самарали хизмат қилди.

Шоирнинг биринчи шеърий китоби – “Аму жилolari” 1966 йили нашрдан чиқади. Шундан кейин “Менинг йигит вақтим”, “Юракка йўл” каби ўндан ортиқ шеърий китоби чоп этилади.

Насрда ҳам баракали ижод қилган адибнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ”, “Султон Жалолиддин”, “Тангри қудуғи”, “Қуюн излари ёхуд Оғаҳий” романлари эълон қилинган бўлиб, бу асарлар тарихий ҳақиқат ўзига хос тарзда бадиий акс эттирилгани, қаҳрамонлар чуқур психологик таҳлил этилгани билан адабиётшуносларнинг эътирофига сазовор бўлган. Шунингдек, адибнинг “Аждодлар қиличи”, “Ёт хужра”, “Арабмуҳаммадхон”, “Жавоҳир”, “Олма пишганда келинг”, “Башорат”, “Дилда борим” каби драмалари республика ва вилоят театрларида сахналаштирилган.

Адабий жараёнда фаол иштирок этиб келаётган устоз ижодкор жаҳоннинг бир қатор таниқли шоирлари асарларини ўзбекчага ўгириб, ўқувчиларимизни хурсанд қилган. Муборак ёши билан самимий қутлаб, ижоди янада баракали бўлишини тилаймиз. Қуйида шоирнинг таржималаридан айримлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Таҳририят

А.С.ПУШКИН

Рус шоири
(1799–1837)

ҲАЙКАЛ

*Кўз кўрмаган ҳайкал бунёд айладим мен ўзимга,
Пойидаги оёқ йўлни босолмагай ўт-ўлан.
Фурур ила юксалди у бош эгмайин таъзимга,
Александр арконидан ҳам баланд.*

*Йўқ, мен ўлиб кетмагайман – қалбим шеъримда яшар,
Хоки таним барбод ўлмас, фоний умр менга ёт.
Менга шараф ёр бўлажаск, яшар экан то башар,
То оламда шоир зоти барҳаёт.*

*Бутун улуг Русни чулғаб олур менинг овозим,
Ва номимни ёдлаяжаск унда эллар муҳаққаҳ.
Магрур славян насли-ю, финну бугунги авом
Тунгус ҳамда сахро ўғлони қалмоқ.*

*Кўп сазовор бўлажаскман мен ҳали халқ меҳрига,
Шу вазжданким, созим ила некбин дардлар уйғотдим.
Қабиҳ асримда мен ўқиб Хурриятга мадҳия,
Қурбонларга муруватлар уйғотдим.*

*О, сен илҳом париси, бош эггил тангри ҳукмига,
Ўкинчлардан тап тортмагил, гултож таъма айлама.
Лоқайд бўлгил ҳамду сано ҳам маломат-макрига,
Ва аҳмоққа аҳмоқсан дема.*

Владимир САЛОУХИН

Рус шоири

(1924–1997)

АССАЛОМ

*Йўлда ногоҳ дуч келдик икков,
Мен ва оддий деҳқон аёли.
Елкасини қоплаб турарди
Сипогина одми рўмоли.
Тор сўқмоқдан бердим унга йўл,
Тиззамгача ботиб мен қорга.
Таъзим этиб бир-биримизга
– Ассалом! –
дедик қовуштириб биз қўл.
Саломлашса нотанишлар гар
Ахир, бунинг нимаси ёмон.
Саломлашдик атиги бизлар,
Бошқа бир сўз деганимиз йўқ.
Нур кўпайди оламда гўё,
Гўё ҳаёт бўлди ширинроқ,
– Ассалом! –
Бор эди-ку, шундай хуш удум,
Салом-алик, таъзим-тавозе.
Йўқолди бу удум шаҳарда.
Чунки улар Горький кўчаси*

*Ёки ГУМда ивирсиб юрган
Оломонга
Ёхуд сен билан
Театрга келган кишилар
Тўдасига таъзим қаёқда.
– Ассалом! –
Яъни омон бўлинг,
Эзгуликлар ёр бўлсин сизга!
Ассалом! Мен сизни
Учратдим илк бор.
Ахир, мен одамман.
Ахир, сиз одам,
Бир заминнинг фарзандларимиз.
Келинг, дўстлар, омонлашайлик.
Йўл берайлик бир-биримизга.
(Агар йўлда бўлса ҳамки қор.
Агар йўлда бўлса ҳамки лой)
– Ассалом! –
Шу бир сўзни сизга айтган чоғ:
Кўнглим бўлар тоғ!*

ҚҰШИҚЧИ

*Дала узра бир қўшиқ янграр,
Йўллар оша учар бир наво.
Шўх жаранглар майин жаранглар,
Дилнавозу дилбар, дилрабо.*

*Шундай тиниқ, шундай безубор,
Шундай созки, йўқдир қиёси.
Хаёлимни етаклай бошлар,
Дилни тортар оҳанрабоси.*

*Гулга манзар яшил кўкатлар,
Тонг юлдузин эслатар шабнам.
Хуррам наво қуш каби учар,
Куйга асир бўлар субҳидам.*

*Ҳасратли дам ва шавкатли дам,
Илк новда ва илк қор жилваси.
Бошоқ ҳиди – ҳамма-ҳаммаси
Шу қўшиқда гўё жамулжам.*

*Қўрқоқ, гайир, кекчи ва кинчи,
Кўзи олазарақ ва айёр.
Энг яқин дўстин-да, ўткинчи
Ҳавас учун сотишига тайёр.*

*Қўшиқчини биламан кўпдан,
Танимасам қошқийди, ҳайҳот.
Фил ясайди мудом паишадан,
Шайтонга дарс берган турфа зот.*

*Ўзи сотиб, чанг солиб бахтга,
Ўзи келар кечирим сўраб.
Ҳаёт қанот берар калхатга
Гул ўстирар ботқоқда, ё раб.*

*Қўшиқчининг овози бошқа,
Дили бошқа. Бу қандай фусун?
О, Адолат, қора балчиққа
Зарни нечун ташлайсан, нечун?*

О.ОРЛОВСКОЙ

Рус шоири

(Тахминан XX асрнинг биринчи ярмида яшаган)

СОНЕТ¹

МАРДЛАР МАРДИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

*Зафар учун тугилгансан эй, беназир зот,
Савашларда тойилмоқ не, сира билмаган,
Ғолибият байрогидай нур сочиб турган,
Елканг ерга тегмаган ҳеч, ҳадик сенга ёт.*

*Шаширингнинг кучин кўп бор жанггоҳда исбот
Айлагач, ул Чингиз сенга бермаганми тан.
“Ал-қасосу мин ал-ҳақ!” деб ҳайқирганда сен
Бўлаберди ёғий барбод устига барбод.*

¹ Чингизхон бошлиқ мўғул лашкарларига мардона қаршилиқ кўрсатган жасур саркарда – хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили Жалолиддин Мангуберди сиймоси, хотирасига бағишланган ушбу сонет кейинчалик сайқал берилиб, Н.Н.Ушакова ва М.Б.Сандомирский томонидан қўшиққа айлантисилган. Қўшиқ иккинчи жаҳон уруши пайтида жангчиларни руҳлантириш учун машҳур санъаткорлар томонидан дам-бадам ижро этилган.

*Зеро, сенинг қудратингдан Чингиз эди лол,
Ушал чоғда терс айланди чоғи чарх, алҳол,
Амр айлади Азроилга, водариз, Оллоҳ.*

*Ва ул бир курд хужрасида Жалолоддиннинг
Бошин қўйди кундага ва тақдирга тан берароқ
Мангуликка дохил бўлди охирги Хоразмишоҳ!*

Марсела ДЕЛЬПАСТР

Француз шоири

(1925–1998)

АРМОН

*Биз заминни севолмадик,
Унга лойиқ бўлолмадик.
Бўлса ҳамки барги кўркам,
Севолмадик дарахтни ҳам.
Ер остида илдизларни,
Ер устида биз изларни
Севолмадик.*

*Севолмадик –
Дарёдаги қуёш аксин,
Денгиздаги тўлқин рақсин...
Дилимизга бўлса ҳам жо,
Севолмадик ишқни ҳатто.
Ер хуснию кўк юзини,
Булутларнинг сузишини,
Юлдузларнинг сўнишини
Ва қушларнинг хонишини
Севолмадик.*

*Севолмадик –
Қояларнинг гурурини,
Сояларнинг хузурини.
Оловларнинг гувиллашин,
Шамолларнинг увиллашин.
Бизни қучмоқ бўлган маҳкам
Садоқатли қўлларни ҳам –
Севолмадик.*

*Бизлардаги меҳр кучи
Етмас ерда қолмоқ учун –
Биз заминни севолмадик...*

Аркадий КАНИКИН

Рус шоири

(1937 йил туғилган)

1. ХОРАЗМДА БЎЛГАН ВОҚЕА

*Оқил киши бўлди бадном,
Боши қолди бўҳтонга.
Донишмандни хулласкалом
Ташилатди хон зиндонга.
Ларзаланди аҳли заҳмат,
Ҳақ-ҳақиқат ёқланди...*

*Рафторини кўрмай ҳамда
Эшитмайин ҳеч сасин.
Хулласкалом, у зиндондан,
Чиқ, деса ҳам чиқмади.
Ҳайиқмади беку хондан,
Сўзларини уқмади.*

Фош этилди қора туҳмат,
 Оқил киши оқланди.
 Чиқ, озодсан, деди унга
 Эшик очиб зиндонбон.
 Йўқ, йўқ, деди оқил, менга
 Маъқул ушбу зимистон.
 Туҳматчига бу оламда,
 Сира кўзим тушмасин.

Уни аврай бошладилар,
 Қўймай ҳолу жонига.
 Бир нодонни ташладилар
 Сўнгра унинг ёнига.
 Донишманд дод, деди, войдод,
 Қутқазинглар зиндондан.
 У бўлмоқчи эди озод
 Зиндонданмас, нодондан.

2. ЙИГИТ ВА ХОН

Бош меъморга буюрди хон:
 – Бир қаср қур... осмонда.
 Агар амрим бажармасанг,
 Умринг ўтар зиндонда.
 Меъмор ҳайрон, осмонда ҳеч
 Қаср қуриб бўларми?
 Лекин хону хоқонга ҳеч
 Қарши туриб бўларми?
 Хўп бўлади, деди уста,
 Амрингиз бош устига.
 Арқдан чиқиб кўзларига
 Ёш келди ёш устига.
 Осмон йироқ... на-да устун,
 На-да шоти етади.
 Бажармаса хон буйругин,
 Меъмор боши кетади.
 Йўлга чиқди чора излаб,
 Кезди шому саҳарда.
 Чора топса зора излаб,
 Йироқ кетди шаҳардан.
 Юртдан юртга ўтаверди,
 Кезаверди у бедор.
 На сеҳрли қаср кўрди,
 На сеҳргар бир меъмор.
 Рўкач келди чўнг бандилгоҳ,
 Йўқотди у йўлини.
 Алп бир йигит келиб ногоҳ
 Чўзди мадад қўлини.
 У меъморнинг ҳикоясин
 Қулоқ бериб тинглади.
 Қурмоқ керак кўкда қаср,
 Хон мақсадин англади.
 Бўпти, деди йигит шодмон,
 Кўкда қаср қурамиз.

Сўнг сурамиз давру даврон,
 Қандимизни урамиз.
 Меъмор, йигит – иккаласи
 Сарой сари елдилар.
 Узун-қисқа етаклашиб
 Арқка етиб келдилар.
 – Қани қаср? –
 сўради хон.
 – Ҳазрат, қаср бўлади, –
 деди йигит дадил шу он.
 Меъмор уни қўллади:
 – Ҳа, шаҳанишоҳ, ваъда битта,
 – Аммо-лекин, – деди меҳмон, –
 Қилинажак иш катта.
 Қаранг, жуда йироқ осмон,
 Лойни кўкда қорамиз.
 Ғиштни кўкда қуямиз.
 Токим қаср битгунча
 Биз осмонда турамиз.
 Сувни кўкда мардикорлар
 Тез муҳайё этсинлар.
 Шарти шуки, сувни улар
 Ғалвирларда элтсинлар.
 – Ғалвирда ҳеч турарми сув?
 – Осмон тубсиз, шарти шу.
 Ўтмишида ҳам кўп подишолар
 Кўкда қаср қурдирган.
 Сувни кўкка, ахир, улар
 Ғалвир билан олдирган.
 Бажарилса шарт шу замон,
 Қаср битди ҳисоби.
 Не дейишин билмади хон,
 Ичда қолди жавоби.

Рус тилидан
 Эркин САМАНДАР
 таржималари



ГУЛБАДАНБЕГИМ

(1522–1603)

ҲУМОЮННОМА¹

Дарёнинг лабида қурилган ва “Тилсим” деб аталган тўйхонанинг шарҳи

Биринчи саккиз бурчакли хона ва хонанинг ўртасида саккиз бурчакли ховуз ва ховузнинг ўртасида саккиз бурчакли суфа ва унинг устига шоҳона гиламлар тўшалганди. Кўпчилик ёшлар ва гўзал кизлар ва соҳибжамол аёллар ва созандалар, хушовоз хонандалар ховуздаги [суфа]га ўтирсин, деб ҳукм қилинганди.

Хонанинг тўрида онам [Моҳим] тўйда иноят қилган жавоҳир билан безалган тахт қўйилган ва унинг олдида зардўзи тўшак ташланганди.

Подшоҳ ҳазратлари ва онажоним [Хонзода] тахтнинг олдидаги бир тўшакка ўтирдилар. Онажонимнинг ўнг қўлларида уларнинг аммалари, Султон Абусаид мирзонинг кизлари Фаҳр Жаҳонбегим, Бадиъ ул-Жамолбегим, Оқбегим, Султон Бахтбегим, Гавҳаршодбегим ва Хадича Султонбегим ўтирдилар.

Бошқа тўшакда бизнинг аммаларимиз – фирдавсмакон [Бобур] ҳазратларининг опа-сингилларидур, Шаҳрбонубегим, Ёдгор Султонбегим, Султон Ҳусайн мирзонинг кизи Ойша Султонбегим, подшоҳ ҳазратларининг аммаси Зайнаб Султонбегимнинг кизи Улуғбегим, подшоҳнинг амакилари Султон Аҳмад мирзонинг кизи Ойша Султонбегим ва Султонийбегим, подшоҳнинг амакиси Султон Халил мирзонинг кизи Калонхонбегимнинг онаси Бекабегим, подшоҳнинг амакиси Улуғбек мирзо Кобулийнинг кизлари Моҳимбегим ва Бегибегим, она томондан Поянда Муҳаммаднинг невараси Султон Масъуд мирзонинг кизи Хонзодабегим, подшоҳнинг аммаси Султонбегим, Бадиъ ул-Жамолбегимнинг кизи Шоҳхоним, Оқбегимнинг кизи Хонимбегим, подшоҳнинг қатта тоғалари Султон Маҳмудхоннинг кизи Зайнаб Султонхоним, Олачахон номи билан машҳур бўлган подшоҳнинг кичик тоғаси Султон Аҳмадхоннинг кизи Муҳибба Султонхоним, подшоҳнинг холасининг кизи Мирзо Ҳайдарнинг сингиллари Калон ва Хониш, Бека Калонбегим, Кичикбегим, подшоҳнинг аммаси Фаҳр Жаҳонбегимнинг кизи Дилшодбегимнинг онаси Шоҳбегим, Султон Бахтбегимнинг кизи Кичкинабегим ва Оппокбегим ва подшоҳнинг аммаси Меҳликбегим, подшоҳнинг она тарафдан аммаси Султон Ҳусайн мирзонинг невараси Шодбегим, Султон Ҳусайн мирзонинг невараси Музаффар мирзонинг кизи Меҳрангизбегим (Уни жон-дилдан яхши кўришарди ва унга эрларнинг кийимини кийдиришарди. У анвои ҳунар соҳиби эди. У зеҳгиртарошлик², чавгонбозлик ва ёй отишни билар ва кўпчилик созларни чаларди), Гулбегим, Фавқбегим, Жон Султонбегим, Афрузбонубегим, Оғабегим, Ферузабегим ва Барлосбегимлар ўтиришарди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

² Зеҳгир – ёй отиш учун бармоққа тақиладиган ангишвонасимон буюм.

Бошқа бегимлар ҳам кўп эди ва уларнинг жами тўқсон олти киши эди ва ҳаммаси маошлик эдилар. Бир қанча бошқалари ҳам бор эди.

“Тилсим”нинг зиёфатидан кейин Мирзо Ҳиндолнинг тўйи бўлди. Юқорида зикр этилган бегимлардан баъзилари вилоятларга кетдилар ва шу йиғинда ҳозир бўлган баъзилари ўнг қўл тарафда ўтиришарди. Бизнинг бегимлардан Оға Султон, Ёдгор Султонбегимнинг онаси Оғоча, Отун момо, Салима, Сакина, Биби Ҳабиба ва Ҳанифабекалар эдилар.

Подшоҳнинг чап томонидаги зардўзи тўшакда Маъсума Султонбегим, Гулрангбегим, Гулчехра ва бу кўнгли синик ҳақирлари Гулбаданбегим, Ақиқа Султон бегим, бизнинг онамиз бўлмиш Дилдорбегим – очамиз, Гулрангбегим, Бекабегим, нанача Моҳим, Амир халифанинг оиласи Султоним, Алушбегим, Ноҳидбегим, Хуршид кўка, подшоҳ отамнинг кўкаларининг болалари – Афғоний оғоча, Гулнор оға, Нозгул оғача, Ҳиндубекнинг аёли Махдума оға, Равшан Кўканинг онаси Фотима Султон энага, Мирзоқули кўканинг аёли Надим кўканинг онаси Фахруннисо энага, Муҳаммад кўканинг аёли, Муай-йидбекнинг аёли, подшоҳнинг кўкалари – Хуршид кўка, Шарафнисо кўка, Фатх кўка, Робия Султон кўка, Моҳлико кўка, бизнинг энагалар ва кўкалар, бегимларнинг одамлари, амирларнинг аёллари ўтирардилар.

Ўнг қўл тарафда ўтирган одамлар Салима бека, Биби бека, Хожа Абдулла Марвориднинг кизи Хоним оға, Мўғулбекнинг онаси Нигор оға, Нор Султон оға, Миршоҳ Хусайннинг кизи Абас бека, Кесак Моҳим, Кобули Моҳим, Беги оға, Хоним оға, Саодат Султон оға, Биби Давлатбахт, Насиб оға, Абас Кобули, бошқа оғалар ва бекалар – амирларнинг аёллари эдилар. Барчалари ана шу тўй маросимида қатнашгандилар.

“Тилсим” уйининг тарҳи куйидагича эди: саккиз бурчак катта хона – шу ерда тўй берилган эди. Кичик хона ҳам [каттаси]га ўхшаб саккиз бурчакли эди. Ҳар иккала саккиз бурчакли хона анвои безаклар билан безалган эди. Саккиз бурчакли катта хонадаким тўйхонадур – жавоҳирлар билан безалган тахт қўйилган, тахтнинг усти ва тагида зардўзи адрасқи [тўшаклар] солинган, бир ярим газлик марварид шодалари осилганди. Ҳар бир шоданинг тагида икки юмалоқ ойна ва пастда 30-40 шода марварид ясаб осилганди.

Саккиз бурчакли кичик хонада, жавоҳирлар билан безалган каравот ва токчаларга қимматбаҳо тошлар қадалган пондон¹, кўза, пиёла, тилла ва кумуш уй анжомлари қўйилганди.

[Яна бир хона] қиблага қараган томони девонхонага, шарқ томонда боққа, жанубга қараган томони саккиз бурчак катта хонага ва шимолга қараган томонида кичик саккиз бурчакли хонага эшик очилганди. Бу юқорида зикр этилган учта хонанинг тепасида учта болохона бор эди. Уларнинг бирини “давлат хонаси” дейишарди. Бу хонада тўққизта жанг яроқлари: садаф қадалган қилич, кўр², камар ва ханжар, жамудҳар³, қахпұх⁴, ўқдон – ҳаммаси қимматбаҳо тошлар қадалган ва қурол-аслаҳа устига зардўзи ёпинчиқ ташланган эди. “Саодат хонаси” деб аталадиган иккинчи хонада жойнамоз, китоблар, садаф қадалган қаламдонлар, чиройли жуздон ва чиройли расмлар ва хатлар билан безалган мураққаъ⁵ қўйилганди.

“Мурод хонаси” деб аталадиган учинчи хонада қимматбаҳо тошлар қадалган каравот сандал солинган идиш ва ақлни лол қолдирадиган тўшаклар солинган, пастки томонда ҳам айриқча тўшаклар солинган бўлиб,

¹ Пон – ҳиндлар чайнайдиган хушбўй барг.

² Кўр – ўқ-дори идиши.

³ Жамудҳар – эгри ханжар.

⁴ Қахпұх – уруш қуроли.

⁵ Мураққаъ – альбом.

бу кўрпачаларнинг олдида ҳаммаси лол қолдирадиган зарбафтдан тикилган дастурхонлар ёзилган ва алвон мевалар ва анвои шарбатлар ва барча айшу тараб ва емишлар мухайё эди.

“Тилсим” уйининг тўйи бўлган куни: “Ҳамма мирзолар, бегимлар ва амирлар сочки тайёрласинлар!” – деган буйруқ бўлди. Уларнинг буйруқларига биноан ҳамма [сочки] келтирдилар. “Бу сочкиларни уч тўда қилсинлар”, – деб буюрдилар. Уч товоқ ашрафий (танга) ва олти товоқ шоҳрухий (танга) бўлди. “Бу “Давлат” [хонасидагилар] ҳиссаси”, деб бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шоҳрухийни Ҳиндубекка бердилар: “Мирзолар, амирлар, вазирлар ва сипоҳийларга улашинг!”

“Бу “Саодат” [хонасининг] ҳиссаси”, – деб бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шоҳрухийни Мулло Муҳаммад Фарғарийга мулозимат қилдилар: “Буни акобир ва аёнлар, уламо ва солиҳлар, зоҳидлар, машойих, дарвишлар, обидлар, фақирлар, мискинларга улашинг”.

Бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шоҳрухийни: “Бу “Мурод” [хонасининг] ҳиссаси – бизники, олдимга келтиринг”, – деб буюрдилар. Келтирдилар. “Аввал бир товоқча ашрафий ва икки товоқча шоҳрухийни бегимлар олдига олиб боринг. Сикимларига сикқанича олишсин!” – деб буюрдилар.

Сўнг қолган икки товоқ шоҳрухий ва борлиқ ашрафий (чамаси икки минг танга ва шоҳрухий чамаси ўн минг танга эди) аввал валинеъматлар, ундан сўнг бошқаларнинг олдига сочдилар. Йиғиндагиларнинг ҳеч қайсиси юз-юз эллик тангадан кам топмаган эди. Айниқса, ҳовуз ўртасида ўтирган жамоатга кўп тегди.

Подшоҳ ҳазратлари онажоним [Хонзода]га қараб: “Агар ижозатлари бўлса, ҳовузга сув қуйилса”, – деди. Онажоним: “Кўп яхши”, – дедилар. Ўзлари бориб зинанинг тепасига ўтирдилар. Одамлар ғафлатда қолиб, бирданига шариллаб сув қуйилди. Ёшлар бирданига қий-чув солишди.

Подшоҳ ҳазратлари: “Ўз холига қўйинглар, – дедилар. – Ҳар қайсинглар бир юмалоқ шит (арпабодиён) ва бир бўлак маъжун (афюн солинган ширинлик) енглар, кейин бу ердан чиқинглар”, – деб буюрдилар. Шу орада ким маъжун еган бўлса тезда у ердан чиқди. Сув тўпикқа чиққан эди. Хулоса ҳамма тўйгунча маъжун ейишди ва у ердан чиқишди. Тўй ошини тортишди ва одамларга сарпо қўйишди. Маъжун еганлар ва бошқаларга ҳам инъомлар ва сарполар улашилди.

Ҳовуз бўйида меҳмонхона бўлиб, унинг дарчаларига панжара тугилганди. Ёшлар ана шу меҳмонхонада ўтиришди. Ўйинчилар ўйинга тушишди. Қизлар базми ҳам авжида эди.

Кемалар ҳам безалган эди. Бир кемада гўё олти кишини олти бурчакка турғазиб қўйишган ва тепасига болохона ясашганди ва тагида чирмовуқ гул, гултожихўроз, гули нафармон, лола ўтқазиб боғча қилишганди. Бир жойда саккиз кемани бирлаштириб бир кема ясашганди, у саккиз бўлак бўларди. Гапнинг қисқаси, Худойи таоло уларнинг муборак дилларига шунга ўхшаш кўп ихтироларни солган эдики, ҳар ким кўрса, хайратдан ёқа ушларди.

Энди Меҳди хожанинг синглиси Султонибегим билан Мирзо Ҳиндолнинг тўйлари шарҳи

Отамнинг езнаси [почча]сининг Жаъфар хожадан бошқа фарзандлари йўқ эди. Фарзанд бўлмасди. Онажоним Султонибегим фарзанд тутинган эди. Икки ёшдан бошлаб Хонзодабегим уни боқиб олган эди. Уни ўта яхши кўрарди. Уни ўз акасининг ўғли [Ҳиндол]га берди. Жуда серфайз, яхши тўй бўлди.

...Кўшк, адрас [кўрпа], бешта тўшак, беш ёстик, бир катта лўлаболиш, иккита думалоқ кўшуқаболиш¹, чимилдик чодир, учта тўшак билан парда – ҳаммаси зардўзи.

Мирзо [Ҳиндол]нинг сарпоси чорқаб (салла) ва зардўзи тож, фўта (белбоғ) ва дастрўмол ва зардўзи сочиқ ва зардўзи кўрпуш².

Султоним бегимга тугмалари жавоҳирдан тўққизта нимча: биттаси лаълдан, биттаси ёқутдан, биттаси зумраддан, биттаси ферузадан, биттаси забаржаддан ва яна биттаси шунга ўхшагандан. Ундан кейин тўққизта шода гавҳар, бир чорқоб³ ва тугмали чорқаритчи⁴, бир жуфт лаъл узук, бир жуфт дур узук, учта пакҳа⁵ ва шоҳона соябон, бир пояли чироғ ва Ҳонзодабегим йиққан ҳар хил асбоб-анжом, кўрпа-тўшак, уй анжомлари ва буюм-тайимлар – ҳаммасини бердилар.

Шундай бир тўй қилдиларки, подшоҳ отамнинг бошқа фарзандларига унақа тўй муяссар бўлмади. Ҳамма муҳайё қилган нарсаларини топширдилар: тўққизта эгар-жабдуғига қимматбаҳо тошлар қадалган тўбичоқ от, тилла ва кумуш уй асбоб-анжом, турк, черкас, ўрус ва ҳабаш куллар. Ҳар биридан тўққиз-тўққиз инъом қилдилар.

Отамнинг езнаси [поччаси] Мирзо [Ҳиндол]га ҳадя қилган нарсалар: бир тўққиз тўбичоқ от зардўзи ва жавоҳир қадалган эгар-жабдуқ ва тилла-кумуш асбоб-анжомлари билан; яна икки тўққиз юк ташувчи отлар, бахмал зарбафт ва португал мовутидан эгар-жабдуқлари билан; турк, ҳабаш ва ҳинд куллари ҳаммаси уч тўққиздан ва уч занжирли фил эди.

Тўйдан фориф бўлгач, Хуросонхон номли Султон Баҳодирнинг вазири Баёнага чопқин ясади, деган хабар келди. Подшоҳ ҳазратлари Мирзо Аскарини Фахр Али бег, Мир Турдибек ва бошқа амирлар билан жўнатдилар. Улар Баёнага бориб жанг қилдилар Хуросонхонни мағлуб қилдилар.

Бир муддатдан сўнг подшоҳ ҳазратларининг ўзлари саодат ва саломат Гужаратга йўл олдилар. Сана 941 ҳ. ражаб ойининг ўн бешиди (1535 йил 29 январь) Гужаратга азму жазм кўрсатдилар. Зарафшон боғида чодир тиктирдилар ва шу боғда лашқар тўплангунча бир ой турдилар.

Девон кунлариким, якшанба ва сешанбадир, сувнинг у томонига ўтардилар. Боғда бўлган кунларининг кўпида очам [Дилдор], опа-сингиллар ва ҳарам аҳли ҳазратларининг хизматларида бўлардик. Ҳаммадан юкорида Маъсума Султонбегимнинг чодир, ундан сўнг Гулрангбегим билан очамнинг чодир ёнма-ён турарди. Онамнинг чодирдан кейин Гулбаргбегим, Бекабегим ва бошқа бегимларнинг чодир турарди.

Ошхоналар куриб, тайёр қилишди. Биринчи мартаба чодирлар тикилиб, айвон ва қабул саройлари боғда тиклангач, юрт-элдаги тартиб-қондани кўриш учун [подшоҳ] ташриф буюрдилар. Бегимлар ва опа-сингиллар ҳам қадам ранжида қилишди. Маъсума Султонбегимнинг [чодир] яқинроқ тушгани учун уларнинг уйига ташриф буюрдилар. Барча бегимлар ва опа-сингиллар ҳазратларининг хизматларида эди.

Ҳар қайси бегим ва опа-сингилларнинг уйига ташриф буюрсалар, ҳамма бегимлар ва опа-сингиллар уларга кўшилиб бирга келардилар. Эртаси куни бу ҳақир [Гулбадан]нинг уйига ташриф буюрдилар. Ўтириш ярим кечагача давом этди. Кўпчилик бегимлар, опа-сингиллар, бекалар, оғалар ва оғачалар, созанда ва хонандалар бор эди. Туннинг уч ҳиссасидан кейин [1 ҳисса – 3 соат]

¹ Кўшуқаболиш – кўш болиш.

² Кўрпуш – кўрпа ва тўшак солинадиган ғилоф.

³ Чорқоб – қадимий зеб-зийнатлардан бири.

⁴ Чорқаритчи – қадимий тақинчок.

⁵ Пакҳа – елпигич.

ҳазратлари [подшоҳ] дам олишга ётдилар. Опа-сингиллар ва бегимларнинг ҳаммаси ҳазратларининг хузурларида ёнбошладилар.

Бекабегим: “Намоз вақти бўлди”, – деб уйғотдилар. [Подшоҳ] ҳазратлари: “Таҳорат сувини шу хонада тайёрласинлар”, – деб буюрдилар. Бегимлар подшоҳ уйғонганини билишди. “Бу боққа ташриф буюрганнингизга шунча кун бўлди, бир кун ҳам бизнинг уйга келмадингиз, – деб гинахонликка бошладилар. – Бизнинг уй йўлига чақиртикан битмаганди-ку! Бизнинг уйга ташриф буюрасиз, йиғин-маърака ўтказасиз, деб умид киламиз. Токайгача бу бечораларга нисбатан илтифотсизлик қиласиз. Бизда ҳам кўнгил бор. Бошқа жойларга уч марталаб ташриф буюрдингиз ва у ерда кеча-кундуз айш-ишрат билан ўтказдингиз”.

Подшоҳ лом-мим демадилар ва намозга турдилар. Чоштгоҳ пайти бўлганда опа-сингиллар, бегимлар, Дилдорбегим, Афғоний оғача, Гулнор оғача, Меважон, оғажон ва энагаларни чақирдилар. Биз ҳаммамиз йиғилгач, подшоҳ ҳеч нарса демадилар. Ҳамма билдики, подшоҳнинг жаҳли чиққан эди. Бир муддат вақт ўтгач: “Биби, саҳарда нима учун мендан гинахонлик қилдинг? У жой гина қиладиган жоймиди? Сизлар валинеъматларингизнинг уйида эканлигимни билардингиз-ку! Улардан кўнгил сўраб туришим лозим. Шунга қарамай, “кеч кўраман” деб уларнинг олдида уятлиман. Сизлардан узр сўрайман, деб кўнглимга тугиб қўйгандим. Ўзинглар тилга олганинглар яхши бўлди. Мен бандман. Агар борди-келдим кечикиб кетса, мендан ранжиманглар. Йўқса, “хоҳ келинг, хоҳ келманг, ихтиёр ўзингизда. Биз сиздан розимиз”, деб хат ёзиб беринг”.

Гулбаргбегим шу ондаёқ ана шу мазмунда ёзиб берди. Гулбаргбегимнинг [хатини] олдилар. Бекабегим бир оз муболаға қилдилар: “Буларнинг гуноҳдан баттар узрига қаранглар. Бизнинг гинахонликдан мақсад, бизни ўз илтифотларидан сарафроз қилсинлар деган эдик. Улар бўлса ишни бу ёққа буриб юбордилар. Бизнинг чорамиз қанча, подшоҳлар!” – деди ва хат ёзиб бердилар. Подшоҳ ҳазратлари олдилар.

Шаъбон ойининг ўн тўртида (1534 йил 18 февраль) Зарафшон боғидан кўчиб, Гужаратга йўл олдилар. Ва Султон Баҳодир устига бостириб бордилар ва Манҳасурда қарама-қарши келдилар. Жанг қилиб Султон Баҳодирни мағлуб қилдилар. У қочиб Чампонир тарафга кетди. Охири ҳазратларининг ўзлари бош бўлиб, таъқиб қилдилар. У Чампонирни ташлаб Аҳмадободга кетди. Ҳазратлари Аҳмадобод вилоятини ҳам олдилар. Гужаратнинг борлигини одамларга бўлиб бердилар. Аҳмадободни Мирзо Аскарыйга иноят қилдилар. Баҳруччи Қосим Ҳусайн Султонга бердилар. Патанни Ёдгор Носир Мирзога бердилар. Ҳазратларининг ўзлари бир кичик гуруҳ кишилар билан сайр қилиб Чампонирдан Канмбойат томонга йўл олдилар.

Бир неча кундан кейин бир аёл: “Сизлар нима қилиб ўтирибсизлар, Канмбойат одамлари тўпланишиб, сизнинг устингизга бостириб келмоқчи!” – дея хабар келтирди. Ҳазратлари отга миндилар. Ул ҳазратнинг амирлари ўша жамоатнинг устига чопқин ясадилар. Уларни қўлга олдилар ва бир қисмини қатл этдилар. Шундан сўнг Барудага келдилар ва у ердан Чампонир томонга йўл олдилар.

[Биз] ўтирган эдик, шов-шув тарқалди. Мирзо Аскарыйнинг одамлари Аҳмадободни ташлаб подшоҳнинг олдига келдилар. Мирзо Аскарый ва Ёдгор Носир мирзо биргалашиб Аграга бормоқчилар, дея арзга етказдилар. Ҳазратлари бу гапни эшитгач, Аграга жўнашга зарурат пайдо бўлди.

Гужарат масаласини бир ёқли қилмай, Гужаратни ташлаб кўча-кўча Агра томонга келдилар. Бир йилгача Аграда бўлдилар.

Шундан сўнг Чанода тарафга кетдилар ва Чанода ҳамда Банорасни олдилар. Шерхон Паркандада эди ва ҳазратларининг хузурига арз юбордиларки, “Бандалари ўзларининг қари кулларидир. Менга бир жойни муқим жой қилиб беринг, мен ўша жойда ўтирай”.

Шунинг фикрида эдиларки, Гавр Банголанинг подшоҳи ярадор бўлиб, кочиб ҳазратларининг олдиларига келди. Ҳазратлари бунга эътибор бермадилар ва кўчиб Гавр Банголага жўнадилар. Шерхон подшоҳнинг Гавр Банголага кетганини билди. Ўзи ҳам ёлғиз отланиб, Гаврга кетди ва ўғли билан бирлашди. Унинг [Шерхон] ўғли ва унинг қули Хавосхон Гаврда эдилар. Бориб Гарҳини ишғол қилинг, деб Хавосхон ва ўғлини жўнатди. Улар келиб Рағҳини олишди. Ул ҳазратлари Жаҳонгирбекка [буйруқ] ёзгандилар ва у бир манзил олдинда борарди. Гарҳига етиб келди ва жанг бўлди. Жаҳонгирбек ярадор бўлди ва жуда кўп кишиларга талафот етди.

Ул ҳазратлари Коҳл Гонуда уч-тўрт кун бўлдилар ва олдинга қараб кўчишга ва Гарҳи яқинида тўхташга маслаҳат бўлди. [Улар] олдинга қараб кўчиб Гарҳи яқинида тушгач, кечаси Шерхон ва Хавосхон қочдилар. Эртаси куни ул ҳазратлари Гарҳига кириб келдилар ва Гарҳидан ўтиб Гавр Банголага йўл олдилар ва Гаврни олдилар.

Тўққиз ойгача Гавр вилоятида бўлдилар. Гаврни “Жаннатобод” деб ном қўйдилар. Гаврда давлатни бошқариб турган пайтларида “амирлар кочиб Мирзо Ҳиндолга бориб қўшилдилар”, деган хабар келди.

Хусравбек, Зоҳидбек ва Саййид Амир Мирзо [Ҳиндол] хизматларига етишиб: “Подшоҳ давлат ишлари билан узоққа кетдилар, мирзолардан Муҳаммад Султон мирзо, ўғиллари Улуғ мирзо ва Шох Мирзо яна бош кўтардилар ва гоҳ у ерда ва гоҳ бу ерда пайдо бўлиб турибдилар. Ва бандалар пушти паноҳи Шайх Баҳлул жаноблари шу орада ертўлада жубба¹, кажим² ва уруш анжомлари яшириб, сўнг араваларига ортиб Шерхон ва мирзоларга жўнатапти”, деб арз қилдилар. Мирзо Ҳиндол ишонмасдилар. Охири бу ишни текшириб кўриш учун Мирзо Нуриддин Муҳаммадни юбордилар. Жубба ва кажимларни топишди. Шайх Баҳлул ҳазратларини қатл эттирдилар. Бу хабар подшоҳга етгач, Аграга қараб йўл олдилар ва Ганг дарёсининг у тарафи бўйлаб келардилар.

Мунгирнинг тўғрисиغا келганларида амирлар: “Сиз буюк подшоҳсиз, қайси йўлдан келган бўлсангиз, ўша йўл билан кетинг. Токи Шерхон “Келган йўлини кўйиб бошқа йўлдан кетди” демасин”, – деб арзга етказдилар.

Ул ҳазратлари яна Мунгирга қайтдилар. Одамларининг кўпчилиги ва уй аҳлларини кемага солиб, дарё орқали олиб кетдилар ва Ҳожипур Патнага етиб келдилар. Кетаётган пайтларида Қосим Султон у ерда қолдилар. Шу аснода “Шерхон келди”, деган хабар етди. Ҳар гал жанг қилганларида ҳазратларининг одамлари ғолиб чиқардилар. Шу орада Бобобек Жуванпурдан ва Миракбек Чанодадан ва Мўғулбек Увдадан етиб келдилар. Бу уч амир қўшилгандан кейин ғалланинг нархи ошди. Охири Худонинг хоҳиши шу бўлса керак, ғофил бўлиб ўтирганларида Шерхон келиб босди.

Лашкар яксон бўлди. Кўпчилик оила аҳли ва одамлар асир тушдилар. Ҳазратларининг муборак қўллари яраланди. Уч кун Чанодада бўлдилар. Шундан сўнг Арайилга келдилар. Дарё лабига етганларида “Энди кемасиз қандай ўтаминг?” деб хайрон қолдилар. Шу аснода рожа [Бирбаҳон] бешолти отлиқ билан келиб, уларни сувдан ўтказиб қўйдилар. Одамлар уч-тўрт кундан бери ош-овқатсиз ва сувсиз эдилар.

¹ Жубба – зирҳнинг устидан кийиладиган узун энгли кийим.

² Кажим – зирҳнинг тагидан кийиладиган кийим.

Ниҳоят рожа бозор уюштириб берди ва лашкар одамлари бир неча кун айш-ишратда ўтказдилар. Отлар ҳам ҳордиқ чиқарди. Ким пиёда қолган бўлса, бошқа от сотиб олди. Хуллас, рожа ўз хизматини қойил қилиб бажарди.

Кейинги куни рожага рухсат бердилар ва ўзлари, соғу саломат, пешин намози вақтида Жамна дарёсининг қирғоғига келдилар. Бир жойдан кечув топиб, лашкар одамлари сувдан ўтдилар.

Бир неча кундан кейин Каррага келдилар. У ерда озиқ ва жой бемалол эди, чунки бу ўзларининг вилояти эди. Лашкар одамлари осойишта Колпига келдилар ва у ердан Аграга қараб жўнадилар.

Аграга етиб келмасдан бурун “Шерхон Чавса тарафга келяпти”, деган хабар келди. Одамлар қаттиқ саросимага тушишди. Бу тўс-тўполонда баъзилар умуман ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетдилар. Шу жумладан, Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи Ойша Султонбегим, подшоҳ отамнинг халифаси бўлмиш Бачако, Бекажон кўка, Ақиқабегим ва Чондбири қорнида етти ойлик боласи билан ва Шодбири (буларнинг учаласи подшоҳ ҳарамидан эдилар) – бу бир неча кишидан, сувга чўкдими ёки бошқа бўлдими, қанча излаб-суриштирмасин, умуман, нима бўлганини ҳеч ким билмади.

Улар [подшоҳ]нинг бетоблиги қирқ кунга чўзилди, шундан сўнг сихат топдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг олдидан келган Хусравбек, Девонабек, Зоҳидбек Саййид Амир, “Муҳаммад Султон Мирзо ва унинг ўғли Канаужга келдилар”, деб хабар келтирдилар.

Мирзо Ҳиндол Шайх Баҳлул қатлидан кейин Дехлига кетди. Муҳаммад Султон Мирзо ва ўғилларини тору мор келтириш учун Мир Фақр Али ва бошқа тарафдорларини бирга олиб кетди. Мирзолар у тарафдан қочиб Канауж томонга келдилар. Мир Фақр Али Мирзо Ёдгор Носирни Дехлига олиб келди. Мирзо Ҳиндол билан Мирзо Ёдгор Носир орасида ихлос ва тотувлик бўлмагани учун Мир Фақр Алининг бундай хатти-ҳаракатидан жаҳли чиққан Мирзо Ҳиндол Дехлини қамалга олиб ўтирди.

Бу хабарларни эшитган Мирзо Комронда ҳам подшоҳлик даъвоси пайдо бўлди. Ўн икки минг қуроолланган отлиқ [аскар] билан Дехлига йўналди. Дехлига етиб келганида Мир Фақр Али ва Мирзо Ёдгор Носир Дехлининг дарвозаларини бекитдилар. Икки-уч кундан кейин Мир Фақр Али аҳду паймон, ваъдаларни олиб, Мирзо Комронни кўргани келди: “Подшоҳ ҳазратлари ва Шерхоннинг шу қабилдаги хабарлари келмоқда. Мирзо Ёдгор Носир ўзидан андиша қилиб хизматингизга келяпти. Бундай пайтда давлат манфаати шунга тақозо қиладики, сиз Мирзо Ҳиндолни олиб Аграга кетинг ва Дехлида ўтиришини хаёл қилманг”. Мирзо Комронга Мир Фақр Алининг сўзлари ёқди, унга сарупо бериб Дехлида [қолишга] рухсат бердилар. Ва ўзлари Мирзо Ҳиндолни олиб Аграга келдилар ва фирдавсмакон [Бобур қабри]ни зиёрат қилдилар, онаси ва опа-сингиллари билан кўришдилар ва Гулафшон боғига тушдилар.

Шу орада Нурбек келиб, подшоҳ ҳазратлари келяптилар, деб хабар келтирди. Мирзо Ҳиндол Шайх Баҳлулни ўлдиргани учун ўзини ноқулай сезиб Алвар томонга чекилдилар.

Мирзо Комрон подшоҳ ҳазратлари ҳузурига келдилар. Бир неча кундан сўнг Гулафшон боғидан келиб подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо келтиришди. [Подшоҳ] ҳазратлари етиб келган куни, кун кеч эди. Бориб таъзим бажо келтирдик.

Бу ҳақир [Гулбадан]ни кўриб: “Аввалига сени танимабман, негаки мен

зафарёр лашкарни Гаври Банголага олиб кетаётганимда сен ҳали бошга дўппи киярдинг, ҳозир эса бошингда бекасам рўмол кўриб, танимабман. Гулбадан, мен сени кўп эсга олардим, гоҳида “кошкийди ўзим билан бирга олиб келган бўлсам”, деб ўзимдан пушаймон бўлардим. Аммо кейин тўс-тўполон кунлари “Худога шукр, Гулбаданни олиб келмаган эканман”, дердим, Ақиқа ҳали кичкина бўлишига қарамай “Нега уни лашкар билан олиб келдим?” деб юз минг афсус-надомат чекардим”, – дедилар.

Бир неча кундан сўнг подшоҳ ҳазратлари онамни кўргани келдилар. Ул ҳазратлари ўзлари билан Мусҳаф жилдини бирга олиб келгандилар.

“Бирпас одамлар ташқари чикиб турсинлар”, – деб буюрдилар. Одамлар туриб кетишди ва холи қолдик. Охири ҳазратлари очам [онам]га ва бу ҳақирга, Афғоний оғочага, Гулнор оғачага, Норгул оғочага ва менинг энагамга қараб: “Ҳиндол менинг қўл ва қанотимдир, кўзимнинг нуридай, билагимнинг қувватидай менга азиз ва қадрдондир. Агар маъкул десанглар. Шайх Баҳлул воқеаси бўйича мен Мирзо Муҳаммад Ҳиндолга нима ҳам дердим. Тақдири илоҳий не буюрган бўлса, шу бўлди. Ҳозир мен Ҳиндолга нисбатан кўнглимда заррача ғубор йўқ! – дедилар. – Агар ишонмасанглар”, деб Мусҳафни қўлга олган эдилар, онам ҳазратлари, Дилдорбегим, бу ҳақир Мусҳафни уларнинг қўлидан олдик ва ҳамма: “Маъкул кўрдик, нега ундай деяпсиз?” – дедилар.

Шундан сўнг: “Гулбадан, сен бориб аканг Муҳаммад Ҳиндол мирзони олиб келсанг нима бўларди?” – дедилар. Онам ҳазратлари: “Бу қизалок ҳали ёш, ҳеч қачон сафар қилмаган. Агар ҳукм бўлса, мен борай!” – дедилар. Ул ҳазратлари: “Мен бу бошоғриқларни қандай раво кўраман? Ота-она ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиши ўз-ўзидан аён-ку! Агар ташриф буюрсангиз, бизга қилган ғамхўрлигингиз бўлади”, – дедилар.

Охири Мирзо Ҳиндолни тилатиб онам ҳазратлари билан бирга Амир Абул Бақони жўнатдилар. Муҳаммад Ҳиндол мирзо бу хабарни эшитиши биланок хурсанд бўлиб онам ҳазратларига пешвоз чиқдилар. Мирзо Ҳиндол онам ҳазратлари билан Алвардан келдилар ва подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар. Сўнг ўша Шайх Баҳлулнинг Шерхонга жубба, кажим ва уруш анжомлари юбориб тургани ва суриштириб тагига етгач, шунга кўра Шайх Баҳлулни қатл қилганини гапириб бердилар.

Шундай қилиб бир неча кундан кейин Шерхон Лакнав яқинига келибди, деган хабар келди.

Шу пайтларда подшоҳ ҳазратларининг бир мешкобчи қуллари бор эди. Подшоҳ Чавса сувидан [ўтаётганида] отдан айрилгандилар. Бу қул мешкобчи ўзини сувга ташлаб, унинг ёрдами билан гирдобдан эсон-омон кутулиб чиққандилар. Охири ҳазратлари бу мешкобчини тахтга ўтқаздилар. Мен ўша қулнинг отини аниқ эшитмадим: баъзилар Низом дердилар, баъзилар Сумбул. Хуллас, ўша қулни тахтга ўтқаздилар ва ҳукм қиладиларки: “Ҳамма амирлар унинг ҳузурига келсинлар, кимга қанча хоҳласа тортик берсин, қандай мансаб истаса берсин!” – дейдилар. Ўша қулга икки кун подшоҳликни бердилар. Мирзо Ҳиндол ўша маросимда ҳозир эмасдилар. Улар курол-яроғ топиш учун яна Алварга кетгандилар. Мирзо Комрон ҳам бу йиғинга келмадилар. Улар бетоб эдилар ва ҳазратларига: “Қулга бошқа сийлов ва риойиш қилиш керак эди, тахтга ўтқазилганин нима кераги бор эди? Шерхон яқин келиб қолган шундай бир пайтда бу ҳазратларининг нима қилганлари?” – деб айттириб юбордилар.

Ўша кунлари Мирзо Комроннинг касали жуда кучайди. Шундай озиб, заиф бўлиб қолдиларки, озиб-тўзиб кетганларидан умуман рангида ранг

қолмаган эди ва яшашдан умидини узган эди. Оллоҳнинг инояти билан ахволи яхшиланди.

Мирзо Комронда “Подшоҳ ҳазратларининг маслаҳати билан оналар унга заҳар беришган”, деган гумон пайдо бўлди. Подшоҳ ҳазратлари бу сўзни эшитиб, бир гал Мирзо Комронни кўргани бордилар ва “Бизнинг хаёлимизга ҳам кириб-чиққани йўқ ва ҳеч кимга буйруқ берганимиз йўқ”, деб қасам ичдилар.

Қасам ичишларига қарамай, Мирзо Комроннинг кўнгли осудахотир бўлмади ва Мирзонинг беморлиги кундан-кун ёмонлашиб, гапиришга ҳам холи келмай қолди.

“Шерхон Лакнавдан ўтибди”, деган хабар етиб келиши биланок [подшоҳ] ҳазратлари кўчиб, Канаужга йўл олдилар ва Аграда Мирзо Комронни ўзининг ўрнида қолдирдилар. Бир неча кундан сўнг Мирзо Комрон “подшоҳ ҳазратлари кўприк ясаб Ганг сувидан ўтибдилар”, деб эшитдилар ва Аградан кўчдилар.

Лоҳур томонда ўтирган эдик, Мирзо Комрон “Сизга мен билан Лоҳурга борсин”, деган ҳукм бўлди, деган подшоҳ фармонини юбордилар. Мирзо Комрон мен ҳақимда подшоҳга: “Менинг касалим ўта оғир, мен ўта ғарибу кимсасиз ва ғамхўрсизман. Агар Гулбаданбегимга мен билан бирга Лоҳурга бориши айтилса, айна иноят ва қарам кўрсатган бўлар эдилар”, деган бўлса керак. Подшоҳ ҳазратлари: “Борсин!” деган бўлсалар керак.

Подшоҳ зафар ва саодат билан Лакнав тарафга икки-уч манзил юргач, Мирзо подшоҳ фармонини кўрсатдилар ва “Сиз албатта мен билан кетасиз”, деб қаттиқ туриб олдилар. Онам шу аснода: “Биздан ажралиб ҳеч қачон сафарга юрмаганлар”, – деган бўлсалар, “Агар ёлғиз сафар қилмаган бўлса, сиз ҳам юринг”, дебдилар.

Сипоҳийлар ва уларнинг катталаридан беш юзтача, иккала атка ва кўкаларини кўшиб юбордилар: “Агар бирга келмаса, бир манзилгача бирга олиб келинглар”, дебди. Охири ўша манзилга етганда “Мен сени қўймайман”, деб қасам ичишга бошлади.

Охир юз йиғи-сиғи, доду фиғон билан оналардан, ўз тукқан онамдан, ёшлиқдан бирга катта бўлган опа-сингиллардан, отамнинг одамларидан, ака-укаларидан – ҳаммасидан ажратиб, жабру зулм билан олиб кетди. Бу борада подшоҳнинг фармони борлигини ҳам кўргандан кейин, иложсиз қолдим ва ҳазратларига арзи ҳол қилиб ёздимки: “Ҳазратларидан ҳеч кутмаган эдим, ўз хизматларидан ажратиб, бу ҳақирни Мирзо Комронга тортиқ қиладилар деб”. Бу ҳақирнинг арзи ҳолларига жавобан подшоҳ ҳазратлари саломнома ёзиб юборибдилар: “Мен дилимда сени ўзимдан ажратиш ниятим йўқ эди. Аммо Мирзо ўз ожизлиги ва илҳақлигини айтиб қўярда-қўймагандан кейин, сени Мирзога топширишим зарур бўлди. Негаки ҳозирда биз ҳам ўта муҳим ишлар билан бандмиз. Иншоолоҳи таоло қачон бу муҳим иш амалга ошса, биринчи навбатда сени тилатаман”, – мазмунида битибдилар.

Мирзо Лоҳур тарафга қараб йўл олганидан кейин амирлар, савдогарлар ва бошқа кимнинг шунга қудрати етса [от-арава] кира қилиб, аҳли оиласини Мирзо Комрон билан бирга кўчириб, Лоҳурга олиб кетдилар.

Лоҳурга етганимиздан кейин Ганг дарёси қирғоғида жанг бўлди ва ҳазратларининг лашкари тор-мор бўлди, деган хабар келди. Ҳар қалай, шунчалик бўлдики, ҳазратлари ака-укалари ва яқинлари билан бу гирдобдан эсон-омон чиқиб олдилар.

Аграда қолган бошқа қариндошлар Алварга йўл олиб, ундан Лоҳурга жўнадилар. Шу аснода ҳазратлари Мирзо Ҳиндолга юзланиб: “Ўша биринчи тўс-тўполонда Ақиқабиви ғойиб бўлдилар. Охири, нега ўз кўз олдимда

ўлдирмадим, деб каттиқ пушаймон едим. Ҳозир ҳам шундай бир ҳолатда аёлларни бирон жойга етказиб олиб бориш ўта мушкул”, – дедилар.

Мирзо Ҳиндол: “Она ва сингилларни қатл этаман десалар ҳазратлари ўзлари биладилар. То танамда жоним бор экан, уларнинг хизматида чора излайман, ҳазрати Ҳак субҳонаху таолодан умид қиламанки, бу ҳақир волида ҳазратлари ва опа-сингиллар пойи қадамига жонимни фидо қилгайман”, деб арз қилдилар.

Охири подшоҳ ҳазратлари жанг майдонидан омон чиққан Мирзо Аскарӣ, Ёдгор Носир мирзо ва амирларни олиб Фатҳпур томонга жўнадилар.

Мирзо Ҳиндол оналари Дилдорбегим, сингиллари Гулчеҳрабегим, Афғоний оғача, Гулнор оғача, Норгул оғача ва амирларнинг оилаларини олдиларига олиб кетаётганларида гавор¹лардан катта бир гуруҳи уларга ҳамла қилдилар. Унинг аскарларидан бир неча киши от қўйиб, гаворларни яксон қилишди. Уларнинг муборак отларига бир ўқ келиб тегди. Шиддатли жангу жадал бўлиб ўтди. Заифаларни гаворлар асирлигидан қутқариб, волида ҳазратлари ва опа-сингиллари ва бир катта гуруҳ амирлар ва бошқа кишиларни олдиларига солиб, Алварга етиб келдилар.

У ердан чодир ва керакли уй анжомларини ортиб Лоҳурга йўл олдилар. Мирзолар ва амирларга керакли нарсаларни олиб, бир неча кунда Лоҳурга кириб келдилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] Биби ҳожи Тож яқинидаги Хожа Ғозийнинг боғига тушдилар. Ҳар куни Шерхондан хабар келиб турарди. Уч ой муддат Лоҳурда бўлдилар ва кунига “Шерхон икки куруҳ-уч куруҳ яқин келибди”, деган хабарлар келиб турарди. Ахири Сирҳинд яқинига келибди, деган хабар келди.

Ҳазратлари [подшоҳ]нинг Музаффарбек номли амирлари бўларди, туркман эди, унинг қизи Абдулла билан бирга Шерхоннинг олдига юбордилар. “Бу қандай инсоф? Борлиқ Ҳиндистон мулкини сенга қолдирдим. Орамизда бир Сирҳинд қолди. Чегара мана шу Сирҳинд бўлсин”, – дедилар. Худодан кўрқмаган рози бўлмадилар ва: “Сизга Кобулни қолдирдим. Ўша ерга кетишингиз керак”, – дедилар.

Музаффарбек ўша заҳотиёқ кўчиб кетди ва олдинроқ бир кишини юбориб “кўчиш керак”, дебди. Хабар келиши биланок ҳазратлари [подшоҳ] кўчишга тушдилар. Гўё қиёмат қойим бўлгандай эди: ҳамма уй-жойларни қандай тузалган бўлса, шундайлигича қолдиришди. Фақат нақд пуллар қанча бўлса, шуни олиб кетишга улгуришди. Шунисигаям шукрки, Лоҳур сувидан ўтиб олдилар. Барча одамларни сув бўйида қолдирдилар ва дарёнинг қирғоғида бир неча кун манзил тутдилар. Шерхоннинг элчиси келди. Эртаси куни учрашишга қарор қилинди. Мирзо Комрон: “Эртага йиғин бўлар экан, Шерхоннинг элчиси келар экан. Агар ҳазратлари шолчаларининг бир чеккасида ўтирсам, токи мен билан ака-укаларининг ўртасида фарқ билинса, бошим осмонга етган бўларди”, – деб илтимос қилдилар.

Ҳамидабонубегим айтишича, подшоҳ мирзога шундай рубойи ёзиб юборибдилар. Менинг эшитишимча, Шерхонга жавобан ёзиб элчидан бериб юборган. Бу рубойи қуйидагича:

*Гарчи ойнада ўзингни кўрурсен
Лек айрилиқни ўзингдан кўрурсен.
Ўзингни гўё бегонадек кўриш ажибдур
Бу ажойибот фақат худонинг иши.*

¹ Гавор – Ҳиндистондаги бир тоифа одамлар.



Шерхондан келган элчи унинг хузурига келди.

Муборак дилларига ғам чўкиб, дилгир бўлиб уйкуга кетдилар. Тушларида бошдан-оёқ кўм-кўк либос кийган, кўлларида ҳасса тутган бир азиз авлиё келиб: “Мардона бўл, ғам чекма, – [дедилар] ва муборак ҳассаларини кўлига бериб: – Худойи таоло сенга бир фарзанд беражак, унинг номини Жалололдин Муҳаммад Акбар кўйгил!” – дедилар. Ҳазратлари [подшоҳ]: “Исми-шарифингиз нима?” – деб сўрадилар. “Зиндафил Аҳмади Жом”, – дедилар. [Подшоҳ]: “Бу фарзанд менинг авлодларимдан бўлади”, – дедилар.

Ўша пайтларда Биби Гунвар хомиладор эди. Ҳамма “ўғил туғади”, дерди. Ўша Дўст муншийнинг боғида жумод ул-аввал ойида Биби Гунвардан қиз туғилди. Уни Бахши Бону бегим, деб номлашди.

Ўша кунларда Мирзо Ҳайдарни Кашмирни олишга тайин қилишди. Шу орада “Шерхон етиб келди”, деган хабар тарқалди. Ажиб бир саросима рўй берди. Эртаси кун кўчишга қарор қилинди.

Шу орада Лоҳурдаги ака-укалар ҳар куни маслаҳат ва кенгаш қилишарди. Ҳечам бирон-бир қарорга келишолмасди. Оқибатда Шерхон етиб келди, деган хабар келди. Шундан сўнг иложсиз қолиб, эрталаб нонушта пайтида кўчишди. Ҳазратлари [подшоҳ]нинг Кашмир даъволари бор эди. Ва Мирзо Ҳайдар Кошғарийни юборган эдилар, аммо ҳали фатҳ хабари етиб келмаган эди. Кенгаш қилишиб: “Агар ҳазратлари Кашмирга отлансалар ва Кашмир шу заҳоти муяссар бўлмаса, Шерхон эса Лоҳурда бўлса, у холда ўта кийин бўлади”, дейишди.

Хожа Калонбек Сиёлкўтда эди, у ҳазратлари [подшоҳ]нинг хизматларига отланди. Муаййидбек хожа билан бирга эди. У ҳазратларига арзи ҳол қилди: “Хожа хузурингизга бориш тараддудида, аммо Мирзо Комрон мулоҳазасини килурлар. Агар ҳазратлари зудлик билан етиб келсалар, хожа томонидан ҳазратларига таъзим бажо келтириш кўнгилдагидек муяссар бўлур”, – деб ёзибдилар. Ҳазратлари бу сўзларни эшитишлари ҳамоно, эгниларига жубба кийиб, мукамал қуролланиб, Хожанинг олдига отландилар ва Хожани ўзи билан бирга олиб келдилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] биз ака-укалар билан Бадахшонга кетайлик, Кобул Мирзо Комронга тегишли бўлсин, деб буюрдилар. Аммо Мирзо Комрон Кобулга боришга рози бўлмади ва: “Фирдавсмакон ҳазратлари [Бобур] ҳали ҳаётликларида Кобулни менинг онамга берганлар – менинг Кобулга боришим муносибмас”, – дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ]: “Фирдавсмакон ҳазратлари [Бобур] Кобул бобида Кобулни ҳеч кимга бермайман, дердилар, – дедилар. – Фарзандларим Кобулни таъма қилмасинлар. Негаки Худойи таоло ҳамма фарзандларни Кобулда ва Кобулни эгаллагандан кейин аксар фатҳ [ғалаба]лар рўй берди, дердилар”.

“Бу мазмунга гувоҳлик берувчи далиллар фирдавсмакон ҳазратларининг “Воқеанома” [Бобурнома]сида жуда кўпдир. Мен меҳрибонлик ва ака-укалик юзасидан Мирзога инсонийлик қилган эдим. Нимага энди Мирзо ҳозир бундай дейдилар”, дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] кўнгилларини кўтариб, далда берсалар ҳам, Мирзо баттар қайсарлик қиларди. Ҳазратлари Мирзонинг одамлари кўплигини кўргач ва у ҳеч қанақасига Кобулга боришга розилик бермаётгани учун иложсиз Бакҳар ва Мўлтон томонга жўнашга мажбур бўлдилар.

Мўлтонга етиб келгач, бир кун манзил тутдилар. Бу ерда камрок ғалла топилди. Қалъада топилган озроқ ғаллани одамларга улашиб, кўчишди ва етти дарё кўшилиб, бир дарёга қуйиладиган жойга етиб келдилар. Нима қилишга ҳайрон бўлиб қолдилар, кема етишмайди, катта бир лашкар қошида.

Шу пайт хабар келдики, Хавосхон бир қанча амирлар билан орқадан келмокда. Шу атрофда Бахшу номли балуж бўлиб, тураржойи жуда кўп эди ва кемалари ҳам кўп эди. Ҳазратлари унинг олдига бир кишини юбориб, байроқ ва ногора, от ва сарполар бериб юбордилар. Ундан кема билан ғалла сўрадилар. Оқибатда Бахшу балуж, ғалла билан тўла юзта кема ҳазратларига жўнатдилар. Ҳазратлари бу хизматдан ўта хурсанд бўлдилар ва кемадаги ғаллани одамларга бўлиб бердилар ва соғ-саломат сувдан ўтиб олдилар.

Бу балужга раҳматлар бўлсин, бир муносиб хизмат бажо келтирдилар. Ниҳоят, орадаги масофани босиб ўтгач, Бакҳарга етиб келдилар. Бакҳар қалъаси дарёнинг ўртасида жойлашганди. Мустаҳкам қалъаси бор эди. Қалъанинг подшоси Султон Маҳмуд шу қалъада жойлашган эди. Ҳазратлари [подшоҳ] эсон-омон шу қалъа ёнига тушдилар. Қалъа яқинида Мирзошоҳ Хусайн Самандар тиклаган боғ бор эди.

Шундан сўнг Мир Самандар (Мирзо шоҳ Хусайн Самандар)ни Шоҳ Хусайн мирзонинг олдига жўнатишди: “Зарурат юзасидан сенинг вилоятингга келдик. Вилоятинг ўзингга муборак бўлсин, бизнинг дахлимиз йўқ. Шунинг учун сен ўзинг келгин ва хизмат лозим топсак қилгин. Биз Гужаратга даъвогармиз, сенинг вилоятингни ўзингга қолдирамиз”, – деб хабар қилдилар. Шу алфозда Шоҳ Хусайн ҳазратларини беш ойгача хийла ва макр билан Самандар [боғи]да ушлаб турдилар. Шундан сўнг бир кишини ҳазратлари [подшоҳ]нинг хизматларига юбориб: “Қизимнинг тўй анжомларини тайёрлаб ҳазратларининг хизматларига юборяпман, ўзим ҳам хузурларига етиб бораман”, – деб хабар бердилар.

Ҳазратлари уларнинг гапларига ишондилар. Яна уч ой кутдилар, ғалла гоҳида топилади, гоҳида топилмайди. Лашкар одамлари ўз отлари ва туяларини сўйиб ейишарди. Ҳазратлари яна бир марта Абд ул-Ғафурни юбордилар: “Қачонгача кутдирасан? Келишингга тўсиқ бўлаётган ким ва маъталлик сабаби нима?” – деб сўратдилар. Бу гал тобора аҳвол танг бўлиб, кўпчилик кишилар қочиб кетишаётган эдилар.

“Қизимни Мирзо Комронга унаштирганман. Ва менинг кўришга боришим ҳам амримаҳолдир, сизнинг хузурингизга боролмайман”, – деб жавоб юбордилар.

Шу аснода, баъзи бир кишиларнинг айтишича, Мирзо Ҳиндол сувдан ўтиб Қандаҳор томонга йўл олган эди. Подшоҳ ҳазратлари эшитиб орқасидан одам юбордилар: “Бориб сўранг: “Эшитишимча, Қандаҳорга кетаётган эмишсиз?” – деб”. Мирзодан сўраганларида, Мирзо айтибдиларки, “нотўғри арзга етказибдилар – деб”. Подшоҳ ҳазратлари бу хабарни эшитиб волида (онам) ҳазратларини кўргани келдилар.

Бу йиғинда Мирзо [Ҳиндол]нинг аҳли ҳарами ва одамлари подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар.

Ҳамидабону бегимни “Бу ким?” деб сўрадилар. “Мирбобо Дўстнинг кизи”, – дедилар. Бузургвор хожа ҳазратларининг рўпарасида тургандилар.

“Бу ўғлон бизга хеш бўладилар”, – дедилар. Ҳамидабонубегимни ҳам бу бизнинг қариндошимиз, дедилар.

Ўша пайтларда Ҳамидабонубегим кўпинча Мирзонинг [Ҳиндол] жойларида бўлардилар. Кейинги куни ҳазратлари яна волидамиз Дилдорбегимни кўргани келдилар. “Мирбобо Дўст бизнинг яқинимиз, унинг кизини бизга унаштирсангиз маъкул бўларди”, – дедилар.

Мирзо Ҳиндол: “Бу кизни мен худди ўз синглим ва фарзандимдай кўраман. Ҳазратлари подшоҳлар, мабодо турмушлари яхши бўлмай, ғам-кулфат боиси бўлса-чи?” – деб узрларини айтдилар.

Подшоҳ ҳазратлари жаҳл қилиб ўрнидан туриб кетдилар. Шундан волидамиз ҳазратлари хат ёзиб жўнатдилар: “Қизнинг онаси бунданам баттар ноз қиляпти. Арзимайдиган гапга ранжиб кетиб қолганлари қизик бўлди”.

Подшоҳ ҳазратлари жавоб хатда: “Бу ҳикоятингиз бизга жуда ёқди. Ҳар қандай ноз қилсангиз, бош устига, биз розимиз. Турмуш борасида ёзибдилар. Иншооллоҳ, муддаодагидай бўлгай”, – деб ёзибдилар.

Волида ҳазратлари бориб подшоҳни олиб келдилар. Ўша куни йиғин қилдилар. Йиғиндан кейин ўз манзилларига ташриф буюрдилар.

Кейинги куни ҳазратлари волидамнинг олдига келдилар. “Бирон кишини юбориб, Ҳамидабонубегимни чақириб келсин”, – дедилар. Волида ҳазратлари киши юборган эдилар Ҳамидабонубегим келмади.

“Агар мақсад таъзим бажо келтириш бўлса, ўша куни ўзим дийдорларига мушарраф бўлдим. Энди нимага боришим керак?” – дебдилар.

Кейинги гал ҳазратлари Субҳонқулини юбордилар: “Мирзо Ҳиндолга бориб айт, бегимни юборсин”, дедилар. Мирзо [Ҳиндол]: “Мен қанча айтмай, бермаётипти, ўзинг бориб айт”, – дедилар. Субҳонқули бориб айтса: “Подшоҳларни кўриш бир марта жоиздир. Кейингисида номаҳрам бўлади. Мен бормайман”, – деб бегим жавоб берибдилар. Субҳонқули бегимдан эшитган сўзларини арзга етказдилар. Ҳазратлари: “Агар номаҳрам бўлса, маҳрам қиламиз”, – дедилар.

Хуллас, қирқ кунгача Ҳамидабонубегим устида гап-сўз, баҳс-мунозара бўлди ва бегим рози бўлмасдилар.

Охири волидам ҳазратлари Дилдорбегим насихат қилдилар: “Охири ўзинг бировга тегасан, подшоҳдан ортиқ ким бор ўзи?” – дедилар. Бегим эса: “Шундай кишига тегаманки, қўлим унинг ёқасига етсин, қўлим этагига етмаслигини билиб туриб, кишига тегмайман,” – деди. Волидам яна анча насихат қилдилар.

Хуллас, қирқ кундан кейин сана 948 жумод ил-аввал ойида (1541йил, сентябрь) душанба куни пешинда Потр манзилида подшоҳ ҳазратлари муборак қўлларига устурлобни олдилар ва саодатли соатни белгиладилар. Мир Абул Бақони чақиртириб, никоҳлашга ҳукм қилдилар. Мир Абул Бақога никоҳ ҳақи деб икки юз минг бердилар. Никоҳдан кейин уч кун ўша ерда бўлдилар. Ундан сўнг кўчиб, кемага ўтириб Бакҳарга жўнадилар.

Бир ой Бакҳарда бўлдилар. Мир Абул Бақони Султон Бакҳарийнинг олдига юбордилар. Ўша ерда бетоб бўлиб ҳақ раҳматига етишди.

Охири Мирзо Ҳиндолни Қандаҳорга рухсат бердилар. Мирзо Ёдгор Носирни Ларида ўзининг ўрнида қолдирдилар. Ҳазратларининг ўзлари Сийоҳвонга жўнадилар. Сийоҳвондан Таттагача олти-етти кунлик йўлдир. Сийоҳвоннинг мустаҳкам қалъаси бор. Подшоҳ ҳазратларининг мулозимлари Алика ана шу қалъада эдилар. Унда бир нечта тўплар ўрнатилган бўлиб, ҳеч кимнинг қалъага яқинлашишга мажולי келмасди.

Подшоҳ ҳазратларининг одамларидан бир қанчаси лаҳм қазиб унинг яқинига етишдилар ва унга: “Шундай бир пайтда тузликқа тупуриш яхшимас”, – дейишди. Мир Алика кўнмади. Охири ер остидан лаҳм қазиб қалъанинг бир минорасини кулатдилар. Лекин қалъани ололмадилар. Ғалланинг нархи қиммат экан, кўпчилик одамлар қочишга бошлабди.

Олти-етти ой муддатгача ўша ерда бўлдилар. Мирзо Шох Ҳусайн онкўрлик қилиб, ҳар томондан лашкар одамларини қўлга олиб, ўз одамларига олиб бориб шўр дарёга [денгиз] ташлашни буюрарди. Уч юз-тўрт юз кишини тўплаб, кемага солиб, шўр дарёга ташлашарди.

Шу қабилда ўн минг кишигача шўр дарёга ташлашди. Ҳазратларининг [подшоҳ] олдида кам одам қолганидан кейин [Мирзо Шох Ҳусайн] бир неча кемага тўп ва милтиқ ортиб, Таттадан ҳазратларининг устига бостириб келди. Сийоҳвон дарёнинг яқинида жойлашган эди. Келиб подшоҳ ҳазратларининг кемаларини бор анжомлари билан олиб кетди. Бир кишини юбориб, “ичган тузимнинг ҳурмати хақи тез бу ердан кўчсин”, депти. Ҳазратлари иложсиз қолиб, яна Бакҳарга қайтиб кетдилар.

Бакҳарга яқинлашиб қолганида, ҳазратлари Бакҳарга етиб келмасларидан олдин Мирзо Ҳусайн Самандар Мирзо Ёдгор Носирнинг олдида одам юбориб: “Агар ҳазратлари [подшоҳ] қайтиб, Бакҳарга борсалар, киришга қўйманг, негаки Бакҳар сизга тааллуқли. Мен сиз томондаман ва қизимни сизга бераман”, – депти. Мирзо Ёдгор Носир унинг сўзларига ишониб, подшоҳ ҳазратларини Бакҳарга келишга қўймадилар. Ҳийла билан ёки жанг қилиб олдиларига келмоқчи бўлдилар.

Ҳазратлари бир кишини юбориб: “Отагинам, сиз бизга фарзанд ўрнидасиз. Биз сизни ўзимизнинг ўрнимизга қўйиб кетдикки, агар бизга бирон кори-ҳол бўлса, бизга ёрдам қилинг, деб. Ҳозир эса навкарларингизнинг ёмон ниятларига қўшилиб, бизга шундай муносабатда бўляпсиз. Бу нонкўр навкарлар сизга ҳам вафо қилмайди”, – деб ёздилар.

Ҳазратлари ҳар қанча насихат қилмасин, фойдаси бўлмади. Охири ҳазратлари: “Хўп, биз Рожа Молдив томонга кетамиз, бу вилоятни сизга бердик. Аммо Шох Ҳусайн сизни бу ерда қўймайди. Менинг сўзларимни хали эслайсиз”, – дедилар.

Мирзо Ёдгор Носирга шу сўзларни айтиб, кўчиб Молдив томонга йўл олдилар. Ва Жисомир йўлидан олдинга қараб кетдилар. Бир неча кундан кейин Диловар қалъасига етиб келдилар. Бу Молдив рожаси вилоятининг чегараси эди. Икки кун шу ерда бўлдилар. Ғалла ва жой топилмади. У ердан Жисомир томонга равона бўлдилар.

Жисомирга яқинлашиб қолганларида Жисомирнинг рожаси бир тўда кишини юборди. Улар йўлни тўсиб чиқдилар. Жанг бўлди. Ҳазратлари бир нечта киши билан йўлдан чекиндилар. Бу жангда бир неча киши ярадор бўлди.

Шоҳимхон Жалойирнинг укаси Алушбек, Пирмуҳаммад атка, Равшан тўшакчи ва бошқа бир нечта киши ярадор бўлдилар. Ва ниҳоят ғалаба қозондилар. Кофирлар қочиб қалъага кирдилар.

Ҳазратлари ўша куни 60 курух¹ чамаси йўл босдилар. Бир кўл ёқасида жой топилди. У ердан чиқиб Ситалмирга келдилар. У ернинг халқи ўша куни ташвишга солди, шунинг учун Молдивга қарашли Паҳлуди номли паргана (туман)га етиб келдилар.

Молдивнинг рожаси Жудҳпурда эди. Бир жубба ва бир туяга ортиб ашрафий (танга) ҳазратлари хизматларига юборди. Ва “хуш келибсиз” деб кўп дилларини хушнуд қилди. Ва: “Мен сизга Биконирни бердим”, – деди. Ҳазратлари хотиржам ўтирардилар. “Нима жавоб бераркан?”, деб Аткахонни Молдив [рожа]сининг олдида юбордилар.

Китобдор Мулла Сурх ўша Ҳинд [подшоҳлиги] тор-мор бўлиб, вайронага айланганида Молдив вилояти томонга кетиб, хизматга кирган эдилар. У ариза ёзиб жўнатибдики: “Зинҳор-минг бора зинҳор ҳазратлари [подшоҳ] олдинга қадам босмасинлар. Ҳозир қаерда турган бўлсалар, ўша заҳоти кўчиб, у ердан кетсинлар. Молдив сизни кўлга олиш пайида. Унинг ваъдасига ишонманг. Шерхоннинг элчиси келди ва Шерхон ёзиб

¹ курух – 2 километр.

юборибдики: “Ҳар қанақасига билсангиз ва қўлингиздан келса, ўшандай ҳазратларини кўлга олинг. Агар шу ишни уддаласангиз, Ногур ва Алвар ва яна ҳар жойни истасангиз сизга бераман”, – деб ёзипти.

Атқахон ҳам келиб “кутиб турадиган вақт эмас”, деди. Намозгар пайтида ҳазратлари кўчдилар. Ҳазратлари отга минай деб турганларида иккита жосусни тутиб келтирдилар. Ҳар иккаласини боғлаб олдиға олиб келиб сўроқ қилишаётган эди, тўсатдан қўлларини бўшатиб, Маҳмуд қиличбознинг белидан қиличини тортиб олиб, аввал Маҳмудга қилич солди, шундан сўнг Боки Гувалёрийни ярадор қилди. Анов бириси биттасининг белидан ханжарини тортиб олиб, одамларга қараб ташланди, бир неча кишини ярадор қилди ва ҳазратларининг минадиган отларини ўлдирди.

Хуллас, икковисини ўлдиргунча роса овора бўлишди. Шу пайт “Молдив [лашқари] етиб келди”, деб ғавғо кўтарилди.

Подшоҳ ҳазратларининг Ҳамидабонубегим минишига лойиқ отлари йўқ эди. Бегим миниши учун Турдибекдан от сўрашади. Турдибек, афтидан, от бермабди. Ҳазратлари: “Менга Жавоҳир офтобачининг туясини ҳозир қилинглар. Мен туяға минаман, бегим менинг отимға минсин”, – дедилар.

Шунда Надимбек подшоҳ ҳазратлари ўзларининг отларини бегимға тайинлаб, ўзлари туяға минишни мўлжаллаётганини эшитади. У онасини туяға миндириб, онасининг отини подшоҳ ҳазратларига тортиқ қилади. Ҳазратлари отга миниб Умаркутға жўнадилар. Бир жойдан йўлни кўрсатиб бориши учун йўл бошловчи олишади. Ҳаво ниҳоятда иссиқ эди ва отлар ва чорванинг оёқлари тиззағача қумға ботарди ва орқадан Молдив лашқари яқин келиб қолган эди. Яна кўчишди ва оч-ташна ҳолда йўл босишди. Кўпчилик эркак ва аёллар пиёда эдилар.

Молдив лашқари яқинлашиб қолғач, ҳазратлари Эшон Темур султон, Мунъимхон ва бир гуруҳ бошқаларға: “Сизлар оҳиста келинглар ва ғанимни ушлаб турунглар, биз йўлга чиқиб бир неча куруҳ узокроқ кетиб олайлик”, – деб буюрдилар.

Улар қолишди. Тун бўлди, йўлдан адашишди. Ҳазратлари кечаси билан йўл босдилар. Тонг отғач, отлар сув ичмаганиға уч кун бўлган эди. Сув бор жой топилди. Ҳазратлари отдан тушган эдилар, кимдир чопқиллаб келиб, “жуда кўп отлиқ ва туяға минган хиндлар етиб келдилар”, деди.

Ҳазратлари, Шайх Алибек, Равшан кўка, Надим кўка, Мирвалининг укаси Мир Поянда Муҳаммад ва бир гуруҳ бошқаларға рухсат бердилар ва “Бориб кофирлар билан жанг қилинглар”, деб фотиҳа бердилар.

Ҳазратлари, Эшон Темур Султон, Мунъимхон, Мирзо Ёдгор ва бир гуруҳ бошқа қолдирган одамлари ўлдирилган ёки кофирларнинг қўлиға тушган, бу жамоат уларни ўлдириб, устимизға бостириб келишди, деб ишончлари комил эди.

Ҳазратлари яна отга миниб, лашқар билан бир неча кишини қолдириб, ўзлари олдинға қараб кетдилар. Ҳазратлари фотиҳа бериб жангға юборган ўша жамоатдан Шайх Алибек ёй ўқи билан отиб рожпутларнинг сардорини отдан қулатди ва бошқалар ўқ отиб бошқаларини қулатдилар. Кофирлар орқаға қараб қочишди ва [подшоҳ одамлари] ғалаба қозонишди. Бир нечасини тириклай тутиб келишди. Лашқар аста-секин йўл босар, аммо подшоҳ ҳазратлари узокқа кетиб қолгандилар. Бу одамлар ғалаба қозониб, лашқарға етиб кўшилдилар.

Бехбуд номли подачи бор эди. Уни ҳазратларининг орқаларидан чопар қилиб жўнатдилар. “Ҳазратлари астароқ юрсинлар. Оллоҳнинг инояти билан ғалаба қозонилди. Кофирлар қочдилар”, – деб хабар бердилар. Бехбуд

ҳазратларига етиб бориб, хушхабарни етказди. Ҳазратлари отдан тушдилар. Озгина сув ҳам топилди.

Аммо “уларнинг бошидан нима кечдийкан”, деб амирларини ўйлар эдиларки, узокдан бир нечта отлик кўринди. Улар Молдив [одамлари] бўлмасин, деб яна ваҳимага тушдилар. Бориб хабар келтирсин, деб бир кишини юборишди.

Югурганча кетиб, Эшон Темур Султон, Мирзо Ёдгор ва Мунъимхон ҳаммалари сиҳат-саломат келяптилар, деб хабар келтирди. Улар етиб келганидан ҳазратлари хурсанд бўлдилар ва Ҳақ таолога шукроналик бажо келтирдилар.

Эртаси куни яна кўчдилар. Уч кунгача сув топмадилар, уч кундан кейин қудуқларнинг тепасига етиб келдилар. Бу қудуқлар жуда чуқур эди. Ўша қудуқларнинг тепасида жойлашдилар. Бу қудуқларнинг сувлари ғоятда қизил эди. Ҳазратлари бир қудуқнинг тепасига, бошқа бир қудуқнинг тепасига Турдибекхон, яна бир қудуқ тепасига Мирзо Ёдгор, Мунъимхон, Надим кўка ва яна бир қудуқ тепасига Эшон Темур Султон, Хожа Ғозий ва Равшан кўка тушдилар. Қудуқдан ҳар челақни тортиб чиқарганда, яқин келиши билан одамлар ўзини челақка ташлашарди, арқон узилиб, беш-олти киши челақ билан қўшилишиб қудуққа қуларди. Қанча одам ташналиқдан ҳалок бўлишарди.

Ҳазратлари ташналиқдан одамлар ўзларини қудуққа ташлаётганини кўриб, ўзларининг махсус мешкобидан одамларга сув ичирарди. Охири одамларни сувга қондириб, пешин намози пайтида кўчишди ва бир кеча-кундуз йўл босишди. Сўнг бир саройга етишди. Бу ерда қатта ҳалқоб бор эди. Сувнинг ичига тушиб отлар ва туялар шунча сув ичишдики, кўпчилиги [бўкиб] ўлди. Отлар кам қолган эди, туялар ва хачирлар қолганди.

Ўша кундан бошлаб ҳар куни сув топилиб турди. Умарқутга етиб келишди. Бу яхши жой эди ва ҳалқоб сувлар кўп эди. Раъно ҳазратларига пешвоз чиқди ва қалъанинг ичига олиб кирди ва яхши манзил берди. Амирларнинг одамларига қалъанинг атрофида жой берди.

Кўп нарса ниҳоятда арзон эди. Бир рупияга тўрт эчки берарди. Раъно кўй-кўзидан ва бошқа нарсалардан шунчалик кўп тортиқ қилди ва шундай хизматларни жойига кўйиб кўйдик, таърифини не тил билан ёзай?! У ерда бир неча кун тинч-осойишта кун кечирдилар.

Ҳазинада пул тугагач, Турдибекхоннинг жуда кўп тилласи бор эди. Ҳазратлари қарзи ҳасана йўсинида ундан бир миқдор маблағ сўратдилар. У ўнга икки [фойда] ҳисобидан саксон минг ашрафий қарз берди. Ҳазратлари олиб борлиқ лашкарга ҳиссасини улашдилар.

Раънога ва фарзандларига белбоғли ханжарлар ва сарполар иноят қилдилар. Баъзи одамлар янги от сотиб олдилар.

Мирзошоҳ Ҳусайн Раънонинг отасини ўлдирган эди. Шунга қарамай икки-уч минг жанговар отлик ҳозирлаб ҳазратларининг хизматларига кўшиб бердилар. Ҳазратлари яна Бакҳарга йўл олдилар ва кўпчилик оила аъзоларини Умарқутда қолдирдилар.

Ҳарамдан хабар олиб туриш учун Хожа Муаззамни ҳам қолдирдилар. Ҳамидабону бегим хомилдор эди.

Ҳазратлари йўлга тушганларидан кейин уч кун ўтгач, сана тўққиз юз қирқ тўққизда ражаб ул-муражжаб оинининг тўртида (1542 йил, 2 август) саҳар вақтида, яқшанба куни олампаҳо оламгир подшоҳ ҳазратлари Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳи Ғозий таваллуд топдилар. Ой асад буржида эди.

Бу аниқланган буржда таваллуд топиш ниҳоятда яхшидир. Мунажжимлар:

“Бу соатда [туғилган] фарзандлар иқболи баланд ва умри узоқ бўлади”, – дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] ўн беш курух нарида эдилар. Турди Муҳаммадхон хабар етказди. Ҳазратлари жуду-жуда хурсанд бўлдилар ва бу хушхабар ва башорат эвазига Турди Муҳаммадхоннинг олдинги гуноҳларидан ўтдилар.

Ўша Лоҳурда кўрган тушларига биноан Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ деб ном қўйдилар. У ердан кўчиб Бакҳар томонга жўнадилар. Ва Раънонинг одамлари ва унинг атрофидагилар, судма ва саминчадан¹ ўн минг кишича тўпландилар.

Жун парганасига етиб келдилар. Жунда Шох Ҳусайн мирзонинг кули бир неча отлик билан турарди. Улар қочиб кетдилар. У ерда Ойна боғ бир сафоли жой эди. Ҳазратлари ўша бокқа тушдилар ва унинг атрофидаги жойларни одамларга тайин қилдилар.

Жундан Тагтагача олти кунлик йўл эди. Ҳазратлари олти ой шу ерда турдилар ва Умаркутга одам юбориб, ҳарам аҳли ва бошқа кўпгина кишиларни чақиртирдилар. Жалолиддин Акбар подшоҳ олти ойлик бўлганида Жунга олиб келдилар.

Ҳарам аҳли билан теварак-атрофдан келган жамоат тарқалиб кетдилар. Раъно Турди Муҳаммадхон билан ораларидан гап қочиб, совуқчилик тушгани туфайли, ярим кечада кўчиб ўзининг вилоятига жўнади. Судма ва саминча жамоаси ҳам унга қўшилиб кетишди. Ҳазратлари ўз жамоаси билан қолдилар.

Ва ҳазратлари марди майдон бўлган Шайх Алибекни Музаффарбек туркман билан бирга йирик парганалардан бўлган Жожкога юбордилар. Мирзошоҳ Ҳусайн бир гуруҳ кишиларни уларга қарши юборди. Икки лашқар ўртасида қонли жанг бўлди. Охири Музаффарбек яқсон бўлиб қочди, Шайх Алибек бир тўда бошқа одамлар билан ўлдирилди.

Холидбек билан Шохимхоннинг укаси Алушбек орасида гап қочди. Охири бир гуруҳ кишилар Алушбек тарафини олишди. Шу сабабдан Холидбек бир тўда кишилар билан қочиб Мирзошоҳ Ҳусайннинг олдига кетди.

Подшоҳ ҳазратлари унинг Султоним номли оналарини камокқа буюрдилар. Гулбаргбегим шу туфайли ранжиган эдилар. Охири унинг гуноҳидан ўтдилар ва Гулбаргбегим билан бирга Маккаи муаззамага рухсат бердилар.

Бир оз муддатдан кейин Алушбек ҳам қочди. Ҳазратлари уни дуои бад қилдилар: “Биз унинг ёнини олиб Холидбекка дағал [муомала] қилган эдик. Шунга қарамай берган тузимизни оқлаш ўрнига кўрнамаклик қилиб кетдилар. Жувонмарг бўлғусидур”, – дедилар.

Охири шундай ҳам бўлди. Ўн беш кундан кейин кемада ухлаб ётганида кули пичоқ уриб ўлдирди. Ҳазратлари бунини эшитиб қаттиқ қайғурдилар ва ўйланиб қолдилар.

Шох Ҳусайн кемаларини дарёдан Жун яқинига олиб келиб қўйганди. Курукликда ҳам ҳазратларининг одамлари Шох Ҳусайннинг одамлари билан жанг қиларди ва икки томондан одамлар ҳалок бўларди. Подшоҳнинг кўпгина одамлари қочиб ҳар куни Шох Ҳусайн тарафига ўтишарди. Жумладан, Мулло Тожиддинким илмда дурри якто эдилар ва унга бутунлай иноят қилардилар, ана шу жангда ўлдирилди.

Турди Муҳаммадхон билан Мунъимхон ораларидан гап қочди. Мунъимхон ҳам қочдилар. Санокли амирлар қолдилар. Жумладан, Турди Муҳаммадхон, Мирзо Ёдгор, Мирзо Поянда Муҳаммад, Муҳаммад Вали, Надим кўка, Равшан кўка ва Хаданг эшик оғаси ва бир қанча бошқалар ҳазратларининг хизматида эдилар. “Байрамхон Гужарат томондан келяпти, Жожко парганасига етиб

¹ Судма ва саминча – ҳинд қабилаларидан.

кепти”, – деган хабар келди. Ҳазратлари хушнуд бўлдилар ва Хаданг эшик оғаси билан бир гуруҳ кишиларга Байрамхонга пешвоз чиқишга буюрдилар.

Шу аснода Шоҳ Ҳусайн, Байрамхон келяпти, деб эшитди. Бир қанча одамларни Байрамхонни тутиб келишга юборди. Бир жойда ғофил ётганларида келиб босишди. Хаданг эшик оғаси ўлдирилди. Байрамхон бир нечта кишилар билан ўзини кутқариб, ҳазратларининг хизматларига мушарраф бўлдилар.

Шу аснода подшоҳ ҳазратлари ва Мирзо Ҳиндолга Қорачахоннинг арз хатлари етиб келди: “Сизлар анча вақтдан бери Бакҳар атрофида ўтирибсизлар. Шу муддатда Шоҳ Ҳусайн мирзо томонидан давлатга хайрихоҳлик сезилмади, балки ёмон муносабатда бўлди. Энди Оллоҳнинг инояти билан агар подшоҳ ўз давлати ва саодати билан келсалар айна муддао бўлур, агар ҳазратлари келмасалар сиз [Ҳиндол] албатта келинг”, – деб ёзибдилар.

Ҳазратлари тўхтаб турганлари сабабли, Мирзо Ҳиндол унга пешвоз чиқиб, Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга тортиқ қилган эди.

Мирзо Аскарӣ Ғазнайнда эди. Мирзо Комрон: “Қорачахон Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга берди. Қандаҳор ҳақида ўйлаб кўриш керак”, – деб арз қилди. Мирзо Ҳиндолдан тортиб олмоқчи бўлиб ишга киришди. Шу орада ҳазратлари бу хабарларни эшитиб, аммалари Хонзодабегимнинг олдига келдилар ва “Мени бахтиёр қилиб Қандаҳорга борсангиз. Мирзо Ҳиндол билан Мирзо Комронга насихат қилсангиз. Ўзбек ва туркман сизнинг яқинингизда, шундай бир пайтда биз ва сиз ўзаро иттифокда бўлсак, яхшироқ. Агар мен Мирзо Комронга ёзган хатларимга рози бўлса ва амалга оширса, улар кўнгиллари нимани тиласа, биз ҳам ўша қабилда иш қилгаймиз”, – деб қаттиқ тайинладилар.

Бегим ҳазратлари Қандаҳорга етиб келганларидан тўрт кун ўтгач, Мирзо Комрон ҳам [Қандаҳор]га етиб келдилар ва ҳар куни “хутба менинг номимга ўқилсин”, деб тинмай қисталанг қиларди.

Мирзо Ҳиндол: “Хутбани ўзгартиришда қандай маъни бор? Фирдавсмакон ҳазратлари [Бобур] тириклигида подшоҳликни Ҳумоюнга бердилар ва уни ўзларига валиаҳд қилиб тайинлагандилар. Бизлар ҳаммамиз рози бўлиб, ҳозиргача хутбани уларнинг номларига ўқиб келдик. Энди хутбани ўзгартиришга зарурат йўқ”, – дердилар.

Мирзо Комрон Дилдорбегим ҳазратларига хат ёзиб: “Биз Кобулдан сизни эслаб келдик, ажабланарлисиз, сиз бир марта келиб бизни кўрмадингиз. Сиз Мирзо Ҳиндолга қандай она бўлсангиз, бизга ҳам шундай онасиз”, – дебдилар.

Охири Дилдор бегим уларни кўргани келдилар. Мирзо Комрон: “Энди то Мирзо Ҳиндолни чақиртирмагунингизча сизни кўймайман”, – дедилар. Дилдорбегим: “Хонзодабегим сизларнинг энг [ёши] улуғингиз. Хутба ҳақидаги ҳақиқатни улардан сўранг”, – дедилар. Охири она [Хонзода]га айтдилар. Хонзодабегим: “Агар мендан сўрасангиз, сизлар ҳозиргача фирдавсмакон ҳазратлари подшоҳликни Ҳумоюн подшоҳга беришга қарор қилганлари бўйича ҳаммангиз ҳозиргача уларнинг номига хутба ўқидингиз. Бундан буён ҳам уни ўз каттангиз ҳисоблаб, унинг фармонларига бўйсунингиз”, – деб жавоб бердилар.

Хуллас, Мирзо Комрон тўрт ойгача Қандаҳорни қамал қилиб, хутба ўқишни қаттиқ талаб қиларди. Охири бир қарорга келдилар: “Ҳозирча подшоҳ узокдалар, хутбани менинг номимга ўқинглар. Қачонки подшоҳ келса, хутбани унинг номига ўқийсизлар”, – дедилар.

Қамал узокқа чўзилиб кетгани ва одамлар қийналиб кетганини инобатга олиб хутба ўқиш зарурати туғилди.

Қандаҳорни Мирзо Аскаррийга бердилар ва Ғазнайнни Мирзо Ҳиндолга ваъда қилдилар. Ғазнайнга келгач эса, Лағмонот ва [унинг атрофидаги] дараларни Мирзо Ҳиндолга бердилар. Шундай ёлгон ваъдалар.

Мирзо Ҳиндол Бадахшон томонга йўл олиб, Хўст ва Андаробда ўтирдилар. Мирзо Комрон Дилдорбегимга: “Сиз бориб олиб келинг”, – дедилар.

Дилдорбегим ҳазратлари бордилар. Мирзо [Ҳиндол]: “Мен уруш-талашдан кечдим. Хўст бир чекка жой, шу ерда бўлиб тураман”, – деб жавоб бердилар. Бегим [Дилдор]: “Агар мақсад дарвишлик ва узлатга чекиниш бўлса, Кобул ҳам бир чекка жой, оила аъзолари ва фарзандларингиз билан бир жойда бўлсангиз яхшироқ”, – деб уни зўрлаб олиб келдилар. Ва у анча вақт Кобулда дарвишлик ҳолатида яшади.

Бу ерда эса Мирзо Шоҳ Хусайн подшоҳ ҳазратларининг олдига биттасини юбориб: “Бу ердан кўчиб Қандаҳорга кетсангиз давлат [манфаат]ига лойиқ иш бўлур эди”, – дедилар. Ҳазратлари рози бўлиб: “Бизнинг кўшинда от билан туя кам қолди, сиз бизга от ва туя беринг, токи биз Қандаҳорга кетайлик”, – дедилар.

Шоҳ Хусайн Мирзо рози бўлди ва: “Сизлар қачон сувдан нариги томонга ўтсанглар, у томонда мингга туя бор, ўшани сизларга жўнатаман”, – деди.

Охири ҳазратлари [подшоҳ] оила аъзолари, лашкар ва бошқа кишилар билан кемага чиқишди. Денгиздан ўтиш уч кунгача давом этди. У [Шоҳ Хусайн]нинг чегарасидан ўтиб, Нуаси номли мавзегга жойлашдилар.

Султонқули номли карвонбошини туяларни олиб келишга жўнатдилар. Шу Султонқули бориб минг туя келтирди. Ҳазратлари ҳамма туяларни амирлар ва аскарлар ва бошқа лашкар одамларига улашдилар. Бу туялар шундай туялар эдики – етти пуштима, етмиш пушти ҳам гўё шаҳар, одам ва юк кўрмаган эди.

Лашкарда от етишмаслиги сабабли, кўпчилик кишилар туяга минган эдилар ва уларнинг барчасидан ортганини юк ортишга тайин қилинди. Ва туялардан қайси бирига минишса, ўша заҳоти минган кишини ерга ағдарар ва ўрмонга қараб йўл оларди. Ва юк ташувчи туялардан қайси бирига юк ортилса, от туёқларининг товушини эшитиши билан сапчиб юкини ерга ағдарар ва ўзларини ўрмонга уриб кўздан йўқоларди. Ва юклари маҳкам боғланган туялар қанча шатталамасин юклари ағдарилмас ва улар юк-пуки билан ўрмонга қочиб ғойиб бўлардилар. Шу алфозда Қандаҳорга қараб кетаётганларида 200 га яқин туя қочиб кетган бўлса керак. Шу хилда Сиви яқинига етиб келишди. Шоҳ Хусайн мирзонинг мулозими Маҳмуд карвонбоши Сивида эди, у қалъани эгаллаб, беркиниб олди.

Ҳазратлари Сивидан олти қуруқ нарида тўхтадилар. Шу аснода “Мирулло Дўст ва Бобо Жужуқ Кобулдан Сивига келганига икки кун бўлди ва Шоҳ Хусайн мирзонинг олдига кетишмоқда”, – деган хабар келди.

Мирзо Комрон Шоҳ Хусайн мирзога сарполар ва тўбучоқ отлар ва жуда кўп мевалар юбориб, унинг қизини ўзига сўратибди. Ҳазратларининг ўзлари Хожа Ғозийга қараб: “Сен билан Оллоҳ Дўст ораларингда ота ва болалик муносабати бор, шунинг учун унга бир хат ёзиб юбор, Мирзо Комроннинг бизга муносабати қандай экан ва агар биз унинг олдига борсак, қандай кутиб оларкан?” – деб буюрдилар.

*Форс тилидан
Аҳмад ҚУРОНБЕКОВ таржимаси*

(Охири келгуси сонда)

¹ Бақхар ва Синд сафарига тегишли сўзлар Хожа Ғозийнинг қариндоши Хожа Кепак томонидан битилган, ўша Хожа Кепакнинг ёзувлари асосида келтирилди – таржимон.



ESSE

Jahon
ADABIYOTI

КЕЧАГИДАЙ ҲАМОН ЭСИМДА...



Элеонора Абдуқодирова чизгани суради

Халқимизнинг ҳассос шоираси Зулфия опа ҳақида ўйлаганимда, асарларини ўқиганимда, недир бир туйғу юрагимнинг қамраб олади. Соғинч, кўмсашдан юрагим орзиқиб кетади.

Онам раҳматли “Саодат” журналининг ашаддий мухлиси эди. Ҳар ойда бир марта келадиган Ўзбекистон хотин-қизлари журналининг ҳаммамиз кутардик. Оиламиз билан ўқиб бўлгач, журнал кўлма-кўл бўлиб маҳалла кезарди. Эҳтимол, ўша дамлардан бошлаб Зулфия номи қалбимизга муҳрланган бўлса ажабмас.

Хар бир халқнинг қалби, қиёфасини унинг маънавиятини, маданияти кўрсатади. Халқнинг қалб кўри, кўз нури билан яратилган обидалар, китоблар, санъат – ҳамма-ҳаммасида унинг тафаккур олами акс этади. Лекин бу кудрат ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Уни дунё сахналарига, минбарларига олиб чиқиш замирида катта хизмат ва меҳнат ётади.

1981 йилнинг ёз ойи эди. Қўшни республикаларнинг бирида Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари ўтказилди. Ўшанда йигирма бир ёшдаман, энди бир-иккита ашулаларим билан эл таний бошлаган. Устозим Шавкат Мирзаев бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар анжуманда қатнашдик. Зулфия опанинг номи эълон қилинганда халқнинг олқиши, шоирага бўлган эҳтиром ва интилишни кўриб, юрагимиз фахрга тўлганди. Ўшанда Зулфия опа ўзларига ярашиб тушган сидирға матодан либос кийиб, елкасига ипакли шарф ташлаб олган эдилар. Сочлари ўзларига ярашиқли турмакланган, адл қадам ташлаб сахнага чиқишлари, нурли чехралари кўз ўнгимда доим намоён бўлади. Президиумда қардош халқларнинг етук ижодкорлари даврасида ҳам опанинг суврати алоҳида эди. Ота-онам тилидан қўймайдиган, миллат аёлининг фахрига, орзу-ҳавасига айланиб улгурган инсон билан, ёнма-ён, бир давр ва бир даврада қадам ташлаётганимга ишонгим келмасди. Иккимиз гурунглашиб ўтирганимизда эса Зулфия опанинг ёнида кичрайиб бораётгандек ҳис этдим ўзимни. Ўшанда шоира: “Бизнинг буюк боболаримиз бизга қолдирган бебаҳо мерослари бугун ҳам, эртага ва ундан кейин ҳам миллат маънавиятига хизмат қилиши рост. Сўз ва соз уйғун бўлса, халқ кўнглига тез йўл топилади. Мумтоз ашула ижросида сеҳр бор. Эшитган одамни сел қилади. Ашуланинг ижро этаётган санъаткорнинг кийиниши, ўзини тутиши, қадам олишидан тортиб соч турмагигача халқ назарида бўлади. Атлас либосингиз ярашгани учун ҳам ҳали кўшиқ айтмасингиздан одамларнинг кўзи сизда. Майда ўрилган сочингиз, ироқи дўппингиз ҳам ўзингизга хос. Аслида дўппиларнинг тўрт томони дунёнинг тўрт тарафига қиёсланади. Бир тарафи бизнинг юртимизга қиёсдир. Атиргул тимсоли гўзаллик ва қувонч, муҳаббат белгиси ҳисобланади. Санъатимиз дарғаларига айланган дўстларим Тамарахоним, Мукаррамахон, Сорахоним Эшонтўраевалар бу муқаддас сахналаримизга қанчалик ярашиб, қанча эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган бир пайтда сиз сингари истеъдодли ёшларимизнинг майдонга кириб келиши қувончли ҳол. Ўзгарманг, ўзбекча маданият, ўзбекча либосингиз ва миллатга хос бўлган қарашингизни ҳам сақланг. Юртга қайтгач суҳбат қиламиз. Журналга сувратингизни олиб боринг...” деганди. Сувратим ва суҳбатим “Саодат” журналида чоп этилган кундаги қувонч ҳали-ҳамон эсимда.

Бугун Зулфияхоним умрининг иккинчи фаслини яшамоқда, миллат маънавиятининг юксалишига, адабиёт ва санъат, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун юксак рағбат бўлапти. Бир замонлар чекка қишлоқларда ўз иқтидорини намоён этишга имкон, йўл топа олмай уй бекасига айланган, аламини алладан олган, қаламини кетмонга алмаштирган талант соҳиблари қанча эди. Пойтахтга келиб, ўз йўлимизни топиб, озми-кўп санъатимизни элга намоёйиш этиш учун қанча йўл босиб ўтдик. Қанча тўсиқлар, қанча захматларни сабру сабот билан енгиб ўтишга тўғри келди. Ота-онамиз, яқинлар, устозларимиз санъат фидойиларининг кўмагига таяниб йўл босдик, иш тутдик. Бугун Зулфия номидаги Давлат мукофотига санъат борасида сазовор бўлган ёш санъ-

аткорларимиз орасида анъанавий ижрочилик йўналишида сабоқ олаётган қизларимизнинг борлиги ҳаммамизни қувонтиради. Мамлакат Улашова, Шахноза Давлатова, Моҳичеҳра Шомуродова, Камола Пардаева, Шахло Салаева – бахтли ўзбек қизлари.

Муסיқа қалбни поклайди. Назм руҳимизга тетиклик бахш этса, ёқимли наво бутун вужудимизга жон бахш этади. Халқимизда азалдан куй ва оҳангга ошуфталик бор. Аёллар тўпланишиб дутор, чилдирма чалишиб кўнгилларини ёзган. Кўп ўзбек хонадонларида дутор, чилдирма, рубоб каби чолғу асбобларининг сақлаб келиши, уй тўридан жой олиши ҳам фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон давлат консерваторияси юрти-мизга жуда кўплаб хонанда, созанда, бастакор ва муסיқашуносларни шакллантирмоқда. Халқаро танловларда иштирок этаётган, хориж санъаткорлари ва томошабинлари эътирофига муяссар бўлаётган ёшларимиз орасида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ҳам бор.

Яна ўша хотираларга қайтмоқчиман. У пайтларда хориж саҳналарига эндигина қадам қўя бошлаган кезларим, бир тадбирда Зулфия опа билан суҳбатлашиб қолдик. Таассуротларим ҳақида гапириб бердим. Шунда опа: “Инсон қай манзилда бўлса ҳам, юраги ватан-ватан деб тепиб туради-да. Юртдан сал нари кетсам хаёлим шу ерда бўлади, яқинларимни туш кўра бошлайман. Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраевадек, Ҳалимаҳоним, Саодатхоним каби юрт номини дунёга таратиш энди сиз, ёшларнинг зиммангизга тушади. Сизлардан умидимиз катта, чарчаманг, кўз тегмасин”, дедилар.

Дарҳақиқат, Ватан, ватандошларинг ҳақида суюниб ўйласанг, ўйла-ринг гавҳар шодасидай тизилиб қелаверади. Минг шукур, истиқ-лол барчамизни йўлларимизнинг ёритди. Ўзлигимизни намоён этишимиз учун имкониятлар эшигини очиб берди. Кўплар санъаткорлар қатори менга ҳам жаҳоннинг энг нуфузли саҳналарида мум-тоз ашулаларимизни куйлаб, халқимиз ру-ҳияти нақадар бақувват, кўнгли гўзалликка тўла эканини на-моён қилиш насиб этди. Чет элликларни ҳам шунга ишонтирдик, санъа-ти-мизни севдирдик.

Устоз айтганлари рост экан. Бир қадам юртдан нари кетсам, икки кун ўтмай соғина бошлайман. Сойларнинг новвот рангли мавжлари худди қорачиғимда тўхтаб қолгандек бўлади. Шамоллар шивири, отлар дупири қулоғимга эшитилади. Мухлислар олқишидан юрагим ҳайқириб турса ҳам тезроқ ортимга қайтишни хоҳлаб қоламан. Қучоғимнинг тўлдирган гулдасталар ифоридан ўзбек хонадонида ўсган атиргул ҳидини истайман...

Зулфияхоним айтганидек:

*Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!*

*Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти*



ИККИ ХАЛҚ КУЙЧИСИ

Жорий йилда суверен Ҳиндистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 65 йиллигини нишонлаган ҳинд халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, тенглик ва ҳурмат тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари бугунги кунга келиб стратегик шерикчилик даражасига кўтарилди.

Пойдевори қанчалик бақувват бўлса, иморат шунчалик кўркам бўлганидек, мазкур икки халқ дўстлигининг ўзаги ҳам жуда қадимий ва мустаҳкамдир. Биринчидан, икки давлат раҳбарлари, хусусан, Юртбошимизнинг ушбу жараёнда фаол саъй-ҳаракати, қолаверса, икки томон адиблари, олимлари, ишбилармонлари ҳамда маданият, санъат арбобларининг жонбозликлари туфайли ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги тобора ривожланиб бормоқда. Севимли шоирамиз Зулфияхоним ҳам таниқли шоира, машхур “Саодат” журналининг бош муҳаррири ва жамоат арбоби сифатида ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик, бир-бирига ишонч тамойиллари асосида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга катта ҳисса кўшди.



Зулфияхоним Ҳиндистонда кўп марта расмий сафарда бўлган. Лекин 1956 йили Дехли шаҳрида бўлиб ўтган Осиё давлатлари ёзувчиларининг йиғилишида собиқ Иттифок ёзувчилари ва шоирлари делегацияси аъзоси сифатида иштирок этиши у кишининг қалбида сўнмас таассурот қолдирди. Ҳиндистоннинг бош вазири Жавахарлаъл Неру, Мулк Раж Ананд, Сажжад Заҳир, Яшпал, Гурбахш Сингх, Субхаш Мукержи, Али Сардар Жафари, Амрита Притам каби машхур ҳинд шоирлари ва ёзувчилари билан учрашувлар ва дўстона суҳбатлар унинг қалбида ҳинд халқи тарихи, адабиёти, маданияти ва санъатига нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Бу таассуротлар кўп ўтмай шоиранинг ижодида ҳам акс этди. Айниқса, тинчлик-осойишталикнинг кадри умуминсоний мезонларда бадиий талқин этилган “Мушоира” шеъри Зулфияхоним номини халқаро ҳамжамият доирасида янада кенгрок танитди. Тошкентда 1958 йили бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси олдидан инглиз тилида чоп этилган “Ўзбек поэзияси” тўпламига мазкур шеър ҳам киритилган эди. Кўп ўтмай бадиий баркамол асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти учун шоирамиз халқаро Неру мукофотига сазовор бўлди.

Дарвоқе, Зулфияхонимнинг ҳинд халқиға бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми бу кўҳна замин фарзандларини ҳам бағоят таъсирлантирди. Ҳинд шоири Маданлал Диди “Зулфияхонимға” шеърини шундай ёзади:

*Сиз – қўшиқ,
Сиз – вафо,
Сиз – ҳаёт ҳусни.
Сиз тортган ғам-ғусса, ғуссаи вафо бу,
Сиз чеккан изтироб,
Дилбар ва сулув.*

*Сиз мангу муҳаббат, мангу севгининг
Дилларға ўт солган чиройидирсиз.
Сиз вафо кўкини безатган юлдуз,
Сиз вафо осмонин
Моҳ, ойидирсиз.*

Тошкент учрашувидан сўнг Осиё ва Африка давлатларидан ташриф буюрган ижодкорларнинг бир қатор асарлари чоп этилди. Улар орасида ҳинд ёзувчиларининг асарлари ҳам бор эди. Ушбу кенг қамровли ишларни амалга оширишда Зулфияхоним ҳам ташкилотчи, ҳам муҳаррир сифатида фаол қатнашди.

Энди шоиранинг жамоат арбоби сифатида ўзбек-ҳинд дўстлигига қўшган ҳиссаси тўғрисида сўз юритсак.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг 1-конференцияси бўлиб ўтган 1958 йили Зулфия бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатаётган “Ўзбекистон–Ҳиндистон дўстлик жамияти”нинг биринчи раиси этиб тайинланади ва

бу жамоат ташкилотини йигирма йилдан кўпроқ бошқаради. Зулфияхоним раҳбарлигида мазкур жамият ўзбек ва ҳинд халқларини бир-бирига янада яқинлаштириш, маданий алоқаларини ривожлантириш борасида эътирофга лойиқ ташаббусларни амалга оширди. Жумладан, Р.Тагорнинг “Инқироз” романи асо-



сида ёзилган “Танг дарёсининг қизи” ва Калидаснинг машҳур асари – “Шакунтала” Ўзбек давлат драма театрида, Б.Гаргнинг бухоролик ёш савдогор Иззатбек ва панжоб қизи Сони ўртасидаги муҳаббатга бағишланган “Севги тумори” асари асосида таниқли композитор Мухтор Ашрафий томонидан яратилган балет Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида намоиш этилгани, Р.Тагор, П.Чанд, К.Чандар, А.Притам ва бошқа ҳинд ёзувчиларининг роман, қисса ва ҳикоялари ўзбек ва рус тилларида чоп этилгани, Тошкент ва Патеала шаҳарларининг биродарлашгани, қолаверса, ҳар йили 1 март куни Ўзбекистонда Панжоб кунлари, Панжобда эса Ўзбекистон

кунларининг кенг нишонланиши, шунингдек, Ҳиндистонда ўзбек фильмлари, Ўзбекистонда эса ҳинд фильмларининг намоёиш этилгани шулар жумласидандир.

Ҳиндистонда 1967 йили ўтказилган Ўзбекистон маданият кунларида Зулфияхонимнинг ўзи иштирок этиб, аввалги таасуротларини янада бойитди. 1977 йили Ҳиндистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан 45 ҳинд шоирининг олтмишдан ортиқ шеъри таржима қилиниб, ўзбек тилида чоп этилишида ҳам шоира Зулфия ташаббус кўрсатиб, тўпламга кириш сўз ёзди. Мазкур сатрлар муаллифи тўпламнинг тузувчиси бўлган эди.

Доимо ёшлар орасида бўлган шоира ўша вақтда Тошкентнинг турли олий ўқув юртлирида таълим олаётган, илмий иш олиб бораётган ҳиндистонлик талабалару аспирантларни ҳам назарда тутарди, улар билан ҳар йили учрашувлар ўтказар эди. Бу эътибор ҳиндистонлик ёшларни қанчалик ғурурлантирганини уларнинг ўзлари доим эслаб юришарди.

Кези келганда ҳиндистонликларнинг Зулфияхонимни самимий ҳурмат қилишини тасдиқловчи яна бир мисол келтирсам. 1996 йилнинг декабрь ойи охирида Ҳиндистондаги элчилик муддатим тугагани боис, юртимизга қайтиш олтидан шоира Амрита Притам оиламизни хайрлашув зиёфатига таклиф этди. Сухбатимиз ниҳоятда қизғин кечди. Уй бекаси бир неча маротаба Зулфияхоним билан гоҳ Тошкентда, гоҳ Дехлида бўлган учрашувларини, бир-бирларини худди опа-сингилдек яхши кўрганини кўзда ёш билан эслади.

Дарҳақиқат, икки шоиранинг дўстлиги ҳавасга лойиқ эди. Зулфияхоним “Мушоира” шеърида Амрита Притамга бағишлаган шундай тўртлик бор:

*Мана, мусиқадай, севгидай майин,
Даврага киради Панжоб булбули.
Нафис сатрлари ёниқ ўтдайн,
Жасур жаранглайди оналик дили.*

Назаримда, Зулфияхоним ва Амрита Притамнинг биргаликда тушган суратлари нафақат уларнинг бир-бирига бўлган меҳри, айна чоғда ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги рамзидир, десак муболаға бўлмайди. Ўйлайманки, халқимизнинг севимли фарзанди, ўзбек аёлининг мукамал сиймосини ўзида жамлаган бу серқирра истеъдод соҳибаси – Зулфияхонимнинг ёрқин хотираси икки халқ фарзандларининг қалбида мангу яшайди.

*Суръат МИРҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг
катта ўқитувчиси*

УНИ ФАРҲОД ДЕР ЭДИЛАР

(Зулфияхонимнинг достони ва қаҳрамони ҳақида)

Фронтдан келган хабар

1943 йилнинг ёз ойларида урушдан ярадор бўлиб қайтган бир аскар бастакор Имомжон Икромовни сўраб Ўзбекистон радиосига келади. Ўшанда Имомжон Икромов Республика радиоси Миллий ансамблининг бадиий раҳбари эди. И. Икромов эфир яқинлиги боис, пайсалламай дарҳол эшикка чиқади. Қўлтиктаёқли бир аскар постдаги милиционер билан гаплашиб турарди. Аскар Имомжон Икромовни кўриши биланок унга томон кучоқ очиб интилди. “Танидим, танидим, танидим-а, устоз! Сиз Имомжон ака бўласиз, шундайми-а, домла! Тавба, худди Қобил қори чизган қиёфа-я! Келинг, устоз, келинг, биринчи топширикни бажарай”, – деганча, гўёки ўз отасини кучгандек, Имомжон Икромовни бағрига олди. Устозни аллақандай ваҳима босди. “Қобил қоридан келибди, анчадан бери ундан хабар йўқ эди, ишқилиб, яхшилик бўлсин-да”. Улар курсиларга омонатгина ўтирдилар. Уста унга савол назари билан тикилди. Ниҳоят, аскар гап бошлади: “Ака, Қобил қори сиз ҳақингизда кўп гапирарди. Ашулаларингиздан Қобил қорининг хониши орқали баҳраманд бўлганман, деярли икки йил фронт заҳматларини биргаликда тортдик. Шу йил бошида Қобил қори оғир яранди. Мен уни судраб панароққа олдим. Қобил қори секин: “Худо хоҳласа омон қолсанг, Тошкентга етганингда вокзалдан тўғри радиога бор, узоқ эмас. У ерда сенга кўп бор гапирганим Имомжон акани сўра. Устозимни мен учун маҳкам кучоқла. Устозга айт, нуридийдам қизалоғимнинг пешонасидан мен учун ўпиб кўйсинлар”, – деб шивирлади. Сўнг қаддини бир оз кўтаришимни сўради. “Нега ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит?” – деди. Ваҳоланки, ўшанда атроф тўс-тўполон, снарядлар ёмғирдек ёғар, ерни ўғирдаги дондек янчиб, эзғилаётганди. Қобил қори осмонга тикилиб қолди, сўнг яхши кўрган ашуласи “Сўлим”ни бошлади: “Ёрни ойнакдин қаранг, ноз уйқуда ётганмикан...” Юртимизни соғинганимизда у шу ашуласини айтарди, биз кўлимиздан келганча жўр бўлардик. Қобил қори жимиб қолди. Сездимки, бу унинг сўнгги нафаси эди...”

Аскарнинг, ҳикоясидан ўша атрофда турганларнинг кўзлари намланди. Сал нарида гапга кулоқ солиб турган машҳур хонанда Мавлудахоним чидолмай хўнграб юборди. Ҳа, бу чиндан ҳам ўзбек санъати учун катта йўқотиш эди. Зеро, Қобил қори эндигина йигирма етти ёшга кирганди. Эфир вақти яқинлашаётганлини сезган Имомжон ака меҳмонга: “Сиз шу ерда ўтира тулинг, концертни эшитинг, ҳеч қаерга кетиб қолманг”, – деб тайинлади-да, студияга қараб йўналди. Йўл-йўлакай шогирдларидан бирига Қобил қорининг пластинкасини эфир хонасига келтиришни топширди. Диктор ва муҳаррир Ҳамид Ғулумдан воқеа ҳақида ахборот ва таъзиянома тайёрлаб, раҳбарлар назаридан ўтказиб келишни сўради.

Қобил қорининг ҳалоқ бўлганлиги ҳақидаги хабар барчанинг юрагини ўртаб юборди. Чунки у Ўзбек мусиқали театрига ўтгунига қадар, ҳофиз сифатида шу ерда, шу ансамблда танилганди. Маҳорати, ёқимли овози, гўзал хулқи, инсонийлиги билан кўпчиликнинг меҳрини қозонганди.

Имомжон Икромов қўлида ғижжак сози билан концертга бош бўлмоқда-ю, аммо хаёллари уни узокларга олиб кетарди: 1941 йил июнь ойининг ўрталарида Имомжон Икромов, Юнус Ражабий, Тўйчи ҳофиз ва яна бир неча ўзбекистонлик санъаткорлар Ялтадаги “Ўзбекистон” санаториясида дам олмоқда эди. Денгизда довул кўтарилган, жала ёғмоқда, ташқарига чиқишнинг иложи йўқ, деразалар зич ёпилган. Тўфоннинг осмонўпар тўлқинлари шиддат билан кетма-кет бостириб келар ва баланд қирғоқларга шундай зарб билан урилардики, гўё денгиз осмонга кўтарилгандек кишининг ваҳмини келтирарди. Сувнинг ранги ҳам гўё кўмирдек қорайиб кетган, денгиз тубидаги минг йиллик балчиқлар кўзғалган, ҳаммаёқни бадбўй ҳид босиб кетганди. Санаторияда ишловчи шу ерли кексалар: “Денгизнинг бундай ҳолатини ҳеч кўрмаганмиз, аммо денгизнинг бу даража безовталиги яхшилик аломати эмас” – деб ташвишланишарди. Чиндан ҳам, орадан 5-6 кун ўтар-ўтмас уруш бошланганлиги тўғрисида хунук хабар тарқалди. Барча қатори улар ҳам жўнаш тараддуди-га тушишди. Амаллаб Москва поездига билет олиб йўлга чиқишди. Темир йўллар ҳарбий эҳтиёжлар учун кечаю кундуз банд. Мамлакат ичкарасига кўчирилган заводлар, ишчилар, оддий халқ тинимсиз оқиб келарди. Поезд икки кунлик йўлни ўн олти кунда босиб ўтиб, ниҳоят Москва вокзалига кириб келди. Имомжон Икромов Ялтадан чиқаётганида Москва консерваториясида ўқиётган шогирди Қобил қорига телеграмма бериб қўйганди. Қобил қори уларни вокзалда кутиб олиб, меҳмонхонага жойлади. Улар учун Тошкент поездига билет ҳам олиб қўйган экан. Эртасига Қобил қори кеч соат олтиларда меҳмонхонага келди. Кўпчилик шаҳар айланишдан ҳали қайтмаганди. Фақат Ўзбекистон санъат ташкилотчиларидан бўлган Зубайда опа исмли аёл шу ерда экан. Унга “кеч соат ўнларга тайёр бўлиб туринглар, сизларни олиб кетгани машина келади”, деб тайинлади. Сўнг, сизда гапим бор, деб Имомжон Икромовни олиб кўчага чикди, у ерда узунчоқ енгил автомобиль кутиб турарди. Машина бир зумда чоғроқ ресторанлардан бирига олиб бориб қўйди. Рус ҳайдовчи йигит Устанинг жомадони билан Қобил қорининг кичкинагина тугунчасини олиб вокзал томон кетди. Қобил қори икки кишилик кечки овқат буюртирган экан. “Икки кундан бери фақат сени кўрамиз, қолганлар қани?” – деб сўради Уста. “Улар Тошкентга жўнаб кетганларига анча бўлди, – деб жавоб берди Қобил қори. – Мен ҳам ишларимни битказиб кетмоқчи бўлиб тургандим, бу ердаги баъзи майдагаплар орқамиздан ғийбат бошлаб қолишди. Эмишки биз кўрқоқлар, яхши кунларда ёнларида бўлиб, хавф-хатар келиши билан қочиб қолармишмиз. Чидолмадим, кўнгилли бўлиб фронтга ёзилдим. Буларга ўзбек қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчиман. Ҳозир Москва атрофидаги ҳарбий базалардан биридамиз. Бояги автомобиль ҳам ўша базага тегишли. Имомжон ака Сиз менга отамдексиз. Мендек бир хаваскорга ажойиб ашулалар ўргатиб, элга танитдингиз. Сиздан ўрганган мумтоз наволар театрдаги ижодим учун катта мактаб бўлди. Фарҳодни, Мажнунни ижро этдим. Бу ерда – консерваторияда ҳам ўз ўрнимга эга бўлдим. Ҳаммаси учун раҳмат, устоз, мендан рози бўлинг. Оллоҳ насиб қилса, урушдан омон чиқсам, учрашармиз. Бўлмаса дийдор қиёматда”, – деб жимиб қолди. Қобил қори ҳам, Уста ҳам йиғларди... Шунда Уста

ўзини тутиб олиб: “Сен фақат ўзинггагина эмас, бутун ўзбек санъатига тегишлисан, сенда катта иқтидор бор, бекорга сенга имтиёз берилмаган, шу боис ўзингни асрашга мажбурсан, биз билан бирга поездга чиқавер, сени Ўзбекистон асрайди”, – деди. Қобил қори бир сўзли эди, кўнмади. “Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас”, – деб жавоб килди. Чунки унинг томирларида эркпарвар, мард ва жасур ўзбек қони оқар эди. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлардан ўтиб келаётган ватанпарварлик, жўмардлик ҳислари гупириб, миллат шаъни, ғурурини ҳар нарсадан устун қўйган Қобил қори қисматини ҳаёт-мамот масаласига тикди. Гарчи имтиёзга, муайян бир ҳуқуққа эга бўлса-да, бир оғиз миллат шаънига айтилган нолайиқ сўз учун чидаб туролмади.

* * *

Шу ўринда баҳонаи сабаб лирик чекиниш. Яқинда Россиянинг марказий телеканалларидан бирида чиқиш қилган Россия Коммунистик партияси (РФКП) раҳбари Г.Зюганов бир ғалати гап айтди. Нима эмиш гўёки иккинчи жаҳон урушидаги эришилган ғалаба тақдири фақат Россия ва Сталин фаолияти билан боғлиқ эмиш. Агар булар бўлмаганда собиқ постсовет ҳудудидаги мамлакатларнинг иштироки ҳеч нарсага арзимас эмиш ва ҳоказо, ҳоказо... Қисқаси, гапиришга ҳам арзимайдиган асоссиз, майда гаплар... Майда бўлса ҳам озгина ҳақиқати бўлганда, жиндек бўлса ҳам холисликка амал қилинганда, бу ўринда эслаб ўтирмаган бўлардик.

Аввало уруш йилларида ўзбек халқи ҳозиргидек ўттиз бир миллионлик катта халқ эмас, балки бу нуфуснинг учдан бир қисмини ташкил этар эди. Бир ҳовучгина аҳолига эга бўлган мамлакат бор қуввати захирасини урушга тикди. Ёв қочганда ботир кўпаяди. Бу мақолни эшитмаган Зюганов жаноблари бир нарсани билиб қўйсалар ёмон бўлмасдики, ўша бир ҳовуч аҳолининг ишга ярайдиган асосий қисми урушга кетди. Кета олмаганлари, ёши етмаганлари кўнгилли бўлиб, ўзи ташаббус кўрсатиб жангга жўнади. Фашизмга қарши бўлган урушда бир ярим миллиондан ортиқ ватандошимиз иштирок этган бўлса, қолган аҳоли – етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир фуқаро кишин-ёзин очлик, машаққат, ғурбатларга чидаб она замин саодати учун меҳнат қилди. Курашди, дуо қилди. Мамлакатдан бу йилларда олиб чиқиб кетилган миллионлаб тонна озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларнинг аниқ ҳисобини билиш тилига зўр берадиган бу сиёсатчи учун муаммо бўлмаса керак. Ва, бу неъматлар миллионлаб меҳнаткашнинг, қўллари қадоққа айланган ўзбек аёлининг заҳмати эвазига бинога келганини билиш учун унчалик кўп ақл талаб қилинмайди. Аслида дўппини бошдан олиб, хаёлни бир жойга қўйиб, ҳовлиқмай, холисона, адолат, виждон билан фикр юритилса, қурбонликнинг катта-кичиги, қахрамонликнинг чегараси бўлмайди. Бир ярим миллиондан ортиқ гулдек фарзандини борса-келмас сафарга жўнатиб, уларнинг олти юз мингдан зиёдини бой бериши ўзбек халқининг улкан фожиаси эмасми?!

Статистик маълумотларга қараганда, 1941–1945 йилларда бир миллионга яқин аҳоли, хусусан, икки юз минг нафар бола уруш бўлаётган майдондан Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Айрим ўзбек хонадони икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз ҳимоясига олди. Ўзбек халқи эса уларни бағри кенглик, кенгфеъллик билан қарши олди, уйи, дастурхони, қалбининг тўридан жой берди. Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 22 млн.

дона мина, 1 млн. дона граната, 3 млн. дона радиолампа етказиб берди. Бу хамир учидан патир бўлган фактлар. Бу ҳақда собиқ иттифокнинг ўзида, қолаверса, дунё микёсида қанчалаб мақола-очерклар, публицистик асарлар, ҳатто роману қиссалар ёзилган. Бу воқеа миллионлаб қалбларда аксадо берган. Бу ҳақиқатларни тарих саҳифаларидан ўчириб бўлармикан?! Мамлакат мустақилликка эришгач, уруш катнашчилари хотирасини тиклаш мақсадида пойтахт марказидаги Мустақиллик майдонида “Хотира хиёбони” ташкил этилди. 35 жилдлик “Хотира китоби” тайёрланиб, нашр қилинди. Бу китоблар “улуғ рус оғаси” шаънига ёзилган мадҳиялар ёки севги-муҳаббат ҳақидаги монологлар эмас, балки минг-минглаб завол топган бегуноҳ инсонларнинг аянчли тақдирлари йиғмаси эди. Бу китобларни охиригача ўқишга жаноб сиёсатчининг юраклари дош бера олармикан? Билмадик, ҳар қалай пойтахтимиз марказида қад ростлаган махсус мажмуага келиб, бу китобларни бир варақлаб чиққан бўлганларида, энг камида калтафаҳмлиқ билан бундай гапларни айтмаган бўлардилар. Шовинизм, худбинлик ва ички аламзадалиқ аччиғида айтилган гапларини эшитиб, “Ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейди” деган мақол ёдга тушади. “Яхшилик қил, сувга от, билса балиқ, билмаса Холиқ билади”, дейди кўпни кўрган халқимиз. Ўзбек халқи уруш даврида бировдан кўрққанидан эмас, кўнгли яхшилик, эзгулик, мардлик, саховат, олийжаноблик туйғуларига тўла бўлгани учун шундай жавонмардлик кўрсатди. Ўзбек халқи ўша йилларда ҳам, урушдан кейин ҳам, истиқлол йилларида ҳам бу олий матлабдан, юксак рутбадан, эзгу аъмолдан бир қадам ортга чекингани йўқ. Буни ўзбек халқининг тарихи ва айниқса, бугунги кунларимиз яққол кўрсатиб турибди.

Мавзуга қайтсак. Қобил қори кўкрагида ёли бор миллионлаб ўзбекнинг бир вакили эди. У айна пайтда ўзининг, айна пайтда халқнинг ғурури, ҳамияти, номуси учун курашиш мақсадида улуғ йўлга отланди. Имомжон ака билан кучоқлашиб хайрлашди. “Оиламга салом айтинг, қизалоғимнинг пешонасидан ўпиб кўйинг, тушунтиринг, мендан хафа бўлишмасин, шундай қилишим зарур, омон бўлсам бораман, бўлмаса мендан рози бўлишсин. Вокзалга борганда устозларга индамай кўяқолайлик, чунки улар ҳам мени тўхтатишга ҳаракат қилишлари тайин. Мен бир қарорга келиб бўлганман, шуни келинингизга бериб кўярсиз”, деб Устанинг кўлига тугунча тутқазди. Шуларни хаёлидан ўтказаркан, “Аттанг, ўшанда мен билан кетасан, деб қаттиқ туриб олсам, олдимга солиб олиб келсам бўларкан”, дея Имомжон ака қаттиқ афсусланди...

Концертнинг охириги номери ўрнига “Жангчи санъаткор саломи” рукни билан Қобил қори Сиддиқов ижро этган “Сўлим” ашуласининг пластинкаси кўйиб эшиттирилди...

Орадан кўп ўтмай радио раҳбариятига бояги аскар, И.Икромов ва бошқа ижодкорлар йиғилиб, Қобил қорининг жасорати ҳақида радиоэшиттириш тайёрлаш масаласини муҳокама қилдилар. Бир кеча-кундузда тайёрланган ушбу мусиқали эшиттириш жамоатчилиқда кучли акс садо берган. Унда аскар йигит Қобил қорининг қаҳрамонлиги, сўнгги нафасигача юртига, халқига садоқати ва меҳри ҳақида, айниқса, сеҳрли ашулалари билан жангчиларнинг ҳамиша руҳини кўтариб юргани тўғрисида ҳаяжон билан гапириб берди. И.Икромов шогирдининг иқтидори ва маҳорати ҳақида, санъаткорнинг овозини авлодларга сақлаб қолган “Сўлим” ашуласининг яратилиши ва Республика кўригида Қобил қори ижросидаги ушбу ашула бош совринга эга бўлгани ҳақида гапирди. Эшиттириш давомида Қобил

қори ижросидаги “Сўлим” ашуласининг пластинкаси бир неча бор қўйиб эшиттирилди.

Ушбу эшиттириш тўғрисида матбуот саҳифаларида қатор чиқишлар бўлди, орадан кўп ўтмай ёш шоира Зулфияхонимнинг “Уни Фарҳод дер эдилар” достони эълон қилинди.

Достон ва қаҳрамон

“Уни Фарҳод дер эдилар” (1943) достони шоиранинг шаклан ва мазмунан гўзал, романтик тасаввур ва хиссиётларга бой йирик асарларидандир. Достон иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида бутун дунё эркпарварлари қаторида созини, саҳнасини, шеърятун мўйқаламини бир чеккага қўйиб, фашизмга қарши мардонавор курашаётган ўзбек ўғлонларига бағишланган эди. Шунингдек, асарда Ўзбекистоннинг меҳридарё, сахий, санъатсевар халқи, фусункор табиати, ажойиб боғу роғлари бадиий акс этган.

Ўтган асрнинг машҳур ҳофизи ва маҳоратли актёри Қобил қори Сиддиқов достоннинг бош қаҳрамони. У қисқа вақт ичида оддий талаба-шогирдликдан машҳур ҳофиз, мусикали драма ва опера театрининг етук хонандаси сифатида элга танилган катта иқтидор эгаси эди. Шундай бўлса-да, профессионал маҳоратини ошириш мақсадида Москва консерваторияси қошидаги Ўзбек студиясига ўқишга киради. Аммо бир йил ўтар-ўтмас кирғинбарот уруш бошланади...

Ҳофизнинг биринчи устози, Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакор Имомжон Икромов телекўрсатувларнинг бирида шогирдини ёдга олиб, жумладан шундай деганди: “Қобил қорининг жуда кучли, тиниқ ва жозибали овози бор эди. Шунингдек, унинг одоби, ўткир зехни, келишган бўйи-басти ҳам ҳар жиҳатдан айни саҳнабоп, санъатбоп эди. Имоним комилки, Қобил қори урушдан омон қайтганида ҳозир энг машҳур ва сеvimли ҳофизларимиздан бири бўларди...”

Достон уч бобдан иборат. Биринчи бобда ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбек мусикали (1939 йилдан Ўзбек опера) театрида саҳналаштирилган “Фарҳод ва Ширин” спектакли ва ундаги Қобил қори Сиддиқов яратган Фарҳоднинг афсонавий образи ёрқин бадиий бўёқларда, романтик жўшқинлик билан тасвирланган. Қобил қорига тенгдош бўлган шоира ёш ижрочининг саҳна маҳорати, овоз имкониятлари ва кечинмаларини ўта зукколик билан илғай олгани, кўрган ва ҳис этганларини шеърини сатрларда юксак маҳорат билан ифодалаган.

Шоиранинг бадиий тимсоллар билан тўлиб тошган жўшқин сатрларини ўқир экансиз, ногаҳон кўз ўнгингизда ўша спектакль, ўша манзара, Фарҳод – Қобил қорининг садоқати, матонати, ақл-заковати ва жасоратидан кўзлари хайрат ва ҳаяжон билан ёнган томошабин жонлангандек бўлади.

*Парда тушиди... муҳташам залда
Янграб кетди қарсақ баралла.
Ташлай берди қизлар гулдаста,
Саҳна гулга тўлди бирпасда.*

*Икки юлдуз чақнаб кўзида,
Зўр ҳаяжон сезиб ўзида
Табассум-ла ташаккур изҳор
Этди Қобил қори санъаткор.*

*Кўп ёғилди ҳар ёндан олқии,
Кетган эди табиатдан ҳуи.
Офарин деб қари-ёш қолди,
Офарин деб тоғу тош қолди...*

Достоннинг иккинчи боби ҳажм жиҳатидан анча мўъжаз бўлиб, унда уруш арафасидаги ҳаёт тарзи, меҳнат, ўқиш, изланиш, ижод лаҳзалари тасвирланган. Бироқ гўёки чақиндек борликни титратиб уруш бошлангани ҳақида ёйилган мудҳиш хабар кўпчилик қатори Қобил қорининг ҳам орзуларига раҳна солади ва у кўнгиллилардан бўлиб ёвга қарши урушга кетади.

*Шунда бизнинг Қобил қори ҳам,
“Лаббай” дея юрт чақирган дам,
Санъатига деди: “Яхши қол!”
Жангга кирди қўлида қурол.*

Достоннинг учинчи боби фашистларга қарши жанг майдонида оғир ярадор бўлган қаҳрамонимизнинг ҳаёт билан видолашув онларини изтироб ва ҳаяжонга тўла оғриқли сатрларда ҳикоя қилинади.

*Ёв ўқидан азоб чеккан жон
Имкон бермас олға юришга,
Душманига ўқин узишга.
Кўкрагини ўпирган олов
Азоб берар унга беаёв.*

Шоира яратган достон ҳам Қобил қори айтган “Сўлим” дай таъсирли, эхтиросларга бой, аламли, дардли. Гарчи, баъзи сатрлар замона зайли билан, ўз даврига хос рангларда чизилса-да, достоннинг миллий, бадий-эстетик мазмун-моҳиятига соя ташламайди.

*Санъат эди дилим банд этган,
Саҳна эди жонажон уйим;
Санъатимга чанг солгач душман
Жангга кирди юрагим, куйим...*

*Азиз халқим, фарзандлик ҳаққи,
Қурашингга руҳим-ла ёрман.
Душманни енголган халқим
Зафарида, бағрида борман...*

Достон уруш даврида бир неча бор турли нашрларда эълон қилинган, китобча шаклида чоп этилган. Ҳали-ҳануз ўз қадрини йўқотмаган ушбу асар, иккинчи жаҳон урушида жон олиб-жон берган ота-боболаримиз жасорати ва шон-шавкатини мадҳ этувчи дилбар асар бўлиб қолаверади.

Ота-она орзуси

Ўтган асрнинг ўнинчи ва йигирманчи йилларида Шайхонтоҳур ва Ҳастимом Эски Тошкентнинг энг гавжум жамоа марказларидан бўлган. Қатор масжиду мадрасалар, табаррук қадамжолар, гавжум бозорларнинг

мавжудлиги бу масканга алоҳида файз бағишлаган. Айнан шу масканда униб-ўсган Қобилжон зеҳнли, қунтли, тиришқоқ бола эди. У ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ Куръони каримни ёд олган. Овозининг кўнғироқдек жаранги, ширин ва таъсирли қироати одамларни ўзига ром қиларди. Инчунин, қори номини унга эл-юрт берган.

Қобил қорида мусиқа ва ашулага бўлган қизиқиш жуда ёшлигидан, отаси билан бозор майдонларида ўтказиладиган турли сайл-томошаларда, тўй-ҳашамларда машҳур созандаю ҳофизлар, дорбозу кизикчилар санъатига махлиё бўлган кезларида уйғонган. Бора-бора бу қизиқиш кучайиб, ҳаётининг мазмунига айланган. Мирпўлат ҳофиз, у кишининг оталари Мирхолиқ ҳофиз сингари номдор ҳофизлар Қобил қори, Маҳаматжон, Турғунхўжа, Тожиҳўжа ва яна бир қанча ёш истеъдодларнинг санъат йўлига киришларига катта ҳисса қўшган. Улар маҳалла гузарида ёшларга ўзлари ижро этиб келган куйлар ва ашулалардан ўргатишган.

Асосий хизмати Чорсу бозоридаги ички ишлар бўлимида бўлган Мирпўлат ака 1929 йилнинг эрта кузида мактабни эндигина битирган Қобил қори учун янги гап топиб келган. Унинг сўзларига қараганда, “яқинда Тошкентда ТУЗ (ТЮЗ) деб аталгучи, махсус театр очилармиш. У ўзбек болаларига аталганмиш. Шу кунларда, ўша театр учун зарур бўлган актёрларни тайёрлайдиган ўқувхона (студия) иш бошлабди. У маҳаллий ёшлар орасидан театрга яроқлиларини қидираётганмиш...”

Шу тариқа Қобил қори Сиддиқов ўша йили Тошкент Рус ёш томошабинлар театри қошида очилган, бўлажак Ўзбек ёш томошабинлар театри учун актёрлар тайёрловчи ўқув студиясига қабул қилинади. Кўп ўтмай, саҳнабоп ташқи қиёфаси, ширали овози, кучли актёрлик ва хонандалик иқтидори боис ўқув студиясининг умидли аъзоларидан бирига айланади.

Студия мураббийлари орасида Москвадаги иккинчи Ўзбек театр студиясининг битирувчиси Афандихон Исмоилов ҳам бор эди. Йигитчанинг ашулага бўлган лаёқатини сезган студия раҳбарларидан бири Афандихон Исмоилов ўша давр ўзбек мусиқасининг йирик намояндаларидан бўлган бастакор Имомжон Икромовдан Қобил қорини эшитиб кўришни сўрайди. Уста йигитчани текшириб кўргач, унинг барча регистрларда бирдек гўзал жарангловчи кучли ва ёрқин овоз, ноёб мусиқий қобилият эгаси эканини тушунади. Шу тариқа Қобил қори И.Икромовга шогирд тушади. Устоз уни ўзи ишлайдиган Радио миллий ансамблига олиб келади ва у аввал хорда, сўнг Ўзбек ансамблида ишлай бошлайди. Кунларнинг бирида ёш журналист ва шоир Гиёсиддин Соатий ўзининг “Ёрни ойнақдин қаранг...” радиопиёғалини бастакорга тақдим қилади. Бу ҳақда Имомжон Икромов шундай эслаб ўтган эди: “Ғазал ўзбек мумтоз аънаналар асосида ёзилганлиги, унда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамонлари назарда тутилганлиги, Фарҳод ва Мажнунлардаги каби юксак маъноли ишқ куйланганлиги диққатимни тортди. Ғазалнинг еттинчи бандидан ташқари барчаси менга ёқди. Охирги бандда ғазалнинг умумий-ҳазин кайфиятига зид бўлган руҳият бор эди. Шу боис уни қисқартирдим. Ғазал менга илҳом бағишлади. Ашуланинг куйи жуда тез пишди. Уни шогирдим Қобил қорига ўргатдим. Ашула яхши чиқди, уни бадий кенгашга кўрсатдик. Аммо ашуланинг номи ҳануз йўқ эди. Шунда ўша пайтлар радио хориға бош бўлган Абдулҳақ Султонов: “Имом ака, куйингиз жуда сўлим бўлибди, унинг номини “Сўлим” деб қўяқолайлик”, дедилар. Бу ном ҳаммага маъқул бўлди. Ашулани 1933 йилда ўтказилган Республика кўригига тавсия этишди. Қобил қори ижрочи, мен куй муаллифи, Гиёсиддин Со-

атий шоир сифатида кўриқнинг бош соврини соҳиблари бўлдиқ. Ашула икки бор – 1935 ва 1939 йилларда бир неча миллион нусхада пластинка бўлиб чиқарилди. Ашуланинг пластинкага ёзилган вариантдан ўзимнинг кўнглим тўлмаган. Сабаби комиссия аъзолари ўйчанроқ темпда яратилган ашулани тезроқ-шўхчанроқ бўлсин, деб туриб олганлар. Кейинчалик ашула 1958 йили Ориф Алимахсумов ижросида магнит лентасига ёзилганда, кўнглимдагидек бўлган..”.

Кўп ўтмай Қобил қори Ўзбек давлат мусиқали (кейинроқ опера) театрига солист-вокалист бўлиб қабул қилинди. Театрда қисқа муддат ичида тўртта йирик опера ва мусиқали драма спектаклларида бош қахрамонлар (Фарход, Қодир, Қайс, Жўра) партияларини ижро этиб, мутахассислар ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. У 1940 йили Москва консерваторияси қошидаги Ўзбек опера студиясига муваффақиятли қабул қилинди. Аммо машъум уруш унинг умрига завол бўлди.

Ҳофизнинг авлодлари

Қобил қорининг отаси – Сиддиқ ака ўз даврининг ўқимишли, ҳурматга сазовор, зиёли кишиларидан эди. Онаси Ойнисахон Умар қизи ҳам ўқимишли оиланинг фарзанди бўлган.

Сиддиқ ака ва Ойнисахон оиласида уч фарзанд – Собир (1913), Қобил (1916) ва Бўринисо (1919) дунёга келган.

Ойнисахон ўша – бесаранжом даврнинг ҳар жиҳатдан машаққатли ва заҳматли шароитида норасидалари билан бева қолгач, ночорликдан иккинчи бор турмуш қуришга розилик берган. Эшмуҳаммад ака Ойнисахоннинг фарзандларига ўз болаларидай меҳр кўрсатган. Ойнисахон иккинчи турмушидан яна уч ўғил фарзанд кўрган: Зикрилла (1924), Суннатилла (1931) ва Ҳикматилла (1936). Уларнинг ўртанчаси – Суннатилла ака ҳозир ҳаёт. Машҳур ҳофизнинг авлодлари ва оила аъзоларига тегишли маълумотларни шу кишидан олганмиз.

Қобил қори Сиддиқов Ўзбек давлат мусиқали (опера) театрига ишга ўтгач, шу театрнинг солист-вокалистлари таркибида ишловчи Саломатхон исмли қизга кўнғил қўяди. Тўй қилиб, ширин ҳаёт кечира бошлашади. Қиз кўриб, унга Эътиборхон деб исм қўядилар. Саломатхон узоқ йиллар Ўзбек опера театрида ишлаган. Эътиборхон Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли битиргач, Қибрай туманидаги Пахта селекцияси илмий-тадқиқот институтига ишга юборилган. Ўша ерда самарали меҳнат қилиб, ҳаётдан кўз юмган.

Қобил қорини мухлислари Фарход деб аташган. Чиндан-да, унинг ижросидаги Фарход ҳам, Фарходнинг соф муҳаббати тажассум этган “Сўлим” ашуласи ҳам ўша давр ижро санъатининг нодир намуналаридан эди. Бу асарлар неча йиллардан бери турли авлод санъаткорлари томонидан ижро этилиб, ўзбек санъатининг мумтоз намунасига айланиб қолди. Бунда, шубҳасиз, унинг илк ижрочиси Қобил қорининг ҳам хизматлари қатта.

*Ҳамиджон ИКРОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор*



САРҲАДЛАР

*Роман очколар билан ютса,
ҳикоя нокаутлар билан голиб келади.*

Роберто Арльт

Турли мавзулардаги ҳикоят ва латифалар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, унутилаёзган ёки ниҳоятда кам ишлатиладиган бўлиб қолган бирикмалар, халқона иборалар ҳамда, яшириб нима қилдим, кўча-кўйда, оддий одамлар оғзидан эшитган ҳаётий ўхшатишлар, қайроқи сўзлар, ҳатто теша тегмаган қарғишлар, ижодкор ёзувчиларимизнинг луғатидан (шу жумладан, каминанинг ҳам) чиқиб кетган пичинг, киноя, кесатиқни ифодалайдиган камёб сўз бирикмаларини ёзиб юрадиган дафтаримни варақлаб ўтирганимда оддийгина, лекин нима учундир гир айлана ўраб кўйилган жумлага кўзим тушиб қолдию, дарҳол манбасини – қаердан олганимни эсладим: бу рус ёзувчиси Соколов-Микитовнинг дўсти, қаламкаш биродари, улуғ замондоши Константин Паустовскийга йўллаган мактубидан олинган кўчирма эди. Янглишмасам, Соколов-Микитов Паустовскийни эрта кўклам чоғи чорбоғига таклиф этарди. Уша мактуб руҳидан бамисли уфуриб турган беғубор дўстлик нашидаси, икки ижодкор орасидаги ўзаро меҳр таровати, эҳтиром туйғуларининг таъсирчанлиги акс этган мурожаат шакли, самимият, бир-бирининг ижодий ютуқлари олдида бош эгиш сингари олийжаноб изҳорномалар эътиборимни жалб этгандир ва ич-ичимдан уларнинг муносабатига ҳавас қилгандирман. Лекин, ажабо, адабиётга, ижодга алоқадор нозик кузатувлар қолиб, шу битта оддийгина хабарни ёзиб қўйганимнинг сабаби нимада эди, нега айнан шу жумлани азза-базза ёзиб қўйдим-а, деб ўйлаб ўтирмадимки, ўша ёзиб қўяётган лаҳзалардаги таъсирланганим ҳамон эсимда. Мана ўша жумла: **“Зағчалар учиб келишди, муборак бўлсин...”** Ҳа, бор-ўғи шу! Ҳозиргина айтиб ўтдим, адабий ҳаётга оид бошқа теран, қутилмаган фикрлар қолиб, шу жумлани кўчириб ёзиб қўйганимнинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Қаранг, ҳаётда кўп оғирчилик кўрган, урушда қатнашиб қон кечиб юрган, энди, ёши ўтиб қолганида айтишга арзимайдиган – кушларнинг учиб келишини оламшумул янгиликдек қабул қилиш, ўзи қувончли ҳодиса сифатида қабул қилган бу янгиликдан дўстининг баҳраманд бўлишини исташ ва ёш боладек қувониб ёзиш кимга, қанақа одамга хос?! Ҳолбуки, бу нафақат қувониш эди, менимча, бунинг замирида ҳайрат, табиатга қойил бўлиш, шу кўҳна ва азалий ҳаётни бу қадар атрофлича тушуниб, ҳис қила олишга қодир қилиб яратилганига шукроналик... қўйингки, одам боласига хос баркамоллик, табиатга уйғун бўлиб яшай олиш ҳисси бахш этадиган камтаркамсуқумлик, кўнгил тозаллиги, соддадиллик ва меҳр инъом эта олишига қобиллик – ҳамма-ҳаммасини ўз ичига сиғдириб олган Шарқдаги машҳур “Кўзни юм, кўзга айлансин кўнги” ҳикматининг ҳаётий кўриниши ёки маъзур тутасиз, ифодаси эди.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, нима бўпти, зағчалар учиб келган бўлса – келса келибди! Бунақа хулосага келиш, жавоби ичида бўлган бунақа савол бериш, менимча, айни нодонлик ёки беозоргина айтсам, ўсмирнинг ҳовлиқмалигидан бошқа нарса эмас, ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман.

Беихтиёр ҳар қандай одамнинг кўнглида, хўп, рус адиби шундай мазмунда хат ёзибди дўстига, бунинг бизга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши табиий. Мен бундай жавоб берган бўлардим ёки шундай жавоб беришни истардим: биз адабиётга: ижодкорлар ҳаёти ва ижодига нописанд муносабатда бўлишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, бу ёмон иллат, қусур десам суваган бўламан. Бундай одатдан қутулмоқ зарур, иложи борича тезроқ ҳалос бўлиш керак бу тахлит нописандликдан. Китобхоннинг савиясини ижтимоий онг келтириб чиқаради, агар китобхон савияси, унинг адабиёт ва санъатга муносабати юксалмас экан, оламшумул асар яратишга қодир ижодкор туғилмайди, чунки омманинг талаби

савиясига биноан бўлади, у адабий иқлимга таъсир этади. Лой қозонга кум тувоқ. Катта истеъдодлар ва уларнинг юксак маънодаги оламшумул асарларига ички эҳтиёж бўлмас экан, ундай асарларни кутмаслик керак. Чунки улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар, бири иккинчисини тўлдиради ёки юзага чиқаради ёхуд қўрқмай айтиш лозим, бири иккинчисини яратади. Катта истеъдод соҳиби яратган баркамол асар юксак дидли, савияси анча баланд китобхонни етиштирадими ёки савияси баланд ўқувчиларнинг ички эҳтиёжи ва ички талаби туфайли катта истеъдод соҳиби дунёга келадими? Бу аввал товуқ бўлганми, тухумми, деган дилемманинг ўзгинаси.

Кези келганда айтиш керак, адабиёт ҳаётни ўзгартиришга, инсонни тарбиялашга қодир эмас, акс ҳолда жаҳон адабиётида *hoto sapiens*лар учун юзлаб буюк асарлар яратилган, ўқи, англа, оламни ўзгартир – йўқ, ҳаётда Йўлчилардан кўра Ҳомидлар кўпайиб бораверади. Юз мингта ноинсоф чин инсонийлик улуғланган бадиий асарни ўқиб ўзига тегишли хулоса чиқармайди, қолаверса, адабиётнинг вазифаси мураббийлик эмас, адабиёт адашган кимсаларга тўғри йўлни кўрсатувчи қўлланма ҳам эмас, бироқ шунга қарамай унинг бир устунлиги бор, бу нарса бошқа ҳеч бир соҳада учрамайди. У чин ҳақиқатни, чин адолатни, чин гўзалликни улуғлайди, башарият оғирлигини кўтариб турган шу уч қудратни севишга ундайди, у акс эттирган шу нарсаларга интилувчи инсонлар тақдири одамни лоқайд қолдирмайди. Мен мана шундай адабиёт ҳақида узоқ ва мириқиб суҳбатлашгим, баҳслашгим, мунозара қилгим келарди. Рауф Парфининг “...**деразамга урилади қор, жаранглайди жарангсиз кумуш...**” сатрлари ҳақиқий поэзия намунаси экани хусусида соатлаб тортишсам дердим, шоирнинг дарди, ижодкор шахси ҳақида фикрлашмоқ ҳаёли билан яшардим, худди зағчаларнинг учиб келганидан Соколов-Микитов қанчалар қувонган бўлса, мен абадий суҳбатлардан шунчалар хузурланардим. Ахир дунё ҳақида, инсон тақдири, азиз ва мукаррам зотлар, таълимотлари табиат олами ҳақида фикр юритишга мажбур этадиган, одамларни эзгулик ва зулмга қарши кураш жабҳаларида бирлаштирадиган манба бўлса, у билан ошно тутинишининг нимаси ёмон?!

Шундай суҳбатларни кўмсаганларим армон бўлиб қолмасайди, дея қўрқардим. Шоядки шундай кунлар келди, энди суҳбатдош бўлса, бас! Илм олиш имкониятлари кенгайиб бормоқда, ижод эркинлиги, озод фикр чаималари тоғ ортида эмас, ҳозирча ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш лозим, қолган нарсалар ўтади, инам мегузарад деб кўнгишларни кўтаргани Асқад Мухтор.

Ҳозиргина адабиётнинг устун жиҳати ҳақида фикр билдиргандим. Шу мулоҳазамни тасдиқлаш учун Андре Мальронинг “Сиртмоқ ва сичқонлар” китобидан ўрин олган бадиҳага эпиграф сифатида қўйилган ҳикоятни келтирсам. Эмишки, золим ҳукмдор буюк ижодкорни осийга амр қилибди. Уни оёқларининг учуда туриши мумкин бўлган ҳолатда қолдириб кетишади. Ҳолдан тойгунча тураверсин, дея амр қилади ҳукмдор, узоқ туролмайди барибир.

Ижодкор ерга битта оёғининг бошмалдоғи билан турилиб туриб, иккинчи оёғининг бошмалдоғи билан қумга сичқонлар суратини чизади.

Сичқонлар шунчалик ҳам мукамал чизиладики, азбаройи жон кириб унинг оёқларидан ўрмалаб чиқиб арқонни кемириб узади...

Мажозий маънодаги мазкур ривоятда айtilган сичқонлар ижод маҳсули сифатида талқин этилгани рўйи-равшан бўлиб турибди, бунинг замирида ҳар қандай санъат асари – у адабий асар бўладими, ҳайкалтарош ясаган ҳайкалми, мусаввир чизган расмми ёки муғанний ижро этган куй-мусиқа бўладими, фарқи йўқ, у гўзал, ҳаққоний орзу-умидлар ёки ишонч нури билан йўрилган бўлса бас, у инсонни ба-лолардан асраши мумкин, деган тушунча ётади. Қолаверса, шу жажжи ривоят адабиётнинг вазифаси, аҳамияти ҳамда ёзувчининг эътиқоди, (санъаткор зотининг) бурчи ҳақида атрофлича мулоҳаза юритишга, шунингдек, дунёда инсондан улуғ тирик жон йўқлиги ҳақидаги маҳзун эътиқодни инкишоф этишга чорлайди.

Ҳақиқий юксак маънодаги санъат мана шунақа илҳомбахш хаёлларга ошно қилади.

“Жаҳон адабиёти” журналининг бу сонидан эътиборингизга ҳавола этилаётган Аргентина адиби Хорхе Луис Борхеснинг “Соҳилдаги учрашу” ҳикояси назаримда мана шундай мумтоз асарлар сирасига мансуб. Фурсатдан фойдаланиб, бу фавқулудда истеъдод соҳиби, XX аср жаҳон адабиётида том маънода инқилоб ясаган асарларнинг муаллифлари Жойс, Пруст, Кафка, Камью, Музиль, Бютор, Фолькнер, Томас Вульф ва бошқа даҳо ижодкорлар қаторида тилга олинган

ижодкор – Борхес ҳаёти ва ижоди ҳақида лоақал икки оғиз тўхталиб ўтмаслик маданиятсизлик ҳисобланади.

Кубалик адабиётшунос олим, жамоат арбоби, машҳур “Каса де Лас Америкас” журналининг бош муҳаррири Роберто Фернандес Ретамар Лотин Америкаси мамлакатлари маданиятининг долзарб муаммоларига бағишланган “Калибан” номли китобидан ўрин олган Борхес ижодига бағишланган бадиҳасида Борхес ижодини улкан кутубхона ёки музейга қиёслаган эди. Бу бежиз эмас, чунки адибнинг деярли барча ҳикоялар тўпламини ўқиган мушоҳадаси ўткир китобхон шу фикрга беихтиёр қўшилади, бу тўпламлар қай жиҳати биландир ажойибхонани эслатишини эътироф этади. Тўпламларнинг номидан тортиб ҳикояларнинг сарлавҳаларигача, келтирилган эпиграфлар, мавжудлиги номаълум, аксар ҳолларда муаллифнинг ўзи тўқиб чиқарган бадиий асарлардан келтирилган турли қўчирмалар, тарихий маълумотларгача ҳаммаси жуда катта заковат, кенг ва атрофлича эгалланган билимдан, муаллифнинг закийлигидан дарак беради. Америкалик адабиётшунос олим Картер Уилок “Афсоналар яратувчи” китобида Борхесни асосан вақтнинг турғунлиги ва унинг қайтарилиб туриши, жамики мавжудотнинг бир хиллиги ёки ўхшашлиги, зарра билан бутуннинг тенглиги, инсон шахсининг кўнимсизлиги, табиатининг беқарорлиги, инсон қисматининг олдиндан белгилаб қўйилгани – тақдири азал ва унинг ожизлиги, замон ва маконнинг бир-бирига сингиб, киришиб кетишининг ҳақиқатлиги сингари категориялар қизиқтиради, деб ёзади. Бир замонлар – Буэнос Айрес кўчаларида биноларнинг деворларига “Призма” газетасини ёпиштириб юрган, авангардизм, жамият ҳаётини кескин ўзгартириш тарафдори бўлган, исёнкор шеърлар ёзиб давр – ўтган асрнинг 30-йилларида Аргентина адабиёти оғир кунларни бошдан кечираётган йилларда кўпчилик тушунишга қобил бўлмаган воқеликдан йироқ, ғалати фантастик ҳикоялардан иборат кичкина тўпламлар чиқариб, таъбир жоиз бўлса, гўё ўша музей – осори атиқанинг қўриқчисига айланган эди.

Борхес том маънода новатор адиб эди. У 5-6 бетлик мўъжазгина ҳикояларида мўъжиза ярата оларди. “Тлен”, “Укбар”, “Учинчи олам”, “Вавилон лотереяси”, “Боқий умр”, “Яратувчи”, “Алеф”, “Ажал ва компас”, “Борхес ва мен”, “Кўк тусли йўлбарс”, “Қушнома”, “Харобазор”, “Парацельс атиреули”, “Броудининг маълумотлари”, “Кўркинч тўла туш” сингари ҳикоялари бир қараганда фантастик асарга ўхшайди, лекин булар мажозий, фалсафий ҳикоялар аслида, зеро, айнан худди мана шундай ҳикояларда Борхес даҳосининг қудрати, зиддиятли мураккаб табиати намоён бўлади.

Адибнинг Лотин Америкаси адабиётида мавжуд бўлган аксар йўналишларга ҳуши йўқ эди, уларни рад этарди, бироқ шундай йўналишларга ва шу тариқа адабиётга жуда катта таъсир ўтказган. Шу адабиётнинг дунё тангсувчи намоёндалари унга эргашиб, унинг ижодидан илҳомланган, пировардида миллий анъаналарни жаҳон адабиёти тажрибалари билан бойитишга эришганлар. Пабло Неруда сўнгги интервьюсида Борхес ижодининг кўлами ҳақида шундай фикр юритади: “Ҳоявий жиҳатдан уни мутлақо ёқламайман, лекин унинг адабиёт олдигаги буюк хизматларига тан бераман ва алоҳида эътироф этишни истайман. Ҳаммангизни ҳақли равишда тилимизнинг фаҳри, Лотин Америкаси халқлари маданияти ва санъатининг гултожи ҳисобланган улуғ адиб ижодига жуда катта ҳурмат ва ифтихор туйғуси билан қарашга чақираман”.

Нақадар улуғ эътироф!

Қадрли журналхон!

“Соҳилдаги учрашув” ҳикояси ҳам Борхес ижодига хос фикрлаш тарзини, ўзимизнинг таъбиримиз билан айтганда, диапазонини белгилаб берадиган услубда ёзилган. Яъники, ҳаётда юз бермайдиган ҳодиса реал воқеалик доирасида қаламга олинади.

Ҳикоянинг сарлавҳаси асл нусхасида, яъни испан тилида “El Potro” деб аталади, бу сўз рус тилига тушунарли, аниқ, бир сўз билан таржима қилинган (“Другой”). Биз уни “Соҳилдаги учрашув” деб ўзбек тилига ағдардик. Ҳикоя қаҳрамонлари айнан денгиз бўйида учрашиб қолганликлари учун бўлса керак. Айтганча, соҳилда қаҳрамонларгина эмас, икки давр, бир ижодкорнинг ўтмиши – ёшлиги билан ҳозирги пайти – кексалиги учрашади, ғайрат, шижоат, жўшқинли билан эҳтиёткорлик, салобат, лекин журъатсизлик учрашади. Боз устига учрашиб қолганларнинг ҳар бири шу учрашувни тушида кўраётган бўлади. Ҳикояни ўқиганингизда шунини ҳис қиласиз, бу эса кўп нарсаларга ўзгача назар позимлигини кўнгилга солади. Муал-

лиф ўтмиши, бугунги кун, туш ва ҳаёт деган иплардан шундай ажойиб, нафис буюм – асар яратган, тўқиганки, кўнглингиз яйрайди.

Бир вақтлари кескин ўзгаришлар, ёлғонга, ривга мурасасиз бўлиш тарафдори сифатида ном қозонган адиб ёшлиги билан учрашиб қолади, унинг сокин, теран мулоҳазалари замирида, тинчликни истаб қолган қарашларида кескинлик етишмайдиган ночор, ожиз қариянинг журъатсизлиги, таслим бўлгани, шонли байроқларни кўтариш истаги қалбини тарк этгани сезилиб туради. Икки суҳбатдош ўзаро тил топишолмайди, натижада бир-бирини тушунолмайди. Авлодлар ўртасидаги ихтилоф, янги фикр – у қандай бўлишидан қатъи назар эски қарашларни – улар ҳар қанча табаррук, пурмаъно бўлса ҳам маҳв этажагини кекса Борҳес ҳам, муаллиф ҳам, қолаверса, биз, журналхонлар ҳам чор-ночор ҳис қиламиз. Уз ҳаётини тажрибаларимиз билан беихтиёр қиёслаймиз.

Чунки биз охир-оқибат оддий бир бандамиз холос.

Таржимондан

Хорхе Луис БОРХЕС

СОҶИЛДАГИ УЧРАШУВ

Ҳикоя

Бу воқеа 1969 йилнинг февралда, Боайон шимолидаги Кембриж шаҳрида юз берганди. Мен уни қизигида ёзиб қўймаган эдим, ягона мақсадим ўша воқеани бутунлай унутсам дедим, негаки Худо кўрсатмасин, одамнинг ақлдан озиши ҳеч гап эмасди. Мана энди, 1972 йили эса, шу воқеа ҳақида ўшанда ҳикоя қилиб берсам, ўқувчилар шак-шубҳасиз ишонишмас ва буни ғирт уйдирма, деб ўйлашарди, дея фикр қилиб ўтирибман, ҳолбуки, очиғини айтсам, бугун шунча йил ўтгач, ўзим ҳам бу воқеанинг бўлиб ўтганига шубҳаланиб турибман.

Ўша дақиқаларда мен оғир кечинмалардан қийналган, бироқ кейинроқ, бедор ўтган кечаларда бундан бешбаттар кўйга тушгандим. Бу, шу ҳақда ёзилган ҳикоя бошқаларга ҳам шундай таъсир қилади, дегани эмас.

Эрталаб соат ўнлар чамаси эди. Мен Чарльз дарёсининг бўйидаги скамейкада ўтирардим. Ўнг томонда, беш юз метрча нарида баланд минора қад ростлаб турарди – унинг нима деб аталишини ҳанузгача билмайман. Кўкимтир сув сағҳида қатта-қатта серкирра муз бўлаклари оқиб келарди. Оқар сув беихтиёр вақтнинг ўтиши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди одамни. Буни минг йиллар муқаддам Гераклит айтиб ўтган. Кечаси тиниқиб ухлаганман, оқшом қилган маърузам, наздимда, толиби илмларга таъсир қилганди.

Теварак-атроф жимжит, тирик жон кўринмайди.

Дафъатан, мен бир куни шунга ўхшаган нарсани кўрган ва ҳис қилгандек кўйга тушдим. Руҳшунослар буни чарчоқ аломати, деб тушунтирдилар. Қисқаси, ёнимга кимдир келиб ўтирди. Мен ёлғиз қолишни афзал кўргандим, лекин тарбиясиз одамдек таассурот қолдиргим келмай ўрнимдан кўзгалмадим. У аллақандай куйни ҳуштакда чалишга тушди. Эрталабки ўзим учун аталган изтироблардан биринчиси шу эди: у ҳуштакда ижро этишга ҳаракат қилаётган куй, янглишмасам (куй ва қўшиқларни яхши ажратишга уқувим йўқ), аргентиналик Элиас Регуласнинг “Эски кулба” деган кўшиғи эди. Қўшиқ оҳанги аллақачон бузилиб кетган папиони¹ ва аллазамонларда дунёдан ўтган Альваро Мелиан Лафинурнинг қиёфасини кўз олдимга келтирди. Бир оздан кейин ўнинчи йилларда машҳур бўлган қўшиқ нақорати ҳам янграб қолди. Овоз майинлиги Альваронинг бахмалдек юмшоқ товушига ўхшамаса ҳам,

¹ Папио – уй (тарж.).

ижрочининг Альварога тақлид қилаётгани яққол сезиларди. Мен юрагимда уйғонган кўрқув аралаш бу овозни танидим.

Ёнимга келиб ўтирган кимса томонга озгина сурилган бўлдим-да уни саволга тутдим:

– Сеньор, сиз уругвайликмисиз ёки аргентиналик?

– Мен аргентиналикман, лекин ўн тўртинчи йилдан буён Женевада истиқомат қиламан, – деб жавоб қилди у.

Орага жимлик чўкди. Сукунат узоқ давом этди. Мен яна савол бердим:

– Маланья ўн еттида, русларнинг ибодатхонаси қаршисидами?

У тасдиқлаган бўлиб бош ирғади.

– У ҳолда, – дедим мен, – сизнинг исми-шарифингиз – Хорхе Луис Борхес. Биз 1969 йили, Кембриж шаҳрида учрашиб турибмиз.

– Йўқ, – дея жавоб қилди у худди менинг овозимдагидек, фақат унинг овози узоқдан эшитилаётгандек туюлди. Орадан икки ё уч дақиқа ўтгач у қатъий ишонч билан гапини такрорлади:

– Йўқ, мен айна чокда бу ерда, Женевадаман, Ронадан бир неча метр беридаги ўриндикда ўтирибман. Ёшингиз анча улуғ ва сочларингиз оппоқ эканини айтмаса, биз бир-биримизга жуда ўхшаймиз, мана шунисига хайрон бўлаяпман.

Менинг жавобим шундай бўлди:

– Ёлғон гапирмаётганимни асослаб беришим мумкин, хоҳласанг. Мен фақат оила аъзолари биладиган нарсаларни бирма-бир эслатиб ўтаман. Бизда катта дадамиз Перудан олиб келган узун бурама оёқчали кумуш матэ¹ бор. Эгар қошига осиб қўйиладиган кумуш косача ҳам бор. Сенинг хонангдаги жавонда китоблар қатор қилиб терилган. У ерда Лейнанинг гравюра билан безатилган ва ҳар битта бобидан кейин майда ҳарфларда шарҳ битилган “Минг бир кеча” китобининг уч жилди; Кишернинг лотинча луғати, Тацийнинг “Германия” асарининг лотинчаси ҳамда “Дон Кихот”нинг “Гориё” нашриётида чоп этилган нусхаси, Ривер Индартенинг “Қонли театри”, Карлейлнинг “Sartor Resartus”и, Амельянинг таржимаи ҳоли ҳамда турли-туман бошқа йирик-йирик жилдлар ортига яшириб қўйилган Болқон ярим оролида яшовчи элатларнинг никоҳ удумлари ҳақидаги эски китоб. Плас Дюбурдаги болохонада ғира-шира оқшом манзараларини томоша қилганларимни ҳам эслаб ўтдим.

– Дюфур, – дея тўғрилаб қўйди у.

– Яхши. Дюфур бўлақолсин, лекин сен ишондингми энди?

– Йўқ, – дея жавоб қилди у. – Булар далил-исбот бўлолмайди асло. Агар сизни мен тушимда кўраётган бўлсам, сиз, албатта, мен билган нарсаларни билишингиз керак. Бу ўз-ўзидан равшан.

Унинг мулоҳазалари жўяли эди. Мен шунга муносиб жавоб қилдим:

– Башарти, мана шу тонг билан бизнинг учрашувимиз чинданам туш бўлса, икковимиз ҳам ўзимизни ухлаётган ва туш кўраётган деб ўйлашга ҳақлидирмиз. Биз балки уйғонармиз, балки уйғонмасмиз. Лекин мен битта нарсани аниқ биламан – биз борлиқ оламни қандай қабул қилаётган бўлсак ҳамда яшаётганимиз, кўраётганимиз ва нафас олаётганимизни қандай билсак, бу тушни ҳам шундай бир воқелик сифатида қабул қилишимиз лозим бўлади.

– Туш кутилмаганда чўзилиб кетса-чи? – дея ташвиш билан кўнглидагини айтиб юборди у.

Уни ҳам, шунингдек, ўзимни ҳам хотиржам қилиш учун писанда қилдим:

– Нима бўпти? Мен етмиш йилдан буён туш кўриб келаяпман, мана

¹ Матэ – қадаҳ.

ҳали давом этаяпти. Охир, натижада, эслатиб қўйиш мақсадида айтадиган бўлсам, дунёда ўзи билан ўзи учрашмаган одам борми? Ҳозир худди шу нарса бизнинг бошимизга тушиб турибди, модомики, бу ерда икковимиз ўтирган эканмиз, демак, ҳақиқатан шундай. Балки менинг ўтмишимда юз берган, сени эса истикболда муқаррар кутаётган айрим ходисаларни билгинг келаётгандир?

У индамай бош ирғаб гапимни тасдиқлади. Мен нимаики эсимга тушса, ҳаммасини бир бошдан гапириб бера бошладим.

– Онам соғ-саломат, Буэнос-Айресдаги Чаркас ва Майпу кўчалари туташган ердаги уйда яшаб юрибди; отам ўттиз йил муқаддам юрак хасталиги билан оғриб ўтиб кетди дунёдан. Ўлмасидан бурун шол бўлиб қолди: чап томони бутунлай ишламас, чап қўли шалвираганча ўнг қўлининг устида ётарди доим. Умри қисқа экан, ўтди-кетди, лекин узоқ азоб чекмади. Бувимиз ҳам шу уйда қазо қилди. Ўлимидан бурун бувимиз ҳаммамизни чақириб, васият қилгандилар: “Мен ошимни ошаб, ёшимни яшадим, энди паймонам тўлди, шекилли. Ўзингизни қийнаманг, кўз ёши тўкманг, ўлим ҳақ, одам боласи борки, бу қисмат шарбатини ичмай қолмас”. Синглинг Нора турмушга чикқан, икки ўғли бор, айтганча, уларнинг турмуши яхшими?

– Жуда яхши! Дадам, ҳар доимгидек, динни масхара қиладилар. Кеча кечқурун, у Исо Масих бизнинг гаучо¹га ўхшаб қовун туширишдан кўрқади, шунинг учун ўз фикрларини мажоз тили билан изҳор этишни лозим топди, деб юривди.

У тўхтаб қолди ва нима дейишини билолмай:

– Ўзингиз қанақасиз? – дея савол берди.

– Сен нечта китоб ёзишингни айта олмайману, лекин битта нарсани аниқ биламан, кўп китобларинг чиқади. Шеърлар ёзасан – бу шеърларинг сенга оламжаҳон қувонч бахш этади – ғаройиб ҳикоялар яратасан. Отанг ва кўпгина қариндошларинг сингари ўқитувчилик қиласан.

Мен унинг ёзган асарларингдан кўнглинг тўладими, деб сўрамагандан, очиғи, хурсанд эдим. Шу сабабли очик кўнгилда гапимни бемалол давом эттирдим:

– Бордию тарихни эслаб ўтиш лозим бўлса... Яна ўша эски рақиблар бир-бирларига уруш эълон қилиб, омонсиз қирғинлар уюштиришди. Франция жуда тез суръатда таслим бўлди, Англия билан Америка Гитлер деган немис диктаторига қарши бирлашдилар, кейин – Ватерлоо остоналарида рўй берган жанглар яна такрорланди. 1946 йилга келиб Буэнос-Айрес иккинчи Росасни дунёга келтирди. 55-йилда Кордоба вилояти бир пайтлар Энтре-Риосга ўхшаб бизни ҳам халос этди. Ҳозир вазият жуда қалтис. Ер юзида Россиянинг мавқеи ошиб бормоқда. Демократиянинг душмани, деган ном қозонишдан чўчиган Америка дунёда якка ҳоким бўлишга кўрқаяпти. Бизнинг Ватанимиз маҳдудлик ботқоғига ботиб бораёпти. Қолоқлик ва ўзига-ўзи маҳлиё бўлишдек иллат жамият оёғига солинган тушов вазифасини бажармоқда. Башарти, бир кун келиб лотин тили дарслари ўрнини гуаранинг тилини ўрганиш дарси эгалласа, мен заррача ажабланмайман.

Фикри ожизимча, у гапларимни деярли эшитмас эди. Ақл бовар қилмайдиган, лекин аслида рўйи-рост нарсалардан кўрқиш ҳисси эркин фикр юритишга, мантиқий хулосалар чиқаришга тўсқинлик қиларди. Ота бўлмишлик менга насиб этмаганди, бироқ мана шу пушти камаримдан бўлган фарзандимдан-да азизроқ туюлаётган бечора йигитчага нисбатан дилимда оталикнинг муқаддас ва нафис меҳр-муҳаббати жўш урди. У қўлида

¹ Гаучо – Лотин Америкаси жанубидаги элат.

аллақандай бир китобни буклаб олган эди. Мен нима китоб деб сўрадим.

– “Фидойилар”, тўғрироғи, “Иблислар” китоби, Достоевскийники, – деб жавоб қилди у ғурур билан.

– Яхши эслолмадим. Хўш, қанақа экан ўша китоб? Ёқдим?

Саволим нақадар таҳқиромуз эканини сезиб бир оз хижолат чекдим.

– Рус адабиётининг классиги, – деди у дона-дона қилиб, – славянлар рухий оламига ҳеч бир ёзувчи унчалик чуқур кира олмаган.

Дабдабали жавоби унинг дилидаги ғалаён босилганидан дарак берарди.

Мен ундан бу даҳонинг яна қайси асарларини ўқигансан, деб сўрадим.

У Достоевскийнинг иккита ё укта асарини айтди, шулар ичида “Қиёфадош” (“Двойник”) ҳам бор эди.

Мен, Жозеф Конрад асарларини ўқиётганингдаги каби рус адиби яратган образлар ҳам ёрқин кўринадими, шунингдек, унинг мукамал танланган асарларини ўқиб чиқа оласанми, деб сўрадим.

– Тўғрисини айтсам, ўқиёлмайман, – дея жавоб қилди у кутилмаганда.

Ундан нима ёзаётганлиги ҳақида сўрадим, у “Қирмизи оят” деган шеърый китоби нашрдан чиқиш арафасида экани, ҳозирда “Қирмизи оҳанглар” деган китоб тайёрлаётгани ҳақида гапириб берди.

– Сени илҳом шавки тарк этмасин, – дедим мен, ўзимча тилак билдирган бўлиб. – Шонли йўллари босиб ўтган ўтмишдошларининг руҳи қўлласин. Рубен Дарионинг мовий шеърлари билан Верленнинг мискин баётлари ёдингдами?!

Менинг сўзларимга ортикча аҳамият ҳам бермасдан китобида Ер юзидаги одамларнинг биродарлик туйғулари мадҳ этилажаги тўғрисида сўзлай бошлади. Шоир замон билан ҳамнафас бўлиши лозим экан.

Мен ўйга толдим, сўнгра, чинданам жамики инсониятни биродарларим деб ҳисоблайсанми, дея сўрадим. Масалан, мотам маросимларини дабдаба билан ўтказадиганлару барча хат ташувчилар, ёлланган барча ғаввослар, муассасаю идораларнинг бинолари остидан ўтган йўлкаларда туновчилар, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган – ҳамма-ҳаммаларини... У менинг китобим, дунёдаги барча мазлумлар ва ҳуқуқсиз – мискинларга бағишланади, деди.

– Сен мазлумлар ва ҳуқуқсизлар тоифаси сифатида тилга олаётган омма, – эътироз билдирдим бунга жавобан мен, – мутлақо мавҳум тушунча. Умуман олганда, мабодо мавжуд бўлса, ниҳоят алоҳида битта-яримта кимсалар яшайпти. “Бугунги одам – энди кечаги одам эмас”, деган эди аллақайси юнон. Икковимиз, мана шу скамейкада ўтирганлар – Женевадами, Кембрижда бўладими, фарқи йўқ – мана шунга далил бўлсак керак.

Чинакам тарихий ёдгорликларда муҳрланган унутилмас битиклардан бошқа ҳамма ҳақиқатлар эсда қолмайдиган иборалардан ташкил топади. Ўлими олдидан одамзод болалигида бор-йўғи бир марта кўрган нақшни кўз олдига келтирмоқчи бўлади, беомон жанг арафасида аскарлар арзимас нарсалар ёки сержантлари ҳақида гап сотиб лақиллаб ўтиришади. Бизнинг бу учрашувимиз ўзига хос, ягона, бетакрор учрашув эди ва очиғини айтганда, икковимиз ҳам бунга тайёр эмасдик, аксига олиб адабиёт ва адабий тил муаммолари ҳақида мулоҳаза юритдик, манманлик бўлмасину, одатда журналистлар билан учрашганимда айтадиган гапларимдан ошириб бир янги нарса айтганим йўқ. Менинг “alter ego” им янги-янги метафоралар яратиш ёки инкишоф этиш зарур деб ҳисобларди, ўзим эса ёлғиз тасаввурларимиз маҳсули бўлмиш сўзларнинг муносибига, шахсан ўзим яратган образлар ёки ҳаммага маълум тушунчаларга эҳтиёж сезардим.

Одамзоднинг қариши ва инқироз, туш кўриш ва ҳаёт, вақтнинг ўтиши ва

сув. Мен бир неча йилдан кейин яратган китобимда ифода этган фикрларимни унга баён қилиб бердим.

У гапларимни деярли эшитмай ўтирганди. Бирдан сўраб қолди:

– Башарти сиз мен бўлган экансиз, у ҳолда мен ҳам Борхесман, деб сизга айтган кекса одам билан 1918 йилда учрашганингизни эслолмаслигингизни нима деб тушуниш мумкин?

Мавзунинг бундай қалтис томонларини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Шу сабабли иккилашиброқ жавоб қилдим.

– Ўша воқеа менга ақл бовар қилмайдигандек туюлган, шекилли, эслаб юришни лозим топмаган бўлсам керак.

У тортишиброқ бўлса ҳам савол беришга ботинди:

– Сиз қариб фаромушхотир бўлиб қолганмисиз?

Йигирма ёшга чиқмаган ўспирин кўзига етмишдан ошган мўйсафид тиррик мурда бўлиб кўринса керак, деб ўйладим ўзимча ва унга шундай жавоб қилдим:

– Умуман айтганда, фаромушхотирликка ўхшаса ҳам, лекин менинг хотирам, ёддан чиқармаслик қобилиятим етарли даражада қувватга эга, деб ўйлайман. Мен англосаксон тилини ўрганаёпман, янглишмасам, гуруҳимизда мени қоқоқ ҳисоблашмайди.

Суҳбатимиз анчадан бери давом этаётганини эътиборга олганда туш бунақа чўзилмайди, деб хаёл қилдим. Ялт этиб миямга бир фикр келди.

– Мени ўнгигда кўраётганингни ҳозироқ исботлаб беришим мумкин, – дедим мен. – Мана бу сатрларни эшит, сен уни ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўқимагансан, лекин мен уни эслаб қолганман. Эшит, – шундай дея гўзал сатрларни қироат билан ёддан ўқиб бердим:

– *L'hydre-univers tordant son corps ecaille d'astres*¹.

У ҳайратдан қотиб қолди, ҳатто қўрқиб кетганга ўхшади. Алоҳа лаззатланиб ҳозиргина мен ўқиб берган сатрни хаёлчан овозда такрорлади.

– Чинданам, – дея гўлдиради у. – Мен ҳеч қачон бунга ўхшаган истиора яратолмасам керак.

Гюго бизни бирлаштирди. Сал олдинроқ, энди эслаёпман, у Уолт Уитмен достонидан мухтасаргина парча ўқиб берганди, унда шоир руҳий шодликни, икковлон том маънода ҳис қилган денгиз бўйидаги тун фароғатини хотирларди.

– Мабодо, Уитмен тун фароғатини мадҳ этаётган экан, демак, у шундай тун бўлишини истайди, бироқ, водариғ, у йўқ ва бўлмаган. Достон қачон таъсир қилади, биз ундаги жўшқин эҳтиёжларга тўла истак-хоҳишни илғаганимизда таъсир қилади; илло ҳис қилинган қувончдан кейин эмас.

У индамасдан менга қаради, сўнг, юрагидан бир нидо отилиб чиқди:

– Сиз уни билмас экансиз, Уитмен сохталик қилишга қодир эмас!

Эллик йил беҳуда ўтмайди. Билими турлича, диди, фаҳми ҳар хил бўлган икки кишининг суҳбати асносида мен бир нарсани – бизнинг бир-биримизни ҳеч қачон тушунолмаслигимизни англаб етдим, бу эса ўзаро мулоқот қилишга ҳалал беради. Икковимиз ҳам суҳбатдошимизнинг гапларига тақлидан ҳажв қилишга моҳир эдик. Ёлғон мураса устун бўлган бундай вазият узок чўзилиши мумкин эмас. Мунозара қилиш ёки маслаҳат беришдан фойда йўқ, негаки, унинг йўли муқаррар менинг йўлим бўлиши аниқ.

Дафъатан лоп этиб Колриж яратган манзумалардан бири хаёлимга келди. Кимнингдир тушига жаннат боғларида сайр қилиб юргани қиради, унинг

¹ Коинот – юлдузсимон тангали танасини биланглатиб ўйнаётган илон (франц.).

бу ерда бўлгани тасдиғи сифатида гул ҳадя қиладилар. Эрталаб уйғониб қараса, ўша гул ёнида ётган экан.

Мен ҳам худди шунга ўхшаган нарсани мўлжаллаб қўйдим.

– Менга қара, – дедим унга, – ёнингда пулинг борми?

– Бор, – деди у, – йигирма франкча пулим бор. Мен бугун Симон Жиклинскийни “Тимсоҳ” қахвахонасига таклиф этганман.

– Симонни кўрганда айтиб қўй, у Каружда тиббий илмларни сув қилиб ичиб юборади ва жуда кўп одамларга ёрдами тегади... Майли, қани, пулингдан бер-чи.

У чўнтагидан уч франкли кумуш пул билан чақа тангалардан олди. Тушунолмай ҳайрон бўлиб менга кумуш танга узатди. Мен эса унга Американинг қоғоз пулини бердим. Америка пулини у катта қизиқиш билан кўздан кечири бошлади.

– Бўлиши мумкин эмас! – деб қичкириб юборди у бир пайт. – 1964 йил! Бу пулнинг чиққан йили-ку!

(Бир неча ойдан сўнг, кимдир, қоғоз пулларга саналар ёзилмайди, дея тушунтиради).

– Бу ҳаммаси мисли кўрилмаган мўъжиза, – деди у аранг, – мўъжизалар менинг юрагимга ваҳм солади. Лазарнинг тирилишини кўрган одамларнинг ўтақаси ёриларди ҳозир.

Сухбатимиз битта мавзу теграсида айланяпти, деган фикр кечди кўнглимдан. Оқибат яна китоблар ҳақидаги бояғи гаплар такрорлана бошлади.

У қоғоз пулни майда-майда қилиб йиртиб ташлади, кумуш танга менда қолди.

Мен уни дарёга ирғитдим. Сувга улоқтирилган кумуш танга, менинг бошимдан кечаётган бугунги воқеанинг тимсоли бўлиб келиши керак эди, аммо такдир ўзгача йўлни танлади.

Мен, агарда фавқулудда нарсалар такрорланар экан, улар кўрқитмай қўяди, деб жавоб қилдим. Алоҳа, турли даврлар ва ҳар хил ерларда жойлашган мана шу скамейкада эртага учрашишни таклиф этдим.

У ўша заҳоти розилик билдирди ва соатига қарамасданоқ кетадиган вақтим бўлди, деди. Биз икковимиз ҳам бир-биримизга ёлғон гапирмоқда эдик ва ҳар биримиз сухбатдошимиз алдаётганини билиб турардик. Унга мени ҳам олиб кетгани келиб қолишади, дедим.

– Сизни олиб кетгани келишадими? – дея ажабланиб сўради у.

– Ҳа. Сен менинг ёшимга етганингда кўзинг бутунлай кўрмай қолади. Фақат сарғиш рангни, соя ва қуёшни ажрата оласан. Лекин кўркма, кўз нурини секин-асталик билан йўқотиш оғир эмас. Бу худди ёз оқшомларининг секин-секин қуюқлашишига ўхшайди.

Биз бир-биримизга қўл узатмасдан хайрлашдик. Эртасига мен у ерга бормадим. У ҳам келмаган бўлса керак.

Мен бу учрашув ҳақида кўп ўйладим, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмадим. Назаримда, ҳақиқатнинг тагига энди етдим. Учрашув чиндан ҳам ҳаётда рўй берган, бироқ у ўзга мен билан тушида сухбатлашди, шунинг учун мени унутган бўлиши ҳам мумкин. Мен у билан ўнгимда сухбатлашдим, шу боис, хотиралар ҳали-ҳануз мени қийнайди.

У мени тушида кўрдию лекин етарли даражада аниқ эмас, бугун мен учун ҳаммаси равшан, унга пулларда мавжуд бўлмаган сана анчайин аниқроқ кўринган эди.

*Рус тилидан
Олим ОТАХОН таржимаси*



Бранислав НУШИЧ

УНВОН КЕРАКДИР ЙИГИТГА (Фалсафа доктори)

Тўрт пардали комедия

Таниқли серб ёзувчиси ва драматурги Бранислав Нушич (1864–1938) ўзининг қарийб ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида 50 дан ортиқ пьеса, бир неча роман, юзлаб ҳикоя ва мақолалар ёзиб, дунёга танилган. Айниқса, унинг сатирик комедиялари ҳали-ҳануз дунёнинг энг машхур театрлари репертуарларини беэаб турибди. Биз куйида ўқувчилар эътиборига ҳавола этаётганимиз “Унвон керакдир йигитга” комедияси жаҳон театрлари қатори, Ўзбек давлат драма театрида ҳам саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Пьесани рус тилидан Ўзбекистон фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров таржима қилган.

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Живота Цвийович
 Мара – унинг хотини
 Милорад, Славка – уларнинг фарзандлари
 Благое – Маранинг акаси
 Спасоевич хоним, Протич хоним – 9-етимхона
 бошқармаси Кенгашининг аъзолари
 Велимир Павлович – Милораднинг ўртоғи
 Д-р Райсер
 Николич – Цвийович маҳкамасининг хизматчиси
 Сойка
 Сима – Сойканинг эри
 Драга хоним
 Клара
 Пепик
 Гулдастали қиз
 Уқитувчи
 Марица – Цвийовичлар оқсочи
 Пиккало

Воқеа Белградда Цвийовичлар хонадонида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Живота Цвийович кабинети. Стол, темир шкаф, икки телефон – бири ички. Деворга жимжимадор рамка осиглик бўлиб, унга фалсафа доктори дипломи солиб қўйилган, дипломга думалоқ қутичага солинган катта муҳр лента билан боғланган.

1

Ж и в о т а (*очиқ шкафдан пул олади, сўнг столда ётган тўлов қоғозига қараб ҳар бири минг динордан бўлган учта банк билети ва майда пулларни санайди*). Мана олгин-у, бориб директорингга айт, бугундан эътиборан ҳеч қанақа тўлов қоғозини тан олмайман.

П и к к а л о (*пулларни олиб*). Хўп бўлади!

Ж и в о т а. Худди шундай деб айт: “Жаноб Живота тўлов қоғозини тан олмас экан, тўламас экан ҳам”.

П и к к а л о. Хизматингизга тайёрман! (*Чиқади.*)

2

Ж и в о т а (*тўлов қоғозларини тутамлаб, эшикка яқин бориб*). Марица, Марица!

М а р и ц а (*кириб, ним сукутдан сўнг*). Лаббай.

Ж и в о т а. Милорад уйдаими?

М а р и ц а. Ўғлингиз, жаноб, ҳали уйқуда.

Ж и в о т а. Уйқуда?.. (*Соатига қарайди.*) Чорак кам ўн бир.

М а р и ц а. Жаноб ўғил кечаси қайтдилар, жуда кеч.

Ж и в о т а. Шундай дегин-а?.. Бор, Марица, жаноб ўғилни уйғотиб, унга жаноб ота чақираяпти деб айт.

М а р и ц а. Мен қўрқаман... Жаноб Милорадда шундай бир одат бор, кимки уни уйғотса, этикми, шамдонми – қўлига илинган нарсани ирғитади.

Ж и в о т а. Наҳотки? Яхши одат экан!.. Ундай бўлса беканг Марани чақир.

М а р и ц а. Хўп бўлади! (*Чиқади.*)

М а р а (*сўлдан киради*). Оқсоч қиз айтди, мени чақирибсанми?

Ж и в о т а. Ёш хўжайин ҳамон уйқудами?

М а р а. Болакай ухляяпти, нима бўпти ухласа...

Ж и в о т а. Нима? Ҳеч нима... болакай ухляяпти, отаси бўлса унинг қарзларини тўлаяпти.

М а р а. Қандай қарз?

Ж и в о т а. Қандай? Мана, кара! (*Унга счётларни кўрсатади.*) Уч минг тўрт юз йигирма уч динор! Биласанми нимага сарф қилинган бу пуллар? Мана эшит: уч марта кечки овқат хос хоналарда! Сен қачон бўлмасин хос хонада овқатланганмисан?

М а р а. Наҳотки сен...

Ж и в о т а. Мен эмас!.. У овқатланган. Сен бир қарагин-а, кечки дастурхонини нималар билан безабди: шампанское, ликёр, коктейль, шампанское учун – икки минг уч юз динор, ликёр учун – ўн икки динор, коктейль учун – уч юз динор! Кўрдингми, сен эса ҳеч қачон коктейлдан татиб кўрганинг йўқ ва ҳатто билмайсан ҳам – у лимонадми ёки пироженое.

М а р а. Эҳ, ғалати замон бўлди. Йигитча дўстлари билан...

Ж и в о т а. Дўстлари билан бўлса кошкийди, йўқ. Таниш қизлари билан бўлгандаям бир нави эди. Танишлар билан эмас, яллагачи кумрилар билан бўлган!

М а р а. Қанақа кумрилар. Болакайни кимдир йўлдан урган кўринади, кумрилар эмиш!

Ж и в о т а. Буниси ҳам майли, ойналарни синдирганига бало борми?

М а р а. Ё худо, қанақа ойналар?

Ж и в о т а. Ойналар!.. Синган ойналар учун мен етти юз олтмиш динор тўладим. Бир ўзи синдирган бўлсаям гўргайди-я, бироқ кумрилар-чи! Ойнани кумрилар синдирсин-у, тўлайдиган мен. Ҳаммадан ҳам шуниси алам қилади!

М а р а. Кумриларинг нимаси?! Нима бўлди ўзи?

Ж и в о т а. Уч минг тўрт юз йигирма уч динор тўладим – мана нима бўлди. Хўп, майли кумрилар ҳам бўлсин дейлик. Бироқ ойналарни синдиришининг нима кераги бор эди?

М а р а (*хўрсиниб*). Ёшлик – бебошлик!

Ж и в о т а. Ёшлик? Қанақа ёшлик? Сен ёшлигингда ойна синдирган-мидинг? Йўқ! Мен ҳам синдирмаганман. Ахир биз ҳам ёш бўлганмиз-ку. Тушгача ухлайди – ёшлик, такасалтанг – ёшлик, ойна синдиради – ёшлик, қарз олади – ёшлик. Бир марта ёшлик қилгандаям майлийди, ахир уч кун олдин ҳам (*ғаладондан дафтарини олиб*) бир минг етти юз динор тўлаган эдим!.. Ўтган ой худди шунақа “ёшлик” учун – тўққиз минг олтмиш динор! Бунақа “ёшлик”лар қачонгача давом этади ахир!

М а р а. Менга нима? Сен ўйла, отасан.

Ж и в о т а. Ота!.. Ота!.. Бироқ мен қарзларни тўлаш учунгина отаман! Счётларга имзо чекишига бир қара, молия палатасидаги контролёрдай. “Жаноб фалончи – тўласин!..” Э йўқ, азизам, энди бундай давом этиши мумкин эмас!.. Бунга чек қўйиш керак!

М а р а. Тўлама, вассалом.

Ж и в о т а. Тўлама?! Тўлаш менга хуш ёқади деб ўйлайсан, шекилли? Нима қилай, обрўйини сақлашим керак, униқини бўлмаса ҳам дипломнинг обрўйини сақлашим керак. Фалсафа доктори ахир! Тасаввур қилгина, фалсафа докторини қарзини тўламагани учун қахвахонадан хайдаб чиқарсалар нима бўлади!

М а р а. Билмадим, уни фалсафа доктори қилишнинг нима ҳожати бор эди?

Ж и в о т а. Нима ҳожати бор?! Унинг фойдасини кўзлаб шу ишни қилдим. Дипломсиз ҳозир қаерга бош суқиб бўлади? Фалсафа бир нимага арзигани учунмас, мен уни бир чақага ҳам олмайман: яхши одам пулни қуруқ сафсатабозликка сарф қилмайди. Тушунсанг-чи, фалсафа билан ишим йўқ, бироқ мен ўғлимнинг исми олдида “Д-р!..” туришини иштайман.

М а р а. Ахир унга “д-р”нинг нима кераги бор?

Ж и в о т а. Нега кераги бўлмас экан?.. Думсиз товус товус бўлармиди? Ҳеч ким унга қарамасди. Товусни қўйиб турайлик, мана, масалан, мени ол! Ишладим, уруш, у-бу қилдим – бойидим. Нима зарур бўлса, ҳаммаси бор. Одамлар мени ҳурмат қилишади, ҳурмат қилишмайди демайман! Лекин агар номимнинг олдида бирон-бир “д-р” турган бўлганида борми, ана унда кўрардинг!..

М а р а. Сенга ҳали “д-р” ҳам керакми?

Ж и в о т а. Менга керак деяётганим йўқ. Мен қиларимни қилиб

бўлдим. Унга керак! Ёшларга ҳозир осон деб ўйлайсанми? Ўқишга укуви бўлгандаям бошқа гап эди, бироқ синфдан синфга қандай судралиб ўтганини ўзинг биласан-ку. Менга бу арзонга тушганмиди?

М а р а. Хўп, бўпти, ўтган ишга саловат – бола улғайди. Кўпам энагалик қилаверма.

Ж и в о т а. Улғайди, хўш, улғайган бўлса, нима бўпти? Ҳозир ақл эмас, унвонлар эшик очади!

М а р а. Илмга иштиёқи йўқ! Фалсафага яроксизман, мендан доктор чиқармиди, дейди.

Ж и в о т а. Нега энди файласуф бўлмас экан? Нега энди?.. Ҳозирги кунда мусикадан, молиядан, яна нима балолардан доктор бўлганлар озми? Улардан зиғирча фойда йўқ. Бироқ даражалари бор, шунинг ўзи кифоя.

М а р а. Ахир беҳи нимада ўсишини билмаган одам қандай қилиб фалсафа доктори бўла олади?

Ж и в о т а. Нима, файласуф бўлиш учун ниманидир билиш керакми? Ким ҳақиқий файласуф бўлса, у дипломсиз ҳам файласуф.

М а р а. Шундайку-я, лекин бу бошқа фалсафа. Фалсафа доктори эса бутунлай бошқа гап.

Ж и в о т а. Бошқа гап!.. Унда бори фақат докторлик дипломи холос, имтиҳонларни эса унинг учун мана бу кассадан мен топширдим.

4

Н и к о л и ч (*кириб*). Кечирасиз, телеграмма.

Ж и в о т а. Қаердан?

Н и к о л и ч. Чет элдан.

Ж и в о т а. Будапештданми?

Н и к о л и ч. Йўқ. Телеграмма ўғлингизга.

Ж и в о т а (*Марага*). Мана кўрасан, яна биронта счёт бўлса керак. (*Николичга*.) Очинг, у учун мен ўқий қоламан.

М а р а. Болакай хафа бўлмасмикан?

Ж и в о т а. Хафа бўлмасмикан!.. Ахир мен тўлайман-ку. (*Николичга*.) Оч!

Н и к о л и ч (*телеграммани очиб қарайди*). Швейцариядан, Фрейбург шаҳридан.

Ж и в о т а. Фрейбургдан? Кимдан экан?

Н и к о л и ч. Профессор, д-р Райсердан.

Ж и в о т а. Кимлигини Худо биледи.

Н и к о л и ч (*олдин ичида, сўнг овоз чиқариб ўқийди*). “Афинага сафарга чикдим, биринчи экспресс билан Белград орқали ўтаман. Пойтахтингизда бир-икки кун тўхтаб ўтиш ҳақидаги таклифингизни қабул қиламан”.

Ж и в о т а. Ана халос, энди меҳмон таклиф этибди... (*Марага*.) Бориб уйғот уни, хозироқ бу ерга келсин.

(*Мара чиқади*.)

5

Ж и в о т а. Биржага кимдир кетдимми?

Н и к о л и ч. Жаноб Данч.

Ж и в о т а. “Адор А.Д.” фирмасига эслатиб қўйинглар, бугун иккинчи кун курс пастга тушаяпти.

Н и к о л и ч. Мен аллақачон эслатдим.
 Ж и в о т а. Яна нимаиди... ҳеч нима, мен ҳозир тушаман.
 (Николич чиқади.)

6

(Милорад киради, уйқуга тўймаган, устидан инак тижсама. Унинг ортидан Мара киради.)

Ж и в о т а. Хўш, уйғондингми?

М и л о р а д. Ҳа.

Ж и в о т а. Сенга телеграмма.

М и л о р а д. Мени шу учун уйғотдингларми?

Ж и в о т а. Мен қайдан билай, балки бу сен учун жуда муҳимдир.
 Қандайдир профессор Райсер телеграмма юборибди.

М и л о р а д. Бу исмни биринчи эшитишим.

Ж и в о т а. Ахир у сенинг таклифингга жавоб бераяпти-ку!..

М и л о р а д. Менинг таклифимга?.. Телеграмма Фрейбургдан эмасми?

Ж и в о т а. Ҳа!

М и л о р а д. У ҳолда нега ҳайрон бўласиз?.. Велимирингизни чақиринг, бу телеграмма унга.

Ж и в о т а (эсига тушиб). Ҳа-я, тўғри!.. Хаёлимга келмаганини қара.

М а р а. Ана кўрдингми, сен бўлсанг болага ўшқириб юрибсан.

Ж и в о т а (ички телефон гўшагини олиб). Бу сизми, жаноб Николич?
 Хизматкорни Негоша кўчасига юборинг, уй номери 37, иккинчи қават...
 у билади, бориб юрган... Велимир Павловични, ҳалиги менинг олдим-
 га тез-тез келиб турадиган йигитни топсин. Ҳозироқ чақириб келсин.
 (Гўшакни қўяди.)

М и л о р а д (кетмоқчи бўлади). Нимага мени уйғотишди?!

Ж и в о т а. Шошма, мен сен билан гаплашмоқчиман... Хўп, айталик,
 телеграмма сенга эмас, бироқ мана буларни ҳам менга эмас, деёлмасан.
 (Счётларни беради. Милорад уларни кўриб чиқади.) Уч минг тўрт юз
 йигирма уч динор!.. Агар кечаси билан ичиб, ойналарни синдирмаган-
 нингда, шунчага тушмасдинг.

М и л о р а д. Во ажаб, мана бу мўъжизани қаранг!

Ж и в о т а. Мана бу мўъжизани қаранг!.. Бу сенинг имзонгми?

М и л о р а д. Меники.

Ж и в о т а. Д-р Милорад Цвийович!.. Наҳотки мен сени майхона
 счётларига имзо чекиш учун доктор қилган бўлсам-а?

М и л о р а д. Бошқа нимага қўл қўяй бўлмаса?..

Ж и в о т а. Докторга, тагин фалсафа докторига майхона счётларига
 имзо чекиш ярашадими ахир?

М и л о р а д. Докторларгина майхоналарни таъминлаб туришади-да,
 сенга ўхшаганларни кутиб ўтирса борми...

Ж и в о т а. Бас қил! (Марага.) Эшитаяпсанми? Ахир сен унча-мунча
 доктормас, фалсафа докторисан, буни тушунасанми ўзинг?

М и л о р а д. Нимасини тушунай?.. Имзо чекишга ҳаққим бўлмаса,
 докторлик унвонингизни бошимга ураманми?

Ж и в о т а. Бошингга урасанми? Сени одам бўлсин деймиз, тушун-
 дингми? Мен мана бу қуруқ рамка учун пул сарф қилганим йўқ-ку.

М и л о р а д. Дипломларинг билан менга нукул нохушлик келтира-
 япсизлар. Бундай қилма, ундай қилма!..

М а р а. Болакай ҳақ гапни айтди. Қандайдир бир “д-р”ни деб яшамасинми?

Ж и в о т а. Ҳимоя қил-а! Ҳимоя!.. “Болакай”миш?.. Мана шу болакай 3700 динорли ойналарни ямламай ютди. Диплом ҳам халақит бермабди.

М и л о р а д. Бу ўринда, балки халақит бермагандир. Бироқ сиз мени нокулай аҳволга солиб қўяётганингиз халақит бераяпти.

Ж и в о т а. Биз уни нокулай аҳволга солиб қўйибмиз! У кумрилар билан ялло қилиб юрибди-ю, биз уни нокулай аҳволга солиб қўйибмиз!

М и л о р а д. Кумрилар ўз йўлига. Уларни деб ҳеч ким менинг устимдан кулмайди. Бошқа гап бор. Сиз Велимирга менинг номимдан “Тасаввурнинг динамик механизми...” деган мақола чиқариш учун пул бердингиз. Яқинда кўчада мени профессор Радославлевич кўриб табриклади: “Аъло, аъло, фақат ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сиз, асосан Фрейд Адлер назариясига таянгансиз”. Мен унга “Таяндим”, деб жавоб бердим. Бошқа нима ҳам дея олардим? Нимага таянганимни мен қаердан билай? Айтинг-чи, бу ҳаммаси нега керак?

Ж и в о т а. Нега? Менда режалар бор, қимматли ўғилгинам! Ҳар кимнинг ўз режаси бўлиши шарт, ҳамиша нимагадир интилиш керак. Сен, масалан...

М и л о р а д. Мен, масалан, ҳеч нимага интилмайман.

Ж и в о т а (*Марага*). Эшитяпсанми? Наҳотки, ўғилгинам, сенда ҳеч қандай мақсад бўлмаса?

М и л о р а д. Бор – меросга эга бўлиш!

Ж и в о т а. Эшитаяпсанми, қандай мақсадни кўзлаганини?.. Кўзим учиб турувди. Йўқ, сени одам қиламан, ўз хоҳишинг билан бўлмасанг, мажбур қиламан. Менинг режаларим бор!

М и л о р а д. Режалар? Сенга битта “д-р” камлик қилдимми?

Ж и в о т а. Бу ҳали бошланиши. Сен бир йил ичида университет доценти бўлишинг керак.

М а р а. Хўп, майли, ўғлим, бу яхши!

М и л о р а д. Қанақа доцент? Университет доценти! Манави диплом сенга камлик қиладими?

Ж и в о т а. Диплом – бу ҳали ҳеч гапмас, аллақандай телба ҳам дипломли бўлиши мумкин.

М и л о р а д. Ҳар қалай, маъруза ўқишга юбормассан? Икки оғиз сўзни бир-бирига улай олмайман-у, маъруза ўқишнинг уддасидан чиқармидим!..

Ж и в о т а. Доцентлик сенга лекция ўқиш учун эмас, олий насаб кишиларнинг даврасига қўшилиш учун керак. Мен сени премьер-министрга куёв қиламан. Шу мақсадда сенга диплом сотиб олиб бергандим, энди тушундингми?

М и л о р а д. Эҳтимол.

М а р а. Болагинам, Милчо, отангга кулоқ сол!

М и л о р а д. Эҳтимол... (*Кулади.*)

Ж и в о т а. Нимага кулаяпсан?

М и л о р а д. Ахир премьер-министрнинг қизи йўқ-ку!

Ж и в о т а. Йўқ бўлса – ҳозир йўқдир. Шунга нима бўпти. Бир-икки йилда учта премьер алмашади. Шуларнинг орасида қизи бори ҳам чиқиб қолар.

М и л о р а д. Дада, ўтиниб сўрайман, режаларингга аралаштирмай, мени тинч қўй. Мендан қанақасига университет доценти чиқсин?

Ўзинг яхши биласанки, мен ҳеч қачон фалсафа доктори бўлмаганман, бўлмайман ҳам.

Ж и в о т а. Нима учун?

М и л о р а д. Шунинг учунки, мен олим бўлиш учун туғилмаганман!

Ж и в о т а. Туғилмагансан?.. Нима, ҳамма докторлар олим бўптими! Агар сен одамлар онадан бири – генерал, иккинчиси – ҳоким, учинчиси – кози бўлиб тайёргина туғилади деб ўйласанг, янглишасан. Аксинча! Фонусчи бўлиб туғилган профессор бўлиши, тракторчи – рассом бўлиши, балерина бўлиб туғилган архимандрит¹, қароқчининг ўғли министр бўлиши мумкин! Мана ҳаётда нималар бўлиши мумкин, жаноб.

М и л о р а д. Шундай бўлса бордир, бироқ менга қолса, яхшиси, режаларингга мени аралаштирмаганинг маъқул!

Ж и в о т а. Режаларингга аралаштирма-ю, қарзларимни тўлайвер, шундайми?

7

М а р и ц а (*кириб*). Жаноб Живота, сизни иккита хоним кутаяпти.

Ж и в о т а (*Марага*). Сенинг қариндошларинг бўлса керак. Бор, улар билан ўзинг шуғуллан.

М а р а. Билмасам...

М а р и ц а. Йўқ, улар жаноб Цвийовични кўришмоқчи.

Ж и в о т а. У ҳолда хонимлар мана бу жанобга келишган (*Милорадни кўрсатади*).

М и л о р а д. Хонимлар мени уйга қидириб келишмайди.

Ж и в о т а. Биламан, сени улар ойналарни синдириш мумкин бўлган жойлардан топишади!.. Балки яна бирон-бир сўёт олиб келишгандир!

М и л о р а д (*аччиқланиб*). Уларнинг бу ерда қиладиган ишлари йўқ! (*Чиқади*.)

М а р а. Менга қара, Живота, сен ошириб юбораяпсан, яхши эмас! Бунчалар бағритош бўлмасанг. (*Чиқади*.)

Ж и в о т а. Бор, бор, овут уни, агар шунчалар раҳминг келаётган бўлса. (*Марицага*.) Хонимлар кира қолсин.

(*Марица чиқади*.)

8

П р о т и ч в а С п а с о е в и ч (*кириб*). Биз, жаноб Цвийович, 9-етимхона бошқармаси кенгашининг аъзоларимиз. Мазкур етимхона...

Ж и в о т а. Пардон, марҳамат қилиб ўтирсинлар!

Х о н и м л а р. Биз, ҳурматли жаноб, 9-етимхона бошқармаси кенгашининг аъзоларимиз. Бошқармамиз мамлакатимиздаги бошқа муҳим муассасалар сингари, ҳеч қандай маблағга эга эмас ва фақат ихтиёрий хайр-эҳсонлар ҳисобига яшаб келади.

Ж и в о т а. Мен сиздан сўрардимки... Менда нима ишингиз бор ўзи, ҳеч тушунолмаёпман.

П р о т и ч. Тўхтанг, Спасоевич хоним, рухсатингиз билан мен тушунтирсам.

С п а с о е в и ч. Марҳамат.

П р о т и ч. Саховатли ҳазрат, биз 9-етимхона бошқармаси кенгашининг аъзолари... бу шундай бир муҳим муассасаки...

¹ Архимандрит – монастирь бошлиғи.

С п а с о е в и ч (*унинг сўзини бўлиб*). ...мутлако ўз маблағига эга эмас.

П р о т и ч. ...ва фақат ихтиёрий хайр-эҳсонлар ҳисобига яшаб келади...

С п а с о е в и ч. Сиз энг ҳурматли, саҳий қалб фуқаро сифатида...

Ж и в о т а. Тушундим, сиз ихтиёрий хайр-эҳсон учун келгансиз... Фақат сизга шуни айтишга ижозат берсангиз: бунақа ихтиёрий хайр-эҳсонлардан бутунлай гангиб қолдим. Бировлар етимхонага ёрдам сўраса, бошқалар ишратхонага ёрдам сўрайди, кимлардир бузилган қизлар учун ёрдам изласа, бошқаси ҳали бузилмаган қизлар учун кўмак сўрайди. Ҳаммаси алкаш-чалкаш бўлиб кетди...

Х о н и м л а р. Тўғри, бироқ ҳозир гап ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида ижтимоий ҳақиқат йўлида кўпгина яхши натижаларга эришган, бир талай бечора болакайларни ўз бағрига олган, уларнинг ота-оналарини хотиржам қилган, қанчадан-қанча бахтсиз оналарни ташвишдан қутқарган ягона бир муассаса устида кетаяпти.

Ж и в о т а. Ҳа, ҳа, тушунаман. Бош тортаётганим йўқ, қўлимдан келганича ёрдам берарман... Бироқ, чамамда, ихтиёрий хайр-эҳсонлардан фойда оз, каттароқ фойдани кўзлаш керак. Айтайлик, бирорта олимларимиздан етимхонангиз фойдасига маъруза қилиб беришни илтимос қилинса, яхши бўлармиди.

П р о т и ч. Бу унчалик осонмас, жаноб Цвийович. Ҳозир маърузаларни кимлар ўқимайди дейсиз – пуллик ҳам, бепул ҳам.

Ж и в о т а. Мен сизга бирон таниқли олим бўлса деяпман.

С п а с о е в и ч. Агар таниқли олим бўлса, шундай қалам ҳақи талаб қиладики, тўплаган пулларни унга бериб, ўзимиз тагин қуруқ қолаверамиз. Бу унчалик осонмас!

Ж и в о т а. Мен сизга осон, деяётганим йўқ, бироқ мақсаднинг улуғлигини қаранг. Мен кимдир топилишига ишонаман. Мана, масалан, менинг ўғлим, фалсафа доктори. Ёш, тиришқоқ... мана катта рамкада унинг дипломиям турибди. Аъло баҳолар билан ўқиган. Мен бу ҳақда сира ҳам гапирмайман, чунки у менинг ўғлим, лекин, ишонтириб айтаманки, у биринчи даражали файласуфлардан – буни ҳамма билади. Тунлари мижжа қоқмай файласуфлик қилиб чиқади. Билмадим, унинг динамика ҳақидаги сўнгги мақоласини ўқидингларми, йўқми. Бу – мақола эмас, сенсация! Давлат университетидаги профессор Радославлевич шу кунгача хайратдан ўзига келолмайди. Мен ҳам файласуфман, бироқ Животанинг ўғли! – ана уни чинакам файласуф деса бўлади, деб юрибди. Фақат угинамас, академиклар, олимлар, арбоблар, университетлар, факультетлар, деканатлар, ректоратлар... ҳамма-ҳаммаси хайратда! Бир-икки кун ичида бир кучоқ хат келди... Мана охирги хат (*счётларни кўрсатиб*), унда ёзилишича, олимни рағбатлантириш учун уч минг тўрт юз йигирма уч динор тўплашибди...

Х о н и м л а р. У рози бўлармикан?

Ж и в о т а. У бир оз дағал ва қизиққон. Бироқ бундай мақсад учун... Фақат, илтимос, бу фикр мендан чиққанини билмасин.

П р о т и ч. Бўлмасам-чи!

С п а с о е в и ч. Жаноб доктор шу ердами?

Ж и в о т а. Шу ерда, аммо...

П р о т и ч. Унда ҳозироқ у билан гаплашиб кўрсак бўлмасмикан?

Ж и в о т а. Йўқ, ҳозир у илмга шўнғиб кетган... Кеча тунда бошлаганича ҳамон бошини кўтаргани йўқ. Катта асар устида ишляпти, яна динамика ҳақида бўлса керак. Ишлаётган пайтида халақит беришларини ёқтирмайди...

Протич. Нима маслаҳат берасиз бўлмасам? Нима қилайлик?
Живота. Жамиятингиз номидан унга маъруза ўқиб беришини сўраб бир энлик хат ёзинг.

Хонимлар. О, албатта, бажонидил!

Живота. Менга келганда (*шкафдан пул олиб*), мана шу юз динорни қабул қилсангиз. Яхши кунларда...

Хонимлар. Беҳад миннатдормиз!

Живота. Миннатдорчилик шартмас. Мен буни чин юракдан бераяпман, шу сабабли миннатдорчиликнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу ҳақда газетага ёзишингиз мумкин, мен учунмас, бошқаларга ўрнатқилсин деб.

Хонимлар. О, албатта, шундай қиламиз.

Протич. Демак, жаноб докторга хат ёзайлик?

Живота. Ҳа, қанча тез бўлса, шунча яхши.

Спасоевич. Бугуноқ юборамиз.

Живота. Дарҳол ёзиб юборинг, қолган ишларни ўзим боплайман.

Хонимлар. Ташаккур сизга. Хайр! (*Кетишади.*)

Живота (*уларни эшиккача кузатиб*). Хайр. Мана кўрасиз, маъруза сенсация бўлади. Хайр.

9

Живота (*ўз ишидан мамнун ҳолда қўлларини ишқалайди ва ички телефонда гаплашади*). Алло! Жаноб Николич! Нима? Нима? Жаноб Данч биржадан келди? А? Наҳотки? Унақада қатта зарар кўрамыз-ку!.. Бўлади, бўлмайди деяётганим йўқ, аммо... Жаноб Данч кутилмаганда акцияларнинг пасайиб кетиши ҳақида нима дейди? Ҳа, ҳа, ҳозир пастга тушаман... (*Гўшакни жойига қўйиб, сўл томондаги эшикка боради.*) Славка! Славка! (*Кимгадир.*) Сени эмас. Славка қаерда, уни чақир! (*Стол ёнига келиб, шкафни қулфлайди.*)

10

Славка (*кириб*). Дада, мени чақирдингми?

Живота. Будапештдан гумаштам телефон қилиши керак эди, маҳкамада гаплашиб бўлмайди. Пастга тушишим зарур бўлиб қолди. Телефон олдида кутиб турсанг, кўнғироқ бўлиши билан мени чақирасан.

Славка. Китобимни олиб чиқай бўлмаса.

Живота. Олиб чиқ! (*Уни ўпади.*) Сен менинг энг азиз котибамсан. (*Чиқади.*)

11

(*Славка сўл томонга чиқиши билан Велимир кириб, эшик ёнида тўхтаб қолади.*)

Славка (*китоб олиб қайтиб чиқади. Ажабланиб*). О!..

Велимир. Салом!

Славка. Қандай шамол учирди?

Велимир. Отангиз чақиртирди.

Славка. Бўлмасам-чи, акс ҳолда бизникига ташриф буюриш хаёлингизга ҳам келмасди.

Велимир. Тан оламан, ўзимни оқлашга асосим йўқ.

С л а в к а. Демак, бу эътиборсизлик эмас, балки совуққонлик экан-да.
В е л и м и р. Нотўғри!

С л а в к а. Илгари акамнинг мактабдош ўртоғи сифатида бизни кига дам-бадам келардингиз ва мен билан дўст эдингиз. Лоақал болалик хотиралари сизни хонадонимизга боғлаши керак эди...

В е л и м и р. Ишонинг менга, ўша дамларни зўр қувонч билан эслайман.

С л а в к а. Биласизми, мен сизнинг бир ошиқона мактубингизни шу пайтгача сақлаб келаман. Мен ўшанда учинчи синфда, сиз олтинчида эдингиз.

В е л и м и р. Ўтиниб сўрайман, сақламанг... уяламан...

С л а в к а. Шундай денг? Совуққонлигингизни энди тушунаёпман. Сиз менга севги изҳор қилганингиздан уялиб юрибсиз.

В е л и м и р. Йўғ-ей, ундоқ эмас. Ким билсин, ўша хатда аллақанча грамматик хатолар бордир.

С л а в к а. Муҳаббат ҳеч қачон грамматика билан ҳисоблашмайди. Аксинча, грамматика қанчалик бўш бўлса, шунчалик ҳиссиёт кучли бўлади. Бироқ агар сизни шунчалик безовта қилаётган бўлса, хатоларини тузатишингиз учун хатни сизга бериб туришим мумкин.

В е л и м и р. Беринг, беринг, хатоларини тузатаман.

С л а в к а. Балки сиз ундаги ҳиссиётларингизни ҳам тузатишни истаб қоларсиз?

В е л и м и р. Нега энди?

С л а в к а. Лекин... сиз унга тузатиш киритиб бўлдингиз. Ҳаммамиздан узоқлашиб кетдингиз...

В е л и м и р. Йўқ, асло, сизга шундай туюлаётгандир, ишонинг!

С л а в к а. Акам билан дўстлашмай қўйдингиз.

В е л и м и р. Чунки у менга тўғри келмайдиган доираларда ўралашиб юради.

С л а в к а. Мен билан ҳам... дўстлигимизни унутдингиз.

В е л и м и р. Оҳ, қанийди шу дўстликка қайта олсам, нақадар бахтли бўлардим.

С л а в к а. Сизни нима тутиб турибди?

В е л и м и р. Вазият... Ҳаётда истаганингдек бўлавермас экан.

С л а в к а. Тушунмадим?

В е л и м и р. Тўғри, мен унчалик тушунарли гапиролмадим. Мен, умуман, тушунарли сўзлашни билмайман.

С л а в к а. Тушунарлими ёки самимийми?

В е л и м и р. Сиз менинг самимийлигимга шубҳа қиляпсизми?

С л а в к а. Ҳа, асосим ҳам бор. Бу уйда нимадир содир бўлди, мендан эса беркитишяпти, бироқ мен бунга сезаяпман. Эшикларни беркитиб олиб, шивирлашишади, ҳар хил сирли суҳбатлар. Дадам сизни дам-бадам йўқлаб туради.

В е л и м и р. Ҳа, бироқ бунда ҳеч қандай сир йўқ. Отангиз немисча, французча хатлар олиб туради, уларни маҳкамага беришни истамайди.

С л а в к а. Сиз уларни таржима қилиб берасизми?

В е л и м и р. Отангиз менга кўп яхшиликлар қилганини биласиз. Мен қўлимдан келганча унинг хизматини қилишим шарт.

С л а в к а (*ишонмай*). Барибир унчалик ҳам самимий эмаслигингизни сезиб турибман.

12

Ж и в о т а. Ҳа, келдингми?

В е л и м и р. Сиз мени йўкладингизми?

Ж и в о т а. Ҳа, йўкладим. (*Славкага.*) Қўнғироқ қилишмадими?

С л а в к а. Йўқ.

Ж и в о т а (*уни эркалаб*). Ўқидингми?

С л а в к а. Йўқ! Жаноб Павлович менинг кўнглимни ёзиб ўтирди, гарчи у бугун жуда зерикарли бўлса ҳам.

Ж и в о т а. Яхши, жонгинам, энди бизни ёлғиз қўй, мен жаноб Павлович билан юзма-юз баъзи нарсаларни гаплашиб олишим керак.

С л а в к а (*чертиб*). Ҳа, албатта! Юзма-юз! (*Чиқади.*)

13

Ж и в о т а (*ёлғиз қолишгач*). Бу қандоқ бўлди-а, биродар?

В е л и м и р. Нима?

Ж и в о т а (*бояги телеграммани бериб*). Мана бу.

В е л и м и р (*имзога қараб*). Д-р Райсер!

Ж и в о т а. Бу ким бўлди?

В е л и м и р. Д-р Райсерми?.. Фрейбург университетининг профессори. Машҳур шарқшунос. Қатор шарқ тилларини, славянлардан – серб ва чех тилини билади, унинг лекцияларини эшитиш учун бошқа таниқли университетлардан ҳам келишади. У – монументал ишлар муаллифи. Мен унинг талабаси бўлмасам-да, маърузаларига муттасил қатнардим. Кейин дўст бўлиб қолдик.

Ж и в о т а. Мен сендан кимда, нимани ўқиганингни сўраётганим йўқ, мана бу телеграмма қаердан ва у нимага менинг ўғлимга келади?

В е л и м и р (*адресига қараб*). Хўш, нима бўпти?

Ж и в о т а. У билан сен дўстлашган экансан, нега энди телеграммани сенга юбормайди?

В е л и м и р. Ахир, жаноб Живота, сиз яхши биласизки, мен Фрейбургда ўғлингизнинг номи билан ўқиганман: профессор ҳам, бошқалар ҳам мени шу ном билан аташган.

Ж и в о т а (*тушуниб*). Хўп, майли, шундай ҳам бўлсин, аммо ўша монументал профессорга Белградда пишириб қўйибдими? Нега уни таклиф қиласан, менга шуни айт-чи!

В е л и м и р. Афинага боришда йўл-йўлакай бир-икки кун бизникига кириб ўтаман деган эди.

Ж и в о т а. Бизникига? Бизникида нимасини йўқотибди? Бизникига-мас, сеникига-а – шундай демокчимисан?

В е л и м и р. Ҳа, у меникига келади, бироқ сизникига деса ҳам бўлади.

Ж и в о т а. Нега энди меникига бўларкан?

В е л и м и р. Чунки унинг учун мен сизнинг ўғлингизман. Эҳтимол, у менинг ота-онам қошига ташриф буюришни истаб қолар. Мен унга сиз ва сизнинг менга бўлган меҳрингиз тўғрисида жуда кўп гапирганман.

Ж и в о т а. Бунақа бемаъни сафсатанинг нима кераги бор эди?

В е л и м и р. Ноилож эдим: у менга кўп мурувват кўрсатди, тез-тез уйига таклиф қилиб, баъзида тушлик ёки кечки овқатга олиб қоларди.

Ж и в о т а. Уни таклиф қилишингиз керак демокчимисан?

В е л и м и р. Худди шундай.

Ж и в о т а. Боз устига ўзимни отанг қилиб кўрсатишим керак, шунақаи? Ўзи шу етмай турувди менга! Расво қилдинг, йигитча, расво.

В е л и м и р. Сизни қанчалик кўнгилсиз аҳволга солиб қўйганимни ўзим ҳам кўриб турибман, бироқ бошқа иложим йўқ эди. Одоб шуни тақозо қиларди.

Ж и в о т а. Одоб юзасидан таклиф қилган экансан, одоб юзасидан кутиб олавер-да энди уни ўзинг.

В е л и м и р. Тўғрику-я, бироқ у мени бой ўғли деб билади-да.

Ж и в о т а. Ким бой ўғли?

В е л и м и р. Мен.

Ж и в о т а. Ахир сенинг отанг билим юртида хат ташувчи-ку.

В е л и м и р. Аммо мен у отамнимас, сизни айтаяпман.

Ж и в о т а. Нега сен ҳадеб мени бу ишга аралаштирмоқчи бўласан?

В е л и м и р. Шунинг учунки, эҳтимол, экипаж олишга, бирон-бир экскурсиями, ким билсин, зиёфат қилишгами чиқимдор бўлишга тўғри келиб қолар.

Ж и в о т а. Яна бошланди, яна харажат. Профессорингнинг ойна синдириш одати йўқмикан?

В е л и м и р. Сизга ташвиш орттирганимдан ўзим ҳам хижолатдаман, лекин...

Ж и в о т а. Битгаси одоб юзасидан ойна синдиради, тўлаш эса мендан. Иккинчиси одоб юзасидан алломани таклиф қилади – яна тўлаш мендан. Бундай давом этиши мумкин эмас!.. Мен сенга бир оз пул ишлаб олишга ёрдам бераман, сўнг ўз пулингга уни кутиб олаверасан.

В е л и м и р. Жуда соз!..

Ж и в о т а. Менга маъруза керак, ёзиб берсанг, харажатиנגга яраша-сини ишлаб оласан.

В е л и м и р. Сизга? Қанақа маъруза?

Ж и в о т а. Менга эмас, Милорадга. Юқори табақа хонимлари уни маъруза ўқишга таклиф этишди.

В е л и м и р. У рози бўлдим?

Ж и в о т а. У эмас, мен рози бўлдим; албатта, сенга ишониб.

В е л и м и р. Қачонга керак?

Ж и в о т а. Иложи борича тезроқ.

В е л и м и р. Худди шу бугун бир ишни бошлаган эдим.

Ж и в о т а. Ундай бўлса, бориб ўшани тезда тамомла.

В е л и м и р. Яхши, тамомлайман, эрта эрталаб Райсер келади.

Ж и в о т а. Бу тўғрида ҳали гаплашамиз, вақт бор. Сен маърузани ёзиб тугатсанг бас.

В е л и м и р. Бўпти, хайр.

Ж и в о т а. Хайр. *(Чиқади.)*

14

(Благое кириш олдиди Велимир билан тўқнаш келади.)

Ж и в о т а *(Благоени кўриб)*. Қайга йўқолдинг, бандаи гумроҳ? Кўринмайсан... Шунча вақт...

Б л а г о е. Ўзинг иш буюрасан-у, тагин қаерда юрибсан, деганинг нимаси? Профессорнинг қошида эдим.

Ж и в о т а. Ўша профессорнинг-а?

Б л а г о е. Ҳа, сен билан ҳозир гаплашиб тургандай гаплашдим.

Ж и в о т а. Хўш?

Б л а г о е. Ҳаммасини бир бошдан айтиб берай... Таклиф қилди, кирдим, ўтирдим. Эҳ, биродар, нима десанг дегин-у, профессорнинг креслосиям чакки эмас экан. Ўтирдим-у, ўзимни профессордай ҳис қилдим.

Ж и в о т а. Сендан буни сўраётганим йўқ. Менга айт-чи, нима ҳақда гаплашдинглар?

Б л а г о е. Нима деган бўлсанг, худди шундай дедим. Жаноб профессор, дедим, менинг қариндошим Живота Цвийович бой одам. Худо унга ҳамма нарса берган. Шундай бўлса ҳам у илм-фан ва унинг намояндалари кадрига етади.

Ж и в о т а. Шундай, кейин-чи?

Б л а г о е. Шу сабабли, дедим, у тирик экан, фан учун бир нима қилиш ниятида. Мана мени ҳам олдингизга юборди, шунинг учунки, сизнинг ҳамиша янги, улкан ишларга бош бўлиб келганингизни эшитган ва...

Ж и в о т а. Унга бир нима ваъда қилиб қўймадингми?

Б л а г о е. Усталик билан қутулдим. “Университетимизда талабалар ошхонаси бор. Қариндошингиз ёрдам қўлини чўзса яхши бўларди”, – деб қолса бўладими.

Ж и в о т а. Пул совурадиган аҳмоқ йўқ.

Б л а г о е. Мен унга ҳалигидай олимона жавоб қилдим: ошхона ўткинчи нарса, жаноб профессор, агар қариндошим ёрдам берса-ю, идиш-товоқ олишса, синдириб қўяди, озиқ-овқат олишса – талабалар еб қўйишади, қариндошим эса унинг хотирасини ямлаб қўйишларини истамайди.

Ж и в о т а. Ақлли жавоб берибсан.

Б л а г о е. Хўш, кейин ошхоналар, нарх-наво ҳақида гап кетди.

Ж и в о т а. Ҳой, мен сени гап сотгин деб юборганмидим?

Б л а г о е. Сабр қил бир оз. Бу гап аччиқ ичакдай чўзилишига кўзим етгач, усталик билан уни буриб юбордим. Профессор ҳаяжонланиб памилдорининг қимматлашиб кетганини гапириб турган бир пайтда, уни бўлиб мавзуни ўзгартирдим. Ҳа, профессор, дедим, тан олиш керакки, памилдори қиммат, бироқ, назаримда, черепица ундан ҳам қимматроқ... Биргина сиз, жаноб профессор, уйсиз қолдингиз, дедим. Барча профессорлар – ким вилла, ким уй қуриб олишди, фақат сиз шу пайтгача уйингизнинг томини ёпиб ололмаяпсиз, дедим.

Ж и в о т а. А-ҳа, шундай. Хўш, у нима деди?

Б л а г о е. “Архитектор панд берди, – деди. – Юз сўм деб ҳисоблаган нарсасига икки юз сўм кетди. Натижада пул етмади”. Буни қаранг-а, шундай олим. Мумкин эмас! Шунча мухлисларингиз бўлса... дедим. “Отинг қанча улуғ бўлса, чўнтагинг шунча қуруқ бўларкан, – деди. – Томи қолди, ўн-ўн беш минг динор бўлганда эди...”

Ж и в о т а. Худди шундай – ўн-ўн беш минг динор дедими-а?

Б л а г о е. Арзимас нарса экан, шунча пулни қариндошим жаноб Цвийович бериб туриши мумкин... қарзи фоизсиз, дедим.

Ж и в о т а. А-ҳа! У-чи?

Б л а г о е. Ажабланди. “Нимага? Мен у билан ақалли таниш бўлмасам...” Шундай деган заҳоти, тушундимки, мақсадни очиш керак. Жаноб профессор, дедим мен, фалсафа факультетида иккита бўш доцентлик ўрни бор экан, жаноб Цвийовичнинг ўғли эса – фалсафа доктори. Шундай деганимни биламан...

Ж и в о т а (қизиқиб). Хўш, у нима деди?

Б л а г о е. Ҳеч нима, биз бошқа гаплашмадик.

Ж и в о т а. Нега энди?

Б л а г о е. Шундоқ... Ҳалигидай деганимни биламан, ёкамдан гип бўғиб, кабинетидан чиқариб ташлади... “Мен, оғайни, – дейди, – университет профессориман, шунинг учун сотилмайман!”

Ж и в о т а. Аҳмоқ!

Б л а г о е. Ким?

Ж и в о т а. Ким бўларди! Ўша... Аҳмоқ бўлмаса профессор бўлармиди.

Б л а г о е. Университет зинасидан тушиб келарканман, ўйладим... Ростини айтайми, биз жиндай оширганга ўхшаймиз... Ҳар ҳолда профессорлик ўрни мол эмаски, сотилса!

Ж и в о т а. Сотилмайдими? Профессор креслосида жиндай ўтириб, сен ҳам ақлдан озган кўринасан...

Б л а г о е. Билмадим.

Ж и в о т а. Билмасанг, жим ўтир!.. Сотилмас эмиш! Ҳозир ҳамма нарса сотилади! (*Шкафдан идора дафтарини олади.*) Пулинг бўлса, истаган нарсангни сотиб оласан. Мана кўряпсанми? (*Тилхатларни кўрсатади.*) Ўн минг динорга бир кишининг виждонини сотиб олдим.

Б л а г о е. Қандай виждонни?

Ж и в о т а. Одам виждонини, мана. Қиммат тўлабсан демоқчимисан? Тўғри, қиммат. Биржада ноёб молгина ўтади. Виждон – ноёб мол эмаски, қиммат турса.

Б л а г о е. Агар бу жихатдан қараганда... балки...

Ж и в о т а. Мен бунга ҳаётий кўз билан қарайман, кимки профессорча қараса, кўряпсанми, олти минг динорга номус сотиб олинган...

Б л а г о е. Қаранг-а, номуснинг қиммати шугина экан-да.

Ж и в о т а. Сарик чақа. Дўкондаги модаси эскирган молдай гап.

Б л а г о е. Ҳа, дарвоқе.

Ж и в о т а. Номус! Мана яна бир тилхат. Буни уч минг етти юз динорга сотиб олдим. Унча-мунча эмас, қиз номуси бу!..

Б л а г о е. Қўйсанг-чи, биродар, сенинг ёшингда-я?

Ж и в о т а. Мен?.. Йўқ, менинг фалсафа докторим...

Б л а г о е. Буларнинг ҳаммасиям шунақа тилхатлар дегин?

Ж и в о т а. Ҳа, ҳозир номус, виждон, муҳаббат, мансаб, дўстлик, маслак... – ҳамма-ҳаммаси сотилади, биродар! Профессоринг бўлса ўз овозини сотишдан кўрқиб юрибди. Ҳозир университет – мана! (*Кассани кўрсатади.*)

Б л а г о е. Дарвоқе, шундай.

Ж и в о т а. Бўпти, уни қўйиб тур. Профессор анқонинг уруғи эмас. Бошқасини топамиз... Ҳалиги нарсани аниқладингми?

Б л а г о е. Ҳа.

Ж и в о т а (*қизиқиб*). Хўш?..

Б л а г о е. Премьер-министрда қиз йўқ, бироқ темир йўл министрининг бўйи етган қизи бор экан.

Ж и в о т а (*менсимай*). Менга премьер-министр керак, бошқа министрларнинг нима аҳамияти бор!

Б л а г о е. Нега аҳамияти бўлмасин?.. Темир йўл министри ҳадемай премьердан ҳам эътиборлироқ бўлади. Газеталарда ўқимадингми, Болқон транс линияси қурила бошланармиш.

Ж и в о т а. Бу нима деганинг?

Б л а г о е. Нима?.. Темир йўл. Сибир транс темир йўли ҳақида эшитган-

мисан? Атлантик транс алоқаларни-чи?.. транс... Трансильвания, транс-ваал... “транс” дейишдими, билгинки, бу катта, чиройли, давомли иш!

Ж и в о т а. Транс... транс дегани неча километр келади?

Б л а г о е. Кўп.

Ж и в о т а. Темир йўл министрининг қизи бор, дегин-а?

Б л а г о е. Ҳа... Раҳматли хотинимнинг Драга хоним деган бир қариндоши бор. Драга министрнинг уйида бўлиб туради, ана ўша...

Ж и в о т а. Ўша билан гаплашдингми?

Б л а г о е. Ҳа, бироқ умумий тарзда. Мен унга шарт-шароитни билиб кел, дедим. Менга қара, Живота, Милорад тўғрисида газеталарда бирон нима ёзганларида яхши бўларди...

Ж и в о т а. Биламан, қўлимни ковуштириб ўтирганим йўқ... Нима деса, шуни ёзгин-у, бирон газетага тик. Қўлингдан келса, портрети билан чиқар, яхши бўлади. Клишега мен тўлайман... Ёз!.. *(Благое қозоғ, ручка олиб, ёзишга шайланади.)* “Пойтахтнинг энг таниқли хонимлари, аёллар жамиятлари вакилларининг таклифига мувофиқ ёш олимимиз доктор Милорад Цвийович яқинда...” Э, нима тўғрида маъруза ўқиши мумкин?..

Б л а г о е. Фалсафа соҳасидан.

Ж и в о т а. Бўпти, ёз: “Яқинда фалсафа соҳасидан маъруза ўқийди”. Шошма, яна бор. *(Диктовка қилади.)* “Ёш олимга эътибор юзасидан маърузага Фрейбург шахридан оламга машҳур файласуф д-р Райсер ташриф буюради...” *(Благоега телеграммани бериб.)* Қарагин-чи, номи шундайми?

Б л а г о е *(имзосига қараб)*. Ҳа, д-р Райсер.

Ж и в о т а. Омадинг келган экан, немисча ўқий оласан.

15

(Марица иккита хат олиб кириб, бирини Животага беради.)

Ж и в о т а *(хатни очиб)*. Униси-чи?

М а р и ц а. Ўғлингизга.

Ж и в о т а. Яхши, олиб бориб бера қол.

М а р и ц а. Ухлаб ётган бўлса-чи, кўрқаман.

Ж и в о т а. Ундай бўлса шу ерда қолдир. Ўзим бериб қўяман.

(Марица хатни қолдириб, чиқади.)

16

Ж и в о т а *(ўз хатига кўз югуртириб чиқади)*. Мана, хонимлар ўғлингизга маъруза ўқиб беришини сўраб хат ёздик, дейишибди. Бу ўша бўлса керак *(Стол устидаги хатни олиб қарайди.)* Йўқ. Манзили бошқа тилда ёзилган, маркасиям бизники эмас. Чет элдан келган, шекилли.

Б л а г о е. Доктор Райсердан эмасмикан?

Ж и в о т а. Бўлиши мумкин. Тамғасини ўқий олсанг, қаердан келганини билардик.

Б л а г о е *(хатдаги муҳрга диққат қилиб)*. Фер... фар... фрих... Фрейбург.

Ж и в о т а. Фрейбург!.. Профессордан! Биз уни бемалол очсак бўлади... *(Хатни очади.)*

Б л а г о е. У-чи? *(Милорад хонасини кўрсатади.)*

Ж и в о т а. Бу ишнинг унга умуман дахли йўқ. Уқи. *(Хатни Благоега беради.)*

Б л а г о е (*ўқийди*). “Майн либер Миле” (*Ўқишдан тўхтаб.*) Бу дегани...

Ж и в о т а. Тушунарли, немисчани мен ҳам шунчалик биламан. Кейин нима ёзилган? (*Благое ичида ўқиб, бошини чайқади.*) Нима экан?

Б л а г о е. Бу – профессордан эмас. (*Имзосига қараб.*) “Евич дайне Клара”.

Ж и в о т а. Клара?! Қўйсанг-чи! Яхшироқ қара! Балки Карло деб ёзилгандир, сен бўлсанг, Клара деб юрибсан.

Б л а г о е. Йўқ, қасам ичишим мумкин, аниқ-тиниқ ёзилган – Клара.

Ж и в о т а. Клара?.. Ахир бу аёлнинг исми-ку!

Б л а г о е. Менимча ҳам шундоқ.

Ж и в о т а. Райсернинг хотини эмасмикан?

Б л а г о е. Қайси Райсернинг хотини?

Ж и в о т а. Д-р Райсернинг хотини. Балки ўшадир. Ўқи-чи, нима ёзилганикан.

Б л а г о е (*ўқийди, ҳайрон қолади, бошини чайқайди*). Клара... (*Яна бош чайқайди.*) Нима десамикан сенга... Буни хотини ёзаяпти.

Ж и в о т а. Кимнинг хотини?

Б л а г о е. Сенинг келининг.

Ж и в о т а. Ҳой, биродар, нима бало, мастмисан?.. Ўғлим уйланмаган бўлса, келин нима қилади менда?

Б л а г о е. Хатда шундай ёзилган.

Ж и в о т а. Немисчани яхши билишингга аминмисан ўзи?

Б л а г о е. Яхши билишимга ҳожат йўқ, бу ерда аниқ ва тушунарли қилиб ёзилган. (*Ўқийди.*) “Сенга шуни ёзиб маълум қиламанки, бошимизга мусибат тушди – меҳрибон ойимдан айрилиб, биз – мен ва болам – ёлғиз қолдик...”

Ж и в о т а. Яна томдан тараша. Бола нима қилиб юрибди бу ерда?

Б л а г о е. Афтидан, шу хотиннинг боласи.

Ж и в о т а. Албатта, ўшанинг боласи. Шундай экан, нега бу ишга менинг ўғлимни аралаштириб юрибди?

Б л а г о е (*конвертни қараб*). Ҳа, тўғри, ўғлингга ёзибди.

Ж и в о т а. Нега энди унга бўларкан?.. (*Тўсатдан хаёлига келиб, чўчиб тушади.*) Ҳа, буми... энди эсимга тушди... Бу яна Велимирнинг иши, ўша чалкаштирган. Ўша албатта... Ўқи, яна нима деб ёзибди?

Б л а г о е (*хатга қараб*). “Шу сабабли мен сеникига боришга қарор қилдим”.

Ж и в о т а. Ким келармиш?

Б л а г о е. Клара.

Ж и в о т а. “Сеникига боришга қарор қилдим” – бу қанақаси бўлди? Туғибдилар-у, келишга қарор қилибдилар.

Б л а г о е. Никоҳдан ўтишган экан, Живота.

Ж и в о т а. Ким айтди сенга?

Б л а г о е. Шундоқ деб ёзилган. (*Ўқийди.*) “Сен билан никоҳдан ўтгач, югослав фуқаролигига ўтгандим, бинобарин югослав элчихонаси менинг кўчишимга ёрдам беради...”

Ж и в о т а. Кўрдингми, енгилтаклик нималарга олиб келиши мумкин? Қашшоқ, чўнтагида бир мири йўқ, Фрейбургда менинг ҳисобимда ўқиган бўлса-ю, уйланиб, болали бўлиб ўтирса. Тавба! Хотини билан боласи келиб унинг бўйнига осилишса, уларни қандай боқаркан? Қани, айт-чи, қандай қилиб боқади?

Б л а г о е. Ким боқади?

Ж и в о т а. Велимир-да.

Б л а г о е. Ахир у Велимирнинг хотини эмас-ку.

Ж и в о т а. Кимники бўлмаса?

Б л а г о е. Ўғлингники.

Ж и в о т а. Сен... назаримда, ақлингга куя тушган кўринади... Нима деяётганингни билаяпсанми ўзинг?

Б л а г о е. Бор гапни айтаяпман.

Ж и в о т а. Бўлмаган гап! Велимир тўрт йил Фрейбургда бўлсин, уйлансин, бола кўрсин-у, сен бўлсанг ўғлингнинг хотини деб ўтирибсан-а?

Б л а г о е. Ахир Велимир Фрейбургда сенинг ўғлинг бўлиб яшаган, дипломниям ўғлингнинг номига олган-ку, демак...

Ж и в о т а. Демак, бирон кимса менинг номим билан чет элга чиқиб, ўша ерда уйланса, болали бўлса-ю кунларнинг бирида пайдо бўлиб: “Жаноб Живота, марҳамат қилинг, мана хотинингиз, мана болаларингиз...” деса тўғри бўлади. Шундайми, сенингча?

Б л а г о е. Шундоқ десаям бўлади!.. Агар сен сенинг номинг билан чет элга чиқишига рози бўлган бўлсанг, бунинг устига, уни пул билан таъминлаб турган бўлсанг...

Ж и в о т а. Менга қара... Агар бирон гап бўлгудай бўлса, аввало, сени ўлдираман! Менга сен ўргатгансан!

Б л а г о е. Нега мен бўларканман, нима деяпсан?

Ж и в о т а. Ўчир овозингни! Сен!.. “Камбағал Велимирни ўғлинг номи билан чет элга юборсанг, у сенга диплом олиб келади”, демаганмидинг?

Б л а г о е. Олиб келди-ку, мен сени алдабманми?

Ж и в о т а. Энди нима деб сайраяпсан?

Б л а г о е. Режа меники эди, тан оламан, нега тан олмас эканман... Сен эса ўғлимни доктор қиламан деб менинг фикримга маҳкам ёпишиб олдинг! Доктор деган матоҳни ким ўйлаб чиқарди-а? Менми, қани, айт-чи?! Диплом-о, диплом, д-р хов д-р, дединг, ана сенга д-р!

Ж и в о т а. Сохта номни менга ким маслаҳат берди, қани, айт-чи?

Б л а г о е. Бақирма... Сохта ном масаласида ҳақсан. Полицияда ишлаганман, бундай ишлар қандай қилинишини биламан.

Ж и в о т а. Полицияда бошқа гап. У ерда кимнидир бошқа кишининг номидан овоз беришга кўндириш мумкин, бироқ ўзганинг номи билан уйланиш мумкин эмас-ку. Овоз бериш, бу – шунчаки, беозор иш. Бир-иккита бюллетенни ўзгартирса ҳам бўлаверади. Ахир бу бюллетень эмас, бола-ку. Уни ўзгартириб кўр-чи!..

Б л а г о е. Ўзгартириб бўлмайди – бола қонуний.

Ж и в о т а. Қандай қилиб қонуний бўлсин?

Б л а г о е. Наҳотки тушунмаётган бўлсанг, Клара – ўғлингнинг қонуний хотини!

Ж и в о т а. Жинни бўпсан! Ҳали болаям...

Б л а г о е. У ҳам ўғлинг фамилиясида!

Ж и в о т а (*қўрқиб*). Наҳотки? Ўғлим Фрейбургда бўлмаган, ҳеч қанақа Кларани танимаган, энди бўлса дабдурустдан – уйланган, тагин боласиям бор... Шунақаям қонунсизлик бўладими?!

Б л а г о е. Бўлади! Қонун бўйича – бўлади!

Ж и в о т а. Нега энди қонун бўйича бўларкан? Ўғлим бола у ёқда турсин, унинг онасини ҳам кўрмаган бўлсаям-а?

Б л а г о е. Бу ўринда ўғлингнинг ролини бошқа бир киши ўйнаган.

Ж и в о т а. Мени ким қандай роль ўйнагани қизиқтирмайди. Мен уни ўйнаш учунмас, ўқиш учун юборгандим. Тушундингми?

Б л а г о е. Шундайликка шундайку-я, бироқ амалда, кўриб турибсан, бошқача бўлиб чиқди.

Ж и в о т а. Мен билмайман. Бундай қилишга ҳаққи йўқ эди. Ана уни каранг-а. Бирваракайига ҳам келин, ҳам невара. Шу инсофданми?

Б л а г о е. Мен инсофдан деяётганим йўқ, лекин на илож? Аёл доктор Милорад Цвийович билан никоҳланган. Доктор Милорад Цвийович эса сенинг ўғлинг, буни ҳамма билади.

Ж и в о т а. Мен уни судга бераман! Мен уни каматаман!.. Ўғлимнинг номидан никоҳдан ўтишга ким ҳуқуқ берди?!

Б л а г о е. Судга беришга ҳақкинг бор, у чинданам турмага тушади. Аммо унисиниям, бунисиниям камашади-да.

Ж и в о т а. Ҳам уни, ҳам хотинини. Зарари йўқ, камашаверсин!

Б л а г о е. Ҳам уни, ҳам хотинини эмас, ҳам уни, ҳам ўғлингни! Тушундингми?

Ж и в о т а (*устидан қайноқ сув қуйилгандай сакраб тушади*). Ҳой, Благое, яна бир сўз айтсанг – ўлдираман.

Б л а г о е. Бўпти, индамайман.

Ж и в о т а (*хонада ҳаяжонланиб юради. Бирдан тўхтайди*). Хўп, яхши, нега энди индамай қолдинг?

Б л а г о е. Жим ўтир, демадингми ўзинг?

Ж и в о т а. Ҳа, ҳа, жим ўтир, вайсама, маънилироқ гап ҳам чиқармикан сендан... (*Яна юра бошлайди ва тўхтайди.*) Яхши, қани, энди айт-чи менга, нега энди ўғлимни камашаркан?

Б л а г о е. Шунинг учунки, биродар, у сохта диплом олишга шерик. Тушундингми? Бас энди!

Ж и в о т а. Нега сохта диплом бўларкан? Мен у учун озмунча пул сарф қилдимми?

Б л а г о е. Пул ўз йўлига, бироқ дипломда нима учун ўғлингнинг номи турибди? Бир ўйлаб кўргин-а?

Ж и в о т а. А? (*Кўзини чақчайтиради.*)

Б л а г о е. Бутун уйни болалар билан тўлдириб юборгандаям, ғинг дея олмайсан.

Ж и в о т а. Сен ҳақсан, кўл-оёғим боғланган. Ғинг демаслик керак. (*Ҳорғин столга суяниб қолади, бир нафас ўйланиб, сўнг қаҳр билан дипломга қарайди; оғир хўрсинади.*) Хўш, энди нима қиламиз?

Б л а г о е. Энди? Аҳволни билиш учун вазиятни аниқлаш керак.

Ж и в о т а. Яхши, аниқла!

Б л а г о е. Ҳалиги Клара – Велимирнинг хотини. Шундайми?

Ж и в о т а. Шундай...

Б л а г о е. Айни чоқда шу Клара, қонун бўйича, ўғлингнинг хотини.

Ж и в о т а. Бундай бўлмайди. Менинг чўнтагим бундан оғир вазиятларда ҳам қонундан кучлироқ чиққан. Мен курашаман!

Б л а г о е. Мен кучсиз демайман, хўш, пулни кимга берасан? А? Кларагами? Келининг бўлгач, унга пулнинг нима кераги бор? Велимиргами? Ҳожати йўқ. Агар у Кларани ташласа – сенга янада қийин бўлади. Ўзиникига олиб кетадими? Қандай қилиб олиб кетарди, ахир у ўғлингнинг қонуний хотини-ку? Агар ўғлингга пул берсанг...

Ж и в о т а. Ҳа, мен алданганга ўхшайман.

Б л а г о е (*мулоҳаза қилиб*). Айтайлик, шундай қилинсаки, одамлар

кўзида у ўғлингники бўлиб, аслида, ҳалиги... бошқанинг хотини бўлиб юраверса.

Ж и в о т а. Наҳотки ўғлим шунга кўнади деб ўйласанг? У тескарисига, одамлар кўзида Велимирники бўлиб, бошқа пайт уники бўлса, кўниши мумкин.

Б л а г о е. Шундоқ. Сен ҳақсан.

Ж и в о т а. Мабодо у кўнгандаям, мен ҳеч қачон кўнмайман. Ўғлим уйланмасдан туриб бобо бўлиб ўтириш етмай турувди. Мен ҳеч кимга бобо эмасман, шуни билиб қўй.

Б л а г о е. Клара эса сени бобоси деб ёзибди. Мана эшит. (*Ўқийди.*) “Пепик гроссдада ва гроссойисининг қўлини ўпишни сабрсизлик билан кутмоқда”.

Ж и в о т а. Кимнинг қўлини ўпармиш?

Б л а г о е. Сенинг қўлингни. Сен – гроссдада.

Ж и в о т а (*қаҳр билан*). Мен ким?

Б л а г о е. Гроссдада, Мара эса – гроссойи. Пепик...

Ж и в о т а (*жазаваси тутиб*). Қанақа Пепик, қанақа Пепик! Мендан нима истайсан?.. Мен бунга йўл қўймайман!.. Ўлдираман, ҳаммангни ўлдираман, ҳаммангни, ҳаммангни, ҳаммангни!

Б л а г о е. Худо ҳаққи, Живота, тинчлан!

Ж и в о т а (*стулни кўтариб, уни урмоқчи бўлади*). Бошимга бу ғавғоларни солган сен. Энг аввал сени... (*Унга ташланади.*)

Б л а г о е (*қочади, ёрдамга чақиради*). Мара, Мара, болалар, Мара, войдод, тез бу ёққа чиқинглар!..

Ж и в о т а. Университет нима бўлади, темир йўл министрининг қизи нима бўлади, Трансвалль нима бўлади, менинг барча режаларим нима бўлади?! Буларнинг барчасини ким чиппакка чиқарди? Қандайдир бир Пепик! Қандайдир бир тирноқдай келадиган Пепик!

Ҳ а м м а (*юзуриб киришади; бир овоздан*). Нима, нима?

М а р а. Худо ҳаққи, нима ҳодиса рўй берди?

Б л а г о е. Билмадим, ақлдан озибди!..

С л а в к а. Дада, сенга нима бўлди?

М а р а. Живота!

Ж и в о т а. Мен Живота эмас, мен – гроссдада.

М а р а (*хайрон, ҳаммага қараб чиқади*). Нима деяпсан?

Ж и в о т а. Сен эса гроссойисан!..

ПАРДА

*Рус тилидан
Муҳсин ҚОДИРОВ
таржимаси*

(*Давоми бор*)





USTOZ
TARJIMONLAR BISOTIDAN

Jahon
ADABIYOTI



Xolida AXPOROVA
(1927–2009)

ИРОДА ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

Таниқли таржимон, журналист Холида Аҳророва бутун умрини, билимини, ижодини биринчи навбатда “Саодат” журналига бағишлади. Бош муҳарриримиз, катта шоира, устоз Зулфияхонимга муносиб муовин бўлиб, унинг ишончини, хурматини қозонди. Айни вақтда Холида Аҳророва исми ўзбек ўқувчиларига мохир таржимон сифатида ҳам яхши таниш. Унинг таржимон сифатида шаклланиши ҳақида сўз кетганда ҳаётидаги айрим лавҳаларни ёдга олиш ўринли бўлади.

Холида опа шодон кўринса-да, юраги тўла армон билан яшади. Чунки унинг отаси, шоир, адиб, дипломат Саид Аҳрорий навқирон 35 ёшида 1930 йилнинг 12 ноябрида Самарқанд молия-иқтисод техникумида дарс бериш учун чиройли табассум билан чиқиб кетиб, кечқурун уйига қайтмади... Кутиб-кутиб, излаб-излаб, изларини ҳеч ким тополмади...

Ўшанда Холида уч ёшда, Вазираҳоним 25 ёшда, тўрт нафар кичкинтойи билан лолу ҳайрон қолаверди.

Кейин тоғаси Самарқандга бориб, уларни Тошкентга кўчириб келди. Бувиси бағрига олди.

Холида мактабга чиқиб, ҳарф таниган куниданок дадасининг ёзувларини ўқий-ўқий адабиётга меҳр қўйди. Бу орада қаттол уруш бошланди. Рўзгорнинг барча ташвиши Холиданинг елкасига тушди.

У ҳар куни ишдан қайтгач, аяси ва укаларига парвона бўлар, уларга дарс тайёрлатиб, уй юмушларини чакқон адо этар ва кеч хуфтонда қўшни аёлниқига чиқарди. Ва унга лампа чироқ ёруғида китоб ўқиб берарди. Етти яшар қизчаси билан яшайдиган бу ўқимишли, китоблари кўп Дуся холанинг эри урушда кўзини вақтида даволата олмай, кўр бўлиб қолганди.

Аёл Холиданинг талаффузларини тўғрилар, рус тилидаги ҳар битта сўзнинг, ҳар битта ҳарфнинг моҳиятини эринмай тушунтирарди. Масалан, “кровь” сўзида юмшатиш белгиси бор, бу – “кон”, агар қўйилмаса, “том” бўлади, дея кўп мисолларни қулоғига қуярди.

– Бу аёл туфайли мен Достоевский, Тургенев, Лев Толстой асарларига ошно бўлдим. “Бедные люди”ни ўқиганимда икковлон хўнграб-хўнграб йиғлаганмиз... – деб ҳикоя қилганди Холида опа.

Зеҳнли, зийрак ва меҳнатсевар Холидани масъул идорага иш юритувчи ва таржимонликка ўтказишди. Бу ерда у турли хатларни рус ва ўзбек тилларига ўгириб, анчагина пишди. Шунда ҳаёлига бир фикр келди: “Дуся холага ўқиб берган ҳикояларимни ўзбек тилига таржима қилсам-чи!”

У Борис Лавреневнинг “Момо” ҳикоясини ўзбекчага ўгириб, Ёзувчилар уюшмаси раиси Ойбек номига жўнатди. Ва тезда жавоб хати олди. Хатда уюшма маслаҳатчиси, ёзувчи Мирзакалон Исмоилийга учрашиш тавсия этилганди.

Ўшанда 1948 йилнинг баҳори эди... Ўшанда Холида... ота меҳри билан алкаган, таржима борасида йўл-йўриқ кўрсатган азиз устозлари назарига тушиб, уларнинг мурувват ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлди.

Мирзакалон Исмоилий: “Таржимангиз ёмон эмас. Лекин сиз бадий адабиётларни асосан рус тилида ўқиган кўринасиз. Энди асарларни кўпроқ ўзбек тилида ўқинг. Она тилимизни пухта ўрганинг. Тополсангиз, Абдулла Қодирийни, Абдулла Қаҳҳорни, Ойбекни...” деди. Холида опа эса “ўқиганман” деб юбориб, уялиб қолди.

– Бу гал бошқача ўқийсиз! – кулиб қўйди устоз. – Адиблар ишлатган сўзлар, иборалар устида бош қотиринг. Сиз билмаган сўзлар учраса, кўчириб олинг, мақол, маталларни ҳам... Уларни таржимада ишлатинг.

– Шоирлар қолиб кетмасин! – гап қўшдилар Мақсуд оға. – Ҳаммамизнинг падари бузрукворимиз Алишер Навоийдан бошланг мутолаани. Луғатларни ўрганинг. Муқимий, Фурқат, Нодирабегим... Эҳ-ҳей, қанчадан-қанча иш бор таржимонликка етгунча. Иккала тилни яхши билишдан ташқари таржимон бўламан деган одам машқ қилиб чарчамасин! Бир тилдан иккинчи тилга шунчаки кўчириш эмас, уни муаллиф даражасида қайта ижод қилсин!

– Айни шу паллада, – деб эслайди Холида опа, – хонага кўркам, очик чехра бир йигит кириб келди. У “Шарқ юлдузи” журналининг масъул котиби, шоир Шухрат экан. Мирзакалон домлага мурожаат қилиб, ёзувчи Ирина Гуронинг бир ҳикоясини унга узатди ва таржима қилиб беришини сўради. Шунда устоз мени таништириб: “Янги таржимон Холидахон Ахроровага бера қолинг таржимани, – деди. – Боплаб ўгириб берадилар. Эртага эмас, бириси кун келтирадилар”.

– Худонинг хошишини қара-я, Мақсуд, – деди сўнг устоз. – Энди иккаламиз бу қизимизга ота ўрнида ота бўламиз. Шухрат шоиримиз эса оға!

– Кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди, – яйраб ҳикоя қилади Холида опа, – Ирина Гуронинг ҳикоясини ўзбек тилига ўгириб, айтилган вақтга олиб келдим. Шухрат ака раҳмат айтиб, ўрис тилида ёзилган яна бир очерк бердилар таржимага. Таржимонлик шу йўсин бошланди...

1948 йилнинг кузида устозлар Холидани “Ўздавнашр” раҳбари ҳузурига бошлаб бориб, у билан таништириб қўйдилар. Ва келгуси йил режасидаги асарлардан бирини таржима қилиш учун шартнома тузишни ҳам ўргатдилар. Шунда Мақсуд Шайхзода: “Бу қизнинг оладиган маоши ҳам маълум. Қарамоғида онаси ва икки укаси бор. Мана, Мирзо муҳаррир бўладилар-да, таржимани қўлёзмада таҳрир қила қоладилар. Қизимизнинг дастхатини биладилар-да. Қолаверса, Холиданинг дастхати чиройлик!” – деди. Ҳамма бу гапни маъқуллади.

Холида ниҳоятда руҳланиб, ғайрат ва завқ-шавқ билан ишлайди. Мирзакалон Исмоилий таржимани обдон таҳрир қилгач, яна Холидага беради.

– Бир бошдан синчиклаб ўрганинг қизим, – ўгит беради у самимий меҳр билан. – Сиз нима деб ағдардингизу уни мен нима, деб тузатдим. Эътибор қилинг-а?!

Устознинг ўша таҳрири Холида Ахророва учун унутилмас сабоқ бўлди. Китоб 1949 йили Мирзакалон Исмоилий муҳаррирлигида босмадан чиқишини Холидагина эмас, устозлари ҳам байрамдай кутиб олишди.

– Буни қаранг, зўр китоб чиқибди, – деганди Мақсуд Шайхзода хайратланиб. – Уч юз бет келади-я, уч юз бет! Биринчи китобингиз шундай бўлса... – кафтида салмоқлайди Мақсуд оға. – Бу ёғига оқ йўл!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Ахророва бир умр журналдаги қайноқ фаолиятдан ортиб, уйку ҳисобига, дам олиш эвазига таржима санъатини улуғлаб яшади. Лев Толстойнинг “Севастополь ҳикоялари”ни, А.П.Чеховнинг “Каштанка”сини, А.Рыбаковнинг “Ханжар” қиссасини, К.Гамсахурдианинг “Ойнинг ўғирланиши” романини, О.Бальзакнинг “Ушалмаган орзулар”, А.Ивановнинг “Соғлар чошгоҳда йўқолади” романларини, ўнлаб бадий фильмлар матнини ўзбек тилига ўгирди.

Холида Ахророва таржималарининг ўзига хослигини ҳамда таржимоннинг маҳоратини қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. “Колхидские горы вечерами дремлют голубым туманом” жумласи ўзбек тилига “Колхида тоғлари оқшомлари зангори туманга бурканиб мудрарди”, деб ўгирилган бўлса, “Длинные летные дни проходили один за другим” – “Ёзнинг бири биридан узун кунлари қувалашиб ўтиб борарди”, “Оказывается горько плакала над могилой матери...” – “Онаси қабри устида аччиқ-аччиқ йиғлармиш...”, “Каролина по-детски указала пальцем” – “Каролина болаларча эркатойлик қилиб, бармоғини нуқиб кўрсатди”, “Тамар улыбнулся. Он загляделся на переливающуюся грудь птицы” – “Тамар жилмайди. Қушчанинг ранго-ранг товланган тўшини томоша қилиб, махлиё бўлиб қолди”, “В объятиях природы я теряюсь, всем своим телом превращаюсь в зрителя” – “Табиат қучоғида довдираб қоламан, бутун вужудим билан томошабинга айланаман”, “Он взял в руки густые волосы Тамары и приложил их к своему лицу, он обнюхивал приятный их запах, и потом он волосами обвил шею девушки”, – “У Тамарнинг қалин сочларини қўлига олиб, юзига босди, қиз сочларининг муаттар бўйларини искади, кейин сочни қизнинг бўйнига ўради” каби мисолларда таржимоннинг сўз танлашда моҳирлиги яққол кўринади.

Таниқли ёзувчи ва таржимон Мирзакалон Исмоилий қисматининг бир чети Холида Ахроровага дахл қилиши журналхонларда қизиқиш уйғотиши табиий. Гап шундаки, кўпчилик ўзбек ижодкорлари қатори М.Исмоилий ҳам қатағон қурбонига айланган. Аммо бу ижодкорнинг ҳалол меҳнати қадрига етадиганлар ҳам йўқ эмас экан, М.Исмоилий таржимасидаги Л.Толстойнинг “Тирилиш” романи жувонмарг бўлмаслиги олдини олиб, асил таржимон ўрнига Холида Ахророва номи қўйилиб, нашр этилган.

Нафақа ёшига етиши билан Холида опа: “Энди дам оламан, китоб ўқийман, театрларга тушаман, неварра-эвараларим ёнида бўламан”, деб биз шогирдлар билан хайрлашди.

Қаёқда дейсиз. Орадан икки-уч кун ўтмаёқ тасодифан қўлига “Родина” журнали тушиб қолди. Уни беихтиёр варақлади ва бирдан дадаси ҳақидаги икки оғиз сўзга кўзи тушди. Бу икки оғиз сўз юрагини алғовдалғов қилиб юборди. Тонггача мижжа қоқмади ва ариза ёзиб, Давлат хавфсизлик кўмитасига борди. Ҳар куни бораверди. Ва ниҳоят бир варақни қўлига тутқазди. Унда шундай ёзилган эди:

“Саид Ахрорий советларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишлари учун РСФСР жиноят мажмуасининг “58-4” моддасига биноан отувга ҳукм қилинди. Ҳукм 1931 йил 25 апрелда Москва шаҳрида ижро этилди. Дафн этилган жойи маълум эмас”.

Билмадим, Холида опажоним бундай ноҳақликни ўқиб, қандай ҳолга тушди экан? Ўша куни уйига қандоқ етиб борди экан? Қанчалар қуйиб ёнди экан?

Холида опа бу гал ҳам ўзини қўлга олди. Қаддини тик тутди. Ҳар куни эрта билан отланиб, худди ишга бораётгандек, архивга қатнади. Рутубатли хоналарда сарғайиб кетган, саҳифалари тухмат ва адоватга тўлиқ ҳужжатларни сатрма-сатр ўқиб-ўрганди. Бу зил-замбил меҳнат машаққатини Холида опа бир ўзи билди, бир Худо! Аввал у отаси Саид Ахрорийнинг номи оқлангани ҳақидаги маълумотни топиб ўқиди, кўзига суртди. Шукр қилди...

Қаранг, биргина дадаси қораланган “Жиноятнома”нинг ўзи 20 жилддан иборат катта бир “рўмон” экан.

“Миллатчи” деб обдон қораланган дадаси вақти-замонида миллат фарзандлари учун мактаблар очган, газета муҳаррири бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, юртимиз бағрига шамол теккан 1991 йил сентябридан сўнг архивлар эшиклари ланг очилди. Холида опа мутгасил ўн йил архивга қатнади. Дадасининг, нафақат дадасининг, яна ўнлаб ноҳақликка учраган ватандошларимизнинг хужжатларини сабртоқат билан ўрганди. Ва дадаси ёзганидек, “Ҳаёт оғир, сўзлаш ҳам оғир. Турмуш шундай бир чўққиқи, йўли ёнбағир...” замонда яшаган халқнинг Ватанни севишдан ва истиқлолга эришиш орзусидан бўлак гуноҳлари бўлмаганини яна бир бор тушуниб етди.

Дадаси ва яна ўнлаб истиқлол фидойилари ҳақида китоб чиқарди. Ёшлари етмишдан ошганда кутубхонага қатнаб, ўнлаб газета-журналлар тахламларидан дадасининг асарларини излаб топди, тўплади.

2001 йили ёзувчи Саид Аҳрорийнинг “Танланган асарлар”ини нашр эттирди. Қойил, бир фарзанд бўлса, шунчалик бўлар!

Холида Аҳорова ватанимизнинг бир муносиб фарзанди сифатида инсоний бурчини, масъулиятини тўла адо этди. У Тошкент шаҳрида қад ростлаган “Шаҳидлар хотираси” мажмуи ва музейи ташкил этилишида ташаббускор бўлди. Муносиб равишда Президентимиз фармонида биноан “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Холида опамиз 82 йил умр кўрди. Бу умр ироданинг, матонатнинг ёрқин тимсолига айланди.

*Санъат МАҲМУДОВА,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси*

Константинэ ГАМСАХУРДИА

ОЙНИНГ ЎҒИРЛАНИШИ

Романдан парча

Кузнинг кеча-кундуз баробар кунлари келди. Буғдойлар йиғиштириб олинди. Жўхори попилтириқ чиқарди. Унинг ханжардек найзадор пўстлоғи офтобда сарғиш товланарди. Кундузлари кун исиб кетарди. Лавр билан қопланган Колхида тоғлари оқшомлари зангори туманга бурканиб мудрарди.

Шервашидзе кўрғонидаги булбуллар навоси тинди. Ёзнинг бири биридан узун кунлари қувалашиб ўтиб борарди.

Тамар тузалиб қолди. Лекин саломатлик уни ортиқ севинтирмасди.

Инсон ҳаётида шундай вақтлар ҳам бўладики, беморлик одамни оғир руҳий кечинмалардан чалғитиб, таскин бергандай бўлади.

Шервашидзелар оиласида ҳаёт бир меъёрда ўтиб турарди.

Тариэл бобо, ҳар вақтдагидек, уйдагиларга тўнғиллар, Херинс клиникада қолиб кетарди. Лукаянинг оёғи тузалди. Арзакан Окумига кетиб қолган, ундан дом-дарак ҳам йўқ эди. Тараш ҳам келмай қўйганди.

Тамар азоб чекар, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Каролина бўлса, Тарашни зориқиб кутаётганини Тамардан яширмасди.

Кунлардан бир кун у шаҳардан қайтгач, Тарашнинг янги уйида ўтириб олиб, Колхида ҳақидаги илмий иши устида зўр бериб ишлаётганини айтди.

Ҳаммавақт хушчақчақ юрган Каролинанинг хомуш тортиб қолганини Тамар сезиб қолди.

Неча йиллардан бери Тамар кеннойисининг рояль чалганини кўрмаган эди. Энди бўлса Каролина Шуман ва Григ асарларини соатлаб чалади, окшомлари дераза тагида ўйга толиб ўтиради ёинки қизлик чоғларини эслаб кетади.

Салби¹ йўқолганидан бери Тамарнинг юраги ғаш. Тамар бу воқеани, бошга тушадиган катта бир бахтсизлик аломати, деб ҳисобларди...

Баъзан шаҳарга тушмоққа отланиб ясанади, лекин шу заҳоти ҳафсаласи пир бўлади. Шу ясанган кўйи диванга ўзини ташлайди ва Каролина келиб тиқилинч қилмагунча ухлайверади. Бугун ҳам Тамар, Таризэл бобонинг меҳмонхонадан келаётган овозига қулоқ солиб, анча-гача чалқанча тушиб ётди.

Тамар ухлаб қолганини сезмай қолди. У туш кўра бошлади.

Тамар кўл бўйида кетаётган эмиш. Одам бўйидай келадиган қамишлар қаршисида эгилмоқда эмиш. Тамар юра-юра чарчаб, қамиш тўшалган тўшакка ёнбошлаган эмиш. Онаси келиб, унинг бош томониغا чўккалаб ўтирганмиш. Онасининг этагидан фирузаю ёкутлар, зумраду бриллиантлар, олтин-кумушлар сочилаётган эмиш – бу қимматбаҳо тошлар ҳад-ҳисобсиз эмиш. Лекин Тамар йўқотган салб улар орасида йўқ эмиш.

Шунда Тамар қимматбаҳо тошларни этагидан қоқиб тушириб, ўрнидан қўзғалганмиш-да, онасининг кўксига ярақлаган салбга кўлини чўзганмиш. Лекин онаси ўзини олиб қочармиш. Тамар онаси томон жилган сари, онаси ўзини нари тортар, қизини қучоқлашни истамасмиш. Хуллас, онаси ўгирилиб ҳам қарамай кетиб қолганмиш, қаршисида кенг далалар ва ўтлоқлар ястанганмиш. Тамар қуюқ қамишзор оралаб ўтиб борармиш, онаси бўлса, ҳамон кўлини чўзганича йироқлашармиш...

Бирдан ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолибди. Тамар тўнкага қоқилиб кетибди. Дўнгликда каттакон ёғочга салб қоқиб қўйилганмиш. Тамар уни маҳкам қучоқлаб олганмиш. Тамар салбга бағрини берганча, онаси кабри устида аччиқ-аччиқ йиғлармиш...

Тамарнинг алаҳсираётганини эшитган Каролина ёнидаги хонадан югуриб чикди.

– Тура қол, Тамар, бемаҳалда ухлама! Тур, кийин. Шаҳарга бориб бозор қилиб келамиз, – деб қизни кўндиришга уринди янғаси. – Ҳаво қандай яхши, шабадани кўр, баҳр-дилигни ёзади. Юра қол!

Тамар Тараш Эмхварини учратиб қолиш умиди билан рози бўлди. Баъзан шундай бўлади: бирор дўстингни кўргинг келади, лекин бориб кўришга имконинг бўлмайди. Лекин қарабсанки, қаршингда пайдо бўлади. Шу кун ҳам худди шундай бўлди.

Тараш Эмхвари чинорзор хиёбонда китоб варақлаб ўтирарди.

– Қаёқларга ғойиб бўлиб кетдингиз, соғиниб қолдик-ку, ахир сизни! – деб қичқирди Каролина.

Тамар қулоғига қизариб кетди.

¹ Салб – заргарлик намунаси.

– Зарур ишим бор эди, – ўзини оклашга уринарди Тараш. – Қарасам, ишлайвериб чарчаб кетибман. Ҳордиқ чиқариш учун овга жўнадим.

– Ўқиётганингиз нима? – сўради Каролина.

– Платоннинг “Федр”ини ўқияпман.

– Яхши жой топиб олибсиз.

– Ҳа. Бу чинор шу ўртадаги чинорларнинг энг чиройлиси назаримда. “Федр”да ҳам чинор макталади. Афина стадиони ёнида ажойиб чинор бўлган экан, чинор тагида булоқ қайнаб тураркан. Шимол куюни Борей, Эрехтей подшосининг қизи Орифеяни худди шу ерда ўғирлаб кетар экан. Борей қизни ниҳоятда тезликда учуриб бориб, уни қояга уриб юбораркан, киз бечора ҳалок бўларкан. Қадимги греклар ана шу чинор тагида Пан ва худоларга шон-шарафлар тилашаркан.

– Шу чокқача кўлингизда ҳеч қачон китоб кўрмагандим, – деди Каролина.

– Умуман олганда, мен китобларни қоғози аъло бўлсагина ўқийман...

– Наҳотки сиз китобларни қоғоз навига қараб баҳоласангиз?

– Йўқ, мазмунига ҳам қарайман, албатта, – жилмайиб жавоб қилди Тараш. – Ҳеч бўлмаганда, ўрта асрни мисолга олайлик. У пайтларда терига хат битиларди. Ҳозир бўлса, китоб учун қоғоз топиш осон.

Каролина Тарашнинг кўлидан пергаментга ўхшаш сарғиш қоғозда нашр этилган китобни олди.

– Мен буни немис тилида деб ўйлабман, – деди у юнон ҳарфларини кўздан кечираркан ҳафсаласи пир бўлиб. – Ҳарфлари грузин ҳарфига ўхшар экан-а? Озгинасини ўқиб беринг-чи.

– Қаерини ўқисам экан?

– Тўғри келган еридан ўқийверинг. Юнончани ўқиёлмайман-ку, ахир.

Каролина болаларча эркатойлик қилиб, бармоғини нуқиб кўрсатди. Тараш “Федр”ни ўқиб, шошиб таржима қила бошлади:

“Сукрот: Муҳаббат, ўзига хос бир жазавадир деб биламиз.

Федр: Худди шундай.

Сукрот: Жазава эса икки турли бўлади: бири – инсон аъзоларининг хасталиги туфайлидан бўлса, иккинчиси – илоҳий бир бурилиш туфайли одатдаги шаклдан четланишдан бўлади.

Федр: Худди шундай.

Сукрот: Илоҳий жазавани тўрт худо ўртасида тўрт қисмга бўламиз: мантикий илҳомни – Аполлонга, жисмонийини – Дионистга, поэтигини – илҳом парисига тааллуқли деб билдик; тўртинчи хил илҳомни, Афродита ва Эросга хосини биз эротик жазава деб атадик-да, энг афзали ҳисобига киритдик”.

– Бундан чиқди, сиз ҳам муҳаббатни бир жазава деб биларкансиз-да? – деб унинг сўзини бўлди Каролина.

– Ҳеч сўзсиз, – дея жавоб берди Тараш ва Тамарга бир қараб қўйди. Қизга у шундай тикилдик, Тамар бундан хижолат тортди. Унинг елпиғич шаклидаги узун киприклари титраб кетди. Икки бетига қон югурди ва бирдан яна қони қочди.

Тамар билан бўлиб ўтган сўзсиз суҳбатни яшириш учун Тараш:

– Сизга бошқа ерини ўқиб бераман, – деди-да, китобни варақлай кетди.

“...Аммо жазаванинг ажиб бир эзгулиги бизда Олло таоло иродаси-ла бунёдга келади... Дарҳақиқат, Дельфдаги башоратчи оймлар ҳам, Додо-надаги қохинлар ҳам жазава билан Эллада учун ҳам, жамият ва шахслар учун ҳам ажиб ишлар қилдилар...”

Тараш Эмхвари бир неча сатрга кўз югуртгач, давом этди:

“Учинчи турдаги – илҳом парисига тегишли илҳом ва жазава нозик ва покиза қалбларни эгаллайди, унда орзу-умидлар уйғотиб, ғалати бир кайфиятга солади ва кўшиқ бўлиб куйилади, ижод самарасига айланади, қадим анъаналарда намоён бўлиб, ёш авлодни тарбиялаб, йўлини ёритади...”

Каролина уйга кайтмоқчи бўлиб ўрnidан турди. Тамар ҳам кўзгалмоқчи бўлди, лекин Каролина унинг чинорлар тагида ўтиргиси келаётганини сезиб, уни тўхтатди:

– Шошилиб нима қиласан? Кечкурунги поездни кутгин-да, газета олиб қайтарсан.

– Эртага тушки овқатга албатта келинг, – деди у кетатуриб Тарашга.

Тараш миннатдорчилик билдирди-ю, лекин на “ха” ва на “йўқ” жавоби қилмади.

– Ўтириб нима қиламиз, яхшиси, юринг, айланамиз, – деди Тамар Каролина кўздан йўқолгач.

Тамар билан ёнма-ён бориш Тарашга хуш ёқарди. Вақт-вақти билан у ён томондан қизга тикилиб-тикилиб қараб кўяр, биринчи бўлиб сўз бошлашни кутарди.

– Нега доим ғамгинсан, Тамар? Сенга нима бўлди?

Тамар жавоб бермади. У Тарашнинг кундалик дафтари ҳақида ўйларди.

– Биласанми, – гапini давом эттирди Тараш, – назаримда ёшларимизни йиғлоқи шеърлар ва романлар бузаяпти. Ҳаммасининг қаҳрамони доимо ғамгин, ҳаётдан безган бўлади. Мабодо севиб қолгудай бўлса, албатта, етишолмайди...

– Ахир ўзинг ҳам кўпинча маъюсликдан нолийсан-ку.

– Нолисам нима бўпти? Маъюслик касалига сендан ортиқроқ чалинганман. Шопенгауэр ва Сведенборгни ўқиб, Помпей харобаларини томоша қиларкансан, хушчақчақ бўлиб юра оласанми киши?

...Лекин бўш келмайман, ғам-ғуссага ғарқ бўлмасликка ҳаракат қиламан. Соғайиб кетишни истайман, она тупроқ исидан таскин топмоқ истайман. Шунинг учун ҳам пойгада иштирок этдим, овга ҳам чиқаяпман, тоғ-тошларни кезаяпман – бобокалонларимнинг қайноқ қони томирларимни қизитсин дейман. Инсон нолимаслиги керак, унинг чехрасида на ғам-ғусса, на кўркувдан асар бўлмасин. Қиёфанг ҳаммавақт тўйга отланиб тургандек бўлсин.

Юнон фалсафаси том маъноси билан тушкун. Лекин шунга қарамай, юнонлар ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан тўйиб роҳатланишни билганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёти нур билан шодликка тўлиқ. Қадим Грузияда ҳам шундай бўлган.

Мана шу юмшоқ майсалар узра юрганингга, офтобни, булутларни, мана бу Сатанжо қальасини кўриб турганингга қувонишинг керак. Мени айниқса қувонтирадиган нарса шуки, мен бугун сен билан ёнма-ён кетаётирман, сенинг сочингни, елкаларингни томоша қилаётирман, мана шу ажойиб тупроқ узра қадам ташлашингни кўраётирман. Ёшман, кучкувватга тўлиқман, бунинг устига эса, назаримда, сен туфайли девларни ҳам кунпаякун қилишга тайёрман.

Бир кулиб юбор, жоним! Қарагин-а, хув анави дарахтга кўниб чуғурлаётган кушча мунчалар чиройли. Бахтнинг заррасидан ҳам қаноатлана билишинг керак.

Тамар жилмайди. Кушчанинг ранго-ранг товланган тўшини томоша қилиб, маҳлиё бўлиб қолди.

– Кул, азизам, кул! Шуни билиб қўйки, офтоб бир кунда атиги бир маротаба чиққанидек, кишига ёшлик ҳам бир марта берилади.

Улар бир қанча вақт сўзсиз бордилар.

– Сени унашилган дейишадими? – деди тўсатдан Тараш.

– Агар шундай бўлса-чи?

– Арзакан икковингиз Тбилисига жўнармишсизлар, ростми шу гап? – сўради Тараш.

– Ҳа, институтга кирмоқчимиз. Сен ҳаммамиздан ҳам ўзиб кетдинг. Жаҳонни кезиб чиқдинг, илмий ишлар қилдинг.

– Қўп бўласанми бу ерда?

– Ўзим ҳам билмайман. Университет менинг тадқиқотларимни қабул қилгудек бўлса, ўзимни кафедрага таклиф қилиб қолишса, ажаб эмас. Агар бунинг имкони бўлмаса, Абхазия тоғларига жўнаб кетаман ва ўла-ўлгунча ўша ерда қоламан.

– Хафа кўринасанми?

– Ҳа, ёмон туш кўрдим.

– Туш? Қанақа туш?

Тамар кўрган тушини сўзлаб берди ва анча енгил тортди.

Бирдан поезднинг гуриллаб ўтгани эшитилди. Тамар газета олиши кераклигини эслади. Улар вақтни ҳам унутиб, охишта суҳбатлашиб сайр этишарди. Ўрмонда дарахтлар кесиб ташланган жойлар, ўриб, ғарам-ғарам қилиб қўйилган буғдойзорлар учрарди. Оёқ шарпасидан чўчиган ёввойи ўрдаклар қанотларини қоқиб, типирлатишарди.

– Бундан чиқди, олмос салбинг йўқолганига ҳали-ҳануз куйиб юраркансан-да? Тўғри, мен ҳам ачинаман, – давом этди Тараш. – Мен учун у грузин заргарлик санъати асари сифатида қиммат. Устаси қанчалар ихлос билан ясаганикин уни. Олмосини исирғага кўз қилишади.

Тамар Тарашга қараб қўйиб:

– Бунақа гапларни гапирма, Тараш, – деди. Сўнг йўл бўйидаги Тараш узмоқчи бўлган бўтакўзни чаққонлик билан узди-да, аста гулбаргларини юла бошлади. Тараш қизга етиб олиб, қўлини унинг елкасига қўйди, юзига, хиёл чўччайган лабига кўз югуртирди.

– Қани, менга шуни айт-чи, Тараш, қанча қизларга севаман деб айтгансан? – деди қиз қўлидаги гулни улоқтириб.

– Бу нима деганинг, Тамар?

– Сени субутсиз дейишади.

Шундай қилиб, у Тамарга хайф кетган ёшлик йиллари ҳақида, бегона эллардаги сарсон-саргардонлиги тўғрисида сўзлади.

– Ўша яккаю ягонани излаб жаҳон кездим, лекин ҳеч қаерда топмадим. У эса мени бунда, она юртимда кутаётган экан. Лекин энди билсам, кеч қолибман. Ҳаётим бутунлай айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

Қоронғи тушди. Яқингинада ялангликдаги дарахтлар баҳайбат хайвонларга ўхшаб кўринарди. Яланглик ўрталиғида каттакон эман қад кўтарган бўлиб, атрофида қора кабутарлар чарх урарди.

– Буни катта эман деб атайман, – деди Тараш. – Ҳар уч кунда овга чиққанимда бу ерга келаман ва соясида ўтираман. Кунлар исиб кетиши билан кабутарлар ўзини унинг панасига олади. Уларни отганимда тошдай пастга қулайди. Зўр овчи эмасман. Табиат кучоғида довдираб қоламан,

бутун вужудим билан томошабинга айланаман. Менга кўп нарса даркор ҳам эмас. Қозон қайнатишим учун уч кабутар кифоя...

Эсимда, болалигимда Паржаниани хола мени Шервашидзеларнинг қайси бириникигадир тўйга олиб борган эди. Уларникида қўлга ўргатилган кийик боласи бор эди. Сен ҳам ўша ерда эдинг – сочинг майда ўрилган, эгнингда анор гули тусидаги кўйлак, ўн ёшларда эдинг чоғи. Негалигини билмайману, сени ўша кийик боласига ўхшатган эдим. Хуллас, ўшандан буён хаёлимдан нари кетмайсан. Муҳожирликда сени кўп эсладим: кўз ўнгимда худди кийик боласидай енгил одим ташлардинг, кўзларинг ўтдек чакнарди...

Тамар кулиб юборди-да, бош ирғитди.

– Сенинг онанг Жадона ҳам бор эди тўйда. Унинг бўйнида киммагбаҳо маржон шодаси, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб, майин жилмайдиганича қахрабо тасбеҳ ўгириб ўтирарди. У мени ёнига чақирди-да, пешанамдан ўпди.

– Мениям эсимда шулар, – деди Тамар.

– Шундан кейин ҳамма бизни бешиккерт қилинган деб ўйлайдиган бўлди. Бешиккерт қилинмаганлигимизни мен аниқ биламан. Қанийди, бешиккерт қилинган бўлсак!.. Оҳ, қани эди, сенинг азиз онанг бизни бешиккерт қилган бўлса! Узоқ элларда қанчалар дарбадар кезсам ҳам мени кутардинг. Мен ҳам, ўз навбатида, бу ерда мажбуриятим борлигини хис этиб, ёнингга елдек учиб келардим.

Қоронғи тушди. Тамар ташвишлана бошлади. У шу чоққача ҳали бирор марта бўлсин йигит киши билан ўрмонда – уйдан шунчалар узоқда ёлғиз қолмаган эди. Ҳар бир шарпа эшитилганда ҳадиксираб алангларди.

Тамарнинг саросимага тушганини сезган Тараш аввалига уни қўлтиклаб олди, кейин белидан кучди. Уларнинг юзи юзига теккудек эди. Тараш қиз сочлари юзини қитиклаётганини хис этди. Унинг юраги гуп-гуп ура бошлади, ҳаммавақт равон сўзлагувчи Тарашнинг тили тутила бошлади.

Эманзор тепасида ой кўтарилиб, ўрмонни ҳам, ялангликни ҳам кумушсимон парда қоплади. Табиат уйқуга кета бошлаган эди. Тараш кетиш кераклигини англади.

Улар яна баҳайбат эман ёнига келдилар. Кўкатлар нам бўлганидан Тамарнинг туфлиси ҳўл бўлиб қолган эди. Тараш камзулини ечиб, тўнқага тўшади-да, Тамарни ўтқазди. У Тамарнинг қалин сочларини қўлига олиб, юзига босди, қиз сочларининг муаттар бўйларини искади; кейин сочни кизнинг бўйнига ўради.

– Бирон нима дегин, Тамар, овозингни шундай яхши кўраманки. Ми-соуст деб ата мени, ёлворама сенга!

– Мендан нима истайсан, Тараш?

– Муҳаббатингни истайман, овозингни, ажойиб сочларингни истайман, – қайта-қайта такрорларди Тараш қизнинг елкаларидан кучиб.

Тамар ўзини четга олди, Тарашнинг қўлларини бўшатди ва унга маъюсона боқди.

– Нега индамайсан? Бирон нима десанг-чи!

– Индамаслигимнинг боиси шундаки, сени юпатиш учун айтадиган гапим йўқ, Тараш. Сен ҳақсан. Агар бешиккерт қилинган бўлганимизда эди, кутардим сени. Худонинг иродаси бўларди бу. Лекин энди кеч. Муҳаббатингни бошқага бергансан... Мен сенга фақат дўст бўла оламан,

– деди киз, унинг овози титраб кетди. – Ортик кўришмаслигимиз керак. Бизникига кадам қўйма. Каролинани кўргани келиб турсанг бўлади, кадрдонсизлар-ку у билан.

Шу дақиқада Каролинани эшлашнинг маъноси нимадалигини Тараш тушунди. Нима дейишини билмай қолди. Хотирасида Илор ибодатхонаси ҳовлисида Каролина билан ўтказган тун гавдаланди.

Тамар тўнка устида йиғлаб ўтирарди. Нега йиғлаётганини суриштирмай, Тараш қизнинг ўрнидан туришига ёрдамлашди. Улар индамай, келган йўллари билан уйга қайта бошлашди. Улар дарахтзорни шу зайл кесиб ўтишди ва Таризэл Шервашидзенинг боғига етишди.

Эшикка етганда Тараш шивирлаб сўради:

– Демак, ўн бешинчи август куни Арзакан билан Тбилисига кетаркансизлар-да?

– Ҳа, кетамиз.

Тамар эшикдан ичкари кирди ва ўгирилиб, эшитилар-эшитилмас овоз билан: “Мисоуст!” деб чақирди.

Тараш сесканиб кетиб, қиз томон югурди.

– Жуда ҳам жаҳлимни чиқардинг. Шунинг учун ҳам ёмон муомалада бўлдим сен билан.

– Қайси муомалани айтяпсан, Тамар?

– Бизникига келма, дедим сенга. Яхши бўлмади шу муомалам. Мени аччиқлантирганинг учун айтдим. Лекин ўйлайманки, биз шунга қарамай, аввалгидек дўст бўлиб қоламиз, аввалгидек бизникига келиб турасан.

Қизнинг овозида кучли ҳаяжон бор эди. Қиз сумкасини очди.

– Ростдан ҳам унутаё дебман! Даша ўрмондан сенинг ён дафтарингни топиб олибди, мана.

Тараш лабини тишлади. Қизнинг кўлидан ён дафтарини оларкан, чурқ этолмади.

– Хайр, – деди Тамар.

Тараш қизнинг узатган кўлини ўпди.

*Рус тилидан
Холида АҲРОРОВА
таржимаси*





Алессандро БАРИККО

1900

(Монолог)¹

(Актёр бахтиёр қиёфада аргамчида ўмбалоқ ошади; бу пайтда Океан авжига олади, кема “рақс” га тушади ва товуш эффе́ктлари жўрлигидаги мусиқа гоҳ тезлашади, гоҳ секинлашади, баъзан рақсни бошқараётгандек бутунлай тўхтайдди. Мураккаб эквилибристика мобайнида актёр хатога йўл қўяди ва тўсатдан парда ортига йиқилади. Мусиқа “тўхтамоқчи” бўлади, аммо кеч. Актёр ҳайқириб улгуради:

– О, Худо! (Ва ёнбош томондан сахнага, энгашиганича югуриб чиқади. Синаётган ойна, ерга тушаётган буюмлар шовқини. Кейин сукунат босади. Актёр парда орқасига мўралайдди.)

1900 бу ижрони ҳали такомиллаштириш зарурлигини айтди. Мен фақат тўхтамларни мослаш керак, дедим. Капитан эса туфон тугаши билан шундай деди (норози овозда қичқиради): “СИЗ, САССИҚ ЧҶЧҚАЛАР, ИК-КАЛАНГИЗ ҲАМ БУ ЕРДАҢ МАШИНА БЎЛИМИГА ДАФ БЎЛИНГ ВА ШУ ҚЎЛЛАРИМ БИЛАН БЎҒИБ ҚЎЙМАСЛИГИМ УЧУН КЎЗИМГА КЎРИНМАНГ ҲАМДА УНУТМАНГКИ, СИНДИРИЛГАН НАРСАЛАРНИ СЎНГГИ ТИЙИНИГАЧА ТЎЛАМАГУНЛАРИНГЧА БУТУН УМР ИШЛАЙСИЗЛАР, УШБУ ТОҒОРАНИНГ НОМИ “ВИРЖИНИЯЛИК” БЎЛГАНИ КАБИ ГАПИМ ҲАҚИҚАТ ВА ИККИНГИЗ ОКЕАН КЕНГЛИКЛАРИДА ПАЙДО БЎЛГАН АҲМОҚ КИШИЛАРНИНГ ЭНГ ДОНГДОРЛАРИСИЗ”.

Шу ерда – машина бўлимида ўша тунди 1900 ва мен дўстлашдик. Қадрдонларча. Бир умрга. Биз вақтимизни синдирган нарсаларимиз долларда қанча туришини ҳисоблаш билан ўтказардик. Микдор ошган сайин кўпроқ кулардик. Эндиликда ўша воқеани эслар эканман, назаримда, биз ўшанда ҳис этган нарса бахт бўлган. Ёхуд шунга ўхшаш алланима.

Худди шу тунда мен ундан сўрадим: у ва кема тўғрисида эшитганларим ростми, яъни шу ерда туғилгани, ҳеч қачон ерга қадам босмаганлиги ва хоказо... Жавоб берди: ҳа.

– Ростданми?

У ўта жиддийлик билан жавоб берди:

– Ростдан. Чин.

Нимаданлигини билмайман, ички қаршилиқданми, бу лаҳзада бутун вужудим билан яхлаб кетдим: бу даҳшат эди.

Кўрқинч.

Бир гал 1900дан куй чалаётганида нимани ўйлашини ва бир нуқтага қадалганича нималарни кўришини, бармоқлари клавишларда югураётганда хаёлан қаерларда учишини сўрадим. У менга шундай жавоб берди: “Мен

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

бугун ажойиб мамлакатда бўлдим: у ерда аёлларнинг сочлари ифорли, ҳаммаёқ ёп-ёруғ ва йўлбарслар жуда кўп”.

Демак, у саёҳат қилар экан.

У ҳар сафар турли жойларда бўларди: Лондон марказида, водийларни кесиб ўтаётган поездда, қори бошингдан баланд келадиган жуда юксак тоғда, дунёдаги энг мухташам черковда, бу ерда у устунларни санаган ва хочга тортилганларнинг юзига тикилган. У тинимсиз саёҳат қилган, буларнинг барини билишини тасаввур этиш қийин: черков ҳақда, қор ҳақда, йўлбарс ҳақда. . . демокчиманки, у кемани бирон марта ҳам тарк этмаган, бирон марта ҳам, шунга қарамай унинг гаплари тўқима бўлмасдан, ҳақиқатнинг айнан ўзи эди. Ҳеч қачон қирғоқларга тушмаган. Лекин унинг гапларидан ҳаммасини кўзлари билан кўрган, деган таассурот пайдо бўларди. 1900 шундай тоифадагилардан эдики, агар биров ўзининг Парижда бўлганини айтиб қолса, у сен фалон боғларни кўрдингми, фалон митти ресторанда овқатландингми, дея сўроққа тутарди: у ҳамма нарсани биларди ва сенга шундай деган бўларди: “Парижда мен ёктирадиغان нарсалар – қуёш ботишини кузатиш, Понт-Неф бўйлаб сайр қилиш, баржалар сузиб ўтаётганда юқоридан уларга қараш ва кўл силташ”.

– 1900, ахир сен ҳеч қачон Парижда бўлмагансан.

– Бўлмаганман.

– Нега унда сен?..

– Ҳа.

– Нима “ҳа”?

– Париж!

Уни ақлдан озган деб ўйлаш мумкин эди. Бироқ булар бунчалик жўн эмас эди. Сенга биров тўла ишонч билан Бертэм-стритда ёз ойлари ҳаво ёмғирдан сўнг қандай бўй таратишини айтиб берса, сен уни фақатгина ўша Бертэмда бўлмаганлиги учун жиннига чиқармайсан-ку. Зеро, у бировнинг сўзидан, бошқасининг кўзидан ҳавони, ўша ҳавони, чиндан симирган. Ўзига хос тарзда бўлса-да, амалда шундай қилган. У ҳақиқатда дунёни кўрмаган. Лекин йигирма етти йилдирки, бу дунё мазкур кема орқали ўтади ва йигирма етти йил мобайнида у ўша дунёсини кузатади. Ҳамда ўзи учун дунёдан кўнглидагиларни ўмаради.

Бу борада, эътироф этиш керакки, у даҳо эди. У тинглай биларди. Ўқишни ҳам қойиллатарди. Йўқ, асло китобни эмас, бунга баримиз ҳам устамиз – у кишиларни ўқий биларди. Одамларнинг ўзларида зоҳир бўлган ҳаёт изларини: жой, товушлар, хид, уларнинг замини, тарихларини. . . Буларда акс этган ҳамма нарсани. У ҳамма нарсани санарди, изчиллик билан тизимлаштирарди, жой-жойига қўяр ва тартибга соларди. . . Ҳар куни у ўз миясида чизаётган кутбдан кутбгача бўлган бир бутун борлиқнинг чексиз харитасига кичкина тўртбурчакча кўшарди: бу ҳайратомуз бир бутун харитада улкан шаҳарлар ва барларнинг кунжақлари, узундан-узун дарёлар ва лойқа кўлмақлар, самолётлар, йўлбарслар – барчаси акс этганди. У бу харита узра, рэгтайм эврилишлари ортидан бармоқлари клавишлар бўйлаб ўрмалаган пайтда парвозга чиқарди, худди Яратганнинг ўзи каби.

(Ғамгин рэгтайм овози янграйди.)

Мардлик қилиб бир марта бу ҳақда сўрашим учун менга йиллар зарур бўлди. “1900, эй Худойим-эй, нега сен қуруқликка тушмайсан, ҳеч бўлмаганда бир бор дунёни кўзларинг билан, ўз кўзларинг билан кўришга

бормайсан? Нега бу сузувчи зиндонда ўтирасан, ахир ўша ўзингнинг Понт-Нефингдан баржа-ю бошқаларига карашинг мумкин, истаган нарсангни қилишинг мумкин ахир, сен роялда илохий оҳангларни чаласан, куйларингдан тингловчилар ақлдан озишади, катта пул ишлашинг, орзуйингдаги энг чиройли уйнинг эгаси бўлишинг, хоҳласанг уни кема шаклида куриб олишинг мумкин, ким сенга халакит беради, истаган жойингга жўнашинг мумкин, ҳеч бўлмаганда йўлбарслар олдига ёки ўша Бертрэм-Стритга... Эй Худо, ахир қафасдаги маймун каби яшайвермайсан-ку... сен маймун эмас, буюк созандасан, дунё ана – бир қадам нарида, ўртада мана шу лаънати трап ва бир неча аҳмокона зина, эй Худо-ей, сўнгра эса, охирги зинадан сўнг, бутун дунё бошланади. Нега барига қўл силтаб бу ерни тарк этмайсан, ҳеч бўлмаса бир марта, бир мартагина?”

1900... Нега сен қирғокқа тушмайсан?

Нега?

Нега?

Бу воқеа 1931 йилнинг ёзида, “Виржиниялик”нинг бортига Желли Ролл Мортон чикканида содир бўлди. Оппок кийинган, оқ шляпада. Бармоғига ёнғокдай олмос тақиб олган.

Ҳар сафар у концерт берганида афишаларга бир хил ёзарди: бугун кечкурун Желли Ролл Мортон – жаз ихтирочиси чиқиш қилади. У чиройли ибора учунгина бу сўзларни ёзмасди, аслида ҳам чиндан жазни ихтиро этганман, деб ишонарди. У пианиночи эди. Доимо стул қиррасига ўтириб олиб чаларди, қўллари капалакларга ўхшарди. Шунчалар энгил кўринардики. У Янги-Орлеандаги ишратхоналарда фаолият бошлаган, ўша ерда клавишларни энгил босишни ва нафис ноталар танлашни ўрганган: юқори қаватдаги ишқпарастрлар ортиқча шовқинни кўтаришмаган. Улар тўшак ва дарпардаларни энгил сийпаловчи, ҳеч кимни безовта қилмайдиган куйни иташган. У эса шунақасини чала билган. Бу борада ҳақиқатан унга тенг келадигани бўлмаган.

Кимдир унга 1900 тўғрисида гапириб қолади. Назаримда, ўша йигитдан зўр чаладиганни кўрмаганман, дунёдаги энг буюк пианиночи, дейилган. Ғайритабиий бўлса-да, аслида ҳам шундай эди: ягона кемадан ташқари бирон жойда бир нота ҳам чалмаган бўлса-да, 1900 ўзига хос юлдуз, мўъжаз афсонага айланиб улгурганди. Кемадан тушганлар ажабтовур мусиқа ва гўё тўрт қўлли, ноталарни бир йўла чала олган пианиночи тўғрисида гапириб юришарди. Бу билан боғлиқ қизиқ ҳодисалар ҳам оғизларда юрарди, баъзан чиндан рўй берганлари ҳам бўларди, дейлик, америкалик сенатор Вильсон тўғрисидаги каби. Сенатор бутун саёҳатни учинчи классда ўтказган, чунки 1900 айнан шу ерда кимдир ёзган “тўғри” ноталардан воз кечиб, ўзининг “нотўғри” ноталарини чалган. У ерда – пастда, яна битта рояли бўлиб, уни тушлик пайти ёки ярим кечалари чаларди. Дастлаб у тингларди: кўшиқ айтишларини хуш кўрарди, албатта, жуда хуш ёққанларини, ҳар гал кимдир гармони ёки гитарасини чиқарган чоғда номаълум куйлардан чаларди... Шундай пайтларда 1900нинг бутун вужуди қулоққа айланарди. Кейин эса, бошқалар кўшиқ айтишаётган ёки рақсга тушишаётган пайтда секин клавишларни тера бошлар, мутгасил буни давом эттирар, ими-жимиди ҳақиқий мусиқа эшитила бошларди, рояль товушларни дунёга келтирарди ва улар бўшлиққа юксаларди; улар чиндан ғайритабиий дунё товушлари эди. Уларда ҳамма нарса мавжуд эди: ердаги барча куйлар, барчаси бир бутунликда. Ҳайратдан ҳайкал бўлиш мумкин эди. Шунинг учун сенатор Вильсон бу оҳанглардан ғишт бўлиб қотиб қолган. Учунчи класс тўғрисидаги миш-

мишлар шундан эди: сенаторни – нафис дидлик тимсолини бадбўйликнинг ўртасидан, учинчи классдаги уфунатни яна қандай аташ мумкин, сафар сўнггида куч билан судраб туширишларига мажбур қилган, ўзига қолганда, 1900ни тинглагаб, қолган умрининг сўнгги зерикарли йилларини шу ерда яшаб ўтган бўларди. Ўлай агар, чин сўзим. Барчаси айнан шундай кечган.

Хуллас, кимдир Желли Ролл Мортоннинг олдига келиб, шундай деган: бу кемада бир кимса бор, у роялни истаган кўйга сола олади. Хоҳласа, жаз чалади, хоҳламаса шундайидан чаладики, ўнталаб жаз гуруҳлари ҳам эплотмайдиғанидан эшиб қўяди. Желли Ролл Мортоннинг кўпчиликка маълум бўлган жиззакилиги бор эди. У дебди: “Хатто ўша тентак кемадан ерга ҳам тушиб кўрмаган одам қандай яхши куй чалади?” Ақлдан озгандек қахқаҳа отибди – у – жазнинг отаси! Шу билан ҳаммаси барҳам топган бўлар эди, агар гапни топиб келган кимса шундай деб қолмаганида: “Кул, кулавер-чи, агар у ерга тушадиган бўлса, сен фақат фоҳишахоналарда, яхшилаб бўлса ҳам, фоҳишахоналарда чалишга мажбур бўласан”. Желли Ролл Мортон кулишдан тўхтаб, чўнтагидан ялтироқ кўндокли мўъжаз тўппончани олибдида, бу гапларни айтган кимсанинг пешонасига қадабди-ю, аммо отмасдан сўрабди: “Қани ўша пачоқ кеманг?”

Унинг калласига келган нарса дуэль бўлган. У пайтлар – ўша йиллар дуэль модада экан. Кишилар маҳорат бўйича бир-бирларини мусобақага чақириб, ғолибни аниқлашаркан. Бу, айниқса, созандаларга қўл келаркан. Ҳеч қандай қон тўкилмайди, озроқ нафрат, кўнгилдаги қора нафрат, ноталар ва ичкилик бўлса, бас. Дуэль тонггача давом этиши мумкин. Желли Ролл Мортон ҳам океанлик пианиночи ҳақдаги бу тарихга ва бошқа олди-қочди гапларга чек қўйиш мақсадида шунақа дуэлни назарда тутган эди. Бунга таг-туғи билан барҳам бериш зарур эди. Муаммо шунда эдики, 1900 портларда тўхтаб турилганда ҳеч қачон чалмасди, чалишни истамасди, тамом-вассалом. Ер, порт узокдан кўриниши билан у рояль олдидан турарди. У фақат ўзи истаган жойда чаларди. Унинг истаги эса, фақатгина очик денгизда – ер узок милтиллаган чироққа ёки хотирага, ёки умидга айланиб улгургач туғиларди. У шунақа эди. Агар Миссисипи бўйлаб сузмаса, бирор пароходга қадам босмайдиган Желли Ролл Мортон такрор-такрор сўкинганича чипта харид қилиб “Виржиниялик” кемасига чиқади. “Бу мен ҳаётимда содир қилган энг беъмани қилиғимдир” – деди у ҳақорат аралаш, уни Бостон портига, алоҳида 14-номера кузатишга келган журналистларга. Кейин эса, қаютасини ичкаридан беркитиб, ернинг узок чироқларга ёки хотираларга, ёки умидга айланишини кута бошлайди.

1900га келсак, у бу иш билан деярли қизиқмасди ҳам. У хатто ўша дуэлни нимадан иборат эканлигини ҳам тузук билмасди. Нимага керак? Аммо, барибир унга ҳам қизиқ. Жаз асосчисининг роялда қандай чалишини билгиси келарди. У ўта жиддийлик билан рақибини шундай атарди ва унинг жазни ихтиро этганлигига самимий ишонарди. Ишончим комилки, ундан бирон-бир нарсани ўрганиб олмоқчи ҳам бўлган. Бирон-бир янгиликни. У шундай яратилганди – 1900. Қария Дэннига ўхшаб кетарди: уни ҳам мусобақаларнинг мазмуни, ким ютганлиги мутлақо қизиқтирмасди, бошқа исталган ҳамма нарса хайратга соларди. Ҳаммаси, натижалардан бошқа ҳаммаси.

Сузишнинг иккинчи куни, соат 21.37. “Виржиниялик” кемаси соатига 20 узел тезлик билан Европа томон елиб бормоқда, Желли Ролл Мортон, шахсан ўзлари, жозибатор қора кийимда, биринчи класснинг рақслар залида пайдо бўлди. Бу ердагилар нима қилишни жуда яхши билишарди. Раққослар рақсдан тўхташди, биз – оркестрдагилар асбобларимизни кўйдик, бармен

вискини олиб, рояль олдига борди ва 1900нинг юзига тик боқди. Унга ҳеч нима демади, аммо барчага эшитилди: “Бу ерни бўшат”.

1900 ўрнидан турди.

– Сиз ўша – жазни ихтиро этган кишисиз, шундайми?

– Шундай. Сен эса таги Океандан ҳовур олсагина куй чаладиган кимсан, шундайми?

– Шундай.

Улар шундай танишдилар. Желли Ролл Мортон сигарета тутатиб, рояль киррасига кўйди, сўнгра жойлашиб ўтириб олди-да, чала бошлади. Рэгтайм. Аммо шундай чалдики, бу куйни ҳеч ким бу оҳангда ҳеч қачон тингламаган. Мортон чалмасди, унинг бармоқлари клавишларга тегар-тегмас куй оқарди, худди аёл баданидан силлиқ сирпаниб тушаётган ва аёлни бу билан рақсга ундаётган шойи мисол. Унинг мусиқаси Американинг барча борделларини ифодалаётган эди, аммо бу борделлардаги хонимлар, ҳатто кийимхоналаридагилар ҳам бениҳоя юксак дидли эдилар. Желли Ролл Мортон зўрға эшитиладиган ноталар билан, яна ва яна тиниқ оҳангда, клавиатуранинг энг чеккасида, худди мрамор полга кичкинагина гавҳарлар шодаси тўкилгандек тугатди. Сигарета ҳамон ўша жойида, рояль устида ётар, ярми куйиб бўлган, аммо кули тўкилмаганди. Айтиш мумкинки, кул шовкин чиқармаслик учун тўкилмади. Желли Ролл Мортон сигаретани икки бармоғи, ўзининг капалак-кўллари билан олди. Айтганимдек, сигаретанинг кули ҳам тўкилмаганди, эҳтимол, бу қандайдир хийладир, билмадим, аммо кул тушмагани рост. Жаз ихтирочиси ўрнидан турди ва 1900нинг олдига бориб, сигаретани унинг тумшуғи олдига яқинлаштирди, бутунлигича, кули билан. Ва сўз қотди:

– Сенинг навбатинг, матросча.

1900 кулиб юборди. У шўхлик қилаётган эди. Жуда жиддий шўхлик. У рояль олдига ўтириб, кўлидан келиши мумкин бўлган энг катта аҳмоқликни қилди. У “Ортга кайтинг, буважон” номли мутлақо беъмани болалар куйини чала бошлади; мусиқани бир неча йил муқаддам бир муҳожирдан эшитганди ва шундан буён бу мусиқадан қутула олмасди, куй унга ёқарди, чин сўзим, тушунмайман, нимаси унга ёқарди, аммо ниҳоятда ёқарди ва уни ниҳоятда жозибадор дея ҳисобларди. Бироқ, бу мусиқа баҳсда яхши далил бўлолмаслиги аниқ. Истасам, мен ҳам чалардим. 1900 уни сал безорилик билан, нималаринидир қолдириб ва ўзидан икки-учта янгилик – вольт кўшиб чалган бўлса-да, бемаъни нарса, бемаънилигича қолаверди. Желли Ролл Мортоннинг юзи янги йил совғасини ўғирлатган боланикига ўхшарди. У 1900га кўзлари билан еб кўйгудек ўқрайиб, яна рояль олдига ўтирди ва ҳатто немис механигини ҳам йиғлатгудек блюз янгради. Худди бутун дунё негрларининг пахтаси бу мусиқада жамланган эди ва созанда гўё бу пахтани ўз ноталари билан терарди. Бу бутун вужудингни бахшида этсанг арзийдиган куч эди. Тингловчиларнинг барчаси ўринларидан туриб кетишди ва қарсақ чалиб юборишди. Желли Ролл Мортон пинагини бузмасдан, гўё бу баҳс охири нима билан тугашини билгандек, натижага шубҳа қилмагандек сипо турарди, таъзим этишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Энди 1900дан жавоб кутишарди. Куйнинг бошланишиданок ёруғлик кутиб бўлмасди, чунки рояль олдига ўтиргани ҳамон кўзлари тўла ёш эди – блюз таъсиридан бўлса керак, у лол қолганди ва уни тушуниш мумкин эди. Бундан-да ўтадиган бемаънилик бўлмас: бошида мил-мил оҳанг бўлишига қарамай, ҳозиргина тинглаган блюзини чалса-я. “Бу куй шунчалар ажойиб эдики”, – деганди у менга кейинчалик ўзини оқлаган бўлиб. Аслида эса у дуэль нима эканлигини билмас, тасаввурга ҳам эга эмасди. Натижада у ўша

блюзни такрор чала бошлади. Аммо бошидан шўхчан куй кетма-кет узундан-узун, ўта оғир аккордлар сериясига ўзгарди, унда бутун дунё ғами, ҳасрати акс этарди. У клавиатурани босишдан, ҳар бир аккорддан хузур топаётгандек, уларни бир-биридан кескин тафовутлаб, берилиб чалди. Бу фақат ўзига ёқди, чунки у тугатгач, бир неча киши хуштак чалиб юборди.

Шу пайтга келиб Желли Ролл Мортоннинг сабри битди. У рояль олдига юриб эмас, югуриб келди. Эҳтимол, у 1900га сўзларини шивирлаб айтгандир, аммо ҳамма аён эшитди:

– Хўш, энди кўзингга кўрсатаман, атала!

Ва чалиб ташлади. Йўқ, “чалди” – бу аниқ сўз эмас. Бу жонглёрлик эди. Акробатика. 88 та оқ-қора клавиатурада нима қилиш мумкин бўлса, у қила билди. Ғайритабиий тезликда. Биронта ҳам нотада қадалмасдан, юзининг бирор-бир асаб толаси титрамасдан. Бу мусиқа ҳам эмасди – сеҳргарлик, жодугарлик, мукамаллик ва нодирлик эди. Бу мўъжиза эди, онт ичаманки, мўъжиза. Одамлар ақлдан озиб қолишди. Улар чинқиришар ва қарсақ чалишарди. Улар ҳеч қачон бунақасини эшитишмаганди. Вазият янги йил байрамини эслатарди. Мен ғала-ғовурда 1900нинг олдига ёриб ўтдим ва уни ўта хафсаласи пир бўлган қиёфада кўрдим. У менга бир қараб олиб, сўз қотди:

– Ахир унинг бир пулга қиммат, ночор...

Мен жавоб бермадим. Нима дейишимни билмасдим. У менга энгашиди ва сўради:

– Менга сигарета бер. Бер, бер...

Бу шунчалик кутилмаганда бўлди, беихтиёр унга сигарета узатдим. Гап шундаки, у ҳеч қачон чекмаган. У папиросни олди, орқасига бурилди ва тўғри роялга бориб ўтирди. Зал аввал тинчиган бўлди, унинг чалмоқчи бўлганини тушунди, кейин захарханда луқмалар, кулги ва ҳатто хуштак эшитилди; инсоннинг табиати шундай: мағлубларга муносабати чўчқасимон бўлади. 1900 зал тўлиқ тинчигунича сабр қилди. Кейин у бар олдида қадах тўла шампан тутган Желли Ролл Мортонга бир қур назар ташлади ва гап қотди:

– Ўзинг шуни истадинг, катта пианиночи.

Сигаретани роялнинг қиррасига қўйди.

Тугатмасдан.

Ва чала бошлади.

(Ақл бовар қилмас фортепьяно пьесаси жаранглайди, худди тўрт қўллаб чалинаётгандек. У кўпи билан ярим минут чўзилади ва қудратли аккордлар жаранги билан тугайди. Актёр мусиқа тугашини кутади, сўнгра давом эттиради.)

Мана шундай.

Тингловчиларнинг дами чиқмасди. Сеҳрлангандек. Ҳаммаси оғизлари очилганча одатий роялга бакрайиб қараб ўтиришарди. Охиригача шундай қолишди, сукунатда қилт этишолмасдан, ҳатто финалдаги аккордларнинг даҳшатли вулқонидан сўнг ҳам юз жуфт қўл чалаётгандек, рояль ҳозир портлаб кетадигандек туюларди. 1900 бу ақлдан оздирадиган сукунатда ўрнидан турди, менинг сигаретимни олди, клавиатурага энгашиди ҳамда сигаретани симларга теккизди.

Енгил чисирлаш.

Сигаретани рояль узра баланд кўтарди, у туташган эди.

Онт ичаман.

У бирам чиройли ёнарди.

1900 сигаретани кичкина шам мисол ушлаб олганди. У чекмасди ва ҳатто бармоқлари билан уни қандай тутишни ҳам билмасди. У Желли Ролл Мортон томонга бир неча қадам ташлади. Сигаретани узатди:

– Чек. Мен бунга устамасман.

Шундагина томошабинлар ўзига келишди. Бу олқиш ва бакирикларнинг чўққиси эди; жиннихона, бошқача айтишни билмайман, чунки ҳеч қачон бунақасини кўрмаганман – ҳамма қичкиради, ҳамма 1900ни ушлаб кўришни хоҳлайди, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. Мен эса уни, Желли Ролл Мортонни кузатардим. У бу тартибсизликда ёлғиз турарди, асабий ҳолда лаънати сигаретани тортарди; киёфасига қандай никоб тутишни ўйларди, аммо сира топа олмас, ҳатто кўзларини қаерга яширишни билмасди; бир маҳал унинг қўли қалтираб кетди, аниқ қалтиради ва мен буни ўзим кўрдим, ҳеч қачон унутмайман, қўли шунчалик кескин титрадики, сигаретанинг кули тўкилди, тўкилганда ҳам олдин қора костюмига ва кейин сирғалиб, лакланган қора ботинкасининг ўнг пойига тушди, у оёғига қаради, мен яхши эслайман, ботинкага, кулга қараб олди ва тушунди, тушуниш керак бўлган ҳамма нарсани англади, англагач, орқага бурилиб, секин силжиб, қадам-бақадам, инжа ҳаракатларда ҳатто ботинкасидаги кулни ҳам туширмасдан улкан зални кесиб ўтди ва кўздан йўқолди. Қора лакли пойабзал, устида бир чимдим кули билан ўз соҳибини олиб кетарди ва бу дуэлда ким ғолиб чиққани кундай равшан эди.

Желли Ролл Мортон сайрининг давомини ўз каютасида қамалганча ўтказди. Саутхэмптондаги биринчи бекатдаёқ “Виржиниялик”ни тарк этди. У кейинги кун Америкага жўнаб кетди. Бошқа кемада. У на “Виржиниялик”, на 1900 ва на бошқа нарса ҳақда билишни истарди. У уйига қайтишни хоҳларди, тамом-вассалом.

Учинчи класс бўлмасидан, устунга суянган ҳолда 1900 унинг койилмақом оқ костюмда ва қатор ялтироқ чамадонлар билан нариги қирғоққа тушишини кузатарди. Эсимда қолгани у айтган бир оғиз гап бўлди:

– Жазини ҳам илиб кўяй.

Ливерпуль – Нью-Йорк – Ливерпуль – Рио-де Жанейро – Бостон Корк – Лиссабон – Сантьяго-ди-Чили – Рио-де Жанейро – Антиль ороллари – Нью-Йорк – Ливерпуль – Бостон – Ливерпуль – Гамбург – Нью-Йорк – Гамбург – Нью-Йорк – Женева – Флорида – Рио-де Жанейро – Флорида – Нью-Йорк – Женева – Лиссабон – Рио-де Жанейро – Ливерпуль – Нью-Йорк – Корк – Шербург – Ванкувер – Шербург – Корк – Бостон-Ливерпуль – Рио-де Жанейро – Нью-Йорк – Ливерпуль – Сантьяго-ди-Чили – Нью-Йорк – Ливерпуль, Океан – ва биз ўртасидамиз. Ва ўша жойда, шу нуктада, сурат узилиб тушди.

Мени суратлар билан содир бўлган бундай воқеалар доим қизиқтирарди. Йиллаб осилиб туради, кейин тўсатдан ўзидан-ўзи, такрорлайман, ўзидан-ўзи, хўп ва узилиб тушади. Яъни, миҳда осилиб турган нарса, ҳеч ким тегинмаса ҳам, аммо муайян бир дақиқада, хўп – худди тош каби тушади. Бирон-бир сабабсиз. Нега энди айнан шу дақиқада? Ноаниқ. Хўп!

Миҳга нима бўлган, нима уни бунга мажбур қилган: балки, бошқа чи-долмас? Наҳотки унинг, бечоранинг ҳам қалби бор? Ва шу қалби билан қарор қилганми? Миҳ ва сурат буни узоқ маслаҳатлашишган, бунинг яхши эканлигига ишончлари комил бўлмаган, улар барча тунларни шу ҳақда гаплашиб ўтказишган, кейин санасини, вақтини белгилашган ва мана – хўп! Улар вақтини олдиндан, энг бошидан билишган, иккаласи ҳам: миҳ ва сурат олдиндан келишиб олишган, қара, мен сени етти йил давомида ушлаб тураман, менга бу етарли, маъкулми, унда келишдик, 13 май, маъкул, соат

олтида, йўқ, яхшиси, ўн бешта кам олтида, розиман, унда хайрли тун! Олти йил ўтгач 13 майда, ўн бешта кам олтида – хўп! Тушуниб бўлмайди. Тўғриси, шундай нарсалар борки, уларни қанча кам ўйласанг, шунча яхши, акс холда ақлдан озасан. Сурат узилиб тушганда шундай бўлади. Эрталаб аёлнинг кўйнидан туриб, уни бошқа севмаслигини бирдан тушуниб етганинда ҳам. Газетани очиб, уруш бошланганини ўқиганинда ҳам. Кўзгуга қараб қанчалик кексайганини сезганинда ҳам. Океаннинг қоқ ўртасида 1900 кўзини тақсимчадан узиб сенга қараб сўз айтганда ҳам: “Етти кундан кейин Нью-Йоркда кемадан тушаман”.

Ва мен қотиб қоламан.

Хўп!

Суратга савол беролмайсан. 1900га эса мумкин. Мен қисқа вақт уни тинч кўйдим, кейин эса жонига тегиб кетдим, тушунишни истардим, нега шундай қарорга келди, битта кеманинг ўзида одам ўттиз икки йилни ўтказса-да, бирдан уни тарк этишга шайланиб қолса, ўзининг энг яқин дўстига ҳам сабабини тушунтирмаса, ахир қандайдир сабаби бор.

– Мен у ерда, пастда, бир нарсани кўришим керак, – деди у.

– Қандай нарсани?

У айтишни истамасди. Бунинг сабабини айтишга мажбур қилганимдан кейингина тушундим:

– Денгизни.

– Денгизни?!

– Денгизни.

Буни қаранг-а. Мен ҳар балони кутгандим, аммо бунга эмас. Ҳеч ишонгим келмасди. Ишонмасдим ҳам бундай аҳмоқ қилишларига. Бу асрнинг жуда катта бемаънилиги эди.

– Ўттиз икки йилдан буён кўриб келаяпсан-ку уни, денгизни, 1900!

– Бу ердан. Мен уни у ёқдан кўришни истайман. Бу бир нарса эмас.

Худо ҳаққи. Мен ёш бола билан гаплашаётгандек эдим.

– Яхши, хўп. Портга келишимизни кут, қирғоққа туш ва баҳузур кузат, барибир-ку.

– Йўқ, барибир эмас.

– Ким айтди сенга?

Бу ҳақда эса унга Бастер исмли кимса айтган. Линн Бастер. Дехқон. Қирқ йил умр кечиради, ҳайвондек ишлайди холос, яшамайди. Уларнинг кўрганлари меҳнат. Ярмарка кунларидаги бир ёки икки марта бориладиган хароб кулбаларидан бир неча километр наридаги катта шаҳар. Аммо бу омадсизни бир гал қурғоқчилик ҳамма нарсадан мосуво қилган, хотини руҳоний билан негадир қочиб кетган, болаларини эса ичбуруғ нобуд қилган, иккаласини ҳам. Хуллас, бундан ўлгани яхши эди. У жандаларини ортмоқлаб Лондонга етиш учун бутун Англия бўйлаб яёв жўнайди. Йўлни билмай, Лондон ўрнига, ярим унут қишлоққа келиб қолади; йўл бу ердан икки марта бурилиб, тепаликдан ошгач, беихтиёр денгизга олиб чиқади. У ҳеч денгизни кўрмагани ва денгиз унга чакмоқдай таъсир қилади. Сўзларига кўра, денгиз уни ҳаётга қайтарган. У шундай таърифлаган: “У кудратли паҳлавоннинг қичқирғини эслатади, қичқиргани-қичқирган, тинимсиз шундай деб бақирарди: гўсхўр эрлар тўдаси, ҳаёт чексиз, сиз бунга тушунасизми, йўқми? Чексиз!” У, Линн Бастер, илгарилари бу тўғрида ҳеч ўйламаганиди. Бундай нарсаларни ўйлаш ҳаёлига келиши ҳам мумкин эмасди. Натижада унинг миясида инқилоб содир бўлган.

Эҳтимол, 1900 билан ҳам шундай ҳодиса содир бўлгандир... унинг мия-

сига ҳам ҳеч қачон ҳаёт чексиз, деган фикр келмагандир. Балким, у бу ҳақда шубҳага боргандир, аммо ҳеч ким унга буни таъкидлаб қичқирмаганди. Шунинг учун у ўша Бастерни минг маргалаб бакирок денгиз тарихини айтиб беришга мажбурларди ва ниҳоят, ўзи ҳам буни ҳис этиб кўришга қарор қилганди. У буни менга тасвирлар экан, қиёфасидан ички ёндирув двигатели тўғрисида нутк ирод қилаётганга ўхшарди, бу шунчалар илмий нутқ эдики.

– Мен бу ерда, кемада ҳам қолишим мумкин, аммо денгиз менга ҳеч қачон ҳеч нарсани айтмайди. Агар мен тушсам, ерда яшайман ва ер кўп йиллар мен учун оддий уй бўлиб қолади ва ўзим ҳам одмилашаман, токи бир кун уйимни тарк этмас эканман ва бирор бир қирғоққа келиб, кўзимни очиб денгизни кўрмас эканман, бўлмайди... ўшандагина денгизни кўраман ва қичқириғини эшитаман.

Илмий. Асрнинг энг илмий сафсатаси. Мен буни юзига айтишим мумкин эди, аммо айтмадим. Бу унчалик осон эмасди. Гап шундаки, мен уни, 1900ни ҳурмат қилардим ва унинг қачонлардир кемани тарк этишини, пастда, куруқликда одамлар учун куйлар чалишини, кўхликкина аёлга уйланиб, болали бўлишини ва ҳоказоларни, ҳаётий зарур нарсаларни орттиришини истардим. Ҳаёт балки унчалик чексиз эмасдир, бироқ ширин, фақат буни ҳис этиш учун озроқ омад ва яшаш иштиёқи бўлса, бас. Хуллас, бу денгиз тўғрисидаги воқеа мен учун ҳақиқий сиқилиш, задалик эди, аммо 1900ни бу ердан олиб кетиш мумкин экан, ҳар нега розиман. Охир-оқибатда натижа яхши бўлади, деган хулосага келдим. Мен унга қарори тўғрилигини ва ундан хурсандлигимни айтдим. Шунингдек, ўзимнинг туя жунидан тўқилган пальтомни совға қилишимни ҳам гап орасида қистириб ўтдим, токи трапдан қирғоққа тушаётганда пальтода омадли ва кўп нарсага эришаётган киши бўлиб кўринсин. У ҳаяжонланиб кетди:

– У ерда, куруқликда, мени кўргани баъзан келиб турасанми?

Эй Худо, мана шу еримга – бўғзимга тош тикилди, агар хоҳласа, у мени ўлишга ҳам мажбур қила оларди. Хайрлашишни жуда ёмон кўраман, шундан одатдагидан баландроқ овозда кула бошладим, вазият жуда оғир эди, мен унга жавоб бердим: албатта, уни кўргани келиб тураман ва биз унинг итини олиб кенгликларда сайр қиламиз, хотини бизга курка пишириб беради ва ҳоказо; яна қандай аҳмоқона гапларни айтганимни эслай олмайман, у эса куларди; аммо иккаламиз ҳам ўзимизча гап нимадалигини билардик: энди ўтмишдаги ҳаёт барҳам топмоқда ва бунга ҳеч нарса халақит беролмайди, шундай бўлиши ҳам керак ва ҳамма нарса шундан далолат берарди: Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900 “Виржинялик”ни февраль кунларининг бирида Нью-Йорк портида тарк этиши лозим. Денгизда кечган ўттиз икки йилдан сўнг, у куруқликка денгизни кўриш учун қадам қўйиши керак эди.

(Қадимий балладаларни эслатувчи куй таралади. Актёр 1900нинг кийимида трапнинг юқори зинасида пайдо бўлиш учун қоронгиликка чекинади. Туя жунидан пальто кийган, кўк ишляпа, қўлида катта чамадон; у Нью-Йорк томонга қарайди. Кейин аста-секинлик билан биринчи, иккинчи, учинчи зиналарга қадам қўяди. Ва шу ерда мусиқа кескин тўхтайди, 1900 “қотиб” қолади. Актёр ишляпасини ечиб, томошабинларга қарайди.)

Учинчи зинада у тўхтади. Кутилмаганда.

– Нима бўлди? Ёмон нарсани босиб олдингми? – деди ҳеч қачон ҳеч нарсанинг тагига етмаган, аммо ҳар доим ажойиб кайфиятда юрадиган ирландиялик Нил О’Коннор.

- Бирон нарсани унутган, – тахмин қилдим мен.
- Нимани?
- Ким билади нима эканлигини...
- Балким, у нега тушмоқчилигини унутгандир?
- Қўйсанг-чи сафсатани.

Аммо нимагадир у тўхтади-ку: бир оёғини иккинчи, бошқасини учинчи зинага қўйиб. Ва шу ҳолатда жуда узоқ турди. У олдинга тикилиб турар, ниманидир ахтараётгандек туюларди. Кейин тушуниб бўлмайдиган ишни қилди: шляпасини қўлига олиб, зинадан ташқарига тутди ва ташлаб юборди. Фаройиб кушга ёки қанотли кўк нарсага ўхшаш шляпа шамолда бир-икки ўмбалоқ ошиб денгизга қўнди. Тўлқинда чайқала бошлади. Йўқ, шубҳасиз, бу номаълум нарса эмас, ҳақиқий кушнинг ўзгинаси эди. Биз нигоҳимизни сувдан узиб, трапга қараганимизда 1900нинг туя жунли пальтосида – менинг туя жунли пальтомда, ўша икки зинапоядан бутун дунёга елка бурганича ғалати илжайиш билан қўтарилганини кўрдик. Икки қадам ташлади-ю, у кема ичкарасида кўздан ғойиб бўлди.

– Кўрдингми? Янги пианиночи келди, – деди Нил О’Коннор.

– Айтишадики, энг буюкларнинг буюги эмиш, – дедим мен. Ва бу пайтда хафалигимни ҳам, ниҳоятда хурсандлигимни ҳам билолмасдим.

Ўша лаънати учинчи зинада у нимани кўрганлигини менга айтишни хоҳламасди. Бу галги сузишимизда ва яна кейинги икки мартасида 1900 бир оз ўзини бесаранжом сезиб юрди: одатдагидан камроқ гапириб, кўпроқ хаёлга берилди. Биз уни саволга тутмасдик. Жигига тегмасдик. У эса ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутарди. Унга нимадир бўлганлиги кўришиб турарди, бироқ ҳеч ким сўролмасди. Бир неча ой шундай давом этди. Лекин 1900 кутилмаганда менинг каютамга кириб келди ва оҳиста, бир нафас олишда ушбу гапни айтди: “Пальто учун раҳмат, менга жуда ярашарди, эсиз, уни кийиб барчани қойил қолдирсам бўларди, аммо энди ҳамма нарса ўз изига тушаяпти, ҳаммаси ўтиб кетди, сен мени бахтсиз деб ўйламаслигинг керак, мен энди ҳеч қачон бахтсиз бўлмайман”.

Менга келсак, уни бебахт дея ўзимни ишонтирмаганман. У бахтлимикан, дея ўйлаш мумкин бўлганлар тоифасидан эмасди. У 1900 эди, тамом-вассалом. Уни бахтли ёки изтироб чекмоқда, деган фикр хаёлимга ҳам келмасди. У гўё бундай нарсалардан халос эди, ўзи ҳам бу ҳақда ўйламайдигандек туюларди. Унинг мусиқаси бор, бошқаси ҳисоб эмас.

“Сен мени бахтсиз деб ўйламаслигинг лозим, мен энди ҳеч қачон бахтсиз бўлмайман”. Бу гап мени ҳайратга солди.

У буни ниҳоятда жиддийлик билан, қаерга бориб, қаерга келишини жуда яхши биладиган киши қиёфасида айтди. Бунда, худди у рояль олдига ўтириб чала бошлаганида қўллари адашмаслиги каби: клавишлар ундан унинг ноталарини кутгандек ва ноталар ҳам уларга, фақат уларга мўлжаллангандек равшанлик зоҳир эди. У бу ноталарни шу ернинг ўзида, рояль олдига ижод қилаётгандек таассурот уйғотарди – аслида эса, 1900 ўша кунни ўз ҳаётининг оқ ва қора клавишлари қаршисида ўтириб, уларда бемаъни ва доҳиёна, азобли, аммо гўзал, дунёдаги энг нозли мусиқани ижро этишга қарор қилганди. Бу куй остида у ҳаётида бошидан кечириши керак бўлган ҳамма нарса рақсга тушиши керак эди. Токи у ҳеч қачон ўзини бахтсиз сезмасин.

Мен “Виржиниялик”ни 1933 йилнинг 21 августида тарк этдим. Унинг бортига қўтарилганимга ҳам олти йил бўлди. Назаримда, бу умримнинг каттагина қисми эди. Кемани бир кунга, бир хафтага эмас, бутунлай тарк

этдим. Тегишли хужжатлар, ишлаган йилларим учун маош ва бошқалар билан. Рисоладагидек. Мен Океанга чек қўйдим.

Менга бу ердаги ҳаёт ёқмасди, деёлмайман. Бу ерда кечган умр учун ўзига хос тарзда товон ундириш мумкин эди. Аммо ўзимни бу ҳол узоқ давом этади, дея ишонтиролмадим. Албатта, касбинг денгизчи бўлса, унинг йўриғи бошқа, денгиз – сенинг иш жойинг, чурранг тўкилмагунча ёки ўзингни ўз ўрнингда деб ҳисобласанг, охиригача юраверишинг мумкин. Бироқ созанда учун... Мабодо сен карнай чалсанг, денгизга бегонасан ва шундайлигингча қоласан. Эртами, кечми уйга қайтиш фикрига келасан ва бу тўғри. Мен эса, эртароқ шу фикрга келиб тўғри қилдим, дейман ўзимга.

“Эртаси маъкул”, – дедим мен 1900га ва у тушунди. Мени трапдан кузатишни хохламаслиги тушунарли эди, бироқ бу ҳақда гапиришни... у буни ҳеч қачон айтмаган бўларди. Шундай қилгани ҳам маъкул эди. Сўнгги кечада икковимиз биринчи классда одатдаги бекорчилар учун куй ижро этардик, соло чалиш навбати меники эди, бошлаганим заҳоти – куйимга жўровоз бўлаётган пастроқ оҳангдаги мулойим рояль овозини эшитдим. Сўнгра биз бирлашдик ва мен бу сафар билганимдан кўра яхшироқ чала бошладим. Эй, Худо, мен Луис Армстронг эмасдим, аммо ўша тунда ундан-да ёмон чалмадим, ўлай агар, 1900 жўрлигида: у мен чалаётган солога жўр оҳанглик қилар ва буни фақатгина ўзига хос тарзда амалга оширарди. Бошқа созандалар бизга концертнинг анчайин катта қисмини жуфтликда, карнайда ва роялда ижро этишга имкон беришди; биз бунда ҳеч сўз билан айтилмайдиган нарсалар тўғрисида гаплаша олдик, мен шундай ўйлайман. Атрофимиздагилар рақсга тушишарди, ҳеч нарсани англашмасди, ҳеч нарса бўлмаётгандек чарх уришарди. Эҳтимол, кимдир шеригига шундай дегандир ҳам: “Анови карнайчига қарагин, масхарабознинг ўзгинаси – у фирт маст ёки девона. Ўтибор бер: у йиғлаб чалапти”.

Мен қирғоққа тушганимдан кейинги воқеалар қандай ривожланганлиги, энди бошқа қисса. Балким, шу лаънати урушга аралашмаганимда бирон арзигулик ишга қўл урармидим. Уруш турмушимни шунчалик чигаллаштириб юбордики, охир-оқибат калавамнинг учини бутунлай йўқотдим. Содир бўлаётган воқеаларнинг тагига етишга ақлим етмасди. Менда керакли фазилатлар йўқ эди. Мен карнай чалишни билардим холос. Созандалик малакаси – уруш кетаётганида шунчалик кераксиз ҳунар эдики, ҳайратдан дол қотгандим. Уруш эса ўз комига тортар ва сен ҳарчанд уринма, ундан кутулолмас экансан.

Ҳар нима бўлган бўлса-да, “Виржиниялик” ҳақида ҳам, 1900 тўғрисида ҳам кўп йиллар ҳеч нарса эшитмадим. Уларни унутмаган эдим, ҳеч қачон унутмасдим ҳам, ҳатто ўзимдан ўзим сўраган пайтларим бўлган: “Қизиқ, 1900 бундай пайтда нима қилган бўларди, шу ерда бўлганида нима дерди? Балким, урушни илганим бор, дермиди?” Бу сўзларни овоз чиқариб айтсам, бутунлай бошқача таъсир кўрсатади. Жуда ҳам ночор аҳволда қолганимда эса, кўзимни юмганимча фикран у ерга, кеманинг учинчи классига қайтардим: опералардан ариялар куйлаётган эмигрантларни, қандайдир ўз куйини чалаётган 1900ни тинглардим, унинг қўлларини, юзини ва атрофидаги Океанни кўрардим. Мен ҳаёлотга ва хотираларга берилардим – бу гоҳида кутулишимнинг якка-ю ягона йўли бўлиб қоларди, бошқа чора йўқ эди. Бундай рўёларга берилиш камбағал учун таскин, бироқ бу ҳам кўп иш берарди.

Хуллас, бу тарих тугади. Ёки тугагандек кўринарди. Лекин кунлардан-бир кун мактуб олдим, уни Нил О’Коннор, ўша тинимсиз ҳазил қиладиган ирландиялик ёзибди. Бироқ унинг хати жиддий эди. Унинг ёзишича, “Виржиния-

лик” урушда яроқсиз ҳолга келиб қолган, ундан сузувчи госпитал сифатида фойдаланишган, уруш сўнггида кераксиз матохдан қутулишмоқчи. Тирик қолган экипаж Плимутда туширилган, кемани динамитга тўлдиришган, бир қанча вақтдан сўнг очиқ денгизга судраб чиқиб, портлатишади: бум! Алвидо! Хатнинг қуйроғидаги илова: “Сенда юз доллар топиладими? Онт ичаман, уларни сенга қайтараман”. Яна қуйроқда: “1900 қирғоққа тушишни ҳам ўйламаяпти”.

Фақат бир жумла: “1900 қирғоққа тушишни ҳам ўйламаяпти”. Мен хатни бир неча кун қўлимдан қўймадим. Кейин поездга ўтириб Плимутга етиб келдим, “Виржиниялик”ни излаб портга жўнадим, топдим, қўриқчига бир оз пул қистириб, кемага қўтарилдим, уни тумшуғидан бошлаб, тубигача қараб чиқдим, машина бўлимига тушиб, яшиқларнинг бирига, қўринишича, динамит тўлдирилганига ўтириб, шляпамни ечдим, полга қўйдим ва нима қилишимни билмай қолдим.

... Мен ўша ерда ўтирганимча ўзимга, атрофимга қараб сукутда қотдим/
Динамит, унинг тагида динамит, ҳамма жойда динамит/

Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900

Чаладиган ноталарингни ҳар доим билганингдек, менинг келишимни ҳам билишингни айтганингда эди... Чехранг кексайган, бироқ бундан янада кўркамлашган ва ҳеч қандай чарчоқ изи йўқ/ Кемада биронта чироқ йўқ, фақат ташқаридан ёриб кираётган нурлар/ Ўша туннинг қандай бўлганлигини билишса эди/ Тугмалари тўлиқ ўтказилган камзул, тозаланган туфли, оппок қўллар/ Қирғоққа тушиш, наҳотки шундай фикр унинг калласига келган бўлса/ Нимқороғилиқда у шахзодага ўхшарди/ Ахир унинг калласига қирғоққа тушиш фикри келиши мумкинмиди, йўқ, албатта, у очиқ денгизда, кема қолдиқлари билан осмонга учишни афзал биларди/ Буюк якун, агар бунинг барчасига қирғоқдан, тўсиқлардан қаралса, улкан сунъий олов, дўзахий олов, парда тушади, тутун ва гулхан, охирида тўлқин зарби/ Дэнни Будмен Т.Д.Лемон/ 1900/ Қоронғилиқка чўккан ўша кемада, у ҳақдаги сўнгги хотира – овоз, зўрға эшитиладиган адажио тилга киради/

(Актёр 1900га айланади)

Ваҳимали шаҳар... у бу якунни кўрмаган.../

Финал, марҳамат, сиз финални кўрсатолмайсизми?/

Ва гумбурлаш/

Ўша, худо безор, зинада... ҳаммаси жуда чиройли эди... пальтода салобатли эдим, ўз омадим билан учрашувга йўл олгандим, шубҳам йўқ эди, мен ерга тушардим, бу мен учун муаммо эмасди/

Менинг кўк шляпамда/

Биринчи зина, иккинчи зина, учинчи зина/

Биринчи зина, иккинчи зина, учинчи зина/

Биринчи зина, иккинчи зина/

Мен кўрган нарса мени тўхтатмади/

Мен кўрмаган нарса мени тўхтатди/

Сен буни тушуна оласан, биродар, кўрмаган нарсам мени тўхтатди... мен уни истагандим, бироқ у йўқ эди чексиз шаҳарда, унигина мустасно қилганда ҳамма нарса бор эди/

Ҳамма нарса бор эди/

Лекин якун йўқ эди. У – мен кўролмаган нарса, у ерда – ҳамма нарса интиҳо топадиган жойда турибди. Дунёнинг чеккасида/

Энди эса роялни тасаввур қил. Клавишлар бошлайди. Клавишлар тугатади. Сен биласанми, улар 88 та ва бу борада ҳеч ким сени доғда қолдирмайди. Яъни улар чексиз эмас. Сен, сен чексизсан. Бу клавишларда сен яратишинг мумкин бўлган оҳанглар чексиз. 88 – уларнинг чегараси. Сенда эса чегара йўқ... Бу менга ёқади. Булар билан яшаш мумкин. Бироқ агар сен/

Бироқ агар мен бу зиналар бўйлаб кўтарилсам ва менинг олдимда/

Бироқ мен агар бу зиналар бўйлаб кўтарилсам ва менинг олдимда миллион-миллионлаб ва миллиардлаб клавишли клавиатуралар пайдо бўлса/

Миллион ва миллиардлаб клавишлар ҳеч қачон тугамайди ва бу асл ҳақиқат – уларнинг тугамаслиги, бу клавиатуранинг чексизлиги/

Агар бу клавиатура чексиз бўлса, унда /

Лекин бу клавиатурада сен чалишинг мумкин бўлган куй йўқ. Сен ўрнингни адаштирибсан, сенинг ўрнинг Худо ўйнаётган рояль олдида /

Танграм, сен бу йўлларни кўрдингми?

Фақат йўллар, улар ҳаддан ортиқ кўп, сиз – курукликдагилар, улардан бирини қандай танлайсиз, ўзимники деб /

Ўз аёлингизни-чи?

Ўз уйингизни, ўз ерингизни, кўргингиз келадиган ўз табиатингизни, ўз ўлимингизни /

Бу дунёни /

Сен ҳатто қаерда тугагини ҳам билмайдиган атрофингдаги борликни /

Ва у қанчалик муаззам /

Сиз ҳеч қачон минглаб бўлақларга бўлиниб, сочилиб кетишдан кўрқмайсизми бу муаззамдан, бу муаззамлик ҳақда ўйлаганингиздан, у ерда яшаганингиздан.../

Мен бу кемада туғилганман. Дунё шу ердан ўтган, ҳар ўтганида икки минг кишидан бўлиб ўтган, уларнинг орзулари ҳам шу ерда эди, бироқ улар кеманинг қуйруғи ва тумшуғи орасига сиғадиган даражада бўлиб, ундан зиёд бўлмасди. Мен ўз бахтимни чексиз бўлмаган клавиатурада ижро этардим.

Мен дунёни шу зайлда англадим. Ер – у ҳам шу кемадай нарса, шунчаки у мен учун ҳаддан зиёд улкан. Бу ниҳоятда чўзилиб кетган сузиш. Бу ҳаддан гўзал аёл. Бу ўта ўткир ҳид. Бу мен чалишни билмайдиган куй. Мени кечирасиз. Бироқ, мен тушмайман. Ортга қайтишга ижозат берсангиз.

Марҳамат /

Энди эса мени тушунишга ҳаракат қил, биродар. Тушунишга ҳаракат қил, агар кўлингдан келса /

Дунё бутун борлиғи билан менинг кўзларимда акс этади /

Кўрқинчли, аммо гўзал /

Ҳаддан зиёд кўркам /

Мени ортга қайтарган кўрқув ҳам,

Яна кема ва яна абадий /

Кемача /

Бу олам кўзларимда, ҳар кеч, яна ва яна /

Шарпалар /

Ўлимга тайёрман, агар менга ижозат берилса /

Қирғоққа тушиш хоҳиши /

Бундай қилишдан кўрқув /

Шу тарзда ақлдан озасан /

Ақлдан /

Нимадир қилишим керак эди ва мен бажардим /

Мен уни олдин тасаввур этдим /

Кейин амалга оширдим /
 Кунма-кун узоқ йиллар /
 Ўн икки йил /
 Миллиард лаҳзалар /
 Кўз илғамас ва жуда секин силкиниш /

Кемани тарк этишга қодир бўлмаган мендек одам қутулиш учун ҳаётни тарк этдим. Зинама-зина. Ҳар бир зина ўзга орзунинг ифодаси эди. Ҳар кадамимда бирон-бир орзу билан “видолашардим”.

Телба эмасман, биродар. Биз телба эмасмиз, қутулиш учун йўл топа билдик-ку. Биз айёрмиз, худди очкўз йиртқичлар мисоли. Телбаликнинг бунга дахли йўқ. Бу – даҳолик. Бу – геометрия. Мукамаллик. Истаклар қалбимни тимдаларди. Мен улар билан бирга яшамоқчи бўлдим, аммо кўлимдан келмади.

Шунда мен уларни жодуладим.

Бирин-кетин уларни ортимда қолдирдим. Геометрия. Мукамаллик. Дунёдаги барча аёлларни мен жодуладим, тун бўйи, териси тиник, қўллари тақинчоқларсиз, оёқлари охуникидек бир аёл учун чалдим, у менинг куйларим оҳангида бошини тебратарди, кулмасди, нигоҳини олиб қочмасди тун бўйи, мен юксалтирдим, бу аёл эмас, балки бутун дунё аёллари менинг ҳаётимдан изсиз кетдилар. Мен ўзим ҳеч қачон ўхшашни истамаганим отамни жодуладим, жон бераётган бола олдида бир неча кун қараб ўтириб, кўрқинчли ва гўзал спектаклдаги ҳеч бир сахнани ўтказиб юбормадим, у тарк этишидан олдин бу дунёда кўрадиган сўнгги нарса бўлмоқчи эдим ва у эмас, балки энди мен ҳеч қачон кўролмайдиган ҳамма болалар жон беришди. Еримни, дунёнинг қайсидир бурчагидаги ўз заминимни шимолдан келаётган инсон қўшиғини тинглай туриб жодуладим, сен ҳам уни эшитгансан ва кўргансан, ахир кўргансан, водийларни, тоғларни, сокин окувчи сувларни, қор-зумрадни, тун бўрилари, бу инсон қўшиғини тугатганда эса, менинг заминим ҳам, қаерда бўлмасин, менинг заминим ҳам барҳам топди. Орзулаган дўстларимни ҳам сеҳрладим, ўша кеча сен билан, сен учун чалиб, мен уларнинг барчасини, энг севимли ошналаримни, сенинг қиёфангда, кўзларингда кўрдим, сен кетгач, уларнинг барчаси ортингдан кетдилар. Шимолий денгизларда азим ва ваҳшатли муз тоғларининг иссиқдан маҳв бўлганлигини кўрдиму ҳайратда “алвидо” дедим. Мен уруш бўлақларга бўлиб ташлаётган онларда кулаётган одамларни кўриб мўъжизаларга “алвидо” дедим. Мен динамитлар билан тўлдирилган бу кемани кўриб, ғазабга “алвидо” дедим. Мен бир тунда, бир лаҳзада барини чалишга улгурганим мусиқамга ўша кунда “алвидо” дедим, яна сенинг бу ерга кириб келаётганингни кўриб, қувончни ҳам сеҳрладим ва унга “алвидо” дедим. Бу ақлдан озиш эмас, биродар. Бу – геометрия. Бу – нозик бир юмуш. Мен бадбахтликни қуролсизланттирдим. Уларни ажратиб ташладим: менинг умрим ва менинг орзуларим. Агар менинг йўлимни босиб ўтолганингда эди, сен уларнинг барини учратардинг, бирин-кетин, жодулаб ташланган, қимирлолмас, абадий муз қотган, гўё мен сендан бошқа ҳеч кимсага ҳеч айтмаган мана шу ҳайратомуз тарихнинг қиссалари каби /

(1900 нарда орқасига томон чекинади. Тўхтайдди, томошабинларга юзланади.)

Мен эса ҳозир сахнани кўряпман: бу ерга кимдир чиқди ва рўйхатлардан номимни излаб тополмаяпти.

– Сиз, исмингизни нима дедингиз?

- 1900
- Носинлик, Нотарбартоло, Новалис, Ноцца...
- Мен шу кемада туғилган кимсаман.
- Узр, англамадим.
- Мен шу кемада туғилиб, шу ерда ўлганман, билмадим бу маълумотдан сизга наф бормикан...
- Кема ҳалокатими?
- Йўқ. Портлаш. Олти ярим центнер динамит. Бум!
- Шундайми... Энди ҳаммаси жойидами?
- Ҳа, ҳа, ҳаммаси ажойиб... яъни... фақат кўлим муаммо... биттаси йўқолиб қолди... бироқ мени ишонтиришди...
- Бир кўлингиз йўқми?
- Ҳа. Биласизми, портлаш...
- Қаердадир шу атрофда бир жуфти ётувди.... қайсиниси йўқ дедингиз?
- Чапи.
- Эй, шайтон қопгур!
- Нима бўлди?
- Биласизми, бу ерда фақат бир жуфт ўнг кўл...
- Иккаласи ҳам ўнг кўлми?
- Афсуски, шундай. Сизга, эҳтимол, мумкин дир, дейлик...
- Хўш?
- Демокчиманки, агар сиз ўнг кўлни олсангиз...
- Чап кўл ўрнига ўнг кўлми?
- Худди шундай.
- Бироқ... хўп, амалда, ўнги ҳам тузук, умуман, кўлсиз юргандан кўра...
- Мен ҳам шундай ўйлайман. Бир дақиқа кутиб туринг, олиб келаман.
- Агар бир неча кундан сўнг кирсангиз, балким, чапи пайдо бўлар?
- Менга қаранг, мендагининг биттаси оқ, иккинчиси негрга тегишли.
- Йўқ, йўқ, ранги бир хил бўлсин, илтимос... мен негрларга қарши эмасман, аммо шундай масалани...

Омадсизлик. Абадий жаннатда иккита ўнг кўл билан *(замгин овозда)*. Энди эса чиройли бут ясаймиз. *(Ясашга уринади, аммо тўхтабди. Кўлларига қарайди.)* Қайсидан фойдаланишни ҳам билмайсан. *(Бир лаҳза иккиланади, кейин иккала кўли билан ҳам чўқинади.)* Абадий, миллион йиллар, жиннилардек таассурот қолдириб. *(Ҳаракатни такрорлайди.)*

Дўзах. Жаннат. Ҳеч қулгили эмас.

(Орқага бурилади, парда томон юради, аммо кетмайди, яна томошабинларга юзланади: унинг кўзлари чақнайди.)

Ваҳоланки... биласанми, шунга қарамай мусиқани... бу кўллар билан, бир жуфт ўнги билан... фақат рояль бўлганида...

(Яна жиддийлашади.) Анави, сенинг тагингдаги, биродар, – динамит. Ўрнингдан тур ва бу ердан кет. Бари тугади. Бу сафар чиндан ҳам ҳаммаси тамом бўлди.

(Кетади.)

Рус тилидан
Эшқобил ВАЛИИ
таржимаси



Константин ШЧЕРБАКОВ

МУҲИМИ ИНСОН БЎЛИШ, ҲАММА ГАП ШУНДА

Маълумки, ҳар йили 27 март – “Халқаро театр куни” мамлакатимизда гўзал байрамлардан бири сифатида кенг нишонланади. Республикамизда мавжуд 37 та профессионал давлат театри, ўнлаб ҳаваскорлик ва театр студияларида миллий асарлар билан бир қаторда, жаҳон драматургиясининг кўплаб сара намуналари ҳам саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Шунингдек, дунё театрлари репертуарини безаб турган энг яхши спектакллар ҳамда атоқли театр намояндалари ҳаёти ва ижодига бағишланган туркум мақола ва рисолалар ҳам турли нашрларимизда мунтазам чоп этиб борилади. 2014 йили россиялик таниқли журналист, театр ва кино танқидчиси Константин Шчербаковнинг бир қатор машҳур санъаткорлар ижодига бағишланган “Время мое и чужое” (“Менинг ва унинг замони”) китоби нашрдан чиқди.

Константин Шчербаков XX асрнинг 60-йилларидан то шу кунгача бўлган давр мобайнида Россия матбуоти, театр ва кино санъатида юз берган тарихий ўзгаришларни ичидан кузатган ҳолда, кўп мақола, тақриз ва эсселар ёзган. Муаллиф ўзининг ярим асрдан зиёд вақт давомида ёзилиб, турли нашрларда сочилиб ётган битикларини саралаб, ушбу китобига жамлаган.

Константин Шчербаков 1938 йил 9 май куни Москва шаҳрида туғилган. Россия Федерациясида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Польша Халқ Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Бир қатор газеталарда ишлаган, Польшада Бутуниттифоқ муаллифлик ҳуқуқи агентлигининг (ВААП) раиси, “Искусство кино” журналининг бош муҳаррири, Россия Федерацияси маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Кинематографчилар уюшмалари конфедерацияси раиси вазифаларида ишлаган.

Эски мақолаларини тўплар экан, Шчербаков уларни замонга мослаб таҳрир қилиб, тузатиб ёки шарҳлаб ўтирмади. Балки қандай бўлса, шундайлигича қолдирди. Муаллиф ёзганларининг кўпчилиги ўз даврида тақиқланган, репертуардан олиб ташланган ёки кескин танқид остига олинган санъат асарлари. Аслида, уларнинг барчаси жаҳон адабиёти, театр ва кинематографиясининг дарғалари томонидан яратилгани учун ҳам XX аср маданияти ва санъатидаги ўзига хос тенденциялар, ғоявий тўқнашувлар, ютуқ ва муаммоларга тўла ижодий жараёнларни бор бўйи билан ўзида мужассам этиб, яхлит манзарани намён қилади. Вақт ўтиши билан жамият ҳам, бадиий кадриятлар ҳам, ижодий



муносабатлар ҳам, инсонлар ҳам ўзгариб бораверади. Баъзан бугунги театр ва кино санъатига “ўзгача” этик-эстетик қарашларнинг кириб келиши боис замон “ўзимизниқилар” ва “бегоналар”га ажралгандек туюлади муаллифга. Китобнинг номланиши ҳам шундан. Муаллиф тилга олган ижодкорлар ҳам, уларнинг асарлари ҳам бугун тарихга айланган. Китоб қаҳрамонлари билан замондош бўлган Шчербаков уларнинг ҳар бирини яхши таниган, қузатувлар, суҳбатлар, мунозаралар давомида улар ижодидан сабоқ ва ўрнатқан бўладиган мўъжаз лавҳаларни олиб, хаспўшламасдан, борини қоғозга туширган. Шулардан бири XX аср театр ва кино санъатининг йирик намояндаларидан бўлган Олег Ефремовга¹ бағишланади. Қуйида ушбу лавҳани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1998 йилнинг ниҳоясида Олег Николаевич Ефремов бир неча йил аввал саҳналаштириб, ўзи бош ролни ўйнаган Пушкиннинг “Борис Годунов” и янги таҳрири устида ишлаётганлигини эшитиб қолдим. Чамамда спектаклнинг сўнгги репетицияси кетаётган эди. Ефремовга кўнғироқ қилдим:

- Олег, нега репетицияга чақирмадинг?
- Бу шунчаки хомаки прогон² эди холос. Февралда премьерлага келасан.
- Нега айнан февралда?
- Чунки январь репертуари аллақачон тасдиқланган. Эҳтимол, январда ҳам бирон марта ўйнармиз. Кундузи.

Шундай қилиб мен январда бордим, кундузи. Ефремов Годуновни зўр маҳорат билан ўйнади, бироқ ора-сира қаттиқ йўталар ва хириллаб, оғир нафас оларди. Ваҳима босди, айниқса, Бориснинг жон бериш саҳнасида. Энди бу ҳақда айтиш мумкин. Худди “Уч опа-сингил” ва “Годунов”нинг янги таҳрири – бу шунчаки ўтган кунларни қайта идрок этиш эмас, балки видолашув ҳам эканлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлгандек. Ҳар икки спектакль ҳам юракларни ниҳоятда ўртаб юборувчи ғам-ғусса билан тўлиб-тошган. Бунинг сабабини билад туриб, ушбу спектакллар ҳақида ёзиш нақадар оғриқли ва мураккаб эди. Устига-устак, нуроний дўстимнинг кўзига қараш (ўшанда мен у билан бир неча телевизион кўрсатувлар ёзган эдим) – яъни, ўлим талвасаси соя солишга ботина олмаган, қисмат билан ўчакишиб кулаётган теран кўзларга боқиш ундан-да оғир эди.

“Годунов” эса бошқа ўйналмади, на февралда ва на ундан кейин: ўпка ишламай қолганди, шу аҳволда Годуновни ўйнаб бўларканми. Ўйлаганимдай бўлди, мен унинг саҳнага сўнгги чиқишини кўриб қолдим.

Тиббиёт ходимлари қўлларидан келган ҳамма нарсани қилишди,

¹ Олег Николаевич Ефремов (1927–2000) машҳур режиссёр, актёр, педагог ва театр арбоби. Москва шаҳридаги “Современник” театрининг асосчиси. 1970 йилдан Москва Бадий академик театрининг (МХАТ), кейинчалик театр иккига бўлиниб кетгач, 1987 йилдан умрининг охиригача Чехов номидаги Москва Бадий театрининг раҳбари бўлган. Қарийб ярим аср мобайнида МХАТ мактаб-студиясининг педагоги, актёрлик маҳорати кафедрасининг профессори ва мудир вазифасида фаолият олиб борган. Томошабинлар уни “Плюшчидаги уч терак” (такси ҳайдовчиси Саша), “Автомобилдан сақланган” (Максим Подберёзовиков), “Айболит-66” (Айболит) ва бошқа фильмлардаги роллари орқали яхши танийдилар.

² Прогон – бир репетиция давомида спектаклни бошдан-оёқ кўриқдан ўтказиш.

уларга раҳмат, лоақал, унинг умрини бир оз узайтиришди-ку. Бироқ, ўйлашимча, Олег умри ниҳоясида “Сирано де Бержерак”ни¹ сахналаштиришга киришаркан, паймонаси тўлганлигини фаҳмлаган ҳолда иш бошлаган кўринади. Спектаклни бошлашга-ку улгурди, аммо умр вафо қилмади, ишини охирига етказиш унга насиб қилмади.

Спектаклнинг финали зўр чиқди. Актёр Виктор Гвоздицкий Сиранинг сўнгги монолоғида амалга ошмаган, рўёбга чиқмаган, ушалмаган армонларни донишмандларга хос, нафис вазминлик ва мафтункор сеҳрли қувват билан изҳор қилади. Меҳр-муҳаббатга тўла мушфиқ қалби жароҳатланган шоир, ҳам олий даражадаги фитна-куткулар билан, ҳам тиш-тирноғи билан қуролланган, ёлланган ва сотиб олинган юзлаб каллакесарлар билан якка ўзи, очик-ойдин курашишга қодирдек.

Ушбу асар Ефремов жуда кадрлаган шоир Юра Айхенвальд томонидан кўп йиллар аввал “Современник” театри учун таржима қилинган эди. Саҳнада “Муҳими инсон бўлиш, ҳамма гап шунда. Мен ҳалок бўламан, бироқ кимдир бой берилган жангни давом эттиради!” деган сўзлар янграган лаҳзаларда муаллиф Ростан ҳам, таржимон Айхенвальд ҳам, ажойиб артист Гвоздицкий ҳам, марказий ўринни – асосий қаҳрамон ўрнини юксак адолат юзасидан, гўёки Олег Николаевич Ефремовга бўшатиб бергандек, сояга чекинишади.

Хўш, “Современник”ни бунёд қилган ва МХАТнинг умрини ўнйилликларга узайтирган у – буюк артист, машҳур режиссёр ушалмаган армонлару бой берилган жанг ҳақида ўзининг сўнгги кунларида нималарни ўйлаган? Ҳеч қачон, ҳеч кимдан кўрқмаган жангчи ва санъаткор, ғалабага умид йўқдек туюлган ҳолатларда ҳам ғолиб бўлган афсонавий одамми у? Ё бўлмасам, амалга оширган, рўёбга чиқарган, барпо қилганлари қанчалик салмоқли бўлмасин, барибир кўнгли тўлмаганидан ҳамиша изтиробда бўлган буюк шахснинг феъл-атвори ўзи шундай бўлармикан? Ёхуд яна бошқа нималарми?

Спектаклда тез айтишга ўхшаб, чала-чулпа ижро этилган жойлар талайгина. Бу зинҳор Устанинг вафотидан сўнг спектаклни бадиий синчковлик билан, авайлаб премьерарага олиб чиққан инсонларга таъна эмас. Бироқ Олег ўлишини сеза туриб нима демоқчи бўлганлигини, фақат унинг ўзигина айтиши мумкин эди холос – бор-йўқ гап шунда.

*Рус тилидан
О.РИЗАЕВ таржимаси*

¹ “Сирано де Бержерак” – таниқли француз драматурги Эдмон Ростаннинг (1868–1918) файласуф, шоир ва драматург ватандоши Эржюль Сирано де Бержерак (1619–1655) ҳаёти асосида ёзган пьесаси. Асар рус тилида турли йилларда (илк марта 1898 йил) ўттиз мартадан зиёд чоп этилган.



ҚАЛЬ ҚАБАРИҚЛАРИ

“Жаҳон адабиёти” журналининг аввалги икки сониди чоп этилган “Павлайи” романи тамил ёзувчиси К.Чиннаппа Бҳарати қаламига мансуб. Тамил адабиёти қадимийликда санскрит адабиёти билан тенглаштирилади. Милодий I–III асрларга тегишли “Эттутохей” (“Саккиз китоб”), “Пагтуппатту” (“Ўн қўшиқ китоби”) ёдгорликлари тамил тилидаги илк ёзма ёдгорликлар ҳисобланади. Улар назмда яратилган бўлиб, “Санги шеърляти” номи билан юритилади. Ҳинд адабиёти анъанасига кўра, диний-фалсафий қарашлар тамил адабиётини ҳам чеклаб ўтмаган. Ўз навбатида жайн, буддавийлик динлари, шива ва вишну содиқларининг таъсирини тамил адабиётида ҳам кузатиш мумкин. Улар асосида ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга оид асарлар вужудга келган. Жумладан, IV–VIII асрларда яратилган “Падиненкижжканакки” (“Ўн саккизта кичик асар”) асари дидактик асарлар сирасига қиради.

К.Чиннаппа Бҳарати XX аср тамил романчилигининг етук намояндаси бўлиб, бугунги кунда у тамил адабиётида реализм йўналишининг асосчиси Субраманя Баради мактабининг давомчиси сифатида ижод қилиб келмоқда.

Тамилнаду штатининг Намаккал шаҳрида адабиёт соҳасида катта ютуқларга эришган илмий тадқиқотчилар, адиблар, ижодкорлар ва таржимонларга ҳар йили ёзувчи тириклигидаёқ К.Чиннаппа Бҳарати номидаги мукофотнинг тақдим этилиши адиб ижодининг тамил адабиётида ўзига хос аҳамияти ва ўрни мавжудлигини кўрсатади.

К.Чиннаппа Бҳарати бадиий ижодда ўз услубига эга бўлган ёзувчи сифатида ажралиб туради. Ўзига хослиги шундан иборатки, адиб асарларининг сюжети реал воқеликка асосланади. Бадиий асар яратишда воқеликка асосланиш ўқувчининг асарга бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Рус ҳиндшунослигида тамил адабиёти Л.В.Бычихина, А.М.Дубянский томонидан ўрганилган. Ўзбек ҳиндшунослигида эса тамил адабиёти ҳали очилмаган кўриқ бўлиб, бугунги кунда тамил романнавислиги К.Чиннаппа Бҳарати ижоди мисолида илк бор тадқиқ этиляпти. Бу борада биринчи қадам адибнинг “Павлайи” романи “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида чоп этилиши бўлди.

“Павлайи” ёзувчининг бошқа асарларидан қизикарли сюжети ва юксак бадиияти билан ажралиб туради. Романнинг етакчи мавзуси ўзининг муҳаббати йўлида ноанъанавий кураш йўлини танлаган тамил аёлининг ҳаётини акс эттиришдан иборат. Адиб ҳинд жамиятида бугунги кунда ҳам учрайдиган айрим қолақ урф-одатлар ва қарашларни кескин танқид остига олиб, аёллар ҳам ўз овозига эга экани, қизларни турмушга беришда уларнинг хоҳиш-истакларини ҳам эътиборга олиш зарурлиги ғоясини илгари суради. Романда жамият қонун-қоидалари, ота-онанинг истақларига қарши чиқа олмаган Павлайи ўз севгисидан воз кечиб, қўшни қишлоқда яшовчи Перияннаннинг этагидан тутишга мажбур бўлади. Аслида, Павлайи севган йигит ҳеч кими йўқ бир камбағал бўлгани учун қизнинг ота-онаси фарзандини унга беришни истамайди ва ер-мулкка эга бўлган Перияннанни куёвликка танлайдилар...

Роман воқеаларида ўндан ортиқ персонаж иштирок этади. Уларнинг айримлари воқеаларда бевосита қатнашган, ўз номига эга бўлса, бошқалари асар воқеалари тизимига персонажлар ёки муаллиф нутқи орқали киритилган, айрим ҳолларда уларга ном берилмаган (Павлайининг ошиғи, ўғли, ота-онаси, Перияннаннинг бува-бувиси, амакисининг хотини). Романдаги аёллар образини биринчи ва иккинчи даражалига ажратиш мумкин.

Павлайи, воқеалар ривожига кўра, кишлокнинг содда бир қизи, беғубор севги соҳибаси, итоаткор хотин, меҳнатсевар она, ўз муҳаббати йўлида курашувчи жасур аёл сифатида тасвирланади. Павлайи ўн йиллик тинч-тотув турмушидан воз кечиб, ўзини шол бўлиб, ёлғиз қолган собиқ ошиғининг хизматига бағишлаши ҳинд жамиятида кўз кўриб-қулоқ эшитмаган воқеа эди. Оила шаънини ҳимоя қилиш мақсадида Павлайининг ўз кишлоғига, собиқ ошиғи ёнига кетиб қолганини эри ҳам атрофдагилардан яширади.

Никоҳ куни Павлайи оёқ тираб турган пайтда она-бола ўртасида кескин суҳбат бўлиб ўтади, шу орада онаси кенжа қизининг бахтини рўқач қилганида Павлайи қалбидаги ғалаён жўш уради: “Нима, она фарзандларига ўз меҳрини бирдек бермайдими? Бирига кўп, бирига оз қилиб, турлича тақсимлайдими? Менинг ҳаётим эвазига синглимнинг бахтини кўзлаяпсизми? Синглимнинг бахтини, келажагини кўзлаб мени қурбон қилиш... бундай фикр қандай миянгизга келди, ойижон?”

Бу ғалаён Павлайини бир умр тарк этмайди; аёлнинг қалбига озор берган изтиробнинг бот-бот уйғонишини ёзувчи катта маҳорат, турлича бадиий ташбеҳлар билан тасвирлайди.

Ҳаёт уммонига чўмиб, тақдирга тан берган Павлайи эри билан далада елкама-елка туриб меҳнат қилади, уй-рўзғор юмушларини бажаради, тинимсиз меҳнатдан ҳеч нолимай яшайди. Вақти келиб Павлайи ўғил кўради. Бироқ асар давомида бу фарзанд ҳақида ортиқ сўз юритилмайди. Асарнинг авж нуқтаси Павлайининг собиқ ошиғи ҳақида (вахоланки, Перияннан бундан анча аввал бохабар бўлиб, фақат оила шаъни ва Павлайини севгани учун бу ҳақда сўз очмаган) эрига сўзлаб бериши ва у билан орани очиқ қилишида намоён бўлади. Павлайининг қалбида илк севгиси ғалаба қозонади ва жувонни бугунги оилавий бахтига ўз қўли билан қум сепишга мажбур қилади.

Перияннан иродали, сабрли, меҳнатқаш, етим ўсиб ҳаётнинг оғир-енгилига бардош беришга болалигидан кўниккан йигит. У ёшлигидан она меҳрини кўрмагани боис, турмушининг илк кунлариданок Павлайини қаттиқ севиб қолади. Шунинг учунми, Павлайининг собиқ ошиғи борлигини эшитганида ҳам, хотини уни ташлаб кетганида ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайди. Агар ҳаёт мажбур қилмаганида, қаттиқ бетоб бўлмаганида, балки Танкамма билан яшашга ҳам рози бўлмасди, чунки оилага, севган хотинининг қайтиб келмаслигини билса-да, хиёнат қилиш Перияннан табиатига зид эди. Шу тариқа асарда ёзувчи Перияннан образини жуда хокисор, тақдир измида юривчи инсон сифатида гавдалантиради.

Романдаги яна бир жабрдийда аёл – Танкамма. У ҳеч кими йўқ, фарзанд кўрмаган бева, хат-саводсиз, жамиятда ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган қуйи табақа вакили бўлишига қарамасдан, вазмин, ҳаёт қийинчиликларини кўрган мушоҳадали аёл. Ҳинд жамиятида беваларга анча паст назар билан қаралади, одатда, улар ҳаётнинг рангин жабҳаларидан узилган ҳолда яшайдилар. Танкамма ҳам шулар жумласидан.

Павлайи кетиб қолгач, Перияннаннинг рангсиз, бефайз ҳаётига Танкамма аввалига мардикор аёл сифатида кириб келади. Кейинчалик ҳамдард, маслакдош ва жамият тиш-тирноғи билан қарши чиқса ҳам беникоҳ ёстикдош

даражасига етиб бориб, йиллар давомида орзуга айланган ҳомиладорлик бахтига эришади, лекин иродали аёл сифатида фарзандининг бахтсиз келажаги ҳамда шаънини ҳимоя қилиш учун нафақат ўз ҳаётига, балки зурриёти ҳаётига ҳам зомин бўлади.

Одатда, ҳинд ёзувчиларининг асарларида эзгулик ёвузликдан устун келади ва эзгулик доим ғалаба қозонади. Аммо “Павлайи” бундан истисно. Роман якунида Танкамма ҳаётдан кўз юмади, Павлайининг тақдири, келажаги мавҳумлигича қолади. Бу мавҳумлик китобхонни чуқур мушоҳадага ундайди. Минг йиллик урф-одатларга кўр-кўрона эргашиш, ожизлик, аёлни ҳақ-ҳуқуқсиз яшашга, ҳатто қурбонликка маҳқум этган жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик, табақаларга ажратиш романда уч-тўрт персонажнинг маънавий кураши мисолида очиб берилган.

Романни ўқиш жараёнида журналхонда “Нима учун асарга Павлайи номи берилди, асарда кўпроқ Перияннаннинг тақдири ёритилган-ку?” деган савол пайдо бўлиши табиий. Лекин асар билан тўлиқ танишиш шуни кўрсатадики, романда аёлнинг барча ички кечинмалари тўлиқ равишда очиб берилган. Жумладан, Павлайининг болалиги, муҳаббати, оила ва эри олдидаги бурч-масъулияти ҳамда асар сўнгида ақлига бўйсунмаган туйғуларининг куч-қудрати жуда таъсирли ёритиб берилган. У муҳаббатидан воз кечиб, бутун умрини ўз оиласига бағишлаган аёл сифатида яшаши мумкин эди. Бирок Павлайи қалбидаги озод туйғуларига эрк бериб, ҳеч ким қутмаган йўлни танлашга аҳд қилди. Муаллиф бу билан аёлнинг ҳам инсон экани, у ҳам худди эркак каби бахтли яшашга ҳақлилиги, аёлга ожиза деб қараш ноўринлиги, агар у истаса ҳаётнинг ҳар қандай тўсиғини енгиб ўтиши мумкинлиги, ҳар бир аёлнинг жамиятда ўз ўрни борлигини таъкидламоқчи бўлади. Юқоридаги мулоҳазалардан “Ёзувчи аёл ҳар қандай вазиятда қалбига қулоқ солиб, иш тутиши керак деган фикрни илгари сураяпти” қабалида хулоса чиқармаслик керак. Асло! Павлайи ҳаёт тарозисининг бир палласига бир вақтлар кўнгил кўйган, ҳанузгача унута олмаган, бугун тузалмас оғир дардга чалинган бир инсонни, иккинчи палласига ўтмиши учун уни ҳеч қачон айбламаган, унга бахт бера олган эрини қўяди ва ўзига ўзи савол беради: “Бугун тарозининг қайси палласини танлашим керак?!”

Перияннан эса бағри кенг, меҳрибон ва кечиримли инсон, у инсонларни табақага ажратмайди, барчани тенг кўради. Хотинининг ўтмишдаги гуноҳидан хабар топганда, ҳатто у ўзини ташлаб кетганда ҳам Павлайини кечира олади. Ҳаётидаги иккинчи аёл Танкаммани ҳам мавжуд урф-одат ва тизимларга қарши чиқиб ҳимоя қилишга уринди. Бир сўз билан айтганда, Перияннан аёл кишини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишга ҳаракат қилувчи инсон сифатида гавдаланади.

Ҳинд жамиятидаги аёлнинг ўрни Танкамма қиёфасида ҳам очиб берилади. У орқали ёзувчи ҳинд жамиятидаги бева аёлга нисбатан бўлган салбий муносабатга ўз муносабатини билдиради. Яъни, бева қолган аёл ҳам қайта оила куриб, бахтли ҳаёт кечириши мумкин! Ҳолбуки, Ҳиндистонда ҳозирги кунгача сақланиб қолаётган эскича қарашларга кўра, бева аёлнинг (неча ёш бўлишидан қатъий назар) турмуш куриши мумкин эмас, деб қаралади. Муаллиф эса бундай ёндашувларни танқид остига олиб, аёлга буюм сифатида қараш яна қачонгача давом этиши мумкин, наҳот инсон тақдирининг, кадр-қимматининг, қалб туйғуларининг заррача ҳам аҳамияти бўлмаса, деган кескин фикрларни ўртага ташлайди.

Ўқувчини тобора мураккаблашиб бораётган аёлларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи қарашларни ислоҳ этишга чақирар экан, ёзувчи асарда ҳар икки

аёл тақдирини бағри кенг ва ожизалар қадрини тушуна оладиган Перияннанга бориб тақайди. Лекин биргина унинг қўлидан нима ҳам келарди? Унинг бир ўзи бутун жамиятга қарши чиқа олармиди?..

“Павлайи” романида қахрамонлар тушган мураккаб вазиятларни янада мушкуллаштирувчи омиллар, хусусан, теваарақдагиларнинг гап-сўзлари, содда қилиб айтганда, миш-мишларга ҳам муносабат билдирилади. Масалан, Перияннан Павлайи билан тўйга кетаётганида йўлда учраган қария билан бўлган суҳбатни бунга мисол сифатида келтириш мумкин: “...Биронта одам унинг ҳазилларидан қочиб қутулмаган. Кўзи бирор нимага тушса, бўлди, қишлоқда ғийбат болалайди. Баъзи ҳазиллари шунақанги жиддий бўладики, такрорланавериб, лақабга айланиб кетарди. Унинг қишлоғида бир қорни пастга осилиб тушган семиз одам бор эди. Уни кўриб, ҳазилкаш Бобо деди:

– Ие, бу бўғоз сигирга ўхшайдими?

Кўп ўтмай бу ном унинг оиласига лақаб бўлиб қолди. Ҳамма уларни “бўғоз оила” деган лақаб билан чақира бошлади. Яна буларни ҳам шундай бир лақаб билан сийламасин-да. Шунини ўйлаб, Перияннан кўрқиб гапирди:

– Тўйга кетяпмиз, амакижон... – кейин уни чалғитиш учун гапни бошқа ёққа буриб, деди: – Амаки, бу тўккиз-ўнта эчкингиз бор эди. Қани улар? Тўрт-бештасини кўряпман холос.

Қизариб кетган кўзларини ола-кула қилиб, Бобо деди:

– Э-э, ука, сенга ўхшаган ўғлим бўлганида, шу ёшимда эчки боқиб юрмасдим. Баднафс қоринни тўйдираман деб, баъзиларини сотиб едим...

Мол қариса қушхонага боради, инсон қариса кўчада қоларкан...”

Адибнинг ижтимоий-маънавий муаммолар, хусусан, жамиятнинг юқори-қуйи табақаларга ажратилиши, бу эса айрим кишиларнинг илоҳийлаштирилиб, бошқаларнинг оёқости бўлишига олиб келаётганини хизматкор Раъман образи билан боғлиқ равишда рўй-рост чизади. Тоби қочган Перияннаннинг “Мен ўгирилиб ёта олмайман, ўзимни-ўзим эпложмай қолдим. Раъман, кўтариб, мени ўтқазиб қўясанми?” деган илтимосига жавобан Раъман иложсиз қолади. Чунки у қуйи табақага мансуб эди, агар хўжайинига қўл теккизса, бу билан барча юқори табақа вакилларини ҳақорат қилган ҳисобланарди.

Шу тариқа муаллиф ҳинд жамиятида чуқур илдиз отган табақалаштириш иллатини фош этиб, ҳақиқат юзидаги пардани журъат билан кўтарар экан, бундай чиркин одатларни кескин қоралаб, Перияннан тилидан шундай дейди: “...Хўш, сенинг қўлинг тегса, мен ҳаромга айланаман, шундайми? Менинг ҳам кўнглимдан олдинига шу гап ўтганди. Ташқаридан қараганда, бу тўғрига ўхшайди, лекин ичига боқсанг, буларнинг бари бемаъни, бехуда гаплар эканини кўрасан. Ўзинг ўйлаб кўр, ёнгин чоғида бировни кутқариш ёки сузишни билмайдиган одамни сувдан олиб чиқиш керак бўлиб қолди – бундай пайтларда юқори табақа одамлари менга қўл теккизма деб айтармикан? Ҳаёт-мамот вақтида мени кутқар деб, ёлвориб сўрашади, ўзлари қўл чўзишади, лекин ўша пайтда зот-пот деган гаплар эсига келармикан?”

Бир сўз билан айтганда, К. Чиннаппа Бхаратининг “Павлайи” романи ҳинд жамиятидаги аёллар тақдири, бева аёлларга бўлган муносабат масаласини ва умуман, аёл қалбининг куч-қудратини Павлайи ва Танкамма образлари орқали ҳинд жамияти учун ноанъанавий тарзда очиб беради. Ёзувчи аёлларнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим ва аёл зотининг ички туғёнлари нималарга қодир, деган саволларга ўзига хос тарзда ечим топишга уринади.

Мактуба МУРТАЗОХЎЖАЕВА



УММОНГА ЁНДОШ УММОН



Мустақиллик санаси –
1971 йил 26 март
Пойтахти – Дакка
Майдони – 144 000 км²
Аҳолиси – 150 039 000³
Давлат тили – бенгал тили



Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси Мосуд Маннан билан суҳбат

– Жаноб Элчи, мана, Бангладеш мустақил давлатлар қаторига кирганига ҳам 26 март куни 44 йил тўлди. Шу муддат ичида мамлакат иқтисодиёти ва маданиятида, таълими ва аҳоли турмуш тарзининг ўсишида қандай ютуқларга эришилди?

– Бангладеш кўп партиявийлик асосида раванқ топаётган демократик давлат бўлиб, дунё ҳамжамияти томонидан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда тез ривожланаётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Бангладешнинг 162 миллионлик аҳолиси учун гуруч катта аҳамиятга эга бўлгани боис давлатда гуруч кўп етиштирилади, шу жумладан, бу маҳсулот хорижга ҳам экспорт қилинади. Аини пайтда, Бангладеш газлама ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Ҳозирда 10 миллион бангладешлик хорижда ишламоқда, улар мамлакатга йилига 12 миллиард доллардан ортик пул юборади. Шунингдек, давлат аҳолига табиий офатлар билан курашишда кўмаклашиб, молиявий ёрдам кўрсатмоқда, ишсиз одамларни иш билан таъминламоқда. Бангладеш аскарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибида тинчлик-осойишталикни таъминлашда фаол иштирок этяпти.

Бангладеш пахта савдосида Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатингиз билан алоқалар кўламини кенгайтириш мақсадида бир нечта лойиҳа тузилган. Аини пайтда Ўзбекистон билан фармацевтика соҳасида ҳам ўзаро

хамкорлик йўлга қўйилган, келажакда бошқа соҳаларда ҳам шундай битимлар тузилиши кўзда тутиляпти.

– *Журналимизнинг шу йилги январь ва февраль сонларида ҳиндистонлик ёзувчи К. Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романи таржимасини бердик. Бу романдан сўнг ўзбек ўқувчилари тамил адабиёти ва романда акс эттирилган ўша ҳудуд халқининг яшаш тарзи, маданияти, турмуш тутумлари билан танишди. Энг муҳими, аёллар ички олами романда етакчилик қилади.*

Очигини айтсак, ўзбек ўқувчиси учун бенгал адабиёти, Рабиндранат Тагорни истисно қилганда, ҳали “очилмаган қўриқ”. Хонаси келганда айтмай, Р. Тагор ўзбекнинг ўз ёзувчисидай бўп қолган. Ёзувчининг 8 жилдли танланган асарларини китобхонларимиз ҳануз ардоқлашади.

Халқингиз ҳаёти ва ички оламини акс эттирган яна қайси ижодкорларнинг асарларини ўзбек ўқувчиси учун тавсия қиласиз?

– Бенгал адабиётига бенгал тилида ёзилган барча асарлар киради. Масалан, “Чҳаряпада” X–XI асрларда ёзилган бенгал адабиётининг қадимий намунаси бўлиб, унда буддавийлик динининг тасаввуфий-диний қўшиқлари битилган. Бенгал адабиёти икки даврга бўлинади: ўрта (1360–1800 йиллар) ва замонавий (1800 йилдан то ҳозирга қадар). Буюк адиб Рабиндранат Тагор шоир, драматург, романнавис ва эссеист сифатида шуҳрат қозонган. У Осиёда биринчи бўлиб, 1913 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди. Алаол, Мадҳушудон, Банким Чандра, Назрул Илом, Шуканта, Жибанананда, Имдадул Ҳақ Милон бенгал адабиётининг машҳур намояндаларидир.

Аслида бу мавзуни батафсил ёритиш кўп вақт талаб этади. Бизда Лалонга ўхшаш тасаввуфчи донишманларимиз билан бир қаторда Шамсур Раҳмондай замонавий шоирлар ҳам бор. Ахтаруззамон Илёс асарларида асосан кишилар ҳаётининг ташвишлар фонида тасвирланса, Ҳумоюн Аҳмад одамларнинг орзу-умидларига эътибор беради. Драматург Саййид Шамсул Ҳақ маҳаллий турмуш тарзини шевалар орқали шеърлар ва эсселарда ифода этади. Машҳур адибимиз, эссе устаси Кабир Чоудхурий дунёнинг машҳур драмаларини бенгал тилига таржима қилган. Романнавис Шаҳидуллоҳ Қайсар асарлари ва шоир Рудра Муҳаммад Шаҳидуллоҳ шеърлари асосан ижтимоий характерда. Адибалардан Селина Ҳусайн, Шохин Ахтар, Насрин Жаҳон ва Адити Пҳолгуний асарлари севиб ўқилади. Мир Мушарраф Ҳусайн, Ҳумоюн Озод диний мавзуда асарлар ёзиб, уларда комилликка интилиш сирлари тасвирланади. Бир сўз билан айтганда, адабиётимиз кундан-кунга янги асарлар билан бойиб бормоқда, адибларимизни бутун дунёга танитишда таржимонларимиз ҳам катта жонбозлик кўрсатишяпти. Яқинда чоп этилган ҳикоялар тўплами ва шеърларнинг инглизча таржимаси дунё китобхонларида бенгал адабиёти ҳақида муайян маълумот беради.

– *Замонавий бенгал адабиётининг ўзига хос хусусиятларини нима-ларда кўрасиз? Юртингизда дунё билан бўйлаша оладиган асарлар яратилаяптими?*

– Ҳозирги бенгал адабиётида умумнинг эмас, индивидуал шахснинг ички кечинмаларига эътибор катта. Адибларимиз халқимиз ўтмишда бошдан кечирган мустамлакачилик халқимиз жабр-зулмлари ва мамлакатимизнинг мустақиллигидан кейинги йиллардан олган тажрибаларга асосланиб, турли мавзуларда асарлар яратиш келмоқда. Шу йўл билан улар бенгал адабиётининг дунёда муносиб ўрин эгаллашига ҳаракат

қилишмоқда. Дунё китобхонлари Рабиндранат Тагордан ташқари, Саййид Валиуллоҳ, Шавкат Усмоннинг асарларини севиб ўқишади. Уларнинг китоблари инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ҳозирда Таҳмима Анам ва Зиё Ҳайдар Раҳмонни ҳам хорижда бенгал адабиётининг ёрқин намояндалари сифатида танишяпти.



– *Бенгал тили халқнинг ички ҳиссиётларини, дардларини тўла ифода эта оладиган мукамал тил бўлиб шаклланган дея оласизми?*

– Ҳа, албатта. Бенгал тили Бангладешнинг расмий тилидир. Инглиз тили ҳам таълим, савдо-сотик ва бизнесда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, таълим муассасаларида араб тили ҳам ўқитилади. Ҳозирда бенгал тилида 300 миллион аҳоли сўзлашади.

Баъзи йирик тиллар каби биз ҳам ўз тилимизда инсоннинг ички кечинмалари, ғам-ташвиши, шодликларини сўзлар орқали билдиришимиз мумкин, адабиёт намуналари, шеърлар ва драмалар айнан шу тилда яратилади. Масалан, Рабиндранат Тагорнинг “Гитанжали” асари бенгал менталитетининг негизини очиб беради.

– *Бангладешда кино санъати ва саноати бугун қандай ҳолатда? Юртингизда дунё фестивалларига чиққан ё чиқишга муносиб фильмлар ишлянтими?*

– Бангладеш кино олами кўпинча Далливуд деб айтилиб (Дакка шаҳрида суратга олинган фильмлар), Осиёда катта обрўга эга. 80-йилларда Бангладешда кино саноати сезиларли даражада ўсди. 90-йилларга келиб, суратга олинган фильмлар сони анчага кўпайиб, баъзилари катта муваффақият қозонди, шу боис, бу давр “Бангладеш кинематографиясининг олтин асри” деб эътироф этилади.

Бангладеш дунёда фильмлар суратга олиш бўйича 10-ўринда, Жанубий Осиёда эса Болливуддан кейин 2-ўринда туради. 2013 йилда Бангладеш кино саноати мамлакат бўйлаб 120 та фильм намойиш этди, улардан 63 миллион АҚШ доллари миқдорида соф даромад олинди. Кинотанқидчилар сўнгги йилларда кино саноати тез суръатда ўсаётганини таъкидлашмоқда. 2014 йил кино саноатида жуда омадли йил бўлди, “Олов”, “Қахрамон: Суперюлдуз” фильмлари катта шухрат қозонди.

1980 йилда ташкил этилган Бангладеш кино мактаби ёш ва иқтидорли режиссёрларга юқори савияли фильмларни суратга олиши учун таълим бериб келмоқда. Танвир Мукамал ва Моршедул Исломуассасанинг ташкилотчиси ҳисобланади. Баъзи режиссёр ва сураткашларимиз Ҳиндистондаги Пуна олий ўқув юртида таълим олишади.

Бангладешлик режиссёрлар халқаро кинофестивалларда мунтазам катнашиб келади. Танвир Мукамал ҳам кўп фестивалларнинг ҳайъат аъзоси. Кино ижодкорларимиз бир неча ҳужжатли фильмлар ҳам суратга олишган. АҚШда яшовчи бангладешлик компьютер-дастур муҳандиси Нафис бин Зафар “Кариб денгизи қароқчилари” фильмида ишлатилган “сув анимацияси” ва “Аждарҳо машқи” анимацион фильмидаги компью-

тер эффектлари учун Оскарнинг “кино техникаси учун” соврини билан тақдирланган.

– *Театр санъатида қандай янгиликларни тилга ола оласиз?*

– Бангладеш санъати икки минг йилдан ортиқ тарихга эга. Юртимизда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомлик қадимдан ривожланган. Бангладеш театрида томоша санъати устувор.

Бангладешда театр IV асрда санскрит драмаси шаклида мавжуд бўлган. Ҳозирда Ғарб театрлари ва маҳаллий маданиятнинг таъсири Бангладеш театрида ҳам ўз аксини топган. Театр бангладешликлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Театр намоишлари халқни мамлакатда ҳукм сурган Англия мустамлака сиёсатига қарши ҳамда мустақиллик учун курашга чорлаган. Бенгал тили ривожига ҳам театр катта тurtки бўлган. Мунир Чоудхурий томонидан ёзилган “Қабр” драмаси тил учун кураш ҳаракатининг нечоғли кучли кечганини кўрсатган. Ҳозирда театр жамиятдаги муаммоларни кўрсатишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

– *Тасвирий санъат ва меъморчиликдаги ютуқлар ҳақида ҳам икки оғиз маълумот берсангиз.*

– Бангладеш тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги ғарбий ҳамда шарқий йўналишларидан кенг фойдаланади. Европаликлар келишидан олдин бенгал тасвирий санъатида маҳаллий ва шарқий услублар устувор бўлган. Мамлакатга Европадан тасвирий санъатнинг экспрессионизм ва сюрреализм йўналишлари кириб келиши тасвирий санъатга ижобий таъсир қилди.

Мустақилликдан сўнг университетларда тасвирий санъат факультетлари очилиб, мусаввирларнинг янги авлоди шаклланди. Ҳозирда Шаҳобиддин, Мунирул Ислоом, Калидас Кармакар дунё миқёсида ўз асарлари билан довруқ қозонмоқда.

Ўтмишда Зайнул Обидоин, Қамарул Ҳасан, Қайюм Чоудхурий, Аминул Ислоом, Муҳаммад Кибриё ва бошқалар ажойиб суратлари билан донг тартган. “Дакка санъат биеннальеси” пойтахтимизда дунё бўйича машҳур мўйқалам усталарини ўзига жалб қилмоқда.

– *Ўрни келганда сўрай, ўзингиз ҳам шеър ёзаркансиз. Шоирлик сиз учун нима аслида?*

– Мен бўш вақтимда шеърлар ёзиб тураман. Айниқса, саёҳатлар шеър ёзишим учун илҳом бағишлайди. Адабиётни мен ҳис-туйғулар мажмуи ва фалсафаси деб биламан.

– *Ижодий намуналарингиздан ҳам журналхонларимизга илинсангиз!*

ИККИНЧИ ТУН

Илк тун оғрикли, оғир ва номаълум кечди. Иккинчиси эса ёқимли, осойишта ва орзу-умидларга тўла эди. Аммо кейинги тунларим қандай ўтар – қоронғи. Ахир, ҳаёт табиат сингари эврилишда-ку.

СЕВГИ ВА ЎЛИМ

Кафтингда тутганинг – менинг ҳаётим. Оҳанрабо янглиғ жозибангни инкор этолмайман ҳам. Ортга йўл йўқ, муҳаббат билан сен томон олға интилавераман. Гўзаллигинг қаршисида эса барчаси унут.

СЕВГИ ВА АЙРИЛИҚ

Тамом! Қуёш нури остида сендан айрилдим, сендан-да, юрагимдан айрилдим. Сен – музаффар, менинг эса ҳолим хароб. Энди чоралар ичра бечораманми? Омад ва ғурур муҳаббатдан айирди мени, ақл ва жозоба тажассумидан!

ҲАЁТ ҲИЙИНИ

Не кўйга солмасин, бу ҳийин аччиқ ва ширин жумбоклари ила ёқади менга. Қанча мушкулотни ечолмай қолдим. Ечолганимгина менга ҳузур бағишлар! Эй Худо, сенга ошиқману, нега хануз ёлғизман? Билмайман.

Фозил ЖАББОРОВ
суҳбатлашди

БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Ўтган асрнинг 70-йилларида жаҳон харитаси яна бир мустақил давлат – Бангладеш тасвири билан бойиди. Аслида гўё ҳеч нима ўзгармагандек туюларди, чунки бу янги давлатнинг пайдо бўлишида, одатда бўладигандек, чегарага оид низолар юзага келмади, фақат Ҳиндистоннинг икки томонида жойлашган икки мамлакат зўраки тарзда яхлит ном билан “Покистон” деб аталар эди – ғарб томондагиси “Шарқий Покистон”. 1947 йилда Ҳиндистон инглиз мустамлакачиларини мамлакатдан узил-кесил ҳайдаб чиқарса-да, мустақилликка эришувчи арзонга тушмаганди, аввало, ҳинд халқи диний адоватлар туфайли Ҳиндистон ва Покистонга ажралган бўлса, иккинчидан, Покистон ҳам жуғрофий жиҳатдан, ҳам иқтисодиёт нуқтаи назаридан жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ғарбий Покистон аҳолиси ҳинд мусулмонлари бўлиб, нуфус жиҳатидан Шарқий Покистондан анча кам – 75 миллион нафардан иборат эди. Бунинг устига, Ғарбий Покистоннинг ерлари унча ҳосилдор эмас, сув ҳам тақчилроқ эди. Аммо мамлакат пойтахти шу ерда жойлашган бўлиб, сиёсий жиҳатдан ҳам Ғарбий Покистоннинг мавқеи унчалик мустаҳкам эмасди – аҳоли асосан серҳосил ерли Шарқий Покистонда етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобига кун кўрар эди деса хато бўлмасди. Шарқий Покистонга келсак, аҳолиси мусулмон динидаги бенгаллар бўлиб, шу кунларда 144 миллион нафарни ташкил этади. Иккала Покистон борди-келдиси ўртадаги Ҳиндистон ҳисобига яна кўшимча ташвиш орттириши яққол кўриниб турарди. Хуллас, икки юз йиллик инглиз истибдоди бенгал халқининг ҳам юрагини қонга тўлдириб бўлганди, энди ички истибдодга қарши кураш аланга олди ва 1971 йилда шарқий бенгалларнинг ҳам эзгу орзуси рўёбга чиқди – Шайх Мужибур Раҳмон раҳбарлигида Шарқий Покистон узил-кесил мустақилликка эришди, мамлакатга Бангладеш (бенгаллар юрти) деб ном берилди. Эндиликда Маҳатма Ганди каби халқ раҳнамосига айланган маҳрум Шайх Мажибур Раҳмоннинг номини ҳам бангладешликлар ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олади. У янги давлат асосчиси сифатида дарров ички ва ташқи душманлар нишонига айланди, кўп ўтмай душманлар уни оиласи билан қириб ташлайдилар. Тасодифан жон сақлаб

колган икки қизидан бири Шайх Ҳасина ҳазрати олиялари шу кунларда бош вазир лавозимида муваффақиятли фаолият юритмоқда. У отаси Мажибур Раҳмон орзу қилган Сонар Бангла – Олтин Бенгалияни қарор топтириш учун 2021 йилгача муддатни ўз ичига олган Тараққиёт режасини ишлаб чиқди.

1971 йилги ўзгаришдан кейин янги мамлакатнинг янги раҳбари давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистонга биринчилардан бўлиб ташриф буюрган эди. Бу мўътабар меҳмонни муносиб кутиб олиш учун Тошкентда алоҳида тайёргарлик кўрилгани ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Шайх Мажибур Раҳмоннинг жасорати ҳали шўролар истибдоди асоратида яшаб келаётган ўзбек халқининг дилига мустақиллик чўғини солган бўлса, не ажаб.

АДАБИЁТ

Бангладеш адабиёти тарихи ва тараққиёти ҳам унинг узоқ тарихи каби Ҳиндистон яримороли минтақасидаги адабий-бадий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Гарчи Бангладеш собиқ Шарқий Покистон сифатида мусулмон мамлақати ва халқи 97 фоиз кўрсаткич билан мусулмонлардан иборат бўлса-да, тарихий шароитлар тақозоси билан бу ерда мусулмон бўлмаган тарихий сиймолар ҳам баравар улуғланади, миллат фарзанди сифатида ардоқланади. Шулардан бири Нобель мукофоти совриндори Рабиндранат Тагор ҳисобланади. Асли миллати бенгал бўлган Р.Тагор ҳинду мазҳабига эътиқод қилар эди, аммо ўзининг бутун умри – 82 йил давомида Она Бенгалия ва Она Ҳиндистонни тараннум этди, унинг порлоқ келажигига сўнмас умид билан ишониб яшади. Унинг кўплаб умидлари рўёбга чиқди, аммо тириклигида улардан бирортасидан баҳраманд бўлолмади. Бангладешнинг яна бир буюк фарзанди мусулмон бенгал Қози Назрул Исломи эди. Бангладеш давлатининг мадҳияси иккита бўлиб, биринчиси расман Р.Тагор шеърига асосланган бўлса, иккинчиси норасмий тарзда Қози Назрул Исломи шеърига басталанган. Аммо каттакич расмий-норасмий издиҳомларда ҳар иккала мадҳия баравар ижро этилади. Бундан ташқари Майкл Мадхушудон Дотто, Шорот Чандр Чоттопадхя, Бонким Чондро Чоттопадхя, Мир Мошарраф Хоссейн, Қози Абдул Вадуд, Шамсур Раҳмон, Саййид Шамсул Ҳақ, Ал-Маҳмуд, Аминур Раҳмон, Жибанананда Дас ва бошқа адабий сиймолар замонавий бенгал адабиётининг кашшофлари ҳисобланади. Жаҳон мусулмон оламида шеър устаслари мадрасаларда қўлланма қилиб ўқитиладиган буюк сўфий шоир, асли келиб чиқиши самарқандлик бўлган Мирзо Абдул Қодир Бедилнинг иккинчи она юрти айнан Бенгалия эди.

*Амир ФАЙЗУЛЛА
тайёрлади*

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Бангладеш халқи азалдан санъат билан ошно бўлиб келган. Бенгал рангтавири ҳиндуизм, буддавийлик ва ислом дини таъсирида ривожланган бўлса-да, доимо маҳаллий анъаналар билан уйғунлашиб, ўзига хос қиёфа касб этган. Бобурийлар султонлиги даврида миниатюрчилик кенг тараққий топди. Шуниси эътиборлики, Ўрта Осиё миниатюра

мактаби анъаналари асосида шаклланган бенгал миниатюрасида ўзига хос ёндашувлар яққол кўзга ташланади.

XX аср бошларига келиб Ғарб маданияти таъсирида Бангладеш санъати ижтимоий ва маданий ривожланишда ўз йўлини ўзгартиришига тўғри келди. Хусусан, тасвирий санъатда янги бадий шакллар, янги эстетика пайдо бўлди. Халқ онгида асрлардан бери сингиб кетган маданият таъсирида дастгоҳли рангтасвир шаклланди. Янгича йўналишда ижод қилувчи рассомлар етишиб чиқди. Бангладешнинг йирик рассоми, ғарб танқидчиларининг тавсифи бўйича биринчилардан бўлиб модернизмда ижод қилган рассоми Зайнулла Абединдир (1914–1976). Айнан унинг ижодий фаолияти миллий тасвирий санъат мактаби шаклланишига улкан таъсир кўрсатди. Болалик даврини Браҳмапутра кўли соҳилларида ўтказган Абедин кейинчалик бу кўлни кўплаб асарларида акс эттиради. Масалан, Браҳмапутрага эҳтиром сифатида акварелда яратилган туркум ишлар 1938 йили умумҳинд кўргазмасида губернаторнинг олтин медалига сазовор бўлади.

1948 йили Даккадаги янги ташкил этилган бадий мактабга раҳбарлик қилиш Зайнулла Абединга топширилади. XX аср ўрталарига келиб модернизмнинг асосий марказига айланган бу мактаб бугунги кунда санъат институти мақомига кўтарилган.

З.Абединнинг издошлари Шафоуддин Аҳмад ва Кумрул Ҳасан ижодида оддий одамлар ҳаётига бағишланган композицияларни кузатиш мумкин. Сайфиддин Аҳмад кўп қиррали рангтасвир ва графикачи рассом сифатида танилган. Аввалига анъанавий йўналишда ижод қилган рассом кейинчалик абстракт шаклларга мурожаат қила бошлади. Яна бир истеъдодли мусаввир Ҳамидур Раҳмон ўз ижодида Ўрта Осиё миниатюраси ва қадимги ҳинд деворий суратлари анъанасига мурожаат кучли.

XX асрнинг сўнгги чорагида бадий академия ва галереялар ташкил этилиб, тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилди бошланди. Рассомларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўргазмалар ташкил этиш, уларнинг ижодий намуналарини ёритувчи монография ҳамда илмий-оммабоп нашрларни чоп этиш йўлга қўйилди. Бангладеш Шилпакала академияси бенгал санъати ривожига катта ҳисса қўшган муассаса саналади. 1974 йилдан бошлаб академия томонидан ёш рассомлар ижодига бағишланган анъанавий ва замонавий санъат кўргазмалари ташкил этилади.

*Нигорахон ҚЎЛДОШЕВА,
Республика дизайн коллежи катта ўқитувчиси*

МЕЪМОРЧИЛИК

Бенгал меъморчилиги бой анъаналарга эга. Милоддан аввалги 2000 йилларга мансуб археологик обидалар, қадимий ибодатхоналар, милодий XIII–XIX асрларда бунёд этилган саройлар, мусулмон меъморчилиги намуналарини алоҳида таъкидлаш зарур. Бир тарафдан қадимги маскан харобалари, буддавийлик динига оид ибодатхоналар, иккинчи томондан ўрта асрлар мусулмон меъморчилигига хос диний иншоотлар ҳамда замонавий услублардаги маъмурий бинолар ўзаро уйғунлашиб, ўзига хос меъмурий ансамблни ташкил этади.

Пахарпуредаги Сомапуре Вихара (VIII аср) монастыри энг катта буддизм ибодатхоналаридан бири. Унинг майдони 11 гектарни ташкил этиб, ҳовли ўртасида ер юзидаги энг қадимги 20 метрлик буддавийлик ўғири ўрин олган. Монастир деворларидаги бўртма лавҳалар ўша давр ҳайкалтарошлик санъати ҳақида тасаввур уйғотади.

Маинимати харобалари (VII–XII асрлар) буддавийлик маданиятининг муҳим марказларидан бири бўлган. Бугунги кунда у элликдан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликлардан иборат мажмуа саналади. Бу ерда топилган буюмлардан алоҳида музей ташкил этилган бўлиб, экспозиция залларида бронза ҳайкаллар, тангалар, қимматбаҳо заргарлик буюмлари ҳамда буддавийлик ёзувлари акс этган бўртма ўғирини кўриш мумкин.

Буддавийлик ўғирлари – илк мемориал ва макбара ёдгорлиги саналади. Дастлабки ўғирлар Будданинг муқаддас буюмларини сақлаш учун хизмат қилган. Ривоятларга кўра Буддадан унинг макбараси қандай бўлиши кераклигини сўрашганда у ерга ёпинчиғини тўшаб, унинг устига эҳсон косасини тўнтариб кўяди. Шунинг учун ўғир ярим айлана шаклда бунёд этилади.

XII аср охирлари ва XIII аср бошларида хуросонлик ҳукмдорларнинг аввал Шимолий Ҳиндистонни, кейинчалик Бангладешнинг забот этилиши бенгал маданий ҳаёти, хусусан, меъморчилигида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бадий анъаналари таъсири сезилди, жумладан, масжид, минора, мадраса ва макбаралар қурила бошланди.

Бангладеш пойтахти Даккада етти юздан ортиқ масжид, Пари Биби макбараси, Парламент биноси (1982) ва анъанавий Шарқ бозорлари бор. Дакканинг шимолий томонида археология ва санъат ёдгорликлари сақланувчи Бангладеш Миллий музейи жойлашган. Бундан ташқари Багхерхат шаҳрида ҳам мингдан ортиқ масжид жойлашган.

1576 йилда мамлакатнинг бобурий подшоҳ Акбаршоҳ томонидан фатҳ этилганидан сўнг Дакка шаҳри маъмурий-маданий марказга айланди. Салтанат соҳибларининг санъатга кўрсатган ҳомийликлари туфайли ҳинд ва мусулмон меъморчилиги уйғунлашиб, бетакрор иншоотлар яратилди. Мазкур ёдгорликлар бир ҳудудда икки хил маданият ва анъаналарнинг ёнма-ён яшай олишини исботлаб беради.

Инглиз мустамлакаси даврида бенгал меъморчилигига ғарб услублари таъсир кўрсатди. Анъанавий иншоотлар билан бир қаторда инглиз неоклассика услубидаги вокзал, тураржойлар, маъмурий ва савдо бинолари бунёд этилди. Бундай қурилишлар XX асрда ҳам давом этиб, замонавий Бангладешнинг ўзига хос меъморий қиёфасини белгилаб берди. Анъанавий пишган ғиштдан қурилган икки ва тўрт қаватли тураржойлар ўрнини кўп қаватли иншоотлар эгаллади.

Баҳром Қўлдошев

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

РАҚС

Бенгаллар рақс санъати ҳам ҳинд ва покистонликлар маданияти билан уйғун жиҳатларга эга. Қадимий ҳинд рақс элементлари учрайдиган бенгал рақслари бангладешликларнинг ҳаёти, маданияти, тарихи ва турмуш тарзидан сўзлайди. Шу маънода мураккаб усулда тузилган бенгал рақсларидаги ҳар бир ҳаракат муайян мазмунни англатади.

Табиатан бангладешликлар байрамсевар халқ: улар бир йилда ўндан ортиқ байрамни кенг нишонлайдилар. Катта-кичик тантаналарини рақс билан безашни хуш кўрадиган бенгаллар рақс кийимларига ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Раққосанинг шойи кийимлари, кумуш такинчоқлари шунчаки либос бўлмасдан, унинг рақсини мазмунан бойитишга хизмат қилади. Раққосанинг оёғидаги қўнғироқлар эса бенгал рақс санъатининг асосий таркибий қисмларидан бири саналади ва у томошабинларнинг эътиборини тортишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳинд маданияти таъсирида шаклланган бенгал миллий рақсларининг аксарияти моҳиятан турли маъбудлар: Шива, Кришна, Рам ва бошқаларга илтижо тарзида, табиат ходисалари, ҳар хил фалокатлардан омонлик сўраш мазмунида яратилган. Ниқоб остидаги, шиша устидаги, олов билан бирга ижро этилган рақслар ҳам бенгал халқининг урф-одатлари, маросимлари, умуман, орзу-умидлари, шодлик ва тушкунлиги билан боғлиқдир.

Замонавий бенгал рақс санъатида анъанавийликка эътибор кучайгани сезилади. Рақс усталари бу санъат турини янада ривожлантириб, сайқаллаб, тарғиб қилишмоқда. Шунинг таъсирида хорижий мамлакатларда бенгал миллий рақсига қизиқувчилар кўп топилади, улар учун бенгал рақс мактаблари ҳам фаолият юритмоқда. Эътиборли томони, бундай рақс мактабларида замонавий бенгал рақсларидан ташқари “Брахат Нэям”, “Кукипуди” сингари унутилаёзган мумтоз рақсларга ҳам диққат қаратилади.

Бангладеш миллий рақси ривожда “Bangladesh Shilpakala Academy” академияси ҳамда “Bangladesh Nritya Shilpi Shangstha” рақс гуруҳининг алоҳида ўрни бор. Уларнинг ҳамкорлигида бенгал мумтоз рақси – “Булбул Чоудхури”нинг 94 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида ўтказилган “Nrityacharya Bulbul Chowdhury Mela-2013” рақс фестивали Бангладеш маданий ҳаётида кучли акс садо берди. Шунингдек, бир қатор маҳорат мактаблари ҳам бенгал ва ҳинд рақсларининг тарғиб этиш, қадимий рақс шакллари тиклаш ҳамда қизиқувчиларга ўргатиш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Маҳоратли бенгал раққоси Удай Шанкар рақс санъатини такомиллаштириш, янги элементлар билан бойитиш ва тарғиб қилишда катта ташаббускорликлар кўрсатган. Ўз миллати рақсига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшган. У рақсда яратган Шива образи ҳамон мутахассис ва шинавандалар томонидан эътироф этилади. У ниқобли рақсларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Бенгал миллий рақсларидан Чхау рақси ҳам даврлар чиғириғидан ўтиб келаётган энг гўзал ниқобли рақслар сирасига киради. Бундай рақслар ижро этилган театр сахналари бангладешликларнинг энг севимли маскани бўлиб, улар сахнада афсонавий образларнинг жонланган сиймосини кўргандек бўлганини таъкидлашади.

Бугунги кунда ўзида замонавийлик ва мумтоз хусусиятларни жамлаган бенгал рақси бутун дунё рақс шинавандаларини ўзига жалб қилаётган энг гўзал ва нафис рақслардан саналади.

Нилуфар ҲАЙИТОВА тайёрлади

ТЕАТР

Бангладеш театр санъатининг илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, тараққиёти IV асрлардан бошланган. Ўлканинг Гупта сулоласи томонидан истило қилиниши ҳудудга шимолий ҳинд маданияти билан бирга театр анъаналарини ҳам олиб кирди. Манбаларда бу давр театри шартли равишда икки турга: санскрит ва халқ театрларига ажратилган. Улар ўртасида сезиларли тафовут бор. Масалан, халқ театрлари зодагонлар кўл остидаги санскритдан фарқли ўлароқ оддий одамларга яқин бўлиб, уларга суянган, нафис усуллардан фойдаланиб, ижодий гуруҳга актёр, созанда, раққоса, кўғирчоқ ўйнатувчиларни жалб этган. Агар санскрит театри Пал, Бикрампур, Сен ҳукмронлиги даврида (VIII–XII асрлар) гуллаб-яшнаган бўлса, халқ театрлари бугунга қадар ўз анъаналарини сақлаб келмоқда. Бангладеш театр санъатининг бу икки оқими асосида XII асрга келиб илк ёзма драма намуналари пайдо бўлди. Джаядевнинг монолог-кўшиқ шаклида яратилган “Гита Говинда” диний-эпик достони ана шундай асарлардан бири. Унда Кришнанинг чўпон қиз Радҳага бўлган муҳаббати куйланади. Бундай диний мавзудаги томошалар шу давр театри учун хосдир. Айниқса, XIV–XV асрлардан ҳозиргача мавжуд бўлган кўғирчоқ театри репертуарида Рам, Манас, Кришна сингари маъбудларга бағишланган сахна талқинлари кўп учрайди.

XVI аср Бангладеш театри тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Айни шу паллада “жатра” халқ томошалари мазмунидаги қатор драмалар яратилди. Жатра, бу – маҳаллий анъаналарни ўзида жамлаган театр мактаби. Унинг шаклланишида диний драмалар яратган шоир ва актёр, ислохотчи Чайтанья ва унинг шогирдлари фаолияти таъсири катта. Шунингдек, Р. Госвамининг Кришна ҳақидаги бир қатор пьесалари (XVI аср), П. Сен Кавикарнапурнинг замондошига бағишлаган “Чайтанья – ойдин шуъласи” (1540) сахна асарлари ҳам жатра ривожига муносиб ҳисса қўшди. Бу каби томошалар бугун ҳам томошабинлар хизматида. Улар худди кўча цирк труппалари каби у ердан-бу ерга кўчиб юради. Арена кўринишидаги сахна атрофида эса фақат эркаклар ўтириб, аёлларга узоқроқдан жой ажратилган. Халқ чолғулари оркестри ҳамда синтезатор жўрлигида томошани дастлаб икки-уч актёр ижросидаги ватанпарварлик кўшиғи бошлаб беради. Сахнада, албатта, давлат байроғи ва қурол бўлиши зарур. Шундан сўнг хушовоз аёл хонанда дилрабо кўшиқлар билан кўнгишларга завқ улашади. Айтишларича, бу ашула ва рақслар илдизи бирор маъбуд шарафига бағишланган ҳиндувийлик оҳанглирига бориб тақалар экан.

Жатра “Рамаяна”, “Маҳабҳорат” дostonларидан парчалар, шу билан бирга, “Лайли ва Мажнун” каби мумтоз асарларни сахналаштириб келмоқда. Қизиқ жиҳати, 16 пардадан иборат мазкур спектакллар кечга томон бошланиб, 5-6 соатлаб давом этади. Бундай узоқ вақт давомида томошабинларни зериктириб қўймаслик ва томоша якунига қадар уларни жалб қилиш мақсадида танаффус пайтлари турли кўнгилочар номерлар ташкил қилинади. Ҳозирда жатра театрлари нафақат Бангладеш, балки Ҳиндистон ва унга қўшни мамлакатларда ҳам фаолият юритиб келмоқда.

XVIII асрда инглизлар томонидан Калкутта ва “Чауранг” театрлари ташкил этилиб, репертуар ғарб драматургияси билан бойитилган. 1831 йилда П. Тагор Ҳинд театрига асос солди. Мазкур театрда Шекспирнинг “Юлий Цезар”, Бхавабхутининг қайта ишланган “Рам ҳақида томоша”

каби асарлари сахналаштирилган. 1840 йил фақат Шекспир ижодига асосланувчи Шарқий театр ташкил топган бўлса, 1841 йил Ост-Индия компанияси томонидан “Сан-Суси” театрига асос солинди. Бу даргоҳда асосан замонавий инглиз муаллифларининг асарлари ижро этилган. XIX аср ўрталаридан бошлаб Бангладеш сахна санъати Калкуттадаги хусусий ҳамда П. Тагор театрлари эвазига ривожланиб борди. Л. Деба ва Н. Бошу каби ижодкорлар замонавий бенгал драматурглари пьесаларига мурожат қилишди. Улар орасида биринчи бенгал трагедияси – Гуптонинг “Шухрат лаззати” (1852), илк комедия – Сикдарнинг “Бхадрааржун” (1852), шунингдек, Райнинг “Шакунтала” (1867), Синхнинг “Жасорат-ла қозонилган Урваш” (1857), Рамнараяннинг “Ратнавали” (1856), Доттонинг “Шормишто” (1859) каби асарлари ўрин олган.

Мустамлакачилик кайфияти Бангладеш театр санъатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 1876 йил қабул қилинган “Драматик томошалар тўғрисида” ги қонун сахна асарлари устидан қатъий цензуранинг ўрнатилишига сабаб бўлди. Оқибатда Д. Митро, Г. Гхоша, У. Даса ва бошқа ижодкорлар жазоланиб, пьесалари тақиқланди. Бу тазйиқлар пасая бошлаган бир пайтда (XIX аср охири – XX аср бошлари) нафақат бенгал, балки бутун ҳинд диёрининг забардаст ёзувчиси ва драматурги Робиндранат Тагорнинг илк сахна асарлари пайдо бўлди. “Валмик даҳоси”, “Иллюзия ўйини”, “Табиат қасоси”, “Кузги байрам”, “Қизил самбитгуллар” – чинакам инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган, нозик рамзий ифода ва лиризмга бой бу пьесалар инсоннинг ботиний гўзаллигини тараннум этади. Шантиникетон университети (1901 йил Тагор асос солган) талабалари ҳозиргача улуғ адиб пьесалари ва романлари инсценировкасини сахналаштириб келишади.

Замонавий Бангладешда ўнлаб театрлар фаолият кўрсатади. Улар орасида, айниқса, “Нагарик Натя Сампрадай”, “Натячакра”, “Араняк Натядал” театрлари, шунингдек, таниқли инглиз драматурги асарларини тарғиб қилувчи “Шекспир жамияти” машҳур. Доимий равишда драма-шоу ўтказилувчи Даккадаги “Натак Пара” номи билан танилган Бейли ҳудуди ҳам томошалар ўчоғи саналади. Бугунги кунда Абдуллоҳ Мамун, Сид Шамсул, Селим Дин, Мумтозиддин Аҳмад, Мамнур Рашид каби ижодкорлар замонавий Бангладеш драматургиясининг таниқли вакиллари ҳисобланади.

КИНО

Кино санъати Бангладешда эрта қарор топди. 1890 йиллардаёқ Калкутта кинотеатрларида илк биоскопик лавҳалар намоиш этилган. Кейинги ўн йиллик давомида режиссёр Хиралал Сен “Royal Bioscope Company” ширкати ва Калкуттада “Star Theatre”, “Minerva Theatre”, “Classic Theatre” каби қатор кинотеатрларга асос солди. 1918 йил Дхирендранатх Гангули инглиз ҳукумати ёрдамида “Indo British Film Co” ширкатини ташкил қилди. Бироқ биринчи тўлиқ метражли бенгал фильми “Билвамангал” “Madan Theatre” компанияси томонидан 1919 йилдагина яратилди. Мазкур ташкилот, шунингдек, “Жамай Шаштхи” (1931) номли илк овозли бенгал фильмини ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Шу йилнинг 30 декабрида эса дастлабки тўлиқ метражли овозли фильм – “Дена Паона” ҳам экранга чиқди.

1932 йили Бангладеш тилидаги кинематография учун махсус “Тол-

ливуд” (айрим манбаларда Долливуд) номи ўйлаб топилди. Ушбу атама ўша кезлари кино саноат марказига айланган Жанубий Калкуттадаги Толлигунг тумани шарафига қўйилган. Кейинчалик шунга ўхшаш номлар Ҳиндистоннинг бошқа худудларидаги кино марказларга нисбатан ҳам қўллана бошланди (масалан, Лолливуд, Болливуд ва х.к.).

XX асрнинг ўрталарига келиб Бангладеш кинематографиясида кейинчалик классик намуналарга айланган қатор фильмлар суратга олинди. Улар орасида “Чин ватан фарзанди”, “Апу ҳақида трилогия”, “Муסיкий хона”, “Таъсирчан хато”, “Мовий само остида”, “Илоҳа” каби фильмлар алоҳида ажралиб туради. Хусусан, “Апу ҳақида трилогия” кино картинаси ҳозирда дунёнинг энг яхши фильмлар рўйхатига киритилган.

1950 йилларда бенгал кино санъатида “параллел” жанри етакчилик қилди. Айни шу даврда Сатяджит Рай, Мринал Сен, Ритвик Гхатак сингари атоқли кино режиссёрлар ишлари халқаро миқёсда тан олинди, Бангладеш кинематография тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди. Бироқ миллий кино ташаббускорлари томонидан Даккада суратга олинган дастлабки картиналар давр нуқтаи назаридан анча илгарилаб кетгани боис яхши даромад келтирмади. Улардаги ижтимоий масалалар эпкинито мошабин диққатини қозона олмади. Кейинчалик омма эътиборини жалб қилиш учун режиссёрлар фильм “тили”ни бирмунча соддалаштириб, халқ турмушига яқин, томошабин талабига мос талқинлар ярата бошлашди. Шундай шароитда ҳам бадиий савияси юқори бўлган қатор фильмлар ишланди. Хусусан, 1959 йил биринчи халқаро Москва кинофестивалининг олтин совринига лойиқ топилган Ажей Кардарнинг “Кун келиб”, атоқли режиссёр Зоҳир Райҳоннинг “Бу ҳеч қачон бўлган эмас” (1963) ҳамда “Ойнаванд девор” (1964), Содик Хоннинг “Дарё ва аёл” (1965) фильмлари эътирофга сазовор бўлди. Гарчи профессионализм ва техник имкониятлар етишмаслиги сезилиб турса-да, мазкур кино асарлар самимийлиги ва драматик таъсирчанлиги билан дилга яқин.

1968–1969 йиллар бошланган оммавий ҳаракатлар, сиёсий қурашлар кино санъатига таъсир этмай қолмади. Шу кезлари Атаур Раҳмоннинг инглиз мустамлакасига қарши қурашда ҳалок бўлган миллий қахрамонлар ҳақидаги “Сирожуддавла” картинаси пайдо бўлди. Дарвоқе, мазкур фильм 1968 йилги биринчи Тошкент халқаро кинофестивалида илиқ кутиб олинган. Субаш Даттанинг “Шутаранг”, “Бошқалар ва қолганлар” фильмлари ҳам Франкфурт, Камбожа фестивалларида муносиб тақдирланди. Иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалида намойиш этилган Зоҳир Райҳоннинг “Ҳаётдан ҳикоялар” (1969) фильми эса кинематографик талқиннинг замонавий услубини ижтимоий муаммоларга чуқур ёндашиш билан уйғунлаштирган. Рамзий шаклдаги картина бенгал халқининг эрк ва мустақиллик учун олиб борган қураши ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу фильм Бангладеш халқининг 1971 йилги ғалабасини олдиндан кўра билган картина сифатида эътироф этилади.

1970 йилларда ҳам асосан ижтимоий муаммолар, мустақиллик йўлидаги қурашларга бағишланган фильмлар яратилди. Н.Исломнинг “Ўшал ўн бир киши” (1972), Раҳмоннинг “Ҳамон тун” (1972), “Ҳаётга қайтиш” (1973), “Сўнгги кўнғирок” (1980), Б.Исломнинг “Сажиясиз одам” (1973), А.Кабирнинг “Меғна сокин окмоқда” (1973), С.Даттанинг “Осмону замин аро” (1974), Митанинг “Чорлагувчи сени флейтам” (1975), А.Хусайннинг “Адоқсиз йўл” (1978) кинокартиналари ана шундай долзарб масалаларга қаратилган.

1980 йилларда Бангладеш киноси туб ўзгаришларга учради. Бу даврда томошабинлар аудиторияси камайиб, анъанавий бадийлик ва ҳис-туйғуга тўла йўналишдан Болливуднинг машхур фильмларига тақлид кучайиб кетди.

1990 йиллар Гаутами Гхоша, Апарну Сен, Ритупарно Гхоша, Сандипа Рая каби янги авлод режиссёрларининг Бангладеш кино майдонига чиқиши билан бир нечта залворли ва танқидчилар томонидан эътироф этилган фильмлар суратга олинди. Бу эса бенгал киносининг қайта тикланишига ёрдам берди. 1993 йилнинг ўзидаёқ мамлакатда 60 га яқин фильм яратилди. Мазкур давр миллий кинематографиянинг шонли йилларига айланди.

Кино санъати худди Ҳиндистондаги каби Бангладешда ҳам жуда оммалашган. Мамлакатда кўплаб кино театрлар фаолият юритади. Аксарият томошабинлар фақат миллий киноларни севиб томоша қилишади. Маълумки, дунё бўйича Ҳиндистон кино саноати биринчи ўринларда туради. Бироқ 70 йиллардан буён қўшни мамлакат фильмлари Бангладешда тақиқланган. Бундай қатъий чора кўрилиши, аввало, маҳаллий фильмлар муҳофазаси йўлида амалга оширилган бўлиб, натижада ҳозир йилига 60-70 дан ортиқ кино маҳсулотлари томошабинларга ҳавола этилмоқда. Ҳинд фильмларининг чекланишига яна бир сабаб, ундаги очик сахналар ва миллий урф-одатларга зид лавҳаларнинг мавжудлигидир.

Ҳозирда Бангладешда бир нечта халқаро миқёсдаги кино фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Улар орасида, айниқса, Дакка халқаро кинофестивали (1992), Халқаро болалар кинофестиваллари (2008) дунё ҳамжамияти эътиборига сазовор бўлган. Шунингдек, 1986 йил 24 августда ташкил қилинган Бангладеш қисқаметражли фильмлар форуми ҳам эътиборга молик. Унинг ёрқин вакиллари сифатида Рашед Човдхури, Акрам Хон, Ясмин Кабир, Шамин Акхтер, Танвир Мокамел сингари ижодкорларни кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда Форум доирасида қатор семинарлар, янги фильмлар тақдироти ўтказиб келинмоқда. Ўз Толливудига эга Бангладеш кинематографияси бугун қизғин изланишлар палласида. Ажаб эмаски, унинг доврўғи ҳам кун келиб Голливуд каби шуҳрат қозонса.

Азиз МАТЁҚУБОВ





Қози Назрул ИСЛОМ

(1899–1976)

Шоир, ёзувчи, муסיқачи, файласуф ва жамоат арбоби. У асосан инсоний тенглик, хурлик куйланган жабр-зулмга қарши руҳда ёзилган шеърлари билан машҳур. Оташқалб шоир ижтимоий адолатсизлик қораланган шеърлари ва миллий озодлик учун курашганлиги боис “Бидроҳи Коби”, яъни “Исёнкор шоир” лақабини олган. Дарвоқе, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов ижодининг энг сара намуналаридан бири саналган “Рухлар исёни” драматик достони Назрул Ислоннинг ҳаётига бағишланган. Достонга шоирнинг куйидаги мисралари эпиграф қилиб олинган: “Туғилгансан озод, мудом Озод бўлиб қол!”

МЕНИ ШОИР ҚИЛДИ МУҲАББАТ

*Мени шоир қилди ишқу муҳаббат.
Бамисли кўзгудай мен битган ҳар байт
Сенинг жамолингни кўрсатар фақат.*

*Кундуз ойдинлиги ва тунги само
Ғуруб юлдузию саҳарги зиё
Олқишлайди мендек оишқни фақат.*

*Булар бари – сенсан. Юрагим ёнар,
Туғилади достон ила дуолар.
Сенинг нафасинг-ла нафас олар жон.*

*Офтоб ҳам чиқади – лолайи алвон,
Саболар қўлларин чўзар мен томон,
Қирғоққа бош уриб кўпирар уммон.*

*Манглайдаги қирмиз холинг – на гўзал!
Оёқда халхолинг асил, мукамал!
Кела қол. Овоз бер зоримга, гўзал.*

*Мени шоир қилди ишқу муҳаббат.
Менинг ҳар газалим, мен ёзган ҳар байт
Кўзгудай жамолинг кўрсатар фақат...*

ГУЛ САЙЛИДА

*Гул сайлида жимдирсан нечун?
Нега бу тонг жамолинг маҳзун?
Бошинг узра увиллар шамол,
Гул сайлида жимдирсан нечун?*

*Ё маъшуқанг кетдими ташлаб?
Куйма, эртан қайтади албат.
Нега даркор кўзларинг ёшлаб,
Қадринг билмас ёрга садоқат?*

*Шаробни ол, тубида пинҳон
Томирларда оққан шодлик, шавқ.
Созингни черт, ер ила осмон
Хушнуд куйлар ичра бўлсин гарқ.*

*Кўнглингни уз. Кўксинг яролиқ.
Айролиққа вақт ўзи даво.
Завол еган ой ботар аниқ,
Офтоб чиқар янги, мусаффо.*

МЕНИНГ СЕВГИМ

*Кела қол! Маним бўл муҳаббат ҳақи,
Қаро зулфларингга юлдузлар тизиб,
Кумуш сирга каби ҳилолни тақиб –
Қўйин, кела қол, азизим, дегил.*

*Фақат кел, кутарман ҳаргиз интизор,
Унутгайман ўтган йиллар савдосин.
Оққушлардай учиб бармоқларимдан
Бўйнингга ўралар оқ гул шодаси.*

*Ой нурига сандал ифорин ийлаб,
Сочарман сен юриб келган ёқларга.
Камалакнинг ахмар рангидан сайлаб
Хиолар боғларман оёқларингга.*

*Фақат сен кела қол муҳаббат ҳақи,
Сенсиз қўшигимда йўқ рағбат, мажол.
Фақат кела қолгин, тонларим балқиб
Булбулларим сайрар мастона, хушҳол.*

СЕНИ ИЗЛАЙМАН

*Излайман, чорлайман йўлингда ҳардам.
Эй, азал ибтидо, сўрогингдаман.
Олис ёқларда ҳам ҳар босган қадам
Товшингни илғайман тун чоғинда ман.*

*Пирпираган ёрқин юлдуз мисоли
Тушларимга кириб келасан шаддод.
Бир қушман – ташналик забтига олиб,
Қақраган самода излар сув, нажот.*

*Онгим зулматида бир тола нурсан,
Богимни яшнатган оби ҳаётсан.
Чақмоқларнинг олов игнацидурсан,
Сукутсан, қалдироқ ичра нажотсан.*

*Мушкул йўлларимнинг бадал тухфаси –
Энг аъло гулчамбар тузарман сенга.
Бир сенга ўлгунча содиқман асли.
Фақат излайман-у топмасман нега?..*

*Рус тилидан
Ойдин ҲОЖИЕВА
таржимаси*

Жибанананда ДАС

(1899–1954)

Бангладеш шоири, ёзувчи ва эссенавис. Бенгал адабиётига ўзининг ижоди билан модернизм кайфиятини олиб киради, Рабиндранат Тагор шеърлятидан таъсирланиб қатор асарлар яратади. Ҳиндистон ва Бангладешда Тагордан кейинги етакчи ижодкор саналади.

* * *

Сарожини¹ ётар бу ерда;
шунга довури билмас эканман!
Бас, кетибди мангу уйқуга;
Булутини кўзлабди, чамам.
Саёҳати узоқ бўлдимми?
Етишдимми янги уфқларига?
Кўзларига зиё тўлдими?
Дил бердимми ошиқларига?

Сарожини кетдимми йироқ?
Кўкка чиқибдимми бенарвон?
Қанотлари йўқ эди, бироқ
Топибди-да қушдайин имкон.
Тупроққа сингиб кетгандир балки,
Балки ҳар кун қилинар сўроқ.
Жавоб берар: “Билмайман ҳечни”,
Кўк заъфарон тусга кирган чоғ;

Ғолиб келган мушук сингари;
Бесамар макрнинг бир телбанамо
Бекадар кулгиси уйғотар уни...

Шамсур РАҲМОН

(1929–2006)

Бангладеш шоири, шарҳловчи ва журналист. У XX аср ўрталарида 60 дан ортиқ шеърлий китоблар нашр эттиради ва Бангладеш адабиётининг етук вакиллари қаторига киради. Шоир шеърлятида асосан инсонпарварлик, инсоний муносабатлар, озодлик каби мавзулар куйланади. Унинг илк шеърлий китоби “Иккинчи ўлимдан аввалги қўшиқ” номи остида 1960 йили чоп этилади.

ОЗОДЛИККА ҚАСИДА

Озодлик,
Сен, ул Тагорнинг
Битмас, боқий шеърда тирик.

Озодлик,
Жўшқин, тиниқ шиорда.
Елкага ташилган, сен, ўшал байроқ.

Озодлик,
Сен, Қози Назрулнинг
Кувончи-ла яралган битик.

Озодлик,
Дехқоннинг бепоён ери,
Ёноқдаги шугълаланган из.

Озодлик,
Шаҳид Минорда
Ярақлаган нурсан, Тил байрами чоғ.

Озодлик,
Қишлоқнинг соддадил қизи
Қуппа-кундуз куни чўмилган ҳовуз.

¹ Сарожини Найдун – ҳинд шоираси, Ҳиндистон озодлиги йўлида Буюк Британияга қарши курашган жангчи аёл. Ҳиндистон миллий конгрессининг биринчи аёл президенти ҳамда Агра ва Ауд қўшма штатларининг биринчи аёл губернатори.



Озодлик,
Қуёида тобланган қўллар,
Қуёида товланган билак.

Озодлик,
Кимсасиз, бўш чегарада
Нигоҳлардан отилган тилак.

Озодлик,
Банян¹нинг кўланкасида
Олим туққан оташин ирод.

Озодлик,
Кўча-кўй, бозормайдонда
Суронларга синган мулоқот.

Озодлик,
Қизғин, қонли уфқлардан
Кал-бойшакҳи²нинг ўтли наъраси.

Озодлик,
Срабон³ ойи мавжланган
Соҳиллар, соҳилда Меҳна юраги.

Озодлик,
Отамнинг пой-бўйи теккан
Табаррук, бахмалдайин саждагоҳ.

Озодлик,
Онамнинг этаги ўпган
Саридан уфурган, сенмасми, тупроқ?!
Озодлик,
Синглимнинг майин кафтида
Хинодан қизарган қирмизи офтоб.

Озодлик,
Синглимнинг майин кафтида
Хинодан қизарган қирмизи офтоб.

Озодлик,
Чақнаган юлдуз аксида
Дўстим тутган ёрқин маёғу хитоб.

Озодлик,
Ёримнинг мақтов, алқови,
Асовлик – ўйноқи шамоллар мисол.

Озодлик,
Болакайнинг рангин либоси,
Қизнинг нигоҳида акс этган ҳилол.

Озодлик,
Гулзорни ватан тутган ул
Қоелқушининг саси, сайроғи.

Озодлик,
Менинг шеърий китобим,
Шеъриятга кўчган кўнгил титроғи.

МАКТУБ

Ҳафталардан олдин, шугина холос,
Ушанда бу мактуб ёнида эди.
Бадхат-ла битилган, кир-чир, яна доғ,
Чўнтагида гижим ҳолида эди.

Қаёққа бормасин ҳамроҳ эди у,
Хатоларга тўла, маъно тумтароқ.
Чўнтаги унга паноҳ бўлди-ю,
Макон тополмади қалбдан яқинроқ.

Қишлоқ гулларининг бўйи келарди,
Деворгул, бутанинг шитир-шитири.
Ундан ҳовузларнинг ўйи келарди,
Қиргоқ сувларининг жимир-жимири.

Синглисидан эди бу мактуб-хабар,
Кўнглига галаён соларди аҳён.
Йининг тайини йўқ, етим, дардисар
Йигитнинг қалбини ўртарди ёмон.

У зиён-заҳматнинг ташида эди,
Аммо чигалликлар билан андармон.
Норизолар намойишида уни
Ҳеч зог кўрмаганди, на кундуз, на шом.

У очлик ва чуқур хўрсиниқ ила
Фақат иш изларди, йўқ эди тиним.
Бу не ҳол? Дафъатан чоигоҳ пайтида
Дайди ўқ парчалаб ташлади танин.

Йигитда йўқ эди ҳаттоки имкон,
Қаёқдан отилди, англолмай қолди.
Террорчи отдимми ва ёки посбон,
Юракка ўқ эмас, даҳшатлар солди.

Кўйлагининг чап чўнтагида
Қон шимилган ўша мактубнинг
Бир парчаси тушиди қўлига...
Англагани шу бўлди унинг.

¹ Манзарали дарахт, “Ҳиндистоннинг миллий дарахти” деб ҳам аталади.

² Момақалдиноқ маҳаллий тилда шу ном билан машҳур.

³ Ёмғир мавсуми, ширавон, ширабон деб ҳам юритилади. Июль-сентябрь ойларига тўғри келади.

Сайиуд ШАМСУЛ ҲАҚ

(1935 йил туғилган)

Таниқли адабиётшунос. У назм, наср ва драматургияда ҳам бирдай ижод қилади. Шоир асарлари Бангладеш мактаб ва коллеж дарсликларига кири-тилган. У адабиётда маданий, тарихий ҳодисаларни кўпроқ акс эттиради. Шунингдек, Шекспирнинг “Макбет” асарини бенгал тилига таржима қилган.

ЎЗЛИК

Бенгал диёрида дунёга келдим,
Бенгал лисонида чиқди саводим.
Минг йиллар йўл юрдим, эгри-бугри йўл.
Унут бўлиб кетди оёқ излари,
Покиза қалбларга ташилагандим қўр.
Дарёлар сўроқлар: “Қаердан келдинг?”

Келдим Чҳаряпада¹ алифбосидан,
Савдогар қайиқлари элтди бу ерга.
Мен Коиборто қишлоғиданман,
Мен ўша Пала²нинг чизмаларида.
Келдим Паҳарпурдан, Буддахонадан,
Жўра³ ибодатхонасидан келдим.
Барендранинг Сона масжиди – Ватан,
Бенгал театр томошасидан келдим.

Жангчи Баро Бҳуиястомондан келдим,
Камала Дигҳи, Моҳуа⁴дан яралганман мен.
Титумир, Ҳожи Шариат⁵, инсондан келдим,
“Гитанжали”, “Агни Вина”⁶ – менинг кечмишим.

Ҳудирам ва Суря Сен⁷ менинг насабим,
Жайнулу Абан Тҳакур⁸ авлодиданман.
Шайх Мужибур Раҳмон⁹ дир наслим,
Тил-чун қон кечганлар замониданман.

“Яшасин, Бангладеш!” шиори – ўзим,
Озодлик жангидан чиқдим мен омон.
Минглаб қадамларни қолдириб қайтдим.
“Йўлдан не келтирдинг?” сўрайсан ҳамон.

¹ Чҳаряпада – буддизмдаги самовий шеърлар тўплами. У VII–XII асрлар мобайнида эски бенгал, орий ва бошқа тилларда ёзилган.

² Пала қироллиги – ҳозирги Шарқий Ҳиндистон ва Бангладеш ҳудудларида VII–XII асрларда ҳукмронлик қилган салтанат.

³ Жўра Бенгал ибодатхонаси Бангладешнинг Мадарипур шаҳрида жойлашган бўлиб, XVII асрда рожа Рам Рой томонидан қурилган.

⁴ Камала Дигҳи, Моҳуа – Шарқий Бенгалиянинг фольклор балладалари.

⁵ Титумир, Ҳожи Шариат – XIX асрда Британия мустамлакачиларга қарши курашган бенгал жангчилари.

⁶ “Гитанжали” – Рабиндранат Тагорнинг 1912 йилда инглиз тилида чоп этилган шеърлий тўплами. “Агни Вина” – Қози Назрул Ислоннинг 1922 йилда эълон қилинган инглиз тилидаги илк шеърлий тўплами.

⁷ Ҳудирам, Суря Сен – Ҳиндистон мустақиллиги учун курашган қаҳрамонлар.

⁸ Жайнул, Абан Тҳакур – Бангладеш санъатини дунёга танитган рассомлар.

⁹ Шайх Мужибур Раҳмон – бенгал халқ қаҳрамони, Бангладешнинг 1971 йилда Покистон мустамлакасидан озод бўлишида раҳнамолик қилган.



*Билмайсан, бенгал ўтмиши недир.
“Инсон – ҳақиқат, ўзгаси ҳечдир”.
Биз биргамиз, яшаймизбирга.
Барҳам беражакмиз ул сўқирликка.*

*Ўзлигим шудир менинг, бенгал одами,
Қиличларга қалқон шонли тарихим.
Бенгалнинг ганими менинг душиманим,
Орзуларга тўла келажак куним.*

*Сиртмоқларга қўйгум бу бошни
Табассум-ла най чалганча жим.
Ўзгаси синдирмас тоқатни, жомни,
Далил ўзи удир, исбот – ўтмишим.*

*Менинг отам Шайх Мужсибурмиди?
Тарихни унутсам – қандай ўғилман?
Кўзда осмон, қалбда ишонч, тупроқ қадамим,
Мен – унинг сайёҳи, мен ўзи йўлман.*

Ал-МАҲМУД

(1936 йил туғилган)

Машҳур бенгал шоирларидан бири. У ижодини журналист сифатида бошлаб, 1950 йилларда адабиёт оламида кўрина бошлайди. 1963 йилда чоп этилган шеърӣ тўпламидан сўнг шоир сифатида тан олинади. У роман, ҳикоя ва эсселари билан ҳам эл оғзига тушган. 1971 йилги Бангладеш озодлиги учун бўлган урушдан сўнг “Ганаканта” газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлайди.

ХОТИРА ТУЙНУКЛАРИ

<i>Нега унутмайсан, унутолмайсан? Ҳилол йўлдош бўлган сайрларни унут. Ўтлоқдаги майсалар, шабнамни унут. Чўнтагимга солиб муздек қўлларинг “Ёрдам беролмайман, кечиргин” дердинг. Бакул¹ бутогининг ёриқларидан Булбул қаҳқаҳасин садоси келди.</i>	<i>Нега ўчирмайсан, ўчиролмайсан? Девордаги кўмир изларин ўчир. Юзим қизартирган нозларинг ўчир. Хавотирлар олиб яшрин газабдан, Титраб кетарди-ку маржсон шодаси Нозик бўйнингдаги, айтгин, юракдан, Тўхтатиб бўларми висол бодасин?</i>
--	---

*Томинг тепасида турибди ҳилол,
Етса жасоратинг, нурин беркитвол.
Қара, дарё сувин тоширар ўрдак
Ўзининг минг турли қилиги билан!
Унда гуноҳ бўлса, бўлса агарда,
Қурит дарёларни илдизи билан.
Муҳаббат, муҳаббат, топта, қил яксон
Зиё ва соянинг хунрез тузогин.
Нега топтамайсан, қилмайсан вайрон?
Ахир, бор эди-ку илож-имконинг.*

¹ Бакул – дарахтнинг бир тури. Эл орасида “Кушлар дарахти” дея ном олган.

МАФТУНИНГМАН

Заминни, дунёни кезиб, тентираб,
 Мен яна эшигинг қоқиб турибман.
 Сен учун йўқсиллик қиличин тираб,
 Сен учун ўзимдан мағлуб турибман.

Ям-яшил дарахтнинг бўйи бўлсайдим,
 Зим-зиё зулматда ярақлаган уй.
 Қора балиқ бўлиб сенга етсайдим
 Елкага тилла тош ортмоқлаган кўй.

Мен сенинг мафтунинг, боргум қай сари,
 Истасанг, ўлимнинг зулматин ёргум.
 Ошкор ўпичлар-у гулдирак билан
 Қучиб олгум сени, ... ва ожиз қолгум.

Аквариумга ўхшар бошпанам,
 Шинам, тоза, ойдайн ёруг.
 Мовий денгиз бир парчасидан
 Макон топгил, ҳой, тилла балиқ.

Кафтимда сувпари айлайди хиром,
 Қара, тиллоларин ҳар ёна сочиб.
 Кириб оладими ичингга шамол
 Ўзидан-у мандан, дунёдан қочиб?

Мен яна эшигинг қоқиб турибман...

Аминур РАҲМОН

(1966 йил туғилган)

Замонавий бенгал шоири. Рабиндранат Тагорнинг муносиб вориси. Аминур Раҳмон бадиий таржима ва танқид билан ҳам шуғулланади. Шеърлари инглиз, араб, испан, хитой каби дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

СЕН УЧУН

Ҳеч не истайсанми? Кўнглингда не бор?
 Мен не ҳам қилолгум сенсиз, севгингсиз...

Жон олайн, этай жон нисор
 Йўлларингда кезай манзилсиз.

Ҳеч не истайсанми? Кўнглингда не бор?
 Мен не ҳам қилолгум сенсиз, севгингсиз...

Ўт олсинми бу соқолу соч,
 Воз кечайми ганжадан? Билдир!

Ҳеч не истайсанми? Кўнглингда не бор?
 Мен не ҳам қилолгум сенсиз, севгингсиз...

Ўтирайми, турай, не қилмак даркор?
 Ортингдан қувайми, этай таъқибсиз?

Ҳеч не истайсанми? Кўнглингда не бор?
 Мен не ҳам қилолгум сенсиз, севгингсиз...

ТАРТИБСИЗЛИК

*Борлиқ нурамоқда, аста ва аста –
Ғишту тош, юрагим видолар айта.*

*Қизил, мовий, сариқ, яшил ранглари
Қутида осилиб турибди бежсон.
Қориб-қориштириб аранг уларни
Уйғотамиз, бергандек имкон.*

*Нафасни бир нафас тутмоқ истаيمان
Дарёлар бўйида узала ётиб.
Кўм-кўк осмонларни қучиб яшайман,
Яшамоқ истаيمان гул болин тотиб.*

*Э воҳ, нечун энди барчаси барбод,
Нечун айқаш-уйқаш дунёси?
Кўчиб тушади бу ранглар мисоли
Ғишлар, тошлар мисли юрак риёси.*

*Бу йўлдир, саёҳат, суҳбату ҳаёт,
Ва гоҳо ҳаттоки ажал йўлидир.
Ҳеч зог воқиф эмас, шулдир синоат,
Ҳеч зот англолмаган асрор йўлидир.*

*Дарё тушунгайми ва ёки само?
Само тушунгайми, гул, майса, бутуқ?
Улар ҳақиқатни англайдиларми?
Ёхуд юпанч излаб ўтарлар холос?*

*Ҳаёт ва моҳият – уйғунлик қани?
Яшаи ва турғунлик – шуми моҳият?
Одамзод ва маймун – нимадир маъни?
Ёқтирмоқ ва севмоқ – қайси ҳақиқат?*

*Борлиқ нурамоқда, аста ва аста –
Ғишту тош, юрагим видолар айта.*

*Инглиз тилидан
Севара АЛИЖОНОВА
таржимаси*



РУҚИЯБЕГИМ

(1880–1932)

Адиба Бангладеш шимолидаги Рангпурда дунёга келган. Оилада араб ва форс тилларида сўзлашилди. Бўлажак ёзувчи инглиз ва бенгал тилларини катта акаси Иброҳимдан ўрганган. Ун олти ёшида Бхалгалпур туманидаги шаҳар бошқармасида ўринбосар бўлиб ишлайдиган Хон Баҳодир Ҳасанга турмушга чиқади. Хон Баҳодир аёлларнинг илм-маърифатли бўлиши тарафдори сифатида мактаблар қурдиришга интилган эди. Руқиябегим унга ҳар бир ишда ҳаммаслак бўлади. 1909 йили эрининг ўлимидан сўнг Руқиябегим ташаббуси билан ташкил қилинган илк мактабга Хон Баҳодир Ҳасан номи берилди. Жамиятда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш йўлида курашган адиба бу мавзуда қатор асарлар яратди. Руқиябегим Бангладеш тарихида ҳам ёзувчи, ҳам жамоат арбоби сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.

СУЛТОНАНИНГ ТУШИ

Бир куни кечқурун ётоқхонамдаги оромкурсида ястаниб ётарканман, хинд аёлининг ўзига хос қирраларини кўз олдимга келтирдим. Бу ўнгиммиди ё тушиммиди англолмайман. Бироқ хотирам панд бермаса, мен уйғоқ эдим. Хуллас, жилваси кўзни қамаштирадиган минг олмос сингари товланувчи ёрқин юлдузли ойдин кечани кўрганим аниқ ёдимда. Дафъатан қаршимда гўзал аёл пайдо бўлди, бироқ у осмондан тушдими ё ердан чиқдими, билмайман. Мен уни қадрдоним Сара опамга ўхшатдим.

– Салқин сахар муборак, – деди Сара опам.

Алҳол тонг эмас, балки юлдузли ойдин кечалигини билганим учун ҳам ўзимча жилмайиб кўйдим. Нима бўлганда ҳам мен ундан:

– Саломатмисиз? – деб сўрадим саломига алик оларканман.

– Тангрига шукр, раҳмат, тану жоним соғ. Боғимизга бир назар ташлашни ихтиёр этмайсизми?

Мен тағин очик деразадан оймомога боқдим. Ҳар қалай, бу вақтда ташқарига чиқиб, кечанинг тароватидан баҳраманд бўлса, зиён қилмас, деб ўйладим. Кўчадаги барча эркак хизматкорлар уйқуни ураётган бир маҳалда, Сара опам билан шунчаки сайр қилиш имкониятига эга бўлганимдан теримга сиғмай кетаётгандим. Биз Даржилингга бўлганимизда Сара опам билан худди шундай сайр қилардик. Фаройиб гўзал боғларда қўлни қўлга бериб, кўнгилни кўнгилга пайванд этган ҳолда бир неча бор суҳбат курганмиз. Ҳозир ҳам Сара опам мени худди шундай гўзал боғ сайлига чорлаётган чиқар, деб хаёл қилдим-у, унинг раёйини қайтаролмадим. Шундай гўзал опагинамнинг шашти сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин.

Остона ҳатлаб кўчага чиққанимда чиндан ҳам тун чўкканини эмас, билъакс, тонг отганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Шаҳар аллақачон уйғонган, кўчалар гавжум. Мен куппа-кундузи одамлар орасида бу ҳолда бамайлихотир юришга уялардим. Гарчи атрофда битта ҳам эркак зоти кўзга ташланмаётган бўлишига қарамай, номусдан ерга кириб кетай дердим.

Уларнинг айримлари устимдан кулаётганга ўхшарди. Гарчанд ўтиб-

қайтаётганларнинг тилини тушунмасам-да, ҳазил-хузил қилаётганликларини англаб турардим. Мен дўстимдан:

– Улар нима дейишяпти? – деб сўрадим.

– Аёллар сизни эркакшода экан дейишяпти.

– Эркакшода? Бу билан улар нимани кўзда тутяптилар? – сўрадим хайратимни яширмай.

– Уларнинг айтишича, сиз эркак зотига ўхшаб, уятчан, тортинчоқ экансиз.

– Эркаклардек уятчан ва тортинчоқ?!

Бу чиндан ҳам ҳазил эди. Ҳамроҳим Сара опам эмас, балки мутлақо нотанишлигини фаҳмлаб, баттар хунобим ошди. Шунчалар ҳам аҳмоқ, сўқир бўламанми, наҳотки эски кадрдоним, Сара опамни шу аёл билан адаштириб ўтирсам. Кўл-оёғим дағ-дағ титрарди, буни эса ҳамсуҳбатим ҳис қилиб турарди.

– Борлиқ, дегани нима, азизам? – деб сўради у меҳр билан.

– Мен ўзимни ғоятда ноқулай сезяпман, – дедим хижолатомуз. – Биз аёллар кўчада юзимизга парда тортмай, ёпинчиқсиз юришга одатланмаганмиз.

– Бу ерда эркак киши билан бақамти бўлишдан қўрқмаслик керак. Чунки мазкур замин – гуноху хавф-хатардан холи Аёллар мамлакати. Бунда яккаш эзгулик ҳукмрон.

Мен секин-аста боғ тароватидан баҳра ола бошладим. Боғ чиндан ҳам бениҳоя катта эди. Ям-яшил ўт-ўланлар билан қопланган ерни духоба ёстиғимга ўхшатдим. Ердан кўз узмай гулу чечаклар ва майсалар узра секин-аста қадам ташларканман, хаёлимда худди юмшоқ гиламда юриб бораётгандай эдим.

– Қанчалар яхши, – дедим мен.

– Сизга улар ёқадими? – сўради Сара опам (мен ҳам ҳамон уни Сара опа деб атаётгандим, у ҳам ўз навбатида мени исмим билан чақирарди).

– Ҳа, жуда ҳам ёқади. Лекин мен майину муаттар гулларни босиш танловида катнашишни истамаган бўлардим.

– Ҳечқиси йўқ, кадрли Султона, сиз босаётган қадамларнинг уларга зиёни йўқ; бу ёввойи гулларнинг жони сабил.

– Боғ эмас, чин жаннат дейсиз, – хайрат билан дедим мен. – Тан олмоқ жоиз, гулу гулзор, чаману чаманзор, ҳар бир ўсимлик ўткир дид билан ўтқазилган.

– Агар ватандошларингиз худди шундай чаманзор қилишни истасалар, Калкуттангиз бу боғдан гўзалроқ гўшага айланган бўларди.

– Фикри ожизимча, улар боғдорчиликка бу қадар катта эътибор қаратиш бемаънию бесамар иш, деб ўйлашади, боз устига бу юмушни елкаларига ортиш учун хаддан ташқари банд, ишлари бошларидан ошиб-тошиб ётибди.

– Улар бундан яхшироқ баҳона тополмаган бўлардилар, – деди у табассум билан.

Атрофда бирорга эркак зоти кўринмасди, бу эса менга ғалати туюлди ва қизиқишим ортди. Гўзал боғдаги сайру саёҳат давомида юздан ортиқ аёлни учратдим, бироқ битта ҳам эркак кўзга ташланмасди.

– Эркаклар қаерда? – деб сўрадим ундан.

– Улар қаерда лозим бўлса, ўша ерда.

– Лозим бўлган ўша ер деганда нимани назарда тутяпсиз, илтимос, тушунтириброк гапиринг.

– Сиз бу ерда олдин бўлмаганингиз учун урф-одату қонун-қоидаларимиздан беҳабарлигингизни мутлақо фаромуш қилибман. Бу менинг хатом. Биз эркакларимизни бир қасрга қамаб қўйганмиз.

– Наҳотки! Демак, бу қаср бизда ҳарам қандай кўриқланса, худди шундай муҳофаза қилинадими?

– Топдингиз!
 – Нақадар кулгили, – деб ёйилиб кулдим.
 – Кулманг, қадрли Султона, ўзингиз айтинг, ожиза аёлларни ҳарамга зиндонбанд этиб, эркакларни чиқариб юбориш инсофданми? Бунинг устига бу ғоятда хатарли.

– Тушунмадим...

– Аёл ўз номи билан аёл – ожиза. Эркакларнинг ҳарамдан ташқарига чиқиши ва уларга ортиқча эркинлик берилиши биз каби нозик хилқат учун хавфсиз, деб бўлмайди. Тинч-осуда шаҳар кўчаларида одамлар беҳавотир сайр қилиб юрган чоғ ёввойи ва ваҳший ҳайвонларни озодликка чиқариб юбориш қанчалик хатарли бўлса, бу ҳам шунчалик хавфлидир. Бунинг оқибатини тасаввур қиляпсизми? Қутурган ёввойи ҳайвонлар одамларга ташланиб, уларни қафасга қамаб қўйиши ҳеч гап эмас. Эшак семирса, эгасини тепади, деб бежиз айтмаганлар ахир. Нима дедингиз, адашмаяпманми?

– Йўқ, албатта, – дедим аранг ўзимни кулгидан тийиб.

– Сизнинг юртингизда бари оёғи осмондан қилинган! Босар-тусарини билмайдиган эркаклар шўхлигининг чек-чегараси йўқ, улар ожиз ва айбсиз бечора аёлларни ҳарамга қамаб қўйганлар! Қандай қилиб бундайларга эшикни ишониб бўларкан?

– Бизда ижтимоий соҳадаги ишларни қиладиганлар йўқ. Ҳиндистонда олижаноб соҳиб бор, у қўлига барча ваколату имтиёзларни олиб, аёлларни ҳарамга қамаб қўйган.

– Нега сиз бундай ноҳақликка қарши курашмай, жим турасиз?

– Билмадим, ҳамма айб, ҳамма қусуру бало эркакларнинг аёллардан икки қарра кучлилигида бўлса керак.

– Шер инсондан қанча кучли, бироқ бу унга инсон устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермайди. Яхшироқ бош қотириб кўринг, аёлларнинг ўз олдига мажбурияти бор ахир. Сиз ўз ҳуқуқларингизни йўқотиб қўйгансиз ва қизиқишларингиздан кўз юмасиз.

– Қадрдоним Сара опа, агар биз барча ишни ўзимиз бажарсак, эркаклар нима иш қилади?

– Уларнинг иш қилишига ҳожат йўқ. Мени кечиринг-у, лекин айтишга мажбурман. Уларни битта қўймай тутиб, ҳарамга қамаб қўйиш керак.

– Бу қийин эмас, аммо шу билан муаммо ҳал бўлса қанийди, – дедим мен.

– Бу ишни қиладиган бўлсак, уларнинг сиёсий-иқтисодий ишлари ўзлари билан бирга ҳарам ичига кириб кетадими?

Сара опам мийиғида ширин жилмайиб қўйди. Балки у сўзлари қурбақанинг вақирлашидан қолишмайдиган аёл билан тортишиш бефойдалигини англаб етгандир. Бу вақтга қадар биз Сара опамнинг уйигача етиб келдик. У мана шу гўзал чаманзорга мос тарзда қурилган эди. Уй билан боғ бир-бирига қандайдир алоҳида улуғворлик бахш этиб турарди. У манаман деган бойларнинг қасридан салқинроқ ва яхшироқ эди. Қанчалар дид ва маҳорат билан хоналарнинг жиҳозланганини таърифлашга эса тил ожиз. Биз ёнма-ён ўтирдик. У меҳмонхонага тўқувчилик асбобу анжомларини олиб келди-да, меҳр билан янгича услубда яратаётган ишига шўнғиб кетди.

– Сиз тўқишни биласизми?

– Ҳа, албатта, бизда ҳарамда қиладиган ҳеч қандай юмуш йўқ. Уларга ҳатто шу тўқишни ҳам ишониб топширолмаймиз, – деди у кулиб. – Эркак зотининг игнадан ипни ўтказишга ҳам тоқати етмайди!

– Ҳамма ишни ўзингиз мустақил бажарасизми? – бир қанча тикилган қўйлақлару тўқилган кийимларга назар ташлаб, сўрадим мен. – Қандай қилиб

шунча ишга улгурасиз? Ахир давлат ишлари ҳам бўйнингизда-ку, шундай эмасми?

– Ҳа. Мен кун бўйи лабораториядаги ишларга ғарқ бўлмайман. У ердаги барча юмушларимни икки соат ичида бажариб бўламан.

– Икки соат?! Атиги икки соатда ҳаммасига қандай улгуриш мумкин? Мен идора ходимлари одатда етти соат ишласалар керак, деб хаёл қилгандим. Нима деб ўйлайсиз, улар етти соат умрини фақат ишга бағишлармикан?

– Соддасиз-э, Султона, албатта, бунга шак-шубҳа йўқ, – деди у жилмайиб. – Аммо бир “лекин”и бор. Аслида бу етти соатнинг бари ишга сарфланмайди-да. Уларнинг асосий вақти чекиш билан ўтиб кетади. Баъзи идораларга кирсангиз, тамаки тутунининг дастидан кўзларингиз ачишади. Улар ўз ишлари тўғрисида сўзлашишлари мумкин, бироқ ниҳоятда оз. Кузатишлар эркакларнинг ҳар куни ўн икки дона тамаки чекишини исботлаб берди. Тамакини ёқиб, тутаб-тутаб ўчишининг ўзига ярим соат кетади. Ўн иккита тамакини чекишга улар ҳар куни олти соат вақтини бағишлайди.

Биз ҳар хил мавзуларда гаплашдик. Сухбат давомида мен улар ҳеч қандай нуқумли касалликдан кўркмасликларини билиб олдим. Мен аёллар мамлакатади автоҳалокат оқибатида ҳали ҳеч ким ёш ўлиб кетмаганини эшитиб, хайратдан ёқа ушладим.

– Ошхонамизга бирров кўз ташлайсизми? – деб сўради у.

– Жоним билан, – дедим мен ва биз ошхонага томон йўл олдик.

Ошхона мўъжазгина томарканинг ўртасида жойлашган экан. Бино атрофидаги чирмовук ва помидорларнинг ўзини бир нақшлар олами, дейсиз. Гарчи мўркон бўлмаса-да, тутундан асар ҳам йўқ эди. Ошхона саранжом-сарипшта, ёп-ёруғ эди. Деразаларда анвойи гуллар барқ уриб турарди. На тошкўмир ва на олов кўзга ташланарди.

– Бу ерда қандай қилиб овқат тайёрлайсиз? – сўрадим мен.

– Қуёшнинг ёруғлиги етиб ортади, – дея менга бир найчани кўрсатди хонадон бекаси. Унда жамланган офтоб нурлари ичкаридаги найчаларга тарқалиб, иссиқлик ва ёруғликни етказиб бераркан.

У менга жараёни кўрсатиш учун дарҳол таом тайёрлашга тутинди.

– Қуёш нурини қандай йиғиб, қандай жамлашади? – деб сўрадим мен қизиқиш билан.

– Келинг, яхшиси, ҳозир мен сизга ўттиз йил олдинги воқеаларни сўзлаб бераман. Ўттиз йил бурун, ўн уч ёшли қироличамиз тахтга ўтирган маҳал эди. Қиролича шунчаки кўғирчоқ эди, ҳукуматни эса бош вазир бошқарарди. Бизнинг меҳрибон ва олижаноб ҳукумат бошқарувчимиз илмни ниҳоятда кадрларди. У мамлакатда барча хотин-қизлар ўқиган, ақлини таниган бўлиши кераклигининг тарафдори бўлганлиги учун янгича тартиб-қоидаларни ўрнатди. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши билан қизлар учун алоҳида мактаблар барпо этилди. Хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси ошди. Қизларнинг эрта турмушга чиқиши тақиқланди. Ҳеч бир қиз йигирма бир ёшдан аввал оила қуролмасди. Айтиш жоизки, бу ўзгаришларга қадар биз паранжи ичида юришга маҳкум эдик.

– Шунча ўзгариш, бари оёғи осмондан бўлиб кетибди. Кечирасиз, қандай қилиб жамиятингиздаги эркак ва аёл роли алмашиб қолди? – деб сўрадим мен кулгимни яширолмай.

– Бирлашиш, – деди у. – Бир неча йил ичида бизнинг билим даргоҳларимиз эркаклар киритилмайдиган алоҳида университетларга айланди. Қироличамиз яшайдиган пойтахтда худди шундай икки улкан Аёллар университети бор. Улардан бири ҳаво шарини яратди. Бир қанча найчаларга ҳаво йиғилиб,

катта-катта шарлар тўлдирилди. Шарлар ичидаги ҳаво бетиним айланиб туриши унинг ердан юқорига кўтарилишига ёрдам беради. Бу ҳали ҳолва. Аёллар мамлакатада ҳамма нарса ҳисоб-китобли. Қор ва ёмғир сувлари ҳам увол кетмайди. Олималаримиз уларни тўғонларда йиғиб, улкан захираларга айлантириш йўлини топганлар. Агар аёл истаса булутларни ҳам бошқариши мумкин.

– Наҳотки! Мана энди нега бу мамлакатда чиқиндилар кўзга ташланмай, ҳамма жой ёғ тушса ялагудайлиги боисини англаб етдим! – дедим мен. Бирок мен қандай қилиб найларга сув йиғиш мумкинлигини асло ақлимга сиғдирилмаётгандим.

Ҳамсуҳбатим каминага жараёнлар хусусида ҳар қанча батафсил сўзлаб бермасин, билимим, фикрлашим ҳаминқадар бўлгани учун, боз устига ўқиманлигим панд бергани боис ҳеч нарса тушунмадим. Шунга қарамай, у давом этарди:

– Бошқа университетлар олималари бу кашфиётлар ҳақида эшитиб, қўл қовуштириб туриш – аҳмоқлик бўлишини англаган ҳолда фавқулудда ғайритабиийроқ янгиликлар қилишга интилдилар. Улар ёруғлик зарраларини йиғадиған усқунани яратишди. Бу усқуна шунчалар мукамалки, у қанча нурни ўз ичида тўплаш мумкинлигини ақлингиз бовар қилмайди. Аёллар илмий изланишлар устида бош қотираётган бир паллада эркаклар фақат ҳарбий куч-қудратни мустаҳкамлашга эътибор қаратишди. Улар аёллар университетлари ҳаво шарида учиш, сув захирасини йиғиш, ёруғликни тўплаш каби кашфиётлар ҳақида эшитиб, нафақат масҳара қилишди, балки буни даҳшат, деб аташади.

– Ўлай агар, сиз эришган ютуқлар чиндан ҳам ажойиб ва ҳар қандай мақтовга лойиқ. Бирок, айтинг-чи, қандай қилиб мамлакатингизда аёллар эркакларни ҳарамга қамаб қўйишга эришди экан? Ҳойнаҳой, ҳийла ишлатибми, мағлубиятга учратибми?

– Йўқ, асло!

– Қандай қилиб, улар шунча ваколатлардан кечиб, ҳаётий эркинликдан айрилиб, ўз хоҳишлари билан ҳарамга қамалиб яшаш қисматиға кўндилар, буни асло тасаввуримға сиғдирилмаяпман. Ҳар қалай, куч билан тўрт девор ичига қамаб қўйилганлари аниқ. Фикри ожизимча, сиз аёллардан ҳарбий қўшин тайёрлагандирсизлар-а, яъни қурол билан?

– Йўқ, энг қизиғи, қурол-яроғсиз.

– Балки шундай бўлгандир, лекин эркакларнинг билаклари аёлларникидан ўн чандон бақувват-ку. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин?

– Мия билан.

– Ахир эркак зотининг мияси аёлларникидан каттароқ ва оғирроқ бўлади-ку, шундай эмасми?

– Шундай бўлса нима қипти? Масалан, филнинг мияси одамзодникидан анча улкан ва оғир. Аммо одам уни бўйсундириши, ҳатто устиға чиқиб миниб юриши мумкин.

– Бу борада сиз ҳақсиз, лекин, айтинг-чи, буни қандай қилиб амалға оширингиз? Ҳозир қизиқишдан ёрилиб ўламан.

– Аёл зотининг мияси эркакларникидан тезроқ ишлайди. Ўн йил илгари ҳарбийлар илмий кашфиётларимизни даҳшатли хомхаёл деб атаганларида, бир қанча қони қайноқ ёш аёллар эркакларнинг бу асоссиз масҳараларини жавобсиз қолдиришни исташмади. Бирок аёлларнинг ёзилмаган қоидаларига мувофиқ, бунга сўз билан эмас, балки амалда қилинган иш билан жавоб бериш керак эди. Шунда ҳам мавриди келганида, яъни имконға қараб, албатта. Хайриятки, бу узокқа чўзилмади.

– Қандай ажойиб! – чин юракдан қувониб, чапак чалиб юборганимни сезмай қолибман.

– Фалакнинг гардишини қарангки, кеча бизни ожиза деб атаган жаноблар бугун ўзларини шунақа дейишяпти. Кўп ўтмай, қўшни мамлакатдан бир қанча одам бошпана сўраб бизнинг юртга кириб яширинди. Уларнинг бошига кулфат тушганди. Қочокларга бир қанча сиёсий жиноятлар қўйилган эди. Ўз мамлақати хавфсизлигини ўйлаган ҳукмдор кироличамиздан ўша зобитларни ушлаб топширишни талаб қилди. Бу мамлакатимиз қонунларига тўғри келмагани учун киролича қўшни мамлакат кироли талабини рад этди. Қўшни мамлакат кироли ғазабланиб, фурсат ғаниматда мамлакатимизга қарши юриш бошлади. Ҳарбийларимиз қўл ковуштириб қараб туришмади, улар ўша пайтнинг ўзидаёқ оёққа туриб, душманга қарши курашгани жанг майдонига отландилар, бироқ тиш-тирноғича қуролланган душман ҳаддан ортиқ кўп ва кучли эди. Аскарларимизнинг жонини жабборга бериб курашганига шак-шубҳа йўқ. Аммо, шунга қарамай, душманнинг сарҳадларимизни қадам-бақадам, аста-секинлик билан эгаллашига етарлича тўсқинлик қилолмадилар. Ҳеч бир эркак уйда ўтиргани йўқ, ўн олти ёшли ўсмир ҳам жангга отланди, афсуски, қўшиннинг аксарият қисми кириб ташланди, асосий кучларимиз махв этилди. Душманнинг пойтахтга етиб келишига йигирма беш чақирим қолганди. Мамлакат ҳимоясига донишманд аёлларни йиғиб, машварат ўтказилди. Нима бўлганда ҳам юртни асраш, душман мамлакатимизнинг қулини қўққа совурмаслигидан бурун нимадир қилиш керак эди. Баъзилар курашишни таклиф қилди. Баъзилар эса бу фикрга қарши чиқди. Чунки аёлларнинг қўлига шамшир ва қурол олиб шуғулланишига кўп вақт кетарди. Ҳарбий тайёргарликсиз эса жангга кириш нафақат аҳмоқлик, балки муқаррар мағлубиятдир. “Агар жисмоний жиҳатдан етарлича куч-қудратга эга бўлмасак, демак, унда душманни фақат ақл билан енгиш шарт, – деди киролича. Бир неча дақиқа орага чуқур сукунат чўқди. – Мамлакатимни душман қўлига топширишдан кўра, ўлганим афзал!”

Қироличанинг гапи барчага таъсир қилди. Шунда иккинчи Аёллар университети олималари душманни қандай қилиб енгиш ҳақида жиддий бош қотиришга киришдилар. Барча умид улардан. Олималарда фақат ягона режа бор эди. Бу илк ва сўнгги амал, агар ўхшамаса, у ҳолда ўзини-ўзи ўлдиришдан бўлак чора қолмаган бўларди. Чунки ҳамма қул бўлиб яшашдан кўра ўлимни афзал билардилар. Қиролича аёлларни шу режани амалга оширишга ундади. Заифалар паранжини ташлаб, катта майдонга чиқишдан бурун, энг аввало, эркакларни ҳарамга киритиш талабини қўйишди. “Ҳа, албатта”, – деб жавоб қилди қиролича. Эртасига ғалабага эришиш йўлида қиролича барча эркакларни йиғиб, нафақага чиқарди-да, ҳарамга қамаб қўйди. Чарчаган, ҳолдан тойган ярадор эркаклар умидсиз ҳолатда мамлакатнинг эртаси учун лом-мим демай, ҳарамга ўз ихтиёрлари билан кирдилар. Уларда ғалабага ҳеч қандай умид қолмаганди, бунга ожизалар эришишига ишонмасдилар ҳам. Ўшанда университетнинг асосий аёл хоними бошчилигида икки минг нафар талаба душманларга найчаларда йиғилган офтоб нурларини тўғрилади. Ҳарорат ҳаддан ортиқ баланд эди. Душман бу қуролга қарши қандай ҳимояланишни билмасди. Ўзини буткул йўқотиб қўйган рақибга сичқоннинг ини минг танга бўлганини бир кўрсангиз эди! Куёш нури майдонда қолган душманнинг қурол-яроғу озиқ-овқат захирасини куйдириб ташлади. Ўшандан бери бошқа ёғий бизнинг юртимизга юрак ютиб қиролган эмас.

– Айтинг-чи, бу вақт мобайнида ҳарамдагилар озодликка чиқишни талаб қилмадиларми?

– Албатта, чиқмаган жондан умид, деб зобитлар, ҳарбийлар, туман, вилоят

қозилари, полициячиларнинг бари зиндондан озод қилишни сўраб, қироличага илтимосномаларни юборишди. Бироқ улар ҳар қанча ўз идораларига ва мансабларига тиклашни ёлвориб сўрашмасин, қиролича бу илтижоларни қондирмади. Эркаклар бир вақтлар аёлларга қилган илтифотсизликлари туфайли ўз мансабларига қайта тикланмадилар. Қиролича фармойиш чиқарди. Унда агар бирор кун эркакларнинг хизматига ҳукумат чиндан ҳам муҳтож бўлса, улар ҳарамдан озод этилишлари ва лавозимларини қайта эгаллашлари мумкинлиги, ҳозир эса улар қаерда лозим бўлса, ўша ерда ўтиришга мажбурликлари ҳақида ёзилганди. Аини дамда улар паранжи тизимида кўниқиб, қисматларидан нолимай қўйишди.

– Мамлакатни миршабларсиз, магистрантларсиз бошқариш, хавфсизликни таъминлаш йўлида нима қиляпсизлар? Ўғрилик ё қотиллик ҳолатлари содир бўлса, у ҳолда нима чора кўрасизлар?

– Қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, Яратганга шукрки, мамлакатимизда шу чокқача, ҳали бирор марта ўғрилик ё қотиллик содир бўлгани ҳам, қайд этилгани ҳам йўқ. Шу сабаб ҳалигача қозию миршабларнинг хизматида эҳтиёж сезганимизча йўқ.

– Мамлакатингизда тинчлик-осойишталик ҳукмронлигини кўриб қувондим. Бир томчи қон тўкмай ғалабаю ҳокимиятга эришганингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор. Тавба, деярли ҳеч қандай куч сарфламай, жиноят ва жиноятчиликка барҳам бериш мумкин экан-да!

– Албатта! Энди, кадрли Султона, меҳмонхонага ўтсак ҳам бўлар, нима дейсиз? – деб сўради у мендан.

– Ошхонангизда ҳатто қироличаларни меҳмон қилиш мумкин. Бой хонимларнинг хосхонасидан қолишмайди, – деб жавоб бердим мен мулоим жилмайиб. – Биз у ерга ҳозир ўтамизми?

– Бекордан Худо безор, агар ҳеч қандай юмуш бўлмаса-ю, биз вақтимизни ошхонада шундай бекор ўтказсак, гуноҳ бўлади, – деди у қуюнчақлик билан.

Биз бир-биримизга қараб жилмайдик. Мен ортга қайтиб, таниш-билишларимга Аёллар мамлакатада кўрганларимни айтиб берсам, қанчалар ҳайратдан тонг қотиб қолишларини тасаввур қиляпман. Ожизалар ҳокимият тепасида туриб, ижтимоий масалаларни ҳал қиладилар, юртни бошқарадилар. Эркаклар эса ҳарамда бола тарбияси билан машғул, уй ишларини бажариб, ош-овқат қилаётган маҳалда, уларнинг хавфсизлигини аёллар таъминлашади.

– Мен уларга ҳамма-ҳаммасини бошдан-охир оқизмай-томизмай сўзлаб бераман. Ерларни ағдариш, экин-тикин ишларини қилишга бақувват қўллар керак, дехқончиликни эркакларсиз қандай давом эттиряпсизлар, илтимос, бизга худди шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

– Кадрли Султона, шу ҳам иш бўлибдими? Электр қуввати ёрдамида бу иш хамирдан қил суғургандек осон битади. Учадиган ҳаво нақлиётлари ерларни ағдаради, чопиқ қилади ва экиб чиқади. Бизнинг мамлакатда темир йўлу тошқўчалар йўқ. Шу сабаб юртимизда темир йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва автоҳалокатлар содир бўлмайди.

– Бирор кун қор, ёмғир сувига эҳтиёж сезсангиз-чи?

– Қор, ёмғир сувлари учун махсус ҳаво шарлари бор ва уларда йиғилган сув ерларга етказиб берилади. Хуллас, халқимиз сувга эҳтиёж сезмайди. Биз шунчалар бандмизки, бир-биримиз билан тортишишга вақт тополмаймиз. Қироличамиз табиатни ниҳоятда яхши кўрадилар. У бутун мамлакатни боғроққа айлантирди. Ҳаммамиз бу ишга бош қўшдик.

– Жазирамада мамлакатни қандай қилиб салқин сақлайсизлар?

– Ёз кунларида бўладиган ёғингарчилик ва салқин кунларни Худонинг

инояти деб қабул қиламиз. Жазирама иссиқда қақраган ерларни қор, ёмғир сувлари йиғилган шарларга ўрнатилган найлар ва сунъий фавворалар орқали суғорамиз. Совуқ кунларда эса хоналаримизни офтоб нури билан илитамиз.

У менга ўз хонасини кўрсатди. Жўмакни бураши билан сув келар, ичкарида ювиниш хонаси, ундаги шароитларга фақат ҳавас қилиш мумкин эди.

– Сиз ғоят бахтли одам экансиз-да! – деярли қичкириб дедим мен қувонч билан. – Яна бир нимани сўрасам майлими?

– Қулоғим сизда.

– Сиз қайси динга эътикод қиласиз?

– Бизнинг динимиз Меҳр-оқибат ва Ҳақиқатга асосланган. Унга кўра, биз бир-биримизни қадрлаймиз ва ҳеч қачон алдамаймиз.

– Агар кимдир бу қоидага хилоф иш тутса, у муқаррар ўлим жазога мустаҳкамми?

– Йўқ. Ҳали бу қоида биров бузишга журъат этмади. Биз Худонинг бандаларини ўлимга маҳкум этишга ўзимизни ҳақли деб билмаймиз ва бундан асло роҳатланмаймиз. Ёлғончилар мамлакатни буткул ва бир умрга тарк этадилар.

– Демак, бундай жинойтни қилганлар ҳеч қачон кечирилмас эканлар-да?

– Ҳеч қачон, ҳаттоки ўз қилмишларига чин дилдан пушаймон бўлсалар ҳам.

– Бу, албатта, жуда яхши. Сиз ўз ерингизни гуноҳлардан қанчалар асрар экансизлар-а. Шу сабаб бу замин тоза-озода, мамлакат тинч-осойишта, обод-фаровон экан. Юртда шунча ўзгаришлар қилган ўша олижаноб қироличани кўрсам бўладими? – деб сўрадим ийманиб.

– Нега бўлмас экан, бўлади, – деди Сара опам.

У чорси шаклидаги мосламаларни буради. Икки катта шар кўз очиб-юмгунча водородга тўлди. Кейин бу шарлар ҳаво автомобилларига ўрнатилди. Электр мослама ҳаракатга келди. Автомобилнинг парраклари дақиқа сайин тезроқ ҳаракатлана бошлади. Биз аввал олти-етти фунт баландликка кўтарилдик ва учиб кетдик. Мен ҳали нима юз берганини англаб етмасимдан бурун биз қироличанинг саройига етиб келдик. Автомобиль ерга кўниши билан биз ҳам тушдик. Қиролича боғда қизчаси билан сайр қилиб юрган экан.

– Шу ердасизлар! – дея қўл силкиди Сара опам.

Мен қиролича жаноби олиялари билан танишиш бахтига муяссар бўлдим. У киши каминани ҳеч қандай ортиқча тақаллуф ва дабдабаларсиз қабул қилди. У билан танишганимдан бошим осмонга етди. Сухбат асносида қиролича бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам савдо алоқаларини ривожлантиришни ва одамларига буни асло тақиқламаслигини таъкидлади. У бутун дунёга аёлларнинг ўрни ҳарамда эмаслигини кўрсатиш ниятидалигини билдирди. Бунинг учун, аввало, бошқа мамлакат аёлларида ўз кучига ишонч туйғусини уйғотмоқ керак бўларкан. “Биз, аёлларнинг билимимиз уммонлардан ошади. Биз табиат ато этган барча неъматлардан баҳра оламиз”, – деди қиролича.

Мен ўша машҳур университетларни зиёрат қилиш шарафига ҳам муяссар бўлдим. Менга лаборатория ва расадхоналар кўрсатилди. Барча диққатга сазовор жойларни томоша қилгач, учар машинага миндик. У ҳаракатга келиши билан мен... уйғониб кетибман. Кўзларимни очсам, камина оромқурсидан думалаб тушиб, ерда ётар эдим.

*Инглиз тилидан
Шаҳноза РАҲМОНОВА
таржимаси*

Ахтаруззамон ИЛЁС

(1943–1997)

Ёзувчи асли моҳир педагог бўлган. У Бангладеш адабиётида мустақилликдан сўнг майдонга чиққан забардаст адиблардан бири. Гарчи битган асарлари сони кўп бўлмаса ҳам, иккита романи (“Болохона посбони” ва “Хобнома”) ҳамда йигирма иккита ҳикояси биланоқ Бангладеш ва Фарбий Бенгалиядаги кўзга кўринган ёзувчи сифатида тан олинган. Инсон феъл-атворини нозик ҳис қилиши, жисм ва руҳ ўзгаришларини ўзгача тасвирлаши, ўткир заковати ва юмор туйғуси, мунофиқлик устидан аччиқ киноясининг асарларига кўчиши натижасида у Бангладеш адабиётида мустақкам ўрин эгаллади.

ЁМҒИРПЎШ

Каллаи саҳардан ёмғир қуймоқда. Оҳ-оҳ, “чак-чак” товушлари бирам ёқимлики. Худо хоҳласа, бу ёмғир уч кун тинмайди. Агар у шанба куни ёға бошласа, бу уч кун давомида етти хайрли иш бўлишини англатади. Ҳафтанинг бошқа кунлари шунчаки сийқаси чиққан кунлар. Ҳа энди бу шунчаки бир омади гап-да. Аммо бу борада махсус таснифлар ҳам йўқ эмас. Дейлик, агар ёмғир сешанба куни азонда қуя бошласа, булутларнинг гумбур-гумбури уч кунгача тинмайди. Агар у чоршанба эрталабдан бошланса, булутлар тушга яқин тарқаб кетади. Пайшанба ва жума ҳақида ҳам нимадир айтилганди, бироқ шуниси хотиримиздан фаромуш бўлибди. Нима бўлган тақдирда ҳам, у қалин кўрпага бурканиб олиш учун етарли баҳона бўла олади. Ҳеч бўлмаганда ўқ товушидан уч кунгина кулоқ тин олиши мумкин. Ахир қурол ва ўқ-дорилар шундоқ кучли жаладаям кулоқни қоматга келтираверсинми? Бир неча кунлик осойишталикка етказганига шукр.

Аммо шундоқ бўлиши керакмиди ўзи? Бандаси дейди ўттиз... Шу чок эшикнинг зарб билан тақиллашидан кузнинг тонгги ёмғири сабабли турган енгил изғирин шафқатсизларча парча-парча бўлиб кетди. Ҳаммаси тугади. Ҳарбийларни деб бари кунфаякун бўлди. Ана, эшик тагида турган ўша ҳарбийлар, шекилли. Ё Худойим! У “Ё, Оллоҳ, ўзинг пок зотсан, золимнинг зулмидан асрагувчи ўзингсан”, дея эшикка яқинлашди. Ўтган ойлар ичида у Қуръондаги саноксиз сураларни ёд олишига тўғри келди. Ҳар сафар кўчага чиққанда, ҳарбийлар қай замон пайдо бўлишини билмагани учун, бешта калимани дарҳол тилининг учида тутиб, тез-тез қайтарадиган бўлди. Шунга қарамай, билиб-билмай хато қилиб қўйиши муқаррар эди. У айни керакли оятларни ёдлаб олган, аммо бошига оддийгина шапка кийишни унутганди.

Ана, иккита металл мурватли тахта эшик очилиб, шиддатли шамоил ва ёмғир заррачалари ила мактаб директорининг югурдак элчиси кириб келди. Туф-туф, Ўзига беадад шукрлар бўлсин, яхшиям ҳарбийлар эмас экан. Унинг кўнгли таскин топиб, югурдакни ўпиб олгиси келди. “Жанобимиз сизга салом йўллади, – деди “элчи” жиддий оҳангда. Лекин ўша заҳотиёқ озғин юзига чўп илашган бу инсон аввалги гапидаги назокатни тўғрилаган бўлиб, гапни қисқа қилди: – У сизни олиб келиш учун мени юборди. Ҳозирок боришингиз лозим экан”.

“Нима бўлди, тинчликми ўзи?”

“Беҳуда вақт ўтказмай олдимга тушинг, кеча тунда кимдир коллеж девори яқинида бомба портлатибди”.

“Бу нима деганинг?”

“Фосиклар трансформаторни бузиб, қайтишда директоримизнинг уйига граната отишибди. Дарвозага ҳам шикаст етган”.

Бу чиндан ҳам ўта ваҳимали. Трансформатор коллежни ўраб турган девор билан ёнма-ён жойлашганди. Девор орқасида боғ ва теннис майдончаси, унинг ёнида эса коллеж биноси қад ростлаганди. Бинонинг нариги тарафидан каттакон футбол ва крикет майдонига ўтиларди. Сал чапроққа юрилса, коллеж директорининг уйи олдидан чиқиларди. Ҳаммасига шу ҳарбий лагерь балогардон. У айна пайтда коллеж спорт залида жойлашганди. Директор қароргоҳининг дарвозасига хужум қилиш ҳарбий лагерьга хужум қилишдай гап эди. Тавба, қандоқ қилиб шундоқ кенг майдонлардан ошириб, коллеж деворига граната улоқтиришдиди? Қандоқ қилиб?

Директорнинг хизматкори қаёқдан хабар топдиди? У “Буни ўзингиз биласиз”, деб айтди. Бу нима деганикан? Наҳот хизматкор уни ҳам фосикларнинг шериги деб ўйлаётган бўлса? Табиий, кўнгли ғаш бўлганини билдирмасликка тиришиб, лабларидан “Марҳамат, Исҳоқ Миах, ўтириб, бир пиёла чой билан ширинликлардан еб тур, мен олти-етти дақиқада тайёр бўламан”, деган сўзлар учди.

“Йўқ”.

Бу илтифотни рад этган Исҳоқ деди:

“Абдусатор Мридҳанинг ҳам уйига боришим керак. Сиз ҳам тезроқ бормасангиз бўлмас. Полковник аллақачон ўша ерда. Ҳамма ўқитувчилар чақиртирилди. Бўлақолинг”.

Коллеж ва унинг ходимларини полковник ихтиёрига топширган Исҳоқ жуғрофия ўқитувчисининг уйига равона бўлди. У ўзини нақ полковникка киёсларди. Ҳарбийлар келганидан буён у деярли ҳаммани қақшатиб чиқди ҳисоб. Апрель охирларида у бенгал тилини ишлатмай қўйди. Қачонлардир асфаласофилинга рихлат қилган ота-боболари Уайт Соҳибнинг катта хизматчиси бўлиб ишлаган, шекилли, Исҳоқ энди урду тилида чулдирай бошлаганди. Жуссаси кичик, аммо бақалокқина коллеж директори урдуча гапирадиган югурдагини ўзига мослаштириш учун анча тер тўкишига тўғри келганди. Бузуқ урду тилида директор: “Исҳоқ Миах, мамлакат бошига катта кулфат ёғилмоқда. Ўқитувчилардан огоҳ бўлишни, олди-қочди гапларга эътибор бермасликни сўра. Ҳозир энг муҳим вазифамиз ҳарбий соҳибларга ёрдам беришдан иборат”, деганди. “Шубҳасиз”, деди Исҳоқ унинг гапини уч карра тасдиқлаган кўйи ориққина гавдасининг тепасига нақ намчил порохнинг митти зўлдиридай ўрнатиб қўйилган кичкинагина бошини лиқиллатиб. Портлашга ўхшаш товуш эшитилганда Исҳоқнинг ифодали қилиб “шубҳасиз” деган калимаси кулоқлар остида жаранглаб турганди. Ёмғирдаям тўхтамас экан-да, а, яна бошландими? Йўқ... Хайрият, у момақалдирикнинг гумбур-гумбур товуши экан. Афтидан, ёмғир ҳали челақлаб қуйишда давом этади. Ҳозирок бошланса қанийди. Майли, Худонинг айтгани бўлади.

“Боришингиз шартми? Бевақт қуйиб турган шундоқ ёмғирда тагин кўчага чиқиб нафасингиз қисиши баттар зўриқиб кетмаса, деб кўрқаман”.

Хотинининг бундай меҳрибончилигига кулоқ солса қани. Директор тинмай танбеҳ берган маҳал ҳам шу хотини ёнини ола билармикан? Бунинг устига полковник жаноблари қорасини кўрсатиб кетди. Бугун пешонага нима битилгани ёлғиз Оллоҳга аён. Мабодо уни отишга ҳукм этишса, пешонасидан дарча очиб қўйишни сўраб полковникка юзланиш имкони бўлармикан? Ва ё директор унинг номидан бу илтимосни қондиришни сўраб ҳимояга ўтармикан?

Директор туну кун Покистон учун ибодат қиларди. Уззукун у кўз ёш тўкиб қўлларини дуога очганча Худога илтижо қилар, ора-сира ҳамкасбларини тергашга ҳам вақт ажратарди. Апрель ойининг ўрталари эди. Директор каттагина ҳарбийлар гуруҳига мурожаат қилган, агар Покистон асраб қолиниши керак бўлса, бу Шоид Минорлар мактаб ва коллежлардан четлатилиши лозим эди. Бундай ваколатсиз тизимлар ҳиндуларнинг Шив Лингами каби бўлиб, улар Покистон танасига қадалган тиканлар эди. Тананинг софлигини таъминлаш учун ўша тиканларни суғуриб олмоқ даркор. Ҳарбийлар доктор Афаз Аҳмадга кулоқ тутишди. Қай қишлоқ ё гўшага борилмасин, биринчи бўлиб ана шу Минорлар ўққа тутиларди. Бирон мактаб ё коллеж йўқки, Минор уруғига шафқат қилинган бўлса. Директор уларга ўта қимматли маслаҳат берган, бунинг эвазига улар бечора Воизни пешонасидан отиб ташлашармиди? У ҳам директорга шундай хизмат қилганди, наҳот директор ўз ҳамкасбига, узр, қўл остидаги ходимига, ундан ошириб бир нарса қилолмаса?

Ивирсиб шимини кияркан, у хотинининг ошхонадан туриб жавраганини эшитди:

“Тезроқ бориб келинг. Ёмғир бошлашидан сал аввал Мирпур кўприги тарафдан ўқ товуши келаётганини эшитдим. Нима бўлишини ким билиб ўтирибди дейсиз?”

Шу гапларни айтишга нима ҳожат бор эди! Радио-телевидение тинмай аҳвол яхши эканини вайсаб турган бўлса. Душман тор-мор келтирилган. Барча ғаламислар йўқ қилинган. Президент мамлакатга демократия шабадалари қайтиб кирди, дея бонг уряпти, ахир. У ўз чиқишларида ҳокимиятни халқ сайлаган вакилларга ўтказиш асосий мақсад эканини айтиб келмоқда. Ҳамма нарса гўё ўз изига тушмоқда эди. Шундоқ экан, нега хотини бунақа нохуш гапларни айтяпти тагин? Асма ўзи ғалати аёлда. Ўтган кеча у ётоқда у ёнидан-бу ёнига ағанайвериб, тун қоронғисини кесиб учиб ўтган бир жуфтгина ўқ товушини эшитмаса, ҳечам уйқуси келмаётганини айтиб нолиётганди. Худо билади бу аёлни деб бошимизга яна қандай кўргиликлар тушаркан?

“Азизим, бу соябон сизни ҳўл бўлишдан асрашга ярамайди. Минтунинг ёмғирпўшини эгнингизга илиб олсангиз бўлмайдами?” кистади хотини тагин.

Оҳ, йўқ! Яна ўша Минтуми? Бу қайнукам тушмагур роса бошоғриғи бўлди-ку. У бу ердан кетганди, ҳа, ҳа, Мағбозордаги шу икки хонали квартирамиздан июнда, янаям аниқроғи, 23 июнда бошқа жойга кўчганди. Биринчи июлда бирор киши шубҳаланмасин деган ўйда уйни яна алмаштиришимизга тўғри келди. Қайнукам кетганидан уч кун ўтиб, дум-думалоқ юзли ён қўшнимиз “Бҳабҳи, укангиз кўринмай қолдимми?” деб сўраб қолди. Шу гапнинг ўзиёқ етарли бўлди. Хотин иложи борича тезроқ бу ердан кетиш тараддудига тушиб қолди. Ҳарбийлар келгандан бери бизга уй алмаштириш чўт бўлмай қолди ўзиям. Бу галгини кўшиб ҳисоблаганда тўртинчи марта кўчишимиз. Шу ерга келганимиздан кейин пастки қаватдаги мулоим жаноб “Укамизни шаҳарга жўнатсак бехатарроқ бўлармиди? Атрофдаги ҳар турли гап-сўзлар важдан уни қишлоққа юбориш энг тўғри йўл, деб ўйлайман”, дея шипшитди. Бу гапни эшитиб, юрак гупиллаб уриб кетди; биров сенинг қайнинг ҳақида шундай деб турса, осон тутиб бўлармиди? Ахир ўзини хавфлироқ сезиши учун шу ерга кўчиб ўтмаганмиди? Коллеж, қариндош-уруғлар ва таниш-билишлардан йироқ бир жой. Шаҳардан ҳам анчагина узок. Шарқ томондаги деразадан қаралса,

кўлларни, шолিপояларни кўриш мумкин эди. Бахтга қарши, кўлига қурол ушлаб, қайиқда сузиб келаётган ёш-яланглар кўзга кўпроқ ташланарди. Бу томонларда одамлар қайиқларни, уларга юкланган қурол-аслаҳаларни кўради. Мана энди хотинининг укаси билан қатор ҳарбийлар уларнинг уйига бостириб келиши мумкин. Хотини иккалови Минту қаердалигини яхши биларди. Аёл маҳалладаги болалар олдида мақтанар, миттивойлар эса “Тоғамиз Хоннинг солдатларини ўлдиришга кетди”, деб ўйноқлаб ҳар томонга чопишарди. Бундоқ бемаза гаплар қандай натижалар келтириб чиқаришини ким билиб ўтирибди? Хўш, Асма хоним шунчалик жасур аёл бўлса, нега укасига қўшилиб кетмади? Албатта, бу саволни ундан ҳеч сўраган эмас, лекин бир кун лоп этиб оғзидан чиқиб кетиши турган гап. Унут уни, Асма, унут. Ёнимизни оладиган, биз билан елкама-елка турадиган ҳеч ким йўқ. Жаноб Киссинжер бу – мамлакатнинг ички иши, деб айтди. Одамлар маҳв бўлмоқда, уйлар, молу мулклар, қишлоқлар теп-текис қилинмоқдаю, бирон кимсанинг парвойига келмаса. “Ички иш” бўлмай қолсин. Йўқ, йўқ, бундай хаёлларга эрк бериб бўлмас. Пастки қаватда пайвандчилик устахонаси хўжайини яшайди. Унинг оғир-вазмин қайнотаси бўлиб, ҳафтасига икки ё уч марта қизининг хонадонига музлаткич, магнитофон, юмшоқ диван, вентилятор, каравот ва шунга ўхшаш нарсаларни юбориб туради. Бир сафар ҳатто ҳинду маъбудаси (тилладан бўлса не ажаб!) ҳам юборибди. Юк машинлари келиб-кетаверади. Мабодо ўша киши тепа қаватда яшайдиган Устознинг “фосиқ” қайнукаси борлигидан хабар топса борми, бошига жаҳаннам кунлари тушди деяверинг. Эҳтимол, Асма бутун умр уйқусини келтирадиган ўқ товушларини аниқ эшитиб туриши керак бўларди. Бундай нарсаларни гапиришдан эҳтиёт бўлиш лозим.

“Қани, кийиб кўринг-чи”, – деди Асма ёмғирпўшни келтириб. Сўнг эрига уни кийишга ёрдамлашаркан, “Минту сиздан анча новча, бу сизга мос келармикан?” деб сўради. Ана, яна бошлади у укасини мақташни. Жигарини яхши кўриш Асмачалик бўлар-да.

“Яхши келди, тиззангиздан сал пастроқ тушаркан. Тўпиғингиз хўл бўлмайди энди”. Асма эрига меҳрибончилигини ҳали тугатгани йўқ. Зипиллаганча қалпоқ келтириб, эрининг бошига кийгазди.

“Минту жуда пала-партиш-да”.

Нега Асма бундай деяпти? Балки Минту ёмғирпўшни илгичга илгани, қалпоғини эса кийим жавонининг устида қолдиргани учундир? Асма уни эҳтиром юзасидан одатда жавонда сақланадиган муборак Куръони қаримни олгани боргандагина кўриб қолувди.

Қайнука яна бирор нарсани ногаҳон яшириб қўймаганмикан? Жавон устига қўйилган лаш-лушлар орасини текшириб кўриш керак. Мағбозорда ҳарбийлар бир уйга кириб, у ердаги каравот остидан учта хитойча милтиқ топиб олган, бироқ бечора уй эгаси – ғарибгина шифокор – бундан мутлақо беҳабар эмиш. Шундай экан, уйда нима бору нима йўқлигини ҳар куни текшириб туриш фойдадан холи эмасга ўхшайди.

“Дадам Минту амакимга ўхшаб қолди, дадам Минту амакига ўхшаб қолди”, – деди уйқудан турган жажжи қизалоғи. Уйқусираган қизалоқнинг гапи отасини сергак торттирди. Минту уйга қурол кўтариб кирганми-ди? Шундоқ бўлса, ҳарбийлар унинг изидан тушиши аниқ. Бу дегани... Йўқ... эшик зич ёпиқ ва тамбаланган. Икки ярим яшар гўдак каравотида ўтирганча: “Дадам – Минту амаким, дадам – Митну амаким”, дерди чапак чалиб.

Наҳот у Минтуга ўхшаса? Ҳарбийлар уни янглишиб Минту деб ҳисоблаши мумкинми? Ана, беш яшар ўғилчаси ҳам уни кузатиб тураркан, “Дадам Минту амакига ўхшайди. Бизнинг дадамиз ҳам озодлик курашчиси, шунақами?” деди.

Даҳшат-ку. У ойнага қарашдан ҳам кўрқди. Ёмғирпўш на бўз, на кўк тусда эди. У намчил тупроқ рангига ҳам ўхшаб кетар, аммо бир кўрган кишида катта таассурот қолдирарди. Бир қарасанг, ҳарбийларнинг кийимига ҳам ўхшар, аммо уни кийиб, одамларга кўриниш бериш анча ноқулай эди. Ҳарбийлар уни камуфляж ўрнида қабул қилиши ва дарҳол ҳарбийлар шаҳарчасига юбориши мумкин. Йўк... бунчалик ўйлаш ярашмайди. Ёмғирли кунда устингга ёмғирпўш ташлаб олишнинг нимаси жиноят бўлсин, ахир? Ҳарбийларнинг ақли йўқми шунга етадиган? Директор, доктор Афазнинг “Менга қаранг, ҳарбийлар аниқ бир сабабсиз одамларни ушлаб турмайди. Кўлга тушганлар доим қандайдир кўпоровчилик ҳаракатларида иштирок этган бўлиб чиқади”, деган гапи тўғри. Аммо айна пайтда унинг миясига келган фикрлар бу гаплардан йироқ эмасми? Тўғри, қайинукаси чегарани кесиб ўтиб, ватанга қайтгач, ҳеч тап тортмай ҳарбийларни ўлдира бошлади. Хўш, бу ишда унинг синглисига уйланган кишининг нима айби бор? Шаҳар бўйлаб авж олган талон-торожлик, бузғунчилик, саноксиз кишиларнинг пашшадай қирғин қилиниши, аёлларнинг ўғирланишига қарши бирор оғиз сўз айтилди? Ҳарбийлар коллеж директорининг уйи яқинида лагерь тиклади. Дарслар тўхтатилди. Талабалар сира кўринмайди. Ўқитувчилар ишга келиши талаб қилинди, лекин уларнинг кўпи анча аввал Даккага кетиб қолди. Устозлар хонасига йиғилиб олган ўқитувчилар қайси кўприк портлатилгани, ёш болалар портлатган бомба тагида етти нафар аскар ҳалок бўлгани, коллеждаги неча нафар бола фронтга кетгани ва ҳоказолар ҳақида турли гапларни муҳокама қилганда, бундай баҳсларнинг биронтасига кўшилган пайтлар бўлдими ўзи? Қачон шундай суҳбатлар бошланса, дарҳол ўрнидан туриб, директор хонасига равона бўлгучи эди. Доктор Афаз қалтироқ овозида Ҳиндистон ва “фосиклар”нинг муқаррар тақдиридан фол очган бўларди. Бир неча ўртоқлар директор хонасига яқин келишарди. Директор урду тили ўқитувчиси Акбар Сожидга қараганда анча ҳурматга сазовор киши эди, гарчи урду муаллими директорни у қадар хушламаса ҳам. Гоҳида у директорнинг бенгалча-урдучада айтадиган “Соғлигинг яхши деб ўйлайман” деган гапини қайтариб мазах қилган бўлади. Бунга жавобан доктор Афаз лом-мим демайди, чунки у мамлакат бирлигидан кўпроқ ташвишга тушади ёки урду тилида грамматик жиҳатдан тўғри гап туза олмаслигидан хижолат бўлади.

Аммо у жавоб олмагани учун профессор Сожиднинг жаҳли чиқиши мумкинлигидан ҳавотирга тушарди, шу боис “Ҳа, албатта, барча яхшилик сизга бўлсин”, деб ғўлдирарди. Сожид бўлса дарҳол бу гапга эътироз билдирар, агар бирон яхшилик қилинаётган бўлса, у генералга нисбатан айтилиши лозим эди. Директор урду тилида гаплашишга нўноқлиги боис баҳсни ортиқ давом эттира олмасди. Урду тили ўқитувчиси билан боғлиқ бир муаммо бор эди: унинг қачон заҳарханда қилишию қачон самимий муносабатда бўлишини ҳеч ким ҳеч қачон англолмасди. Бир сафар директорнинг уруш жараёнини таҳлил қилишини эшитгач, шундай деб лукма ташлаганди: “Сиз ҳарбий фанлар бўйича докторлик диссертацияси ёзсангиз бўларкан, сэр. Яқинда Муҳаммадпурда лимфоцитларга ихтисослашган бир шифокор аллопатияга кўшиб гомеопатияни ўргана

бошлади. Маҳалласидагилар уни “қўшалок доктор” деб чақирришади. Сиз ҳам ўшанга ўхшаб қўшалок бўлардингиз-да”. Бу гапга директор урду тили ўқитувчисига қўшилиб майин кулиб қўйган, аммо ҳамкасблари на кулишни, на тасдиқлашни билмай, саррайиб қолишганди.

Минту қолдирган ёмғирпўшни эгнига илар экан, унинг оёқлари қалтирай бошлади. Вақтни пайсалга солиш ноқулай. Директор чақиртирганига ҳам озмунча фурсат бўлди. Бугун кўчада рикшалар ҳам йўқ аксига олиб. Қачон келаркан, деб кутиб ўтириш ярамайди. Ёмғирпўшни илиб, автобус бека-тига пиёда юриб бориш жуда қўрқинчли эмасдир-ов. Ёмғири тушмагур тинимсиз қуймоқда. Яхшики баданига бирор дона бўлсин томчи тушмаяпти. Шапкасининг четидан сачраётган томчилар лабларига тегиб ўтади. Ёмғир сувининг таъмини туяди у. Шапкасининг қатталиги сизаётган сув томчиларига таъсир этдими? У энди ҳарбийларга ўхшаб қолдими? Панжоб артиллерияси ё Балуч полки, Қўмондон кучлари ва ё ҳарбий полицияга ўхшайдими? Уларнинг келиб-чиқиш тарихию туриш-турмуши турлича эди. Бу ёмғирпўш уни қандайдир бошқа бир янги дивизияга алоқадор қилиб кўрсатмаяптими? Нима бўлса бўлар. У тез-тез юриб бормоқда. Кечки куз ҳавоси этни жунжиктирар даражада совуқлиги сезилади. Аммо ёмғирпўшнинг ичи ҳузурбахш ва илиқ. Минту ўздан эсдаликка шуни қолдириб кетгани қандоқ ҳам яхши бўлган экан. Уни олиб кетишга тағин қачон келади, Худо билади. Ким билсин, бундай ваҳимали об-ҳавода қайси дарё қирғоғида пайт пойлаб ўтирганийкан? Балки Минту ҳозиргина бутун кишлоқ қулини қўққа созуриб, юзлаб тинч аҳолини тилка-пора қилиб, қириб ташлаган, машиналарига меҳнатга яроқли асирлар, ёш эркак ва аёлларни юқлаб кетиб бораётган покистонлик жангарилар қўшинини нишонга олиш учун милтиғини шайлаб тургандир? Барча ҳарбийларни асфаласофилинга юборгач, унинг қайнукаси қиз-жувонларни асраб қола билармикан? Бу ишни уддалай олармикан? Шу топда аллақандай ҳарбий машинага кўзи тушаркан, унинг хаёли бўлинди. Хаёлларини яшириш учун кўзларида қотган бир эҳтиром билан машинага қарайди. Йўқ, ҳарбийларга бунчалик тикилиб турмагани маъқул. Машина шимол томонга кетиб борарди, демак, у жанубга юзини буриши лозим. Бироқ ёмғирда шалаббо бўлган машинани кўздан қочириш унчалик ҳам осон эмасди. Асма Мирпур кўприги тарафда отишма бўлганини эшитувди, ҳарбийлар ўша ёққа йўл олдими? Шунгаям бош қотириб ўтириш керакми? Қолаверса, Асманинг қулоғига ўқ товуши ҳар куни чалинади. Ҳаммаси турган-битган миш-миш холос. Директор “миш-миш яратиш ва тарқатиш бир хил жиноят. Худди бир шеърда айтилганидек, “нотўғри иш қиладиган ҳам, ундай ишларга тоқат қиладиган ҳам бирдай жазоланиши даркор”, деб бежиз айтмаган. Балки бу шеър қайсидир хинд шоири қаламига мансублиги ва ё унинг қолган сатрлари хотиридан фаромуш бўлгани учунми, директор тафсилотларга берилиб ўтирмаганди. Бунинг ўрнига у урду тилида профессор Сожидга қарата “Барча миш-миш асли қарғиш”, деб айтганди. Сожид бунинг дарҳол мушоҳада этаркан, унга қофиядош мисра тузишга киришади: “Гужоб (миш-миш)... бўлса нетар...” Завққа тўлган директор хитоб қиладди: “Иқболдан иқтибос келтирдингизми? Ҳозир, бир дақиқа тўхтаб туринг, дафтаримга ёзиб олай!” Акбар Сожид эса, “Менга қаранг, “гужоб” бенгалча сўз бўлса, қандай қилиб бу шеър Иқболга тегишли бўлиши мумкин?” дея уни тўхтатади. Бунга жавобан директор, яхшиси, Сожид соҳиб ҳозиргина айтган мисраларни яна бир такрорлашини, уни ёзиб олишни илтимос қиладди. Аммо директор Сожид ўқиган бандни тушунолмамай ҳалак. Сожид тап тортмай ўқий бошлади:

*“На миш-мишки бўлибдир қарғиш,
Амирнинг матлаби ижобат бўлмиш,
Оллоҳ воҳид, расул битта, Покистон ҳам бир,
Кимки бунга инонмаса, ул аниқ гўлдир.
Покистоннинг жангчилари доимо ҳушёр,
Қайда хоин кўрса, яксон этмоққа тайёр”.*

Ўқитувчилар хонаси тўрида ўтирган Сожид агар бу шеър бирор майор ё полковник ҳузурида ўқилса, директорнинг ҳолига маймунлар йиғлашини айтади. Ҳамкасбларнинг биронтаси чурқ этиб оғиз очолмайди. Шу кунларда Сожидга бир нима дейишга ҳеч кимса юрак бетлолмайди. Ҳатто унинг дўсти Али Акбар ҳам бепарво. Директор жаҳд билан бенгал ёзувида битилган сатрларни ўқир экан, шеър деярли худди унинг қаламидан тўкилгандай таассурот қолдиради. Шеърни ўқиркан, у ўзини ҳузур-ҳаловат оғушида ётгандай кўзларини чирт юмиб олади.

Ёмғир шу шеърдаги оҳанг мисоли ёмғирпўшни так-так савалайди. Директор айна дамда ўша шеърни полковник олдида ўқиб ўтирган бўлса, ажабмас. Полковник дафъатан “ғужоб” сўзининг урду тилидаги муқобилини сўраб қолса-ю, ўзи истаган жавоб ололмай жаҳл отига минса, нима бўлади? Урду тили муаллими Акбар Сожид кўпинча ҳарбийларни калака қилишни хуш кўрарди. Жуғрофия ўқитувчиси Абдусаттор Мридҳанинг пичирлаб айтишича, Сожид ўз тилидан бир восита сифатида фойдаланади ва “фосиклар”га хизмат қилади. Инглиз тили муаллими эса ҳаммани Сожид айтган гапларга эътибор бермасликка даъват этади. У шунчаки одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилишга уринаётган бўлиши мумкин эмиш. У армия томонидан атайин орага суқилган шахс бўлиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, Сожид бир неча кун ўта сипо бўлиб юрди. У ўқитувчилар хонасига кирганда, ҳамма ўзини ноқулай сеза бошлади. У директор хонасига киришни ҳам хушламасди. Бошқаларга қулоқ солиб, яхшиси, Сожиддан сал нарироқ юрган афзал. Аммо ёмғирпўшга бурканиб жалада тураркан, у бир неча дақиқагина Сожид билан суҳбатлашишни шунчалик истадики... Жин урсин, бу ниманинг белгиси экан? Йўқ, бунақа қилиш яхшимас. Бенгал ё урду тилида ҳарбийлар тўғрисида битилган ҳажвий шеърларга чуқур берилиб кетиш ярамайди.

Бекатга келгач, у автобусни кутишига тўғри келди. На ҳарбий машинадан, на у чиқадиган автобусдан дарак бор. Кўчада ўзидан бўлак ғимирлаган жонни учратиш маҳол. Йўл четидаги дўкончада ўтирган киши пардани секин очиб, шимол тарафга мўралади. У ёқда нимадир содир бўлдимми? Дўкончи вайсақи бир нусха эди. У сўзсиз бир нималар деб ғўлдирашга тайёр эди: “Вой, кеча нима рўй берганидан хабарингиз йўқми?” Ёки “Улар канал орқали иккита қайикни тўлдириб келишди, сўнг битта “жип” ва беш нафар жангчини ёндириб юборишди”. Ва ё “Би Би Сидан хабар қилишларича, Рангпур-Динажпурдаги кўп ерлар озод этилди”, ёхуд “Радиодан узатилган сўнгги мактубни эшитдингизми?” ва ҳоказо. Умуман олганда, вайсақининг дўкон билан иши йўқ, унинг олдида туриш хатарли, бирор кимса ундан бундай гапларни эшитганингизни билиб қолса борми, балонинг уясига суқилдим, деяверинг. Аммо миш-мишлар одамни роса қизиқтириб қўйиши ҳам бор гап. Совуқ хавода ёмғирпўш туфайли ҳис этаётгани хавфсизлик ортидан у истисно тариқасида ўша дўконга яқинлашди. Вайсақи дўкончидан турли-туман миш-мишларни эшитиш умидида ундан охирги автобус қачон келиб кетганини сўради.

“Қанақа автобус? Қаёқдан келади у?” деди дўкончи ва парда ортида кўздан йўқолди. Тавба, бу нимаси энди? Автопаркка хужум қилишдими ё? Асма эшитган ўқ товуши ўша автопарк тарафдан келганмикан? Ҳарбийлар машинаси шу тарафга равона бўлдимиди? Автопарк орқасида бир кулба бўлгучиди, ҳарбийлар уни вайрон қилишга кетишдими ё? У жой бекатдан унча узоқ эмас; ё бориб, ўзи текшириб келсинми? Эҳ, энди кеч. Чунки давлатга қарашли қизилранг автобус ўша лаҳза бир оз пасайган ёмғирда қизил нур таратиб, бекатга келиб тўхтади.

Автобусда бир неча киши ўтирарди. Ўриндиқларнинг ярми бўш. Ёмғирпўшидан қуйилаётган сув бирпасда автобус полини жикқа ҳўл қилди. Бошқа пайт бўлганда бу иши учун кўпол танбех эшитган бўларди, аммо бугун ҳеч ким чурқ этмади. Бўш жой жуда кўп. У мийиғида кулиб кўйди. Бу кулгига нима сабаб бўлди? Нега автобусни ҳўл қилиб кўйган бўлса ҳам бирор кимса шикоят қилмаяпти? Ё эғнидаги либоснинг таъсирими бу?

Автобус бўм-бўш кўчада ғизиллаб борарди. Хўш, қайси жойга ўтирса экан? Биттасига бориб ўтирди, лекин жой унга ёқмади, дархол бошқасига кўчди. Бирдан икки нафар йўловчи ховликқанича ўрнидан кўзғалиб, ҳайдовчини автобусни тўхтатишга ундади ва ҳали секинлашга улгурмаган уловдан урра тушиб кочди. Афтидан, иккиси ҳам уни кўрибоқ қочиб қолди. Шубҳасиз, улар жиноятчилар эди. Бири – ўғри, иккинчиси – киссавур. Тушар экан, сал бақувватроғи ортига ўғринча қараб кўйди. Унинг кўзларида кўрқув борлиги аниқ-тиниқ сезиларди.

Яхшигина жой топаркан, унга тап этиб ўтириб олди, ҳатто ўриндиқнинг авра-астари кўчиб кетгандай бўлди. Олдинроқда ўтирган йўловчилар бошини ўгириб, у томонга қаради. Шунда улар ҳам кўзига ўғрию чўнтаккесарга ўхшаб кўринди. Ким билсин, балки ҳатто қароқчидир. Ё ҳарбийлар кулбанинг кулини кўкка совургач, бу каби нусхалар ундаги қолган-қутганни талаш мақсадида учиб боради. Ва ё ҳарбийлар талон-торож қилган жойларни баттар шилиб кетишга шай туради булар. Учаласи ҳам безовталаниб, тезроқ қочиш тараддудига тушди. Автобус тўхтаган заҳоти шоша-пиша ундан учиб чиқди. Биронтаси, номига бўлсин, унга қайрилиб қарашга бетлагани йўқ. Учтаси ҳам нигоҳлари уники билан тўқнашиб кетишидан жуда кўрққанини пайқаш қийин эмасди.

Қойил-эй! Минтунинг ёмғирпўши чиндан ҳам ўз кучини кўрсатди. Тум-тарақай қочганларнинг бари ўғри-каззоблар, қароқчию киссавурлар эди. Автобус ичида яхши одамлар қолган бўлса керак, мана энди тартиб-интизомли кишилар билан бирга манзилга етиб оладиган бўлди.

Бир неча нафар йўловчи “Асад дарвоза” олдида тинмай қуйиб турган ёмғир остида автобус келишини кутарди. Уларнинг баъзилари кўлида соябон тутган, лекин кўпчилигида у йўқ эди. Соябони йўқлар соябони борлар тарафга сурилиб, ақалли бошларига ёмғир тушмаслиги ҳаракатини қиларди. Автобус тўхтагач, унга тўққиз нафар йўловчи чиқди. У бу йўловчиларни зимдан қузатиб борди. Учтаси унга кўзи тушган заҳоти бирданига тезроқ автобусни тарк этгиси келиб қолди. Охирги чиққани, афтидан, майда ўғрига ўхшар, биринчи учтаси эса ҳарбийларга хушомад қилиб, чиройли қиз-жувонларни кўрганда уларга шипшитиб кўювчилар тоифасидан эди. Ёхуд улар ҳарбийларнинг қурол-яроғини кўтарганча, маҳаллалар оралаб юриб, ҳарбий лагерларга юборилиши мумкин бўлган дилбар қизларни ўзига жалб қилиш мақсадида “Покистон Зиндод, Покистон Зиндод” дея кўшиқ айтувчиларга менгзарди. Бир сўз билан

айтганда, улар қўшмачилар эди. Бундай ифлос нусхалардан қутулиб, яна яхши одамлар билан ҳамроҳ бўлишни истади у. Дераза ортида совуқ шамол эсиб, майин ёмғир қуяр, ўша манзарагина қалбга бир оз хушнудлик бахш этиб турарди. Бундай ширин туйғуни ҳайдовчининг кескин тормоз босиши тарқатиб юборди. Чап тарафга қараганди, янги қурилаётган масжидга кўзи тушди. Автобус ичига эшик орқали совуқ ёмғир шабадаси учиб кириб, унинг бурун катаklarини кенгайттирди, юрагини ҳапқиртирди. Бешафқат тун ортидан тонг ота бошлаган, ўқ-ёйларнинг визиллаб учиши масжид муаззинини томдан пастга тушишга мажбур қилганди. Ёмғирпўш баданни шунчалик илиқ тутардики, этни жунжиктирувчи совуқ ҳаво ҳам илиққина бўлиб туюлар, ҳатто танани қиздирарди. Улар илгари шу масжид рўпарасидаги уйнинг учинчи қаватида яшашганди.

Ўшанда танкларнинг наъраси, пулемёт ва автоматларнинг тариллаши, ҳалойикнинг доду фарёди бирон кимсага хотиржам ором олишга имкон бермас, бутун оила тунни каравот тагига биқиниб ўтказишига тўғри келганди. Субҳи содикқа яқин ҳарбийлар ўт очишдан тўхтаган маҳал гўдаклар уйкуга кетар, у пардани кўтариб, ташқарига назар ташларди. Муаззин масжид томига чиқиб, азон айтишга шайланарди. У муаззиннинг намозга чақиришига кулоқ тутишни истаркан, дераза олдидан узоқ жилмай турганди. Чирок ўчиқ, масжид микрофони ишдан чиққан. Муаззин бор маҳоратини ишга солиб “Оллоҳу акбар” дея баланд овозда азон айта бошлаганди. Бироқ у иккинчи бор бу калимани айтишга улгуролмай қолган, ғалати овоз чиқарганча томдан пастдаги кўчага қулаб тушганди. Ўша тонгда ёмғир ёғмаётган эди. Наҳот бугунгидай ёмғирли кунда ҳарбийлар яна ўша воқеани такрорлашни ўйлаётган бўлса? Айни лаҳзаларда бирор намоз пайти эмас, азон чақиришга ҳожат йўқ эди. Кимнидир азон айтишга мажбурлашга қандай ҳаддилари сиғди? Ҳа-я, эсим қурсин, ахир улар истаса намоз вақтларини ўзлари хоҳлаган маҳалга ўзгартиришлари, янгича тартиб жорий этишлари мумкин-ку!

Ҳарбийлар ҳар қандай уловни тўхтатаётганди. Машиналардан тушиб, кўча бетида турган йўловчилар талайгина эди. Бир гуруҳ солдатлар қуролини нақ қаққайган йўловчиларга қаратиб турарди. Бошқа бир гуруҳ эса уст-бошларни текширарди. Улар ўзларига маъқул келган йўловчиларни шу яқин орада турган юк машинаси томонга итаришарди. Шу пайт басавлат, юзи чўтир биттаси автобусга тирмашди.

Шовкин-сурон кўтарилмади, ҳаво мўътадил. Йўловчиларнинг юраги бир текис урар, унинг бошида эса бир нарсалар айланарди. Негадир қайирма қалпоғининг учи ёниб кетаётгандай туюлиб, учкунлари кўзларига урилгандай бўлди. Бир алфозда у жойидан кимирлаб қўйди. Юрагининг ҳаддан ортиқ гупиллаб уришию бошининг ғувиллашига эътибор бермай, у зобитнинг юзига тик қаради. Ҳарбийнинг тешиб юборгудек кўзлари унга қадалди. У ҳам қолишмай кескин ва ўтли нигоҳини зобитнинг қирра бурни, бургут кўзлари, қорамтир қабоғи ва мўйловига қадади. Шундай қилиши иш берди. Ҳарбий энди ўткир нигоҳини унинг юзларидан буриб ёмғирпўшга назар ташлади. У худди ёмғирпўшда қотган ёмғирнинг майда-майда томчиларини синчиклаб санаётганга ўхшарди. Томчилар ёмғирпўш эгасининг ичидан чиқаётган ҳовур туфайли қизил тусга кирдимикан? Нега бунча бир неча сув томчиси шу зобитни донг қотириб қўймаса? Наҳот у серсув бир ўлканинг халқини маҳв этишга келган бўлса? Бу қон тўкилишидан дарак эмасми? Бирдан ўзига келган зобит “Олга!” дея буйруқ берди. Автобус тезда ўрnidан кўзғалиб, йўлида давом этди. Йўловчилар қутулганлари

учун чуқур-чуқур нафас олиб, шукрона келтиришди, шу орада автобус Дакка коллежи дарвозаси олдига етди. Янги бозор рўпарасига келганда, у ўрнидан туриб, ҳайдовчидан тўхташни сўради. Автобус секинлашгач, пастга эниш асносида у йўловчиларга захарханда қараш қилди. Унинг қандай кулишини аввал кўрганлар бу қарашни самимий табассум деб ўйлаши аниқ эди.

Директорнинг хонасидаги креслода оғир-вазмин бир ҳарбий ўтирарди. Тушуниб бўлмайдиган афт-ангорига қараганда у полковник, генерал майор, майор ёки ҳеч бўлмаса бригадир бўлиши керак. Директорнинг юзи кизариб кетган. Магистр, фан доктори, яна аллақандай унвонлар соҳиби, доктор Афаз Аҳмад уни таништирмакчи бўлиб ғўлдирайди: “Бу устоз Нурул Худо”.

Директор шу заҳоти тўғирлаган бўлади: “Узр, у ўқитувчи эмас, балки кимё фани бўйича маърузачи”.

“Жим бўлинсин!”

Директор чурқ этмайди.

Абдусаттор Мридҳа билан бирга уни ҳарбий машинага чиқаришдан аввал бу майор ёки полковник бўлмиш жиддий оҳангда ҳарбийларга қарши сатира ё ҳажвий шеърлар битиш ҳақорат эканини айтади. Шу пайт унинг киёфаси ўзгаради, аммо директордан назарини қочирмайди. Директор ҳаммасига урду тили ўқитувчиси Акбар Сожид балогардон эканини юрак бетлаб айтолмайди.

Нурул ташвишлана бошлади, агар Сожид беркиниб олмаган бўлса, Нурулнинг тақдирига нималар битилгани ёлғиз Худо ва шу ҳарбийларга аён. Уларнинг кўзларини боғлаб, машинага ўтқизишаркан, улов эгри чизиқ чизиб олға кетаберди. Бир маҳал уларни аллақакдаги баландликда жойлашган хонага улоқтиришди. Кўзга боғланган латталар ечилганида Нурул Мридҳа бор-йўқлигини кўролмади. Бу тамоман нотаниш жой эди. У йиғма стулга ўтирганча узоқ кутди. Ахири бир ҳарбий келиб унинг қаршисидаги курсига чўкди. Унга инглиз тилида ҳар турли саволлар берди. Нурул саволарга жавоб қайтараверди. Бу ҳарбий кетгач, ўрнига бошқаси кирди ва ундан бошқача саволлар сўрай бошлади. Саволлар деярли бир-бирига ўхшагани сабабли жавоблар ҳам шунга яраша – бири иккинчисини такрорларди. Мисол учун, бир неча кун аввал коллеж сотиб олган темир жавонларни ким келтириб берди, деган савол берилди. Нурул ҳаммаси бўлиб ўнта темир жавон сотиб олинди, деб жавоб қайтарди. Учтаси идорага, биттадан ботаника, тарих ва жуғрофия бўлимига, яна биттаси эса инглиз тили бўлимига. Буларни айтишга ҳожат йўқ эди. Жавонлар коллежга бир неча аравада келтирилган, афтидан, Нурул уларни олиб келган, терговчи зўр бериб суриштираётган кишиларнинг ким эканини яхши биларди. Аммо Нурул Худо уларни қаёқдан биламан мен, деб туриб олди. Ахир улар оддий юк ташувчилар, у эса оддий бир маърузачи бўлса.

Шундоқ экан, нега шунча вақтдан бери улар билан пачакилашиб ўтирибди?

Директор ундан жавонлар ясалган темирнинг қалинлиги, ранги, ғаладонлар сони ва ўлчамини, қулфу калитлар сифатини, уларнинг ҳужжатда кўрсатилганига мувофиқ келишини текширишни сўраганди.

Ҳарбий паст овозда бир неча нафар нобакор юк ташувчи киёфасида коллеж ҳудудига кирганлигини айтди. Буни Нурул Худодан бошқа яна ким ҳам яхшироқ биларди? Мана бугун улар қўлга тушиб, Нурул Худонинг исмини сотиб кўйишди. У бир шайканинг аъзоси бўлиб, улар билан доимий алоқа боғлаб турган эди.

Нурул Худо: “Менинг исмим дейсизми? Улар шундай дейишдими? Рост-

дан ҳам менинг отимни айтишдими?” деди овозини кўтариб. Ҳарбийларнинг жаҳли чикмади, бундан у янада тўлқинланиб, ўзига ўзи юк ташувчиларнинг асли ниқобдаги нобакорлар эканини такрорлайберди. Коллеж ходимлари орасидан улар фақат Нурул Ҳудонинг отини айтишганмиш.

Нурул Ҳудо бунга ишонмай тикилиб турарди. Нахот улар буни билишса? Жавонни кимё хонасига жойлаштираётганда уларнинг бири Нурулга яқинроқ турганди. Ёмғир фаслининг қоқ ўртаси эди ўшанда. Даккага хос бўлмаган кучли жала ёғарди. Нурул тиним билмас бу ёмғир ҳақида нимадир деб гўлдираганди. Ҳаммол эса бундай ёмғирли фасл нақадар роҳатбахш эканини айтганди унга жавобан. Бу ёмғир ҳали яна уч кун давом этади, иншооллох. Агар у шанба куни бошласа, бу уч кун еттита хайрли тадбир бўлишидан дарак беради. Ҳафтанинг қолгани шунчаки сийқаси чиққан кунлардир. Ҳа энди, бу шунчаки бир омади гап-да. Аммо бу борада маҳсус таснифлар ҳам йўқ эмас. Дейлик, агар ёмғир сешанба куни азонда қуя бошласа, булутларнинг гумбур-гумбури уч кунгача тинмайди. Агар у чоршанба эрталабдан бошланса, булутлар тушга яқин тарқаб кетади. Пайшанба ва жума ҳақида ҳам нимадир айтилганди, бироқ бу хотиримиздан фаромуш бўлмиш. Нима бўлган тақдирда ҳам, у қалин кўрпага бурканиб олиш учун етарли баҳона бўла олади. Ҳеч бўлмаганда ўқ товушидан уч кунгина қулоқ тин олиши мумкин. Ахир қурол ва ўқ-дорилар шундоқ кучли жаладаям қулоқни қоматга келтираверсинми? Бир неча кунлик осойишталикка етказганига шукр.

Ҳарбийлар вақти-вақти билан айна бир нарсани сўрашда давом этаверди. Жўяли жавоб ололмагач, Нурулнинг юзига икки марта гурзидай мушт тушди. Биринчи зарбада у бир оз қалқиб кетди, аммо иккинчи зарба зўридан полга қулади. Зобитлар уни полдан даст кўтариб оларкан, Нурулнинг ўша нобакорлар яширинган жойни жуда яхши билишини такрорларди. У эса “ҳа” деб жавоб қилди.

Унга озроқ сут ва нон беришди. Агар ўша нобакорларнинг манзилени айтса, дарҳол қўйиб юборишга ишонтиришди. Зобитлар унга ўйлаб кўриш учун фурсат бериб, олдидан чиқиб кетишди. Бир муддат ўтгач, бир зобит қайтиб кириб, Нурул нобакор-фосиқларнинг манзилени жуда яхши билишини яна такрорлади. Нурул тағин “ҳа” деб жавоб қайтарди. Аммо бундан бошқа ҳеч нарса демагани учун уни бошқа хонага олиб ўтиб, шифтга илмоқ билан осиб қўйишди. Арқон тугунлари унинг танасини тилиб ўта бошлади. Узок осилиб тургани сабабли ноҳуш воқеа содир бўлиши аниққа ўхшади Нурулга. Бирдан Минтунинг ёмғирпўши устидан ёмғир қуяётгандай туюлди. Улар ёмғирпўшни ечиб олишганди, уни қаяққа ташлашганини Ҳудо билади. Аммо ёмғирпўшнинг тафти ҳамон унинг баданида бутунлай ўчмаганди. Ёмғир арқон мисоли унинг ёмғирпўшга ўхшаш терисини шилиб ўта бошлади. У бўлса ўша нобакорларнинг манзилени билишини айтаберди-айтаберди. У нафақат ўз қайнукаси ва ниқобдаги кишиларнинг манзилени биларди, балки улар ҳам уни яхши билишар ва унга жуда-жуда ишониларди. Бундай пайтда улар билан тузилган битимга охиригача амал қилиш учун ўзида куч топгани, бундай битим тузишдан шунчалик завқу шавққа тўлганидан арқоннинг ўз кучини кўрсатаётганига мутлақо, мутлақо эътибор ҳам бермас эди Нурул.

*Инглиз тилидан
Аъзам ОБИД
таржимаси*



ЧАШИ НАЗРУЛ ИСЛОМ



У машхур ҳинд актёри Дилип Кумарнинг ашаддий мухлиси эди. Бу актёр ижросидаги ҳар бир янги фильмнинг намоиши ҳақидаги хабар кичкина Мушфиқнинг юрагига ҳар сафар ҳаяжон ўтини соларди. Чипта олиш учун қандай қилиб бўлса-да чора топарди. Ҳатто ўқиб бўлган китобларини дўстларига сотиб, севимли санъаткорининг мафтункор ижодидан баҳраманд бўлишни удаларди. Қолаверса, ҳамманинг эътиборида бўлган хонанда ва раққоса Жатранинг жозибали ижролари уни санъат деган сирли оламга тобора қизиқиш уйғотарди... Бангладеш кино санъатида Чашин Назрул Ислом номи билан танилган атоқли кинорежиссёрнинг санъатга муҳаббати, чексиз иштиёқи ана шундай намоён бўлган эди.

Асли исми Мушфиқ Ваҳдуд бўлган бу бола 1941 йил 23 октябрда Бангладешнинг Муншиганж вилояти Жамшедпур шаҳарчасида Муслих Уддин Хон ва Шоҳистахоним хондониди дунёга келади. У оилада тўнғич фарзанд бўлиб, тўрт укаси ва икки синглиси бор эди. Отаси

маҳаллий ташкилотларнинг бирида хизматчи эди.

Кунларнинг бирида Мушфиқ севимли юлдузи Дилип Кумарни кўриш учун Мумбайга йўл олади. Бу шаҳарда унинг истагига ҳеч ким эътибор қилмайди. У мақсадини амалга оширолмай уйига, Жамшедпурга қайтиб келади. Бироқ бу кутилган учрашув барибир Даккада содир бўлади. Такдир тақозоси билан Дилипнинг ўзи Дакка шаҳрига ташриф буюради. Бу ширин дамни “Мен у билан учрашганимда ҳали жуда ёш эдим ва кинога кириб келишимга у билан бўлган суҳбат асосий туртки бўлганди. Лекин у менга ўша пайтда ишонмасди, – деб эслайди Чашин Назрул Ислом. – Мен билан танишганидан хурсандлигини айтганди у, бу эса мен учун энг катта ютуқнинг ўзи эди...”.

Мушфиқ 16 ёшга кирганида тўсатдан отаси вафот этади ва оиланинг бутун юки унинг гарданига тушади. Ижод қилишга кучли иштиёқ бўлса-да, ўсмир тирикчилик ташвишларидан чалғиб, келажаги ҳақида қарор қабул қилишга ҳар жиҳатдан тайёр эмасди. Шундай мушкул дамларда у институтга ўқишга киришга муваффақ бўлади. Бироқ ўқиш насиб этмайди. Унинг тоғаси ўша пайтларда Покистон генералининг ўринбосари бўлиб ишларди. У жиянини идорасининг ишларига жалб қилади. Бу иши учун Мушфиқ 110 рупия ойлик олиб, онаси ва ука-сингилларини боқарди. “Тоғамнинг ғамхўрлиги менинг пойтахтда қолишим, режиссёрлик соҳасига кириб келишимда катта роль ўйнади”, – дейди бу ҳақда режиссёр ўз хотираларида. Бироқ Мушфиқни расмий ишлар заррача ҳам қизиқтирмас эди. Шу

боис у асосий вақтини эса театрда, ижодий давраларда ўтказарди. Хусусан, Гаши Кришти Сангха театрида Анли Мансур Аҳмед, Қози Ҳолик, Мукта Акбар, Ҳасан Имом ва бошқа машҳур актёрларга ёрдамчи бўлиб юрар, имкон туғилганда ўзи ҳам кичик-кичик роллар ижро этарди.

Алал-оқибат ижодга бўлган қизишлари устун келган Мушфиқ қатъий қарорга келади. Авваллари уни ҳамма Тину лақаби билан танишарди. Мушфиқ тоғаси билан маслаҳатлашиб, ўзига Чаши Назрул Ислому тахаллусини олади. Бу тоғаси Чаши Имауддин ва бенгалларнинг улуғ шоири Қози Назрул Ислому исмларидан ясалган эди.

Чаши Назрул Ислому 1965 йилдан радио ва телевиденида фаолият бошлайди ва қатор дастурлар ташкил этади. Бир неча радиодрамалар тайёрлайди. Шунингдек, бангладеш киносининг тажрибали режиссёрлари Фотиҳ Лоҳан, Обаидур Раҳмонга шогирд тушади. Уларнинг тасвирга олиш ишларида ёрдам бериб, фильм яратиш техникаси, режиссёрлик маънасини ўрганади.

1972 йил у ўзининг илк бадиий фильми – “Бангладеш озодлик уруши”ни суратга олади. Уруш воқеалари, халқнинг жасорати, беқиёс эрк иштиёқи акс эттирилган бу фильм мамлакатда шов-шув бўлади. Чаши Назрул Ислому томонидан ишланган бадиий фильмлар бирин-кетин нафақат Бангладеш ҳудудида, балки бутун Жанубий Осиёда шухрат қозона бошлайди.

Режиссёр фильмографияси жанр жиҳатдан ранг-баранглиги, поэтик руҳиятнинг кучлилиги билан ажралиб туради. У тарихий ватанпарварлик мавзуларига, мумтоз наср намуналарига кўп мурожаат қилади. “Бангладеш озодлик кураши” (1972), “Булут кетидан булутлар” (2004) фильмларининг ижтимоий аҳамияти катта. “Булут кетидан булутлар” Бангладеш халқининг мустақиллик учун бўлган кураши воқеаларига асосланади. Миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги режиссёрнинг “Жазо”, “Севги – Тангри тухфаси”,

“Ҳасан Рожа” ва бошқа фильмларида ёрқин акс этган. Бангладеш халқининг эрқарвар сиймоси, улуғ мусиқачи Ҳасан Рожанинг буюк хизматлари, юксак ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильми биографик асар сифатида режиссёрнинг шухратини янада кўтарди. Чаши Назрул Ислому 1982 йилда бенгал ёзувчиси Шарат Чандра Чаттопадайнинг “Девдас” ҳикоси асосида фильм суратга олади. Дунёга машҳур бу ҳикоянинг ҳинд, бенгал, урду ва малайзиялик кино усталар томонидан яратилган 15 та бир-биридан муваффақиятли экран вариантлари бўлишига қарамай, Мисс Раул, Чандрабати Деви, Лолита, Ражакумари, Молли Лим, Найар Султон, Санжай Лелла Бҳансали ва бошқа ўнлаб йирик режиссёрлар сафидан Чаши Назрул Ислому ҳам ўз салоҳиятини синаб кўришга жазм этади. Бироқ бу талқинидан кўнгли тўлмай, орадан йигирма йил ўтиб, 2013 йилда ёш бангладеш кино юлдузлари иштирокида бутунлай янгича фильм суратга олади. Унда афсонавий ошиқ Девдас образидан кўра, раққоса Чандрамуҳи образига кўпроқ урғу қаратади. Бу нигоҳ бошқа “Девдас” фильмларидан фарқли равишда режиссёрнинг ижодий кредосини янада мустаҳкамлади. У бундан ташқари Робиндранат Тагор ҳикоялари асосида ҳам қатор фильмлар яратди.

Чаши Назрул Ислому ўтган асрнинг иккинчи ярмида бангладеш кино саноатининг йирик вакили сифатида ажралиб турган бўлса, янги асрда ҳам унинг ижоди янада ўсиб борди. Йигирмадан ортиқ кинофестивалларда унинг номи эътироф этилди. У 2013 йилда сўнги уч фильмини суратга олди. Умри мобайнида 26 та фильм яратган ва Бангладеш кино санъатининг нурли сиймосига айланган атоқли режиссёр Чаши Назрул Ислому яқинда, 2015 йилнинг январидан 64 ёшида вафот этди.

*Замира АҲМЕДОВА,
ЎЗДСМИ доценти*

НАСР КЕЧАСИ

Халқаро ёзувчилар куни – касб байрами бўлиб, ҳар йили 3 мартда дунё бўйича кенг нишонланади. Бу айёмнинг асосий ғояси ва кўзлаган мақсади ўзига яраша пурмаъно: у тўртинчи ҳокимиятни демократик матбуотнинг салбий жиҳатларига қарши чорлайди, ёлғон мақолалар эълон қилишдан тўхтатиб қолади, сиёсий гуруҳбозликлар ва шахсий (ғаразли) манфаатлар қутқусига учиб, матбуот шаънига иснод келтириш ва ҳақиқатни сохталаштиришдан сақлайди.

1921 йили Лондонда ПЕН-клуб ташкил этилган эди. Номнинг ярашиб турганини қаранг: ПЕН – инглизчада “қалам” (замонавий шаклда “ручка”) ни англатади. Аслида у учта мустақил сўзнинг биринчи ҳарфларидан олинган, яъни “шоирлар” (poets), “очеркчилар” (essayists) ва “ҳикоянавислар” (novelists). Орадан икки йил ўтиб, Лондонда ПЕН-клубнинг бир инчи халқаро конгресси бўлиб ўтган бўлса, 1986 йилнинг 12-18 январь кунлари мазкур ташкилотнинг, ҳисоб бўйича, 48-анжумани нишонланган эди. Унинг иштирокчилари 3 мартни “Ёзувчилар учун бутунжаҳон тинчлик куни” деб аташга қарор қилишди. Бу пайтга келиб, ПЕН-марказлар жаҳоннинг юздан ортиқ давлатида ташкил этиб бўлинганди.

ПЕН-клубни ташкил этиш ғояси инглиз адибаси Катрин Эми Доусон Скоттга тегишлидир. Унинг биринчи президенти таниқли ёзувчи Жон Голсуорси бўлган эди. Эндиликда бу ташкилот 130 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. ПЕН-клуб Хартиясида айтилганидек, у ҳар бир мамлакат ичида ва барча мамлакатлар ўртасида ахборот эркинлиги ташкилотларини ҳимоя қилади. Унинг аъзолари улар мансуб бўлган мамлакатларда ҳар қандай кўринишдаги сўз эркинлигини бўзишга қарши иш олиб боради, керак бўлганда, бу уриниш умумжаҳон кўлам касб этиши мумкин. Бу байрамни фақат ёзувчиларгина эмас, балки “тўртинчи ҳокимият”нинг барча вакиллари касб байрами сифатида нишонлайдилар. Шу куни йил давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳалол тер тўккан заҳматкаш қалам соҳиблари ўз меҳнатлари самарасидан ҳақли равишда баҳраманд бўлишлари тайин – халқаро миқёсда кўзга яхши ташланган муаллифларга турли мукофотлар топшириш маросимлари ҳам бўлиб ўтади.

Мана, кўп йилларки, жонажон Ўзбекистонимиз бундай хайрли ҳаракатдан четда қолмай, “Матбуот куни”ни кенг нишонлаб келмоқда. Кўпроқ журналистлар фаолиятига урғу берилса-да, улар орасида узок вақтлардан буён қаламрав бўлиб келаётган ижодкорлар алоҳида эъзоз ва ардоқда.

ИНЖА ТУЙҒУЛАР АЙЁМИ

Шеърят – бу, инсониятнинг энг буюк ютуқларидан бири, десак хато бўлмаса керак. Негаки, бунда туйғулар шеърый шаклда қуйилиб келади, сезгилар қофияли кўринишда муҳрланади, келажак ҳақида орзулар ҳиссиётларга қўшилиб, ўтмиш ёдга олинади, миллионлаб одамларга мурожаат қилиниб,

шоир ўзи билан ўзи ёлғиз қолади – инсон яратган санъатлар ичидан шеърятгина шундай қилишга қодир!

Ҳар ким ҳам буюк ва таниқли шоир бўлиб етишмаса-да, аммо кўпчилик одамлар умри давомида ҳеч бўлмаса бир мартагина шеър ёзишга уриниб кўради. Илҳомингиз жўшдимиз, қаламни қўлга олинг-у, шеър ёзинг, шеър ёзинг, шеър ёзинг – шон-шуҳрат ва мангулик ҳақидаги ўй фикрларингизни миянгиздан чиқариб ташланг – ахир “нон”ни “нанна” деб юрган ёш гўдакнинг билиб-билмай ёзган тўрт қатор тизмаси бутун жамиятнинг ақлий равнақига маданий ҳисса бўлиб қўшилишига ким монелик қила олади?!

XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида америкалик шоира Теса Уэбб биринчи марта Халқаро шеърят кунини 15 октябрда нишонлаш таклифини ўртага ташлади – бу буюк шоир ва файласуф Вергилий туғилган кунига тўғри келарди. Лекин бу ҳали расман тасдиқдан ўтганича йўқ эди.

Нихоят, 1999 йилнинг 15 ноябрида қароргоҳи Парижда жойлашган ЮНЕСКО ўзининг 30-анжуманида Халқаро шеърят кунини таъсис этиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди – бу жаҳон шеърят ҳаракатини қайтадан жонлантди. 2000 йилнинг 21 мартада байрам худди шу шаҳарда биринчи марта нишонланди. Эндиликда АҚШ, Россия ва Европадаги бир қатор мамлакатларда Шеърят айёмлари халқано тус олиб кетди.


Ўзбекистонда ҳам шеърят байрамлари тез-тез уюштириб турилади. Ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган “Навоийхонлик”, “Бобурхонлик”, “Пушкинхонлик” кечалари бунинг ёрқин далили. Биргина фарқи шундаки, ўзбекларнинг “шеърхонлик” байрами муайян бир шоир номи билан боғланган бўлади. Аммо Мир Алишер Навоий ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, Александр Сергеевич Пушкин ҳам миллат ва зотларидан қатъи назар жаҳоншумул доврқли, ўз шеърлари билан дунё маданиятини бойитган буюк сиймолардир. “Навоийхонлик” ҳам, “Бобурхонлик” ҳам, “Пушкинхонлик” ҳам давлат аҳамиятига молик тадбирлардан бўлгани ва расмий тарзда ўтказиб турилгани боис халқаро тоифадаги айёмлар сирасидан деб билишга тўла ҳақлимиз. “Жаҳон адабиёти” журналининг дастлабки саҳифалари айнан “Навоий сабоқлари”дан бошланишининг ўзиёқ шеърятдек мўъжизали ҳиссиётнинг элимиз қон-қонига сингиб бораётганини айтиб турибди.

Амир ФАЙЗУЛЛА

ТАФАККУР ПАРВОЗИ

Бу янгиликдан ўзбек китобхонлари қатори биз, журнал жамоаси ҳам севинчдан дўппимизни осмонга отгудай бўлдик... Журналимизнинг яқин дўсти, сеvimли ёзувчимиз Эркин Аъзам асарлари инглиз ва француз тилларига таржима қилиниб, АҚШнинг Вашингтон шаҳрида ва нозиктаъб французлар юртининг бошкенти – Парижда бу китоблар тақдмоти ўтказилди. Ушбу тадбирлар Наврўз айёми муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди. Париждаги тақдмот маросимида Ваколатхона раҳбари Лола Каримова-Тиллаева, Франция *Life autrement* ижодий уюшмаси бош директори Симона Эро, уюшма муҳаррири Жак Панъез ва бошқалар адиб ижодининг замонавий ўзбек адабиётида тутган ўрни, услубий ўзига хослиги ҳақида қизгин мулоҳазалар билдиришди.

Олис ва сермазмун сафардан қайтган адибимизни йўқлаб табриклагани ошиқдик. Сўнгги йилларда ўзбек шоир-ёзувчиларининг бир қанча асарлари



дунё тилларига таржима қилинаётгани, айрим газета-журналларда чоп этилаётгани сир эмас, аммо бутун бошли иккита китобнинг бирваракайига иккита жаҳон тилида чоп этилиши камдан-кам бўладиган ҳодиса.

– Эркинжон, жараён қачон бошланган эди? Бу ишда сизнинг иштирокингиз қай тарзда бўлди? – дея ҳалимлик билан савол берди устоз Наим Каримов.

– Бу ишга деярли аралашмадим, домла, – деди адиб. – Телефонун интернетлар орқали асарларимга аннотация сўрашди. “Шовқин” романи, “Пақананинг ошиқ кўнгли” қиссаси, “Ёзувчи” ва “Аралашкўрғон” ҳикоялари “Алвидо, эртақлар” номи остида жамланибди. Тўғри, ўзим дастлаб тўплам “Буюк осий шайх Санъон ворислари” деб аталишини хоҳлаган эдим... Китобларнинг французча нашрига ҳам, инглизчасига ҳам мухтарама Лола Каримова-Тиллаева сўзбоши ёзибди. Бу эътибор ва эътирофдан кўнглим кўтарилди, албатта. Асарлар таржимасини истеъдодли таржимон дўстларимиз Шоазим Миноваров билан Аъзам Обид бажариб беришди, таҳрир, дизайн ва босмаҳона билан боғлиқ жараёнлар Париж ва Лондон шаҳарларида кечди. Вашингтонда ўтган тадбирда – дунёдаги етакчи давлатларнинг дипломатлари, олий ўқув юрғларининг нуфузли профессорлари, маданият ва санъат намояндалари жам бўлган мухташам залда ўзбекнинг феъл-атвори, адабиёти ҳақидаги сўзларим қизиқиш билан тингланди. Ростки, зўр бўлди, ютқазмадик. Самимият ҳар қандай кўнглига йўл топишига амин бўлдим.

Бир – кўлимиздаги инглиз ва француз тилларидаги китобларга, бир уларнинг муаллифига тикиламиз. Ҳавасимиз келади. Кетма-кет саволлар берамиз, дилимиздаги тилакларимизни айтаемиз. Бундай хушхабарлар, Вағанимиз обрўсини кўтарадиган адабий янгиликлар кўп-кўп бўлсин деймиз. Ўзбек адабиёти, бадий тафаккури ва миллат қалбини худди спорт оламидаги қаҳрамон чемпионларимиздек дунёга танитаётган адибимизнинг ижодий муваффақиятлари бардавом бўлишига тилакдошмиз.

Алимурод ТОЖИЕВ

СВАПАН ДАС



Бенгал тасвирий санъатининг ёрқин вакилларида бири Свапан Дас 1954 йилнинг 18 июнида туғилган. У тасвирий санъатни мустақил равишда ўрганган. Рассом ижодининг дастлабки йиллари осон кечмаган, аммо бошидан кечирган қийинчиликларга қарамай, келажакда номдор рассомлар қаторига киришга муваффақ бўлган.

Рассомнинг ишлари мухлислар ва мутахассисларда катта қизиш уйғотиб келади. Унинг асарлари кўплаб шаҳарларда ҳам намойиш этилган. Жумладан, Дас картиналари Калькутта шаҳридаги “Тасвирий санъат академияси” галереясида 1986 йилдан 1990 йилгача мунтазам намойиш этилган. Ундан

ташқари, 1990 йилда ташкил этилган миллий кўرғазмада ҳам рассомнинг картиналари барчада қизиқиш уйғотган.

Свапан Дас суратлари мавзусига кўра ҳам, шаклан ҳам хилма-хил. Унинг асарлари турли бўёқ ва материалларда яратилган. Масалан, қоғозга туширилган суратларда у акварель бўёқларидан, холстга чизган асарларида эса акрил бўёқларидан фойдаланган. “Тоғлар”, “Дарё қирғоғи” суратларини чизишда рассом кўмирдан олинган бўёқларни ишлатган. Бундан ташқари, рассомнинг темпера бўёқларида чизилган суратлари ҳам бор.

Рассомнинг асарларида бенгал халқининг диний-мифологик қарашлари ифодасини ҳам, турмуш тарзи аксини ҳам кўрамыш. Масалан, “Агамани”, “Будда”, “Кришна” картиналарида диний қаҳрамонлар тасвирланган, “Истак”, “Мавхум онг”, “Мовий юрак” суратларида рассом учун энг муҳими инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари ҳисобланади. Муаллифнинг “Аскар”, “Бағбаҳадур” асарлари бир қарашда содда кўринишга эга бўлса-да, унда қаҳрамонлик руҳи яққол кўринади, бу билан ижодкор жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик каби ҳислатларни тараннум этади. Унинг “Триполи дарвозаси” ва “Катра масжиди” суратлари Муршидобод шаҳрининг гўзал манзараларига бағишланган.

Журнализмнинг муқовасида тақдим этилаётган “Балик” картинасида рассом линогравюра услубидан фойдаланган, унда асосий қаҳрамон балик бўлиб, у йиртқич қушлар ҳужумидан халос бўлишга уринапти. Картинада рассом рангларни жуда ўринли истифода этади, чунончи, кўк ранг балиқ, сув ва қушларни тасвирлашда бирдек мос келган. Кўпинча линогравюра техникасида икки: оқ ва қора ранглар ишлатилади, аммо Свапан Дас бу йўналишга ҳам ижодий ёндашиб, ўзига хос йўл тутади.

Аброр УМАРОВ тайёрлади

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

1 MART

1929–2005 йиллар. ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Давлат мукофоти соҳиби, адабиётшунос олим ва таржимон. “Замон. Қалб. Поэзия”, “Адабий этюдлар”, “Истеъдод жилолари”, “Биринчи мўъжиза”, “Ҳаёт билан ҳамнафас”, “Гўзаллик излаб”, “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти” сингари китоблар, кўплаб илмий, ижтимоий, адабий мақолалар муаллифи. П.Мериме, О.Уайльд, В.Войнович, И.Бунич, П.Коэльо асарларини жаҳон адибларининг адабий-эстетик қарашларига доир ўнлаб салмоқли рисола-ларни ўзбек тилига таржима қилган.

2 MART

1942 йил. ЖОН ИРВИНГ, америкалик ёзувчи, сценарийнавис. “Айиқлар эрки”, “Гарпа кўзларидаги дунё”, “Мусалласпазлик қоидалари”, “Бир киши”, “Эркаклар ва уларнинг ҳаёти”, “Цирк боласи”, “Ове Мини ҳақиқа илтижо”, “Мен сени қаердан топаман”, “Менинг кинобизнесим” сингари ўнлаб китоблари машҳур.

6 MART

1619–1655 йиллар. ЭРКЮЛЬ СИРАНО ДЕ БЕРЖЕ-РАК, француз ёзувчиси, драматурги. “Билағон расмиятчи”, “Агриппеннинг ўлими” пьесалари, “Куёш мамлақати ва салтанати” ҳамда “Ой салтанати ва мамлақати” романларидан иборат “Ўзга дунё” диалогияси адабиёт мухлисларининг тилига тушган.

9 MART

1905–1973 йиллар. ГРИГОРИЙ КОЗИНЦЕВ, рус театр ва кинорежиссёри. “Шинель”, “Янги Вавилон”, “Оддий одамлар”, “Дон Кихот”, “Биленский”, “Пирогов”, “Максимнинг ёшлиги”, “Шайтон арава”, “Ука” каби кўплаб фильмлари, “Уйланиш”, “Шоҳ Максимилян”, “Қирол Лир”, “Отелло”, “Ҳамлет” спектакллари шуҳрат келтирган.

11 MART

1544–1595 йиллар. ТОРКВАТО ТАССО, мумтоз италян шоири. “Ринальдо”, “Дунёнинг яралиши”, “Оливато тоғи” поэмалари, “Қирол Торрисмондо” трагедияси, “Аминта” диний драмаси, “Муҳаббат шеърлари” китоби, “Поэтик санъат ҳақида мулоҳаза”, “Қаҳрамонлик киссалари хусусида мулоҳаза” каби трактатлари унинг номини машҳур қилган.

12 MART

1860–1934 йиллар. САЛЬВАТОРЕ ДИ ЖАКОМО, италян шоири, драматург. “Сан Франсиско камоқхонаси”, “Мария ойи”, “Ассинта Спина” драмалари, кўплаб шеърый китоблари ва “Сан Карлино”, “Неаполь театри тарихи” рисоласи билан шуҳрат қозонган.

15 МАРТ 1883–1942 йиллар. **ҲОЖИ МУИН**, драматург, жадид адабиёти намоёндаларидан бири. “Кўкнори”, “Бой ила хизматкор”, “Мазлума хотин”, “Жувонбозлик қурбони”, “Қози ила муаллим”, “Тўй” (Нусратилла Қудратилла билан ҳаммуаллифликда) каби пьесалар яратган.

16 МАРТ 1920–2012 йиллар. **ТОНИНО ГУЭРРА**, италиялик шоир ва ёзувчи. “Қизил сахро”, “Тун”, “Саёҳат”, “Куёш тутилиши”, “Аёллар тенглиги”, “Обервальд сири”, “Жинжер ва Фред”, “Кема елиб бормокда”, “Хайрли тонг, Вавилон”, “Варрак”, “Узоқ саёҳат”, “Осмон парчаси”, “Одамлар ва бўрилар”, “Кўрқинчли Теадор”, “Зерикши”, каби асарлар муаллифи.

19 МАРТ 1924–2002 йиллар. **ЛЕВ КУЛИЖАНОВ**, россиялик кинорежиссёр. “Мен яшаган уй”, “Ота уйи”, “Дарахтлар юксалганда”, “Жиноят ва жазо”, “Бўтакўз”, “Ўлим кўрқинчли эмас”, “Бу шундай бошланганди” каби фильмлар ижодкори.


21 МАРТ 1925 йил. **ПИТЕР БРУК**, атоқли инглиз режиссёри. “Қиш эртаги”, “Дон Жуан”, “Ёз тунги ғаройиботлари”, “Эдип”, “Ака-ука Карамазовлар”, “Тит Андроник”, “Бўрон”, “Қуш нутки” спектакллари, “Маҳобҳорат”, “Етти кун, етти кеча”, “Олчазор”, “Қирол Лир”, “Кармен ҳақида фожиа”, “Ҳамлет” фильмлари дунёга машҳур.


24 МАРТ 1940–2005 йиллар. **ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. “Тоғлар орасида”, “Тўлқинлар”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор?”, “Булут тўсган ой” қиссалари, “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк”, “Йўловчи”, “Олабўжи”, “Динозавр” романлари, “Битиктош”, “Озодлик”, “Устоз”, “Кўк денгиз”, “Ҳаёт абадий”, “Шудринг тушган бедазор”, “Қадимда бўлган экан”, “Ўзбеклар”, “Тупроқ кўчалар”, “Чўлоқ турна” каби хикоялар, “Қора камар” драмаси муаллифи.


28 МАРТ 1925–1994 йиллар. **ИННОКЕНТИЙ СМОКТУНОВСКИЙ**, атоқли рус театр ва кино актёри. БДТ (Санкт-Петербург), Малий театр (Москва), МХАТ (Москва Бадий академик театри)да етакчи актёр сифатида фаолият олиб борган. Театрдаги Хлестаков (“Ревизор”, Гоголь), князь Мишкин (“Телба”, Достоевский), кинодаги Ҳамлет (“Ҳамлет”), Сальери (“Моцарт ва Сальери”), Юрий Деточкин (“Автомобильдан сақланинг”) сингари роллари билан машҳур.


31 МАРТ 1596–1650 йиллар. **РЕНЕ ДЕКАРТ**, француз ёзувчиси. “Эхтирослар ҳақида”, “Методлар ҳақида мулоҳазалар”, “Дунё”, “Диопик”, “Уچار юлдузлар”, “Геометрия”, “Биринчи фалсафа ҳақида мулоҳазалар” каби машҳур асарлар муаллифи.


Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади


 Первый месяц весны ознаменовался столетием со дня рождения славной дочери узбекского народа, любимой поэтессы Зульфихоним, в соответствии с указом Президента Ислама Каримова эта знаменательная дата широко отмечалась по всей республике. В предлагаемых вашему вниманию эссе-воспоминаниях Народной артистки Узбекистана Муножат Юлчиевой и дипломата Суръата Миркосимова речь идет о неповторимых чертах личности Зульфихоним.

 Мартовский номер журнала посвящен самобытной литературе и культуре, овеянного мифами и легендами, Бангладеша. На суд читателей представлены рассказы таких известных бенгальских писателей, как Ахтаруззамон Ильёс, Рукиябегим, поэтические произведения таких поэтов, как Кози Назрул Ислом, Жибанананда Дас. Вниманию читателей предлагается беседа с Чрезвычайным и Полномочным послом Народной Республики Бангладеш в Узбекистане Мосудом Маннаном.


 В рубрике “Проза” печатается продолжение романа Чарльза Диккенса “Большие надежды”, а также последующие главы произведения Гульбаданбегим “Хумоюннома”. Известный абхазский писатель Фазиль Искандер пишет на русском языке, однако, главной целью его творчества является изображение жизни абхазского народа, о чем мечтают и на что уповают земляки. В рассказе Фазиля Искандера “Сердце” (переводчик – Отаули) речь идет о том, что источники духовной энергии способны безгранично расширить возможности человека, анализ явления дан с большим художественным мастерством.


 Творческое наследие известного писателя Хорхе Луис Борхеса можно уподобить большой библиотеке. В рубрике “Рассказ в рассказе” представлено произведение “Встреча на берегу”. Беседа представителей двух поколений. Один из них – энергичный, правдивый и отчаянный, другой более опытный, однако, робкий и нерешительный, на самом деле, два собеседника являются одним человеком – в молодости и старости. Именно через образы молодости и старости автор с большим художественным мастерством изображает жизненные противоречия.


 В рубрике “Драматургия” вниманию читателя предлагается произведение известного мастера сатиры Бранислава Нушича “Доктор философии”. В нем под прицелом острия сатиры оказываются такие социальные пороки, как плагиат, скудость мысли, чиновничество, неумение отличать глубокое исследование от поверхностного подхода, которые являются препятствием на пути общественного прогресса и процветания науки, наносят урон авторитету интеллигенции. Материально вполне обеспеченный Живота Цвийович, живет по принципу “Не ум, а занимаемая должность открывают двери”, деньги для него являются единственным мерилем, человеческие достоинства он не ставит и в грош: “Совесть не такая уж редкость, чтобы так дорого заплатить”.


 Под новой рубрикой “Исследование перевода” анализируется роман “Павлай”, который печатался, в двух предыдущих номерах журнала. Переводчица Мактуба Муртазоходжаева в статье “Раны души” исследует самобытные грани произведения, рассуждает о жизненных основах трагических судеб героев, которые художественно, с глубоким психологизмом анализируются в романе.


RESUME


 The first month of spring is marked by the hundredth anniversary of famous daughter of the Uzbek people, favorite poetess Zulfiyahonim, this notable date was widely celebrated in all republic accordance with the decree of the President. People's Artist of Uzbekistan Munajat Yulchiyeva and diplomat Surat Mirqosimov write about unique features of personality of Zulfiyahonim.

 March's issue of the magazine is dedicated to original literature and culture of Bangladesh which are covered with myths and legends. You can read stories by such well-known Bengal writers as Ahtaruzzamon Ilyos, Ruqiyabegim and poems by Qozi Nazrul Islam, Jibanananda Das. You can also read the talk with Mosud Mannan, Ambassador Extraordinary and Plenipotentiary of Bangladesh People's Republic in Uzbekistan.

 Another part of "Great Hopes" novel by Charles Dickens and next chapters from "Humoyunnoma" by Gulbadanbegim are presented in "Prose". Famous Abkhazian writer Fozil Iskandar writes in Russian language, but he tries to show the life of the Abkhazian people. The story named "Heart" by Fozil Iskandar (translated by Otauli) is about the sources of spiritual energy which can widen possibilities of mankind. The analysis of this phenomena is given with a great artistic mastery.

 Well-known writer Horhe Luis Borhes's creative heritage is like a big library. Story named "Meating In the Shore" is presented in "Story About Story" column. It is a talk between representatives of two generations. One of them is vigorous, truthful and reckless, other is more more experienced, but shy and hesitant. In reality both of them are one man when he was young and old. Author expresses great vital contradiction so artistically by images of youth and old age.

 Well-known master of satire Branislav Nushich's "Doctofr of Philosophy" is presented in "Dramatic Art". Such social vices as plagiarism, scantiness, servility, lack of profound investigation and abundance of surface point of view are in the edge of satire in this work. They are obstacle in way of social progress and prosperity of science and they inflict loses on intellectuals' authority. Well provided Jivota Tsviyovich thinks that a post but not an intellect opens all doors. The only yardstick for him is money, human merits are nothing to him: "The conscience is not a rarity to pay a lot".

 The novel "Pavlai" which was published in two previous issues is the subject of discussion in a new "Research of Translation" column. Translator Maktuba Murtazoxodjaeva in her article "Wounds of Soul" investigates the original aspects of the work, reasons the cause of tragic fates of personages who was expressed by author in deeply psychological manner.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2015 йил март сони

Навбатчи муҳаррир: О.САФАРОВ
Техник муҳаррир, рассом: Д.ҲАМИДОВА
Мусаххих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 06.04.2015 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 4060 нусха. 3796 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “Shaḡq” НМАКда чоп этилди.
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2015 й.